ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Халқаро илмий анжуман материаллари



Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни

халқаро илмий анжуман материаллари

„O‘QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ — 2013

УЎК : 94(575)
КБК 63. 3(5Ў)4
3-12

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла Аъзамов, Баҳром Абдуҳалимов, Зокиржон Машрабов, Кароматхон Муллахўжаева, Рўзмат Сафаров, Саидбек Ҳасанов

Масъул муҳаррир:
Ваҳоб Раҳмонов

Таржимон:
Ғофуржон Сатимов

ISBN 978-9943-02-666-7

© «O'qituvchi» НМИУ, 2012- у.

АНЖУМАННИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасини бунёд этиш ҳамда бойитишда қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ҳам муносиб ўрни, бекиёс ҳиссаси бор. Узоқ тарихий жараён давомида халқимиз дунёга кўплаб ажойиб илм-фан, санъат ва адабиёт намояндаларини етказиб берган. Буюк аждодларимиз яратган илмий, бадиий, қомусий асарлар неча минг йиллардан буён турли халқлар томонидан мутолаа қилинмоқда, авайлаб, эъзозланиб, асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда, истеъдодли котиблар томонидан кўчирилиб, моҳир мусаввирлар, наққошларнинг мўйқалами билан зийнатланиб, ўнлаб тилларга таржима этилиб, инсоният тафаккурини бойитиб келмоқда.

Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, айни замонда моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби ҳам эди. Унинг илмий ва бадиий баркамол асарлари жаҳон маданияти тараққиётига қўшилган катта ҳиссадир.

Шунинг учун ҳам мазкур асарлар, хусусан, «Бобурнома» кўп асрлардан бери Шарқ ва Ғарб тарихчилари ҳамда бошқа фан соҳалари вакилларининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Шу жиҳатдан бобуршуносликда эришилган ютуқлар ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш нуқтаи назаридан халқаро анжуманнинг ўтказилиши муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Анжуманнинг халқаро миқёсда ўтказилишидан кўзда тутилган асосий мақсад – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижодий ва маънавий меросини ўрганиш натижалари билан яқиндан ўртоқлашиш, бу ютуқларни мамлакатимизда маънавиятни юксалтириш йўлида истифодага киритиш, Бобур ижодий меросини дунё миқёсида тарғиб қилишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга ана шу кўҳна ва бетакрор тарихимизни чуқур ўрганишга, ўзлигимизни англашга кенг имконият яратиб берди. Анжуманнинг халқаро доирада ўтказилиши бугунги кунда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аждодларимиз фаолияти ва бебаҳо меросининг ҳозирга қадар пинҳон ётган қирралари билан кенг жамоатчилик, халқимизни ошно этиш ва аждодларимизнинг буюк хизматларини тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишларнинг давоми ва узвий қисмидир.

Истиқлол халқаро алоқаларга кенг йўл очиб берганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бобур халқаро жамоат фонди Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича кўпгина хорижий давлатларга самарали экспедициялар уюштирди. Жумладан, Бобурнинг Машҳад музейида сақланаётган ва Бобур ихтиро қилган хат билан ёзилган Қуръони карим қўлёзма нусхасининг ватанимизга келтирилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Бобур асарлари тўплами қўлёзмасининг Теҳрон Миллий кутубхонасида сақланаётган ва ватанимизга келтирилган нусхаси ҳам Бобур меросини чуқуррок ўрганишга хизмат қилади.

Сўнгги тадқиқотлар натижасида бобурийлар яратган бой мероснинг бир қисми АҚШ Оҳайё штатидаги Санъат музейининг хазинасида сақланиб келаётгани ҳақидаги янги илмий ахборотлар ҳам анжуман кун тартибидан ўрин олган.

Халқимиз узоқ асрлардан буён кадрлаб келаётган мумтоз шоир ва аллома Бобурнинг ижоди айни замонда Марказий Осиё халқлари билан қўшни Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги қадимий тарихга эга бўлган муносабатларнинг узвий ҳалқаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг ижодий меросини бугунги кунда дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар қаторида афғон ва ҳинд, покистонлик ва бангладешлик олимлар ҳам қунт билан ўрганмоқдалар. Буюк ватандошимиз ҳақида мазкур мамлакатларда кўплаб илмий асарлар, қисса ва романлар, бадиий фильмлар яратилгани, музейлар барпо этилгани, айниқса диққатга сазовор. Бобуршунос олимларимиз диққат-эътиборига ҳавола этиладиган илмий маърузалар ана шу ишлар билан яқиндан танишиш имконини беради.

Айниқса, сўнгги йиллари Бобур қўлёзмаларини излаш борасида амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовордир. Бобурнинг шу кунгача ўзбек ва форс тилларидаги шеърларидан таркиб топган Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси, Тўпқопи сарой Ревонд кутубхонаси,

Ҳиндистондаги Рампур навоби кутубхонасида сақланиб келаётган қўлёзма девонлари нусхалари асосида Бобур шеърларининг мукаммал матни яратилмоқда. Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлёзма нусхалари топилиб, илмий истифодага киритилмоқда. Булар ҳақидаги ахборотлар билан фикр алмашиш анжуман олдига қўйилган асосий мақсадлардан биридир.

Бобур ижодида «Мубаййин» асари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу асарни ўрганиш ишлари истиқлолдан сўнг рўёбга чиқа бошлади. «Мубаййин» ислом дини асосларини баён этувчи йирик асар. Унда диний масалалар чуқур билимдонлик ва юксак бадиий маҳорат билан ёритилган. Ватанимиз ва хорижда кенг тарқалган бу асар қўлёзмалари ҳали етарлича ўрганилмаган, десак янглишмаган бўламиз. Бу асар бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар билан танишиш ҳам анжуман диққат марказида туради. Чунки бу асарни ҳар жиҳатдан ўрганиш, айниқса, ёш авлодни ислом дини моҳиятини англаш, диний экстремизм хавфидан сақлаб, баркамол инсон қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ҳозир дунё қўлёзмалар фондида Бобур ва бобурийларга оид бир неча мингдан зиёд асарлар жамланган. Ҳозирги кунгача тўпланган бу ноёб асарлар ҳозирги замон адабий жараёнини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ана шу меросни бобуршунос олимлар тадқиқ қилиши, илмий муомалага киритиши, қўлёзма ва тошбосма китобларнинг каталогини тузиш ва топилган ҳужжатларни дастлабки ишловдан ўтказиш, илмий тавсифини тузиш, алоҳида асарларни нашр қилиш, илм ва халқ хизматига қўйиш ҳамда келажак авлодлар учун етказиш муаммолари бобуршунос олимларнинг эътиборига ҳавола қилинади.

Шу боис анжуманнинг асосий вазифаларидан бири мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни халқ маънавий қадриятлари ва миллий ўзлигини тиклаш, маърифат, фан, маданият ва бошқа соҳалардаги ютуқларни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини, Бобур шахсиятининг юксак даражада эъзозланаётганини намойиш қилишдан иборатдир.

Жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган минглаб ижодкорларимизнинг башарият тарихида тутган ўрнини бобуршунос олимлар ютуғи орқали намойиш қилиш сиёсий, илмий ва тарбиявий аҳамиятга молик тадбирлардан биридир. Чунки, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимиздаги туб ислоҳотлар

адабиётда хам бир катор сифат ўзгаришларини юзага келтирди. Анжуман натижалари тарихий ўтмишни бадиий мужассамлаштиришга қаратилган янги асарлар майдонга келишига, уларнинг моҳиятини айниқса ёш авлод онгига сингдириш орқали халқимизнинг ўзлигини англашга, ўзининг миллий қадриятларини тиклашга ва янги авлодга етказиб беришга хизмат қилади.

Анжуман илмий якунлари асосида бобуршунослик олдида турган, ижодкорнинг бой меросининг хали ўрганилмаган қирраларини тадқиқот доирасига киритиш бўйича аник илмий-амалий вазифалар белгилаб олинади.

Бобур хаёти ва ижодини тўлалигича ёритиш, «Бобурнома»нинг жахоншумул энциклопедик асар эканлиги, Бобурнинг буюк шоирлигини кўрсатиш, ижодкорнинг фикх, адабиётшунослик ва тилшунослик фанларини ривожлантиришдаги хиссаси, илм-фан ва маданият хомийси сифатидаги фаолиятини чуқур очиб бериш, шу билан бир каторда истиқлол туфайли унинг бой мероси халқимизнинг маънавий бойлигига айланаётгани, Бобур сиймоси улуғланиб, бебахо мероси хаққоний ўрганилаётгани билан кенг жамоатчиликни таништириш анжуманнинг илмий-амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Зокиржон Машрабов,
Бобур халқаро жамоат фонди,
геол.-мин.ф.н.

БОБУР ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ ВА БОБУРШУНОСЛИК

(Бугуни ва истиқболи)

Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан таъсис этилган (1992 йил, февраль) Бобур халқаро жамоат фонди тарихимиз зарварақларини тиклаш, маънавиятимизни янада юксалтириш, заминимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз хотираларини абадийлаштириш, улар қолдирган бой илмий-маданий мерос намуналарини излаб топиб, Ватанга олиб келиш ва илмий истеъмолга киритиш каби хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Фондимиз фаолияти кўп тармоқли бўлиб, бугун биз «Фонд ва бобуршунослик» хусусида сўз юритмоқчимиз.

Биринчидан, амалий-меъморий «Бобуршунослик» бўйича Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасида 1992 йил ташкил қилинган Бобур боғида, истироҳат боғларига қўйиладиган анъанавий ва замонавий талаблар асосида, ободонлаштирилиш, кўкаламзорлаштирилиш каби бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Ундаги Заҳириддин Муҳаммад Бобурга қўйилган ҳайкал, «Бобур ва жаҳон маданияти» ва «Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи» музейлари, шоирнинг қабр-мақбараси комплекс бинолари, маънавият маркази, обсерваториянинг бунёд этилиши Бобур сиймоси ва шаънини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бобур боғида ҳар йили Бобур таваллуди куни илмий-амалий конференция ва маданий ҳордиқ чиқариш концертлари мунтазам ўтказилади. Ҳар 5 йилда Бобурга бағишланган халқаро анжуманлар ўтказилиб келинмоқда.

Бобур номидаги халқаро илмий экспедицияси фонд таъсис этилган кундан ҳозиргача 20 маротаба чет элга сафарлар уюштириб, дунёнинг 40 дан зиёд давлатларида бўлиб, университет, музей, кутубхона, илмий марказлар

ва шахсий коллекцияларда бўлишиб, Темур ва темурийлар, Бобур ва бобурийлар асарлари ва улар хақидаги 20 дан зиёд тиллардаги китоб ва қўлёзма асарлар Ўзбекистонга олиб келиниб, Андижондаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига топширилди ва илмий истеъмолга киритилмоқда.

– «Хатти Бобурий» билан битилган Қуръони каримнинг Машҳад шаҳридаги Имом Ризо мажмуасида сақланаётган нусхаси, Бобур кулиётининг Теҳрон шаҳрининг Гулистон музейида сақланаётган нусхаси, «Бобурнома»нинг 1857 йилги Қозон нашри (Николай Ильминский), «Бобурнома»нинг «Саларжанг» музейида сақланаётган Ҳайдаробод нусхаси ва бошқалар;

– чет элларда Темур ва темурийлар, Бобур ва бобурийлар ҳақида ёзилган китоблар: Анна Флора Стиль «Тож кийган дарвеш», Вильям Рашбрук «Ўн олтинчи аср бунёдкори», Фритц Вюртле «Бобур – йўлбарс», Румер Годен «Гулбадан», Харольд Ламб «Бобур – йўлбарс», А.Коргар «Темурийлар», У.Эрскин «Эрон ва Бобур», Хондамир «Ҳабиб ус-сияр», «Ҳумоюн Эронда». «Ҳумоюннома», «Тарихи Рашидий», «Тарихи Ҳассан», «Меҳри Нимрўз», «Тарихи фаришта», «Тарихи алфи», «Тузуки Жаҳонгири» ва бошқалар.

Ушбу 400 дан ортик чет эллардан келтирилган асарлар Ўзбекистонда бобуршуносликнинг янада ривожланишига асос бўлиб, уларнинг энг муҳимлари илмий истеъмолга мунтазам жалб этилмоқда: олимлар, улар устида ишлаб илмий тадқикотлар яратишмоқда, ўзбек тилига ўгирилиб, китобхонларга етказилмоқда.

Бобур халкаро фондининг чет элларда жамоатчилик асосида бўлимлари таъсис этилган бўлиб, булар оркали шу мамлакатларда Бобур ва бобурийлар асарларининг таржималари, янги асарлар нашрлари ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлмоқдамиз.

Ўзбекистон ва жаҳон бобуршуносларидан 20 киши халқаро Бобур мукофотига сазовор бўлдилар. Булар академик Азиз Қаюмов, профессорлар Саидбек Ҳасанов, Абдулла Аъзамов, чет эллик олимлардан япониялик Эйжи Мано, мисрлик Мажда Махлуф хоним, хиндистонлик Қамар Раис, озарбайжонлик Рамиз Аскер, афғонистонлик Шафика Ёркин ва бошқалар.

Бобур фонди ўзбекистонлик олимларни Бобур ва бобурийлар ҳақида илмий тадқикотлар яратишга даъват килиб, фонд белгиси билан Сайфиддин Жалиловнинг «Бобур ва Юлий Цезарь», «Бобур ҳақида ўйлар» китоблари, Азиз Қаюмовнинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» ва Саидбек Ҳасанов билан «Бобур ижодиёти» монографиялари, Комрон Мирзо «Дево-

ни» илмий матни ва нашри, Шоҳ Ғариб Мирзо девони, «Бобурнома»нинг мукаммал нашри (Саидбек Ҳасанов), «Бобурнома» миниатюралари, Ансориддин Иброҳимовнинг «Бобурнома – буюк асар», «Бобур ижодидаги ҳиндча сўзлар» монографияси, «Бобурнома»нинг кискача изоҳли луғати» (Фатҳиддин Исҳоқов), З.Машрабов ва С.Шокаримовларнинг «Асрларни бўйлаган Бобур», Бобурнинг «Ғарибинг андижонийдур» девони, Муъжизийнинг «Мусиқа тарихи», «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий»нинг рус тилидаги тузатилган ва тўлдирилган нашрлари амалга оширилди.

Хайриддин Султонов «Бобурийнома», Қамчибек Кенжа «Ҳинд сориға», «Буюклар изидан», «Андижондан Даккагача», «Андижондан Боғдодгача», «Бобурийлардан бири» сафарнома-романларини яратдилар.

Юқорида қайд этилган ва назарда тутилган илмий-амалий изланишлар туфайли XIX асрда Ғарбий Европада пайдо бўлган бобуршунослик бугунга келиб, Ўзбекистонда ҳам «Бобур энциклопедияси»ни яратилиш даражасигача ўсди. Фондимиз қошида Тошкент шаҳрида профессор Абдулла Аъзамов раҳбарлигида тузилган Бобуршунослик маркази томонидан «Бобур энциклопедияси»ни, «Ҳабиб ус-сияр», «Бобур – йўлбарс» каби ноёб асарларни нашрдан чиқарилиши Бобур Мирзонинг 530 йиллик юбилейига арзигулик совға бўлиб, бизнинг фикримизча, ушбу асарлар яқин вақтлар ичида бошқа хорижий тилларга ҳам таржима қилинади.

Юқоридаги жаҳон ва Ўзбекистондаги илмий ютукларни назарда тутган ҳолда Бобур юртида «Бобур энциклопедияси»нинг яратилишини бобуршуносликнинг навбатдаги йирик ютуғи деб айтиш мумкин.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан Олий Мажлис Кенгашининг 2-53-сонли «Буюк аждодларимизнинг Ўзбекистон худудидан ташқарида дафн этилган жойларини аниқлаш ва ободонлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан фондимиз фаолияти маъқулланган. Ушбу қарорни бажариш мақсадида Навоийнинг устози, ўзбек мумтоз шоири Мавлоно Лутфий қабр-мақабаралари Ҳирот шаҳри якинидаги Деҳи Канорда топилиб, қайтадан бунёд этилди. Ҳозиргача мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида дафн этилган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Ҳайдар Мирзо, Али Қушчи, Султон Ҳусайн Бойқаро, Бобораҳим Машраб, Камолиддин Беҳзод ва бошқа буюкларни харобага айланган қабр-мақбаралари аниқланди, ободонлаштириш бўйича лойиҳалаш ишлари олиб борилиб, маҳаллий ҳокимиятлар билан уларни қайтадан қуриш юзасидан дастлабки музокаралар амалга оширилди.

Бобур халқаро жамоат фондининг ташаббуси ва хомийлигида ЎзФА Археология институти билан 20 йил давомида олиб борилган илмий-археологик тадқиқотлар Бобур Мирзо туғилган кўҳна Андижон шаҳрини шаҳарсозлик маданияти тарихини 2500 йиллигини неботловчи ашёвий топилмалар билан якунланиши андижонликлар учун жуда қувончли ҳодиса бўлди.

Тарих фанлари доктори Боқижон Матбобоев бошчилигида «Древний и средневековый Андижан» китобининг эълон қилиниши ва «Андижонни қадимий ва ўрта аср тарихи» номли янги китобини нашрга топширилиши Бобур халқаро жамоат фондининг ва ЎзФА археология институтининг кўп йиллик меҳнатини янгиликларга бой қувончли самараси бўлди.

Охирги йилларда Бобур халқаро илмий экспедицияси сафарлари йўналишида Россиянинг Челябинск шаҳрининг Варна районидаги XIV асрда Сохибқирон Амир Темур томонидан қизи учун қурилган мақбаранинг топилиши, мўғуллар боскинидан Россияни озод қилишдаги улкан ҳарбий қароргоҳини Сох ва Кондурча дарёлари соҳилидан, ашёвий далиллар билан, шунингдек, Зарафшон дарёсини юқори қисми соҳилларида Бобур Мирзо томонидан ёзиб қолдирилган яна тўртта тошбитикларнинг топилиши экспедициямиз аъзоларини олиб бораётган илмий изланишлари самарасидир.

Халқаро экспедициялар ўз фаолияти давомида ўзлари бўлган жойларда Темур ва темурийлар, Бобур ва бобурийлар, буюк аждодларимизга алоқадор қадамжоларда бўлиб, 25 дан ортиқ видеофильмлар яратишди. Улар мунтазам марказий ва вилоят телевидениелари орқали оммага намойиш этилмоқда. «Ҳирот сафари», «Сохибқирон изидан», «Бобур тошбитиклари» видеофильмларини эслаш жоиз.

Истиқболдаги вазифалари – «Бобур энциклопедияси» устида ишлаш жараёнида Бобур асарлари: девон, «Бобурнома», «Мубаййин», «Мухтасар» ва «Волидия» таржимасида хали матн нуқсонлари борлиги аниқланганини инобатга олиб, сахих нусхаларини яратиш, Бобурнинг «Тўла асарлар тўплами»ни нашр этишдан иборат.

Шунингдек, Бобурнинг топилмаган «Қофия илми», «Асрори мусиқий», «Ҳарб иши» асарлари ва «Бобурнома»нинг йўқолган қисмларини излашни давом эттириш жаҳон бобуршунослари олдидаги муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз.

Эйжи Мано,
(Япония), профессор

XV–XVI АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲУКМДОРЛАРИНИНГ РАИЯТ БИЛАН УЧРАШИШ МАРОСИМЛАРИ

Хитой ва Эрон сингари қадимдан ўз тамаддунига эга бўлган мамлакатларда мамлакат ҳукмдори ва раият орасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли хил маросимлар ва удумлар йўлга қўйилган эди.

Ҳукмдор билан раият ўртасидаги муносабатлар маълум тартибда ўрнатилган маросимлар, масалан, тож кийиш маросими (коронация, инагурация) ва раиятни қабул қилиш маросимларида кўзда тутилган. Бу маросимлар мамлакат ҳудудида ижтимоий тартибни ўрнатиш ва уни яхшилаш ишида муҳим омил ҳисобланган. Бироқ бу маросимлар аҳолиси ўтроқ бўлган мамлакатларда кўпроқ кузатилар эди, бу ҳудуддаги кўчманчи мўғуллар ва темурийлар давлатида ўтказилган маросимлар киши эътиборини ўзига тортади.

Ушбу маъруза муаллифнинг XV–XVI асрларда Марказий Осиёда ҳукмдорлик қилган хонлар билан улар қўл остидаги омма билан бўлган узвий алоқалар қай тарзда амалга оширилишини ўрганишларининг биринчи қисмидир. Бу борада муаллиф «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» асарларига таянган ҳолда иш олиб бормоқда.

XV–XVI асрларда Марказий Осиёда ҳукмдорнинг раият билан учрашуви маросимлари қаттиқ тартибда, тенг ҳуқуқийлик тамойилига таянган ҳолда ўтказилар эди. Маросимлар ҳукмдор саҳнада пайдо бўлганда раиятнинг унга ҳурмат юзасидан тиз чўкиб таъзим қилиши, саломлашиш, отда халқ олдида кўриниш бериш, ўтириш ва тик туриш ҳолатларида ўтказилар эди.

Тиз чўкиш маросими муҳим тадбирлардан бири бўлиб, унда омма ҳукмдор кўз олдида пайдо бўлиши билан раият бир, уч ва ҳатто тўққиз мартагача ҳукмдор олдида унга ўз ҳурматини билдириш учун тиз чўкиши лозим эди.

Тенг ҳуқуқ ва мақомдаги ҳукмдорлар учрашувида эса маросимда ҳам аввало тиз чўкиб таъзим қилиш маросими бажарилади, ана шундан кейингина улар аввалдан тайёрлаб қўйилган жойда қучоқ очиб кўришадилар. Маросимда ўтириш тартиби, дастурхонга таклиф қилиш тартиби ва зиёфатларда ўзини тутиш тартиби ҳақида кейинги маърузаларда сўз юритилади.

Азиз Қаюмов,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт музейи, ф.ф.д.,
академик

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БОБУР ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ ИЛК ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ

(1930–1958)

Бобур ижодиётининг Ўзбекистондаги тадқиқотчиларини ишни янгидан бошловчилар бўлганлар, десак хато бўлмайди.

1930 йили М.Бузрук ўзининг «Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш» китобида Бобур таржимаи ҳолига дахлдор «Олтин бешик» қиссаси тўғрисида сўз юритади, ҳатто XIX аср ўзбек адабиётининг бир бўлаги бўлмиш ўша даврдаги Қўқон адабий муҳитини «Олтин бешик» даври адабиёти деб атайди. Бу масала ҳамон турли зиддиятли фикрларни туғдириб келмоқда.

«Бобурнома»нинг ўзбек тилидаги биринчи нашрини Ўзбекистонда амалга ошириш билан Содиқ Мирзаев, Порсо Шамсиев ва Яҳё Ғуломов шуғулландилар.

Бобурнинг айрим шеърлари ўқув дастурига киритилиб, ўзбек ўрта мактабларида 1940 йилдан ўқитила бошлади.

«Бобурнома»нинг баъзи бўлаклари ва Бобурнинг шеърлари Олим Шарафиддинов томонидан унинг «Ўзбек адабиёти тарихи» хрестоматиясига киритилди. Бу китоб Бобур ижодини оммалаштирашда муҳим ўрин тутди (1948 й).

Ўзбек олимларидан В.Й.Зоҳидов ва Ҳ.И.Ёқубов Бобур ижодий меросини тадқиқ этиш бўйича махсус асарлар ёзиб эълон қилганлар. Улар ҳамон ўзининг илмий қимматини тўла сақлаб келади.

Н.М.Маллаев ўрта ва олий мактаблар учун ёзган ўзининг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарсликларида Бобур ҳақида жуда фойдали тадқиқотлар қилган.

С.А.Азимжонова Фарғона тарихига оид илмий асарида (1999 й.) Умаршайх Мирзо ва унинг ўғли Бобур Мирзо тўғрисида мазмундор фикрлар изҳор этган.

Бобур шеърлари 1942 йили Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкентда рус тилида босилиб чиқди (таржимон: Л.Пеньковский, сўзбоши муаллифи Е.Э.Бертельс).

Бобур ижодининг тадқиқотчилари кўпинча турли ташкилий қийинчиликларга учраб келганлар. Буларга 1958 йили Бобур ватани Андижон шаҳрида ўтказилган илмий сессия бир оз фурсат чек қўйган эди. Бу сессия Бобурнинг туғилганига 475 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган. Унинг ишига академиклар И.М.Мўминов, В.Й.Зоҳидов ва Я.Ғ.Ғуломов бошчилик қилганлар. Бу сессия ишида Ўз КП МК Фан ва ўқув юртлари бўлимининг бошлиги Ғ.С.Султонов ва ЎзКП Андижон обкомининг биринчи секретари Р.К.Қурбонов иштирок этишган.

Илмий сессия Бобур ижодий меросини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш бўйича вазифаларни аниқлаб чиқди. Сессия кунлари ЎзФА нашриёти Бобур девонини ўзбек тилида нашр этган эди. Нашрга тайёрловчилар ва сўзбоши муаллифлари С.Азимжонова, А.Қаюмов. Унда ғазаллар алифбе тартибида терилган ва шеърлар тўплами девон ҳолига келтирилган эди. Кейинчалик бу девон рус тилида ҳам босилиб чиқди. Ўша сессиядан кейин «Бобурнома»нинг ўзбек ва рус тилларидаги нашрлари амалга оширилди.

Аммо бобуршунослик барибир айрим қаршиликларга дуч келаверди.

Ўзбекистонда Бобур ижодий меросини кенг кўламда тадқиқ этиш ва оммалаштириш Ўзбекистон мустақиллиги йилларида авж олиб кетди. Бу масалада Бобур халқаро фонди (бошлиғи Зокиржон Машрабов)нинг самарали ишлари алоҳида ўрин тутади.

Бобуршуносликнинг ҳозирги тараққиёти барчамизни қувонтирди. Унга янги улкан ютуқлар тилаймиз.

Айни замонда XX аср ўрталарида ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан бу соҳада хизмат қилган илк тадқиқотчиларни ҳам чуқур эъзоз билан ёдда тутмоғимиз керак.

Клаус Шониг,
Туркология институти (Германия),
профессор

«БОБУРНОМА» – БЕТАКРОР АСАР

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хотираномаси туркийда ёзилган тарихий асарлар ичида энг бетакрор асаргина эмас, балки мукаммал тизимдаги халқ тилида ёзилган катта ҳажмдаги асардир. Асарда ўша даврга тегишли

бўлган тарихий маълумотларни баён қилиб беришдан ташқари муаллифнинг ҳис-ҳаяжони ва унинг ички кечинмаларини ҳам ўқувчига тўла етказиб беради. Муаллиф ҳам туркийда, ҳам форсийда эркин фикрлайди. У ўз юртида ислом руҳида тарбия топган шахс. Шундай экан, ушбу асардан ўша давр тили бўлмиш чиғатой тили ҳақида жуда кўп маълумот топиш мумкин. Масалан, мен ўзим ҳам тадқиқотларим учун зарур бўлган матн лингвистикаси, феълларнинг шахс формалари, ёрдамчи феъллар ҳақида маълумотлар олиб феълларнинг шахссиз шакллари ҳосил қиладиган кесим хусусиятлари ҳақидаги тадқиқотимда фойдаландим.

Бундан ташқари, «Бобурнома»дан сиёсий ва ижтимоий тарих соҳасига, эркак ва аёллар муносабатларига оид, моддий маданият ва унинг техник жиҳатлари, ижтимоий ҳулқ маданияти, қариндошлик муносабатлари, тил, дин, адабиёт, тиббиёт, ҳарбий ҳаракатлар ва жанг усуллари, демография масалалари, географияга оид маълумотлар, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, йўл қурилиши ва суғориш ишлари, шаҳарсозлик ва калъадорлик ҳақида, ошхона таомлари, спорт ўйинлари, шеърият, мусиқа ва бошқа соҳаларга тааллуқли муҳим аҳамиятга молик маълумотларни топиш мумкин. Бу маълумотлар нафақат Ғарбий Туркистон учун, балки Афғонистон ва Покистон каби мамлакатларга ҳам тегишлидир.

Кейинги йилларда бу асарда кўтарилган масалалар дунё тадқиқотчиларининг диққат марказидан ўрин олмоқда ва бу фаолият олимлар томонидан бир тизим сифатида кузатилиши ва бир марказдан бошқарилиши лозим. Шу муносабат билан кейинги йилларда Бобур ва бобурийлар тарихий ва адабий асарлари меросини ўрганиш кенг миқёсда олиб борилаётганини эътиборга олиб Тошкентни «Бобур меросини ўрганиш маркази» деб эълон қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Магда Махлуф,
Айн Шамс университети,
(Миср) профессор

БОБУРШОҲ АРАБЛАР ҲАЁТИДА

Ушбу маърузада араб тилида ёзилган илмий ва тарихий манбаларда Бобуршох ва унинг араблар ҳаётида тутган ўрни ҳақида ёзилган маълумотлар борасида фикр юритилади. Бобуршоҳнинг араб маданиятида, қолаверса, ис-

лом тарихида унинг қай тарзда акс эттирилгани ҳақида мулоҳаза қилинади. Бундан ташқари унинг сиёсат ва адабиётдаги қарашлари араб адабиётида қай тарзда ўз аксини топгани талқин қилинади.

Шу билан бир қаторда ушбу маърузанинг диққат марказида «Бобурнома»нинг араб тилига қилинган таржимаси ва унинг араб маданияти учун бўлган аҳамияти, шунингдек, ушбу асарга нисбатан билдирилган фикрларни янгилашга қаратилган маълумотларни ўз ичига олган.

Хумера Наз,
Карачи университети,
(Покистон)

ҲИНДИСТОН БОБУР НАЗАРИДА: БОБУР ХОТИРАЛАРИГА ТАНҚИДИЙ НАЗАР

Ушбу маърузада Осиё тарихининг бир қисми ҳақиқатан ҳам рўй-рост талқин қилинган асар «Бобурнома» номи билан танилган «Тузуки Бобурия»нинг аҳамиятини кўрсатиб бериш мақсад қилиб қўйилган. Унинг муаллифи ниҳоятда синчков олим одам бўлиб ўз замондошлари ва атрофидаги кишиларнинг юриш-туриши, кийинишлари, хатти-ҳаракатлари ва интилишларини худди ойнада акс этгандек, маҳорат билан тасвирлаб беради. Хотиранома-да келтирилган шахслар, уларнинг ташқи қиёфаси, таъб ва одатлари шунчалик аниқлик ва ҳаққонийлик билан тасвирлаб берилганки, уни ўқиган киши гўё улар билан бирга яшаётгандек ва уларни шахсан танийдигандек туюлади. Бобур ўзи бўлган мамлакатларда, уларнинг манзараси, иқлими, ишлаб чиқариш усуллари, санъат ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг тасвирини шунчалик маҳорат билан берганки, уларни ҳозирги замон сайёҳларининг тасвиридан топиш мушкул.

Ушбу маърузада «Бобурнома»га XVI аср бошларидаги Ҳиндистон тарихи ва ундаги аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаётини ҳаққоний тасвирлаган ишончли манба сифатида қаралиб, унинг кириш қисми ва асосий қисмида баён этилган воқеа-ҳодисалар шарҳи билан таништирамиз. Муаллиф ўз асарини салмоқли ва сермазмун воқеалар билан бойитибгина қолмай, воқеа-ҳодисаларни маромли ва тушунарли, ҳақиқий туркий услубда баён қилган.

Бу эса ўқувчиларни қувонтиради ва ҳавас билан қайта-қайта ўқишга ундайди. Биз ўша давр учун характерли бўлган адабий услуб ва асарда унинг қўлланилишига, унда муаллифнинг ўзига хос услублардан фойдаланган жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритамиз. Маърузада Мовароуннаҳр, Кобул, Қандаҳор ва Ҳиндистондаги ижтимоий ҳаёт ва улардаги қадриятлар ҳамда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси баёнига алоҳида эътибор билан қараймиз.

Ишнинг хулоса қисмида эса, бобурийлар Ҳиндистонида яратилган хотираноманинг яратилиш услуби ва унда қўлланилган тамойиллар, уларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш ҳақида фикр юритилади.

А.Аъзамов, О.Бўриев, О.Жўрабоев,
Б.Йўлдошев, В.Раҳмонов, Қ.Эргашев

«БОБУР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

1. «Бобур энциклопедияси» нашр турига кўра тарихий шахс ҳақидаги қомусий маълумотнома бўлиши лозим. Ҳозиргача нашр этилган 10 дан зиёд бундай энциклопедиялар маълум. Улар асосан адабиёт намояндаларига (Данте, Шекспир, Гёте, Шиллер, Лермонтов, Абай, Бетховен – XX асрда; Пушкин, Булгаков, Диккенс ва б. – XXI асрда) бағишланган, Булгаков, Хлебников, Абдулла Тўқай энциклопедиялари устида иш бошланган. Булардан ташқари интернетда бир қатор электрон энциклопедиялар мавжуд. (Умуман энциклопедиялар, шу жумладан, шахсга бағишланганларининг тарихи, услубияти ва ҳозир кўплаб нашр этила бошлаган шахс энциклопедияларининг қиёсий таҳлили ва илмийлик нуқтаи назаридан танқиди Н.Н.Малофееванинг «Литературная персональная энциклопедия как разновидность литературной энциклопедии. Критерии редакторской оценки» мавзусидаги кандидатлик диссертациясида батафсил ёритилган. Москва, 2002 й.)

«Бобур энциклопедияси»ни нашр этишда бу тажрибага қай даражадир таянилиши табиий.

2. Бобурнинг шахсияти ва ижодий мероси, Бобур даврининг тарихи ва сиёсий-ижтимоий-маданий ҳаёти шу қадар кенг кўламлики, «Бобур эн-

циклопедияси» амалда универсал энциклопедия табиатига эга бўлади. «Бобурнома»даги тарихий воқеалар, тарихий шахслар, сиёсатшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, этнография, жуғрофия, ботаника ва зоология, агрономия, архитектура ва б. фан соҳасига оид билимлар, «Аруз» рисоласидаги эстетика, адабиётшунослик ва адабиёт тарихига доир масалалар, «Мубаййин»да акс этган диншунослик ва ахлоқ билан боғлиқ, «Волидия» рисоласидаги тасаввуфий тушунчалар «Бобур энциклопедияси» ҳатто анъанавий универсал энциклопедиялардан ҳам универсалроқ бўлишини тақозо этади.

3. Энциклопедия сўзлик тузишдан бошланиши маълум. Сўзлик бўлғуси энциклопедиянинг кўламини – қайси мавзулар унда акс эттирилиши, қайси мавзулар эса четда қолдирилиши лозимлигини белгилаб беради. Бу иш билан шуғулланган дастлабки гуруҳ томонидан «Бобурнома»нинг Эйжи Мано нашрига илова қилинган шахслар, жойлар, этнография, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид сўзлар, ношир С.Ҳасанов томонидан «Аруз» рисоласига илова қилган шахслар ва истилоҳлар кўрсаткичлари асос қилиб олинган, қисман илоҳиёт, тасаввуф, бадиий санъатларга оид ҳамда ҳозирги бобуршунослик ҳақидаги маълумотлар қўшилган. Сўзликнинг дастлабки вариантида, бир томондан, юқорида зикр этилган кўрсаткичлардан ташқаридан қолган кўплаб тушунчалар четда қолган, хориждаги бобуршунослик ҳам етарлича ёритилмаган. Иккинчи томондан, бевосита Бобур ҳаёти ва мероси билан боғлиқ бўлмаган, балки бобурийлар сулоласига тааллуқли талай мақолаларни бериш кўзда тутилган эди. Албатта, «Бобур энциклопедияси»ни «Бобур ва бобурийлар энциклопедияси»га айлантириш бағоят улуғ иш бўлар эди. Аммо бундай тадбирнинг ҳажми, айниқса имкониятларимиз чеклангани, уни амалга ошириш бир неча йил муддат ва кенг кўламдаги халқаро ҳамкорликни талаб этишини назарда тутиб, бу йўналишда фақат Бобурнинг авлодлари ва бобурийлар билан боғлиқ архитектура иншоотлари ҳақидаги қисқа маълумотларни киритиш билан чекланилди. Таҳририят мана шу тамойилдан четда қолган мақолалар муаллифларидан узр сўрайди. Хорижда бобуршуносликни қамраб олиш масаласига келсак, уни фақат қисман ҳал этишга муваффақ бўлинди. Хорижлик бобуршуносларга қилинган мурожаатга проф. Эйжи Мано, доктор Ҳалим Ёркин, доктор Билол Южел ижобий муносабатда бўлгани ҳолда мурожаатлар кўпинча жавобсиз қолди.

4. Муаллифлар контингентини шакллантириш ҳам муайян қийинчиликлар туғдирди. Бобур даври адабиёти ва тарихи, манбашунослик бўйича

малакали мутахассислар етарли бўлгани холда, этнография масалаларини ёритиш, жой номларини идентификация килиш, муомаладан чиқиб кетган истилохларни изохлаш каби йўналишларда етишмовчилик сезилди.

5. Манбалар муаммоси кисман хал этилди – жахон кутубхоналари ва фондларида мавжуд манбаларни тўлиқ қамраш имкони бўлмади, хатто Бобур асарларининг қўлёзмаларининг электрон нусхасини олиш хам мураккаб масала бўлиб чикди.

6. Комус услубиёти жахон тажрибасида пухта ишлаб чиқилганига қарамай, «Бобур энциклопедияси» мақолаларини нашрга тайёрлашда кўпинча ана шу услубиётдан четлашишга тўғри келди. Мисол учун, «Бобурнома»да бир ўриндагина тилга олинган шахс ёки жой хақида бошқа маълумот топилмаган тақдирда, фақат Бобур келтирган маълумот билан чекланишга мажбур бўлинди. Энциклопедия маколасининг хажми мавзунинг салмоғига пропорционал бўлиши лозим ва бу принципга амал қилишга интилдик. Аммо бирмунча ўринларда бунинг имкони бўлмади. Мисол учун, Ҳожи Мавлонойи Кози билан Ахмад Танбалнинг шахсияти, Бобур тақдирида ўйнаган ролига кўра улар хақида йирик мақолалар берилиши лозим эди, аммо қисқа мақола билан чекланишга мажбур бўлинди.

7. Маколаларга сарлавҳа қўйишда хам бир қатор муаммоларга дуч келинди. Булардан бири – мақола тушунчанинг тарихий номи остидами ёки бугунги номи остида бериш масаласи. Топонимларда имкон борича хозирги ўзбек тилидаги ёки ўзбекча талаффузга якин варианти берилди, тарихий номи хам тегишли ўринда келтирилиб, хавола қилинди. Масалан, **Дизак** – қ. *Жиззах*. Шахслар хақидаги маколалар машхур кишилар учун бир ё икки, бошқа холларда кўпи билан уч сўзли, айрим холатларда тўрт сўзли сарлавҳалар билан берилди. Мас., Бобур, Амир Темур, Шохрух, Султон Ахмад Мирзо, Султон Ахмадхон.

8. Анъанавий энциклопедиялардан фаркли айрим сифат ва феъл туркумига мансуб тушунчаларга хам мақола берилди. Масалан, ‘балдағламоқ’, ‘андижоний’. Шунингдек, бир неча мақола дефинициясиз берилди. Шунингдек, фақат соф илмий мақолалар билан чекланиш Бобур шахсияти ва тарихдаги ролини адекват ёритиш учун етарли эмас, деган мулоҳазадан келиб чикиб, бадиа ва иловалар хам киритилди. Мас., «Карнон воқеаси», Абдулла Ориповнинг «Бобур» шеъри.

9. «Бобур энциклопедияси»ни тайёрлашдаги ўта мураккаб муаммо бу – полисемия, яъни сўзларнинг кўпмаънолиги бўлди. «Бобурнома»да айнан

бир сўз бир неча маънода қўлланган ҳоллар кўп, ҳатто динамик полисемия ҳодисаси кузатилади – тарихий жараёнлар давомида сўз маъноси ўзгариб боради. Мисол учун, «мўғул» сўзи уч-тўрт маънода қўлланган, «мир» сўзи бир ўринда амир маъносида, бир ўринда нисба, яна бир ўринда эса исм маъносида келган ва ҳ.к. Бу муаммони ҳал этиш бир неча йиллик чуқур илмий тадқиқот, ҳатто махсус илмий конференция талаб этадиган муаммодир. Энциклопедияни нашрга тайёрлаш жараёнида имконга қараб иш тутилди.

10. Иллюстрациялар масаласи ҳам имкон даражасида ҳал этилди. Мисол учун, проф. К.Тойжонов туфайли ўсимликлар ҳақидаги мақолаларга етарлича расм берилди, аммо Бобур давридаги қурол-яроғлар иллюстрацияси масаласи қисман ҳал этилди, холос.

11. Библиография асосан ўзбек китобхонига мўлжалланди ва фақат китоблар, асосан тарихий манбалар ва илмий рисолалар билан чекланилди, илмий мақолалар ва оммабоп нашрларни кўрсатиш лозим топилмади.

12. Ўзлаштирилган сўзларнинг этимологияси, бошқа тилларга мансуб сўзларнинг ёзилиши иловага ўтказилди. (Тайёрловчилар: Б.Йўлдошев, Ш.Рустамхўжаев.)

13. Тарихий-сиёсий йўналишдаги энциклопедияни нашрга тайёрлашдаги энг муҳим, айни пайтда энг оғир муаммо – бериладиган маълумотларнинг илмий нуқтаи назардан холис ва шубҳасизлигидир. Таҳририят тарихий ҳақиқатни ривоятдан, илмий фактни тўқимадан ажратиш масаласини ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва шу йўналишда имкон борича ҳаракат қилди. Аммо бунга қай даражада эришилгани тўғрисида хулоса қилишга эрта.

14. Яна бир нозик муаммо бу – энциклопедия нашрида маҳаллий шарт-шароит, миллий хусусиятларни ҳисобга олиш. Бир қарашда энг осон йўл – соф илмий нуқтаи назарга таяниб иш тутиш (мисол учун, Шекспир ва Гёте энциклопедияларида шу принципга амал қилинган). Балки «Бобур энциклопедияси» бошқа тилларда нашр этилса, унга тўлиқ амал қилинар.

Иккинчи радикал йўл – энциклопедияни илмий, ярим илмий, публицистик мақолалар ва бадиий ҳикоялар тўпламига айлантириш. Сўнги йилларда чоп этилаётган бир қатор энциклопедияларда шу йўлдан борилганки, биз буни ўзимизга номуносиб деб ҳисобладик. «Бобур энциклопедияси»ни тайёрлашда шартли равишда 99 фоиз илмийлик принципига амал қилинган бўлса, 1 % маҳаллий менталитетни ҳисобга олиб иш тутилди. Жумладан, «Бобурнома»даги ўрта асрлар учун табиий бўлган, аммо бугунги кун нуқтаи назаридан ўта қаттиққўллик деб баҳоланадиган эпизодлар ҳақидаги маъ-

думотлар туширib қолдирилди ёки анча юмшатиб берилди. Бунинг учун энциклопедия ўқувчиларидан таҳририятни тушуниб, маъзур тутишларини сўраймиз.

Одатда, энциклопедияни нашр этишга йиллаб тайёргарлик кўрилади, сўзлик камида 90% тайёр бўлиб, экспертлар назаридан ўтгандан сўнг китобни нашрга тайёрлашга киришилади ва бу ҳам бир неча йилда амалга оширилади. «Бобур энциклопедияси»нинг ҳозирги таҳририяти уни нашрга тайёрлашга ҳаммаси бўлиб 10 ой сарфлади. Таҳрир ҳайъати томонидан қўйилган бундай зудликнинг асосий сабаби – комусни Заҳириддин Муҳаммаад Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишлаб чақириладиган халқаро илмий конференцияга қадар нашр этиш ва уни бу анжуманга йиғиладиган таниқли бобуршунослар эътиборига ҳавола этиш эди. Бу вазифа ҳам қисман адо этилди – тақриздан ўтказиш мақсадида бир неча сигнал нусхасини тайёрлашга муваффақ бўлди.

Ўйлаймизки, илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётган «Бобур энциклопедияси» мамлакатимиздаги биринчи шахс қомуси сифатида унинг кейинги мукаммал нашрларига ва бошқа шундай энциклопедияларга асос бўлиб хизмат қилади.

Александр Опарин,
краевед (Самара, РФ)

НОВЫЕ ДАННЫЕ О ВОЕННОЙ СТАВКЕ АМИРА ТЕМУРА В ПОВОЛЖЬЕ

В 2013 году исполняется 530 лет со дня рождения Захириддина Мухаммада Бабура – выдающегося полководца, ученого, государственного деятеля, основавшего династию Бабуридов в Индии. Бабур – представитель Тимуридской династии, правнук Амира Темура, унаследовавший лучшие качества своего великого прадеда, внес весомый вклад в такие области науки, как история, география, этнография и др.

В этом году мы будем отмечать 622-летие битвы Амира Темура и хана Тохтамыша, вошедшей в историю как Кондурчинская битва. Известна она

не только тем, что победу в ней одержал Амир Темур, но и своей уникальностью в исполнении стратегических и тактических задач, разрешить которые блестяще удалось великому Темуру.

Битва произошла в долине реки Кондурча (1) Самарской области Красноярского района. Все существующие версии о месте сражения страдают одним недостатком – отсутствием материальных подтверждений, они умозрительны. Предлагаем свою версию, подтвержденную не только археологическими находками, но и сохранившимся сооружением военного назначения XIV века. Это хорошо сохранившийся ров и вал, расположенные в месте слияния р. Сок (2) и р. Кондурча. В книге «Зафарнаме» Шереф ад-дина Йезди и Низам ад-дина Шами, в переводе В.Г. Тизенгаузена, есть упоминание, подтверждающее наше предположение о том, что данный ров и вал могли служить лагерем Амира Темура. Длина рва и вала в Сокско-Кондурчинской долине составляет около 13 км. Для выполнения этой работы необходимы огромные ресурсы в том случае, если создавать это сооружение заново, т.е. в чистом поле.

Предварительное заключение почвоведа Е.В. Пономаренко: «Ров и вал первоначально были построены в скифо-сарматское время (2110+/–270 лет назад, т.е. во временной промежуток от первого века до н.э. до первого века н.э.), затем был заброшен и спустя некоторое время восстановлен». Амир Темур, всегда тщательно планировавший свои военные предприятия, скорее всего, знал о существовании заброшенного укрепления в Сокско-Кондурчинской пойме. Для его реставрации не было необходимости в огромных людских и временных ресурсах. Темуру было достаточно приказать расчистить уже размеченный ров, что требует гораздо меньших усилий.

Расположение рва и вала таково, что позволяет понять, почему битва названа Кондурчинской. Долина реки Сок в том месте составляет в длину около 3-х км, а Кондурчинская долина в этом месте равна 10 км и обращена на удобное и просторное поле, имеющее выгодный рельеф для того, кто располагается в этом месте. Таким образом, эту местность можно использовать под военный лагерь.

Выстроенные со стороны Кондурчинской долины войска Амира Темура (при реконструкции данного места) имеют ряд существенных преимуществ по отношению к армии хана Тохтамыша. Наклон поля составляет от 3 до 5 градусов, т.е. армия хана Тохтамыша находится ниже армии Амира Темура. Солнце в это время года большую часть времени расположено за спиной

армии Амира Темура, ров и вал в тылу армии самаркандского полководца не позволяют хану Тохтамышу обойти левый фланг Сахибкирана, т.к. упираются в берег реки Кондурча и имеют в тылу непреодолимый для конницы ров. Правый фланг армии Амира Темура заканчивается у огромного оврага, расположенного северо-восточнее с. Большая Каменка Красноярского района, но прорыв правого фланга создает угрозу обхода войска Темура по Сокской долине с заходом в тыл его армии.

Низам ад-дин Шами пишет: «Темур приказал, чтобы смельчаки и храбрецы войска, спешившись, пошли вперед, и указал, чтобы для него поставили в степи зонт, палатку и шатер и расстелили ковры. Это самообладание, спокойствие, храбрость и пренебрежение врагом увеличили страх и ужас в сердце неприятеля». Этот поступок Амира Темура говорит не только о психологическом приеме, призванном повысить боевой дух армии, но является проведением своего тщательно обдуманного плана. Амиру Темуру нельзя было поменять положение своих войск без тактических и стратегических потерь. Он твердо и последовательно проводил в жизнь свой план сражения. По нему Тохтамыш-хан рано или поздно должен был первым нанести удар по левому флангу именно в том месте, где ему была уготована роковая для него ловушка, и с помощью действий, описанных выше, Амир Темур поднял боевой дух своей армии и спровоцировал хана Тохтамыша нанести удар первым.

В 2011 году на валу и рядом с ним найдены предметы, датируемые X–XV вв. На месте предполагаемого прорыва на левом фланге (деревня Малая Каменка Красноярского района) найдено два бронебойных наконечника и подковочный гвоздь. На высоте 146 м, Алтай горе, в 20 метрах ото рва, в месте его поворота, обнаружены еще два наконечника и сломанный нож. Внутри лагеря, на берегу старицы р. Сок, в 300-х метрах от вала были найдены две серебряные и одна медная золотоордынские монеты, датированные до 1391 г. Всего обнаружено более 40 предметов.

Эта битва – лишь один из эпизодов войны между Амиром Темуром и ханом Тохтамышем. Окончательное поражение Тохтамыш-хан понес на реке Тереке в 1394 году, но эпизод этот вошел в историю не только как блестящая победа Темура, но и как уникальная военная операция в части организации похода, в стратегии и тактике, примененных Амиром Темуром в этой битве. Она напоминает мат в три хода в шахматах, с той лишь разницей, что хан Тохтамыш играет белыми и на третьем ходу терпит поражение.

Нельзя не упомянуть о хане Тохтамыше как об одаренном и целеустремленном политике, которому несмотря на архисложность задачи удалось в последний раз в истории Золотой Орды объединить ее и ***если бы не гений Амира Темура, то история пошла бы по другому сценарию, и политическая карта евразийского континента сегодня выглядела бы иначе.*** Именно Амир Темур, в своем стремлении обезопасить свою империю от угрозы с севера, окончательно похоронил возможность объединения золотоордынского государства, определив дальнейший ход истории на этой части континента, оказав непосредственное влияние на историю, в т.ч. и народов Российской Федерации.

Абдулла Аскарий,
Сулаймон Демирел университети
(Қозоғистон), профессор

БОБУР ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИДА

Буюк ҳукмдор Бобур асос солган улкан империя жаҳон маданияти тарихида аниқ ва ишонарли из қолдирганки, уни ёркин далиллар исботлаб турибди. Бобур ўзи ҳукм юритган ҳудудда тамаддун ва маданият тараққиётига алоҳида эътибор билан қараган. Бобур Ҳиндистонни забт этгандан кейин, мамлакат бўйлаб кўп саёҳат қилди ва мамлакатдаги ободончилик ишларига катта эътибор қаратди. У бу ерга келгунга қадар қурилган бинолар ва иншоотларни синчковлик билан ўрганди ва уларга туркча ва форсий услубда кўп тузатишлар киритди ва кўпларини қайтадан яратди. Улар қаторида Чандирийдаги иморатлар, қатор қишлоқлардаги тошдан йўнилган ҳайкаллар, шунингдек, Гувалёрдаги Ман Сингхнинг саройлари ана шулар жумласидандир.

Самарқанднинг эгалланиши Бобур учун Аллоҳнинг марҳамати эди. У Фарғонадан умидини узган бўлса ҳам, ғарбдаги ўзбаклар устига юриш фикридан воз кечмаган эди. Энди унинг нигоҳи Ҳиндистонга ва шарқдаги ўлкаларга айникса, Дехли султонлиги атрофидаги ерларга тикилган эди.

Бобур лўдийлар сулоласига мансуб ерларда ўз ҳукмини ўрнатиш иштиёқида эди. У ўзини Амир Темур ворисларидан бири деб билар эди. Те-

мур эса, ўз ўрнига Хизрхонни Панжобда ўз волийси сифатида қолдиргач, у Деҳли султони даражасига кўтарилди ва Саидлар сулоласига асос солди. Лекин бу сулолани дилозок афғонларидан бўлган Иброҳим Лўдий суриб ташлади. Бобур ана шу ерларни темурийлар ихтиёрига қайтаришга уринди. Панжобга юриш бошлашдан аввал Иброҳим Лўдий ҳузурига вакиллар юбориб қадимдан туркларга тегишли бўлган ерларни қайтариб беришни талаб қилди. Бу талабномада назарда тутилган ерлар Деҳли султонлигига қарашли ерлар эди.

Дилором Юсупова,
ЎзР ФА Шарқшунослик
институти, т.ф.д., профессор

ХОНДАМИРНИНГ БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

«Равзат ус-сафо» («Мусаффолик боғи») муаллифи тарихчи Мирхонднинг набираси машҳур Ҳирот тарихчиси Хондамир (878/1473–881/1476 йй. орасида туғилган ва 941/1534 й. Ҳиндистоннинг Манду шаҳрига яқин жойда вафот этган) ўз асарлари билан XVI аср бошларида фан тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

Хондамирнинг олим сифатида шаклланишида ўша даврнинг маърифатчиси Мир Алишер Навоий ҳомийлик қилди. Унинг вафотидан сўнг 909/1503 йилдан бошлаб, Хондамир Хуросондаги сиёсий воқеалар гирдобига тушади ва 1527 йилга қадар, аниқроғи, шоҳ Исмоил вафотидан сўнг у Ҳиротдан бутқул юз ўгириб Қандаҳор томон жўнайди ва 934/1528 йили у Ҳиндистонга, бобурийлар пойтахти – Аграга, Бобур ҳузурига боради ва унинг яқин одамлари қаторидан жой олади. Айни шу пайтда Хондамир Ҳиротда яшаган даврда ёза бошлаган ўзининг энг йирик асари «Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар»ни охирги таҳририни (935/1529 й.) тугатади.

Ушбу асарда келтирилган маълумотга кўра, 7 рабиъ ул-аввал 935/19 ноябрь 1528 й. Бобур бир оз бетобликдан сўнг тузалиб Агранинг Боғи Беҳиштида катта тўй ўтказди. Ушбу тўйда Хондамир ва унинг ҳамроҳлари ҳам иштирок этишган.

936/1529 йили Бобурнинг Бенгалия ва Ганг дарёси соҳили томон қилган юриши пайтида Хондамир унга ҳамроҳ бўлади. Бобур вафотидан сўнг Хондамир умрининг охиригача унинг вориси Носириддин Ҳумоюннинг (937/1530–1531 – 963/1555–1556) хизматига ўтади ва унинг ҳарбий юришларида кузатиб юради. Шу жумладан, Гужаротта (Гвалиордан 795 км шимолий ғарбида). Ҳумоюн отасидан кейин йирик давлатни мустаҳкамлаш ниятида янги бошқарув тизим ташкил этишга ҳаракат қилган. Бу эса у томонидан киритилган бир қатор янгиликлардан иборат эди. Бунинг ҳаммасидан хабардор бўлган Хондамир «Ҳумоюннома» номли асарини ёзади ва Ҳумоюнга тақдим этади. Бунинг эвазига у «амир ул-ахбор» («хабарлар амири») унвонига сазовор бўлади.

Бу асар Ҳумоюн давридаги Бобурийлар давлати ички ҳаёти ҳақида баён этувчи ягона асардир.

Хондамир 941/1534–1535 йил Манду шаҳрида (Гвалиордан 499 км шимолий ғарбида) Ҳумоюннинг Гвалиорда қилган юришида кузатиб, у ердан қайтаётганда вафот этган.

Ўз хоҳишига биноан Хондамир Дехлида машҳур авлиё Низомиддин Авлиё мақбарасига шоир Хусрав Дехлавий ёнида дафн этилган.

Бобурнинг замондоши Хондамирнинг юқорида қайд этилган икки асаридаги фактлар бевосита бир-бирини тўлдиради ҳамда Бобурийлар давлатининг XVI асрдаги сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти тўғрисида тасаввурга эга бўлишга имконият беради.

Шониёз Мусоев,
Институт востоковедения АН РУз, к.и.н.

«ЛАТА' ИФ АЛ-АХБАР» РАШИДХАНА ТУНИ – ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ПО ИСТОРИИ ГОСУДАРСТВА БАБУРИДОВ

По истории государства Бабуридов существует значительное количество исторических сочинений. Согласно сведениям каталогов восточных рукописей, в годы правления Бабура (1526–1530 гг.) – основоположника династии Бабуридов в Индии – было создано одно сочинение – всемирно известное

«Бабурнаме», в годы правления Хумаюна (1530–1542) и вторично 1555–56 гг.) – семь, при Акбаре (1556–1605 гг.) – 24, при царствовании Нуриддина Джахангира (1605–1627 гг.) – 23, при Шах Джахане (1627–1658) – 38 и, наконец, при правлении Аврангзеба Аламгира (1658 –1707) – 37 исторических сочинений. Многие из них многотомные. Они хранятся в рукописных фондах Европы, России, Центральной Азии, Индии, Ирана, Афганистана, Пакистана, в том числе 18 из них – в Институте востоковедения АН Республики Узбекистан. Многие из них не изучены, не изданы.

Среди этих сочинений по важности описываемых событий можно назвать «Лата'иф ал-ахбар» («Изящное изложение событий») Рашидхана Мухаммада Бади'уз – Замана Туни, который был на службе у Шах Джахана. Хроника содержит историю шестимесячного (с 10-го джумад ал-сани до 15 зу-ль-ка'да 1063/ с 8 мая по 7 октября 1652 г.) последнего военного похода армии Шах Джахана во главе с наследным принцем Дара Шукухом (уб. в 1069/1659 г.) по отвоеванию Кандагара и одноименной провинции от Сефевидского Ирана. Как известно, Кандагар и прилегающие районы сначала входили в состав государства гератских Темуридов, а после завоевания Бабуром в 1522 г. – в состав государства Бабуридов. Однако богатый в экономическом и важный в военно-стратегическом отношении Кандагар стал яблоком раздора между Сефевидским Ираном и Бабуридами. На протяжении долгого времени эта провинция переходила то к Сефевидам, то к Бабуридам. Упомянутый настоящий неудачный военный поход Шах Джахана – это последняя попытка по отвоеванию Кандагара.

Сочинение состоит из «Вступления» («Агаз»). «Показа» («Намаеш») и «Заключения» («Анджом»).

В предисловии описываются события, имевшие место в Туране, вернее в Балхе в 1646 г., – междоусобная борьба правителя Балха Надр Мухаммадхана с его сыном 'Абд ал-'Азизом – излагаются события, связанные с вторжением индийских войск в Балх и Бадахшан в 1645–1647 гг. под руководством сначала принца Султан Мурадбахша, а затем Аврангзеба, их двухлетнее пребывание там и возвращение. Рассказывается о двух предыдущих походах принца Аврангзеба по освобождению Кандагара от Сефевидов в 1649 г., а потом в 1652 г. Излагается подробное описание подготовки третьего похода в Кандагар, виды оружий и вооружения, казна, количество войск, роды войск, указывается маршрут войск от Мултана до Кандагара, приводятся сведения о городах, горах и перевалах, цены. Приводятся сведения о забытых кандагарских крепостях, подкопах, валах и т.п.

В третьей части сочинения Рашидхан описывает, как Шах Джахан, истратив огромные людские и материальные средства, не достигнув своей цели, с остатками войск возвратился в Индию.

Словом, «Лата'иф ал-ахбар» является одним из важных первоисточников по истории средневековой Индии и Афганистана, содержит богатый фактический материал с соседними государствами – с Аштарханидами и Сефевидами.

Ашраф Ахмедов,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти,
т.ф.д., профессор

БОБУРНИНГ ГЕОГРАФИК ТАСАВВУРЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бизга «Бобурнома» номи билан етиб келган буюк асари ўрта асрлар билимлари бўйича қомусий (энциклопедик) асардир. Чунки ундан муаррих ҳам, астроном ҳам, шоир ҳам, табиб ҳам, биолог ҳам, зоолог ҳам, кимёгар ҳам, қўйинг-чи турли фанлар бўйича мутахассис ўз фани бўйича бу асардан қизиқарли маълумотларни топади. Лекин ҳозиргача, бу буюк асарнинг замонавий тилларга таржималари мазкур фанлар соҳасидан мукаммал ва қониқарли шарҳланмаган ва изоҳланмаган. Ҳолбуки, бундай шарҳларга ҳожат жуда-жуда сезилади. Иншоолло, бу келажакда амалга оширилар.

«Бобурнома»ни ўқиркансан, киши олимнинг фикр доираси, қизиқиш дунёси нақадар кенглигидан ҳайратланасан.

Унинг географик қарашлари мени ажаблантирди, чунки унинг асарида Мовароуннаҳр ва қўшни диёрлардаги кўплаб шаҳар ва кентларнинг жойлашиши ва уларнинг ўлчамлари ҳақида жуда аниқ маълумотларни топиш мумкиндир. Шу жиҳатдан «Бобурнома» юртимиздаги кўплаб манзил ва мамлакатларнинг ўрта асрлардаги жойлашиши ҳақида аниқ ҳужжатдир. Тўғри, ҳозирги административ-жуғрофий тақсимланишлар ўрта асрлардаги ҳолатига мос келмайди. Лекин эски номлардаги жойларни ҳозирги кунда локализация қилишда «Бобурнома» муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Омонулло Бўриев,
ЎзР ФА Шарқшунослик
институти, т.ф.н.

«БОБУРНОМА»ДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТОПОНИМИЯСИ

Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлардаги топонимияси ҳақида маълумотлар ўша даврда ёзилган Амир Темур ва Темурийлар салтанати воқеликлари акс этган тарихий мазмундаги асарларда учрайди ва бу ўринда «Бобурнома» муҳим манба саналади. Мазкур асар мемуар услубда ёзилган бўлганлиги сабабли, ундаги топонимларнинг аксарияти Марказий Осиё ҳудудига (Афғонистон ҳам шунга тааллуқли) тўғри келади. Ундан кейинги ўринда Ҳиндистон ҳудудига оид жой номлари туради. Рақамлар билан ифодалаганда «Бобурнома» да жами 1252 та жой номи қайд этилган бўлиб, шундан 800 дан ортиқ жой номи Марказий Осиё ҳудудига, қолган топонимлар турли жойларга тегишли. Давр кўламида 1493–1503 ва 1511–1513 йилларда Мовароуннаҳр, 1503 йилдан бошлаб Афғонистон ва 1518 йилдан сўнг Ҳиндистонга оид маълумотлар қайд этилган, яъни XV асрнинг охирги ўн йиллигидан то XVI асрнинг дастлабки икки ўн йиллиги оралиқка тўғри келади.

Темурийлар даври ёзма манбаларида, жумладан, «Бобурнома»даги Марказий Осиё ҳудуди бўйича топонимларни мазмун жиҳатдан табиий объектлар ва маъмурий-ҳудудий ҳолат ҳамда хўжалик фаолияти билан боғлиқ номлардан иборат турларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

«Бобурнома»да баъзан жой номларига изоҳлар ҳам берилган ва улар икки хил: 1) оддий изоҳлар – жой номининг географик ўрни, турлича ёзилиш шакллари ва мазмуни ҳақида маълумотларни ўз ичига олади. Улар бирор жойнинг маъмурий ҳолати, табиати, хўжалиги ёки ўша жой билан боғлиқ тарихий кечинмалар хусусида сўз юритганда келтирилган. *Кони обгир* (Конигил) – ўланг, Самарқанд вилояти. «Баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти Кони обгир экандур, вале тарихларда тамом Конигил битирлар»; «Қорасувким, Обираҳмат ҳам дерлар»; «Фанокат – ҳоло Шоҳрухияға машҳурдир»; «Сайҳун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдир»; Ғазни вилояти – «Баъзан туман ҳам дерлар, баъзи Ғазнин ҳам битибдурлар, Зобул ҳам дерлар, Зобулистон бу вилояттин ибораттур»; «Нингнаҳор, баъзи тарихларда Нагарҳор битибдурлар» ва бошқалар. Бунга ўхшаш изоҳлар маълум бир жойнинг табиати ва тарихини ўрганишда муҳим материал бўла олади;

2) жой номлари этимологиясига тегишли маълумотлар. Кўпинча, жойнинг табиий ҳолати билан боғлаб изоҳланган: «Кўҳи Сафид – бу тоғдин қор ҳаргиз ўксумас. Бу жиҳатдин ғолибо Кўҳи Сафид дерлар»; «Улуғ кўтал (Ҳиндукуш тизмаси) била Парвон орасида яна етти кўтал (довон) бор учун Ҳафтбача дерлар»; «Бозорак кўталини Сароб эли Порандий отлиқ кентига инар учун Порандий кўтали дерлар»; Тўл – довон, Ҳиндукуш. «Бу уч кўталдин яхшироғи Тўлдур. Вале йўли бир нима узунроқдир. Ғолибо бу жиҳатдин Тўл дерлар»; «Ул вилоятларда кўталларни банд дерлар. Ғўр сари бу кўтал (Ғурбанд)била борурлар, ғолибо ул жиҳатдин Ғурбанд дерлар».

Этимологияси аниқ тарихий воқелик билан боғлиқ топонимлар ҳам бор: «Султон Маҳмуднинг қабри Ғазнининг маҳаллотидадурким, Султон қабри анда учун Равза дерлар»; Хожа Сеёрон – булоқ, Кобул вилояти. «Бу чашманинг атрофида уч навъ дарахтлардур... Дерларким, бу уч жинс дарахт уч азизнинг кароматидур. Сеёронға важҳи тасмия муни дерлар»; Шоҳи Кобул – Кобул шаҳридаги тоғ. «Ул тоғнинг қулласида шоҳи Кобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Кобул дерлар»; Қалъаи Зафар – Бадахшондаги кўрғон. «Қалъаи Зафар ким, бурун Шофтеварға машҳур экандур, (Муборакшоҳ) кўрғон қилиб беркитти. Қалъаи Зафар отини ул қўйди».

Абдумажид Мадраимов,
Ўзбекистон Бадиий академияси,
ф.ф.д., профессор

БОБУР ВА БОБУРИЙЛАРНИНГ КИТОБАТ ВА РАСМ САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг яна беш вориси китобат ва расм санъати тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Хусусан, Бобур ўз юртида темурийлар даври маданияти, китобат ва расм санъати гуллаб-яшнаган даврини ўзининг шоҳ асари «Вақойиъ» («Бобурнома») номи билан машҳур бўлиб кетган асарида баён этган. Буюк санъаткорлар Камолиддин Беҳзод, Султон Али Машҳадий, Мир Али Ҳиравийлар билан учрашган, ҳамкорлик қилган.

2. Носируддин Муҳаммад Ҳумоюн (1530–1542, 1556 Ҳиндистон), Кобул (1545–1555) тахтини 1545 йили қайта эгаллагач, ўз атрофига бир гурух рас-

сом, хаттот ва муковасозларни жамлаб, сарой кутубхонасига асос солган. Бу кутубхонада хаттотлар мўътабар қўлёзмаларни нафис хатларда битган бўлсалар, Мир Мансур Мусаввир, Мир Саййид Али ва Хожа Абдуссамад Шерозий алоҳида расмлар яратиш билан машғул бўлганлар.

3. Жалолиддин Муҳаммад Акбар (1556–1605) даврида Ҳиндистонда китобат ва расм санъати жуда тараққий топди. Кўплаб араб, ҳинд ва санскрит тилларидаги асарлар форс тилига таржима қилинди, икки юздан зиёд рассомлар мўътабар қўлёзмаларни расмлар билан зайнатлаганлар. Ўн етти юксак маҳорат эгаси бўлган рассомлар номларини тарихчи ва вазир Абуфазл Алломий «Ойини Акбарий» асарида келтирган. Подшоҳ ўзи ва аъёнлари портретларини яратишни буюрган. Бу давр энг кўп расмли қўлёзмалар яратилган давр бўлиб колган.

4. Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир (1605–1627) бобурийлар ичида расм санъатининг юксак билимдони бўлиб, унинг даврида бу санъат ўз тараккиётининг энг юксак даврини бошдан кечирди. Рассомларга «Нодир ул-аср» ва «Нодир уз-замон» унвонлари берилди.

5. Шаҳобиддин Мухаммад Шоҳи Жаҳон (1627–1666) даврида маданият гуллаб-яшнади, аммо подшоҳ асосан меъморчиликка катта эътибор берган бўлиб, бу даврда яратилган «Тож Маҳал» мажмуаси ўзининг бетакрор гўзаллиги билан ҳамон тамошабинларни ром этиб келмоқда. Подшоҳ кутубхонада кўп вақтини ўтказса-да, китобат ва расм санъатига эътибор аввалги даврдагича бўлган эмас.

6. Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб (1666–1707) шахсан ўзи хаттотлик билан шуғулланиб, бўш вақтини «Қуръон» кўчириш билан ўтказган. Рассомларга эътибор давлат раҳбари томонидан кўп бўлган эмас.

XVI–XVII асрлар давомида Бобур ва бобурийлар даврида Мовароуннаҳр, Кобул ва Ҳиндистонда яратилган ажойиб ҳуснихатда битилган ва расмлар билан безатилган қўлёзмалар ўша давр китобат аҳлининг жаҳон маданияти тараккиётига қўшган улкан ҳиссаси деб баҳолаш мумкин. Бу эса уларга шарт-шароит яратиб берган бобурийларни юксак маданият соҳиби бўлганлигини кўрсатади.

Ҳамидулла Дадабоев,
Ўзбекистон Миллий университети,
ф.ф.д., профессор

БОБУРНИНГ ЖАҲОН ҲАРБИЙ САНЪАТИДАГИ ЎРНИ

Тарихшунослик фани жаҳон ҳарбий иши ва санъатининг шаклланиши, тараққий этишига улкан улуш қўшган Ганнибал, Юлий Цезарь, Александр Македонский, Чингизхон, Буюк Фридрих, Наполеон Бонапарт сингари машҳур саркардалар, ҳарбий ташкилотчи ва стратеглар қаторида Туронзаминнинг икки атоқли фарзанди – Амир Темур Кўрагон ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини ҳам ҳақли равишда эътироф этади.

Тақдири азал тақозосига кўра, Бобурнинг Мовароуннаҳрда сиёсат саҳнасига чиқиши XIV асрнинг 70-йилларидан эътиборан буюк бобокалони Соҳибқирон асос солган Темурийлар салтанатининг таназзулга юз тутган палласига тўғри келди.

Падари бузруквори Умаршайх Мирзонинг фожиали ҳалокатидан сўнг Фарғона вилояти тахтини бошқаришга мажбур бўлган Бобур болалигидан мавжуд анъанага биноан ҳарбий санъатнинг мураккаб сир-асрорларини эгаллашга йўналтирилган, ҳарбий ишга бўлган табиий истеъдодини намоён этиши учун Шайх Мазидбек, Бобоқули Бобо Алибекдек мураббий (*бек атка)* ва устозлардан сабоқ олган.

1499 йили Андижон шаҳридан тахминан 24 км. масофадаги Хўбон кенти шарқи-жанубида жойлашган Сақо қишлоғи атрофида Бобур ўз тасарруфидаги қўшин ясоли-жанговар тартибини илк бор классик беш қисм *(ҳировул, баронғор, жавонғор, ғул, чағдавул)*га мувофиқ тузган ҳолда Аҳмад Танбал лашкари билан жангга кирган ва ғанимини жангоҳни ташлаб кетишга мажбур этган эди. Буни Бобур шундай таърифлайди: *Менинг аввал масоф уруши урушқаним ушбу эди. Тенгри таоло ўз фазл ва карами била фатҳ ва зафар рўзи қилди («Бобурнома»,128).*

Маълумки, қўшинни жанг майдонида айнан беш бўлакка тақсимлаган тарзда жойлаштириш жуда қадимий усул ҳисобланади. Ушбу классик жанговар тартибга сезиларли ўзгартириш киритиб, уни етти қисм (*қўл)*га етказган шахс Амир Темур ҳазратларидир. Соҳибқирон томонидан ёв лашкари қанотларини икки тарафдан айланиб ўтиб, унинг асосий кучларига орқадан кучли зарба бериш учун хосланган суворий гуруҳ – *қунбул*нинг жорий

қилиниши дунё харб ишида мутлақо янги ҳодиса бўлиб, Амир Темур ҳарбий салоҳиятининг маҳсули эканлиги аллақачон ҳарбий мутахассислар томонидан тан олинган.

1500 йили Сарипулда Шайбонийхон лашкари билан кечган муҳорабада мағлубиятга учраган Бобур кейинчалик қўшин ясолига муайян ўзгартиришлар киритди ва ҳарбий қисмларни ифодаловчи тушунчаларни она тилидаги истилоҳлар билан атади.

Қўшинининг марказий қисми *(ғул)*ни мустаҳкамлашга жиддий диққат қаратилиб, у икки бўлакка (*ўнг қўл ва сўл қўл*) ажратилган. Бу қисмлар *ўнг ён ва сўл ёндан* ташкил қилинган *хосса тобин*нинг, *хосса тобин* эса ўз навбатида *ўнг ва сўл* бўлаклардан иборат *бўйи*нинг ўзига хос илғор(авнгард)и вазифасини ўтаган. Ҳиндистонни забт этиш йўлида бўлган йирик жангларда қайд этилган ясолга қатъий амал қилиш Бобурга жаҳоншумул ғалабалар келтирганига тарих шоҳид.

Бобур қўшинининг жанг олиб бориш тактикасида қўл келадиган бир қатор усулларни кашф этган, мавжудларини муттасил такомиллаштириш тадорикини кўрган.

Чунончи, Сарипул тўқнашувида Шайбонийхон томонидан усталик билан қўлланган *тўлғама* усулининг афзаллигини пайқаган Бобур, ушбу тактик усулдан Султон Иброҳим ва Рано Санго сингари қудратли кучга эга душманлари билан бўлган жангларда моҳирона истифода этган. Шу ўринда тўлғамага тайинланган аскарий гуруҳларнинг қўшин баронғори ва жавонғори учидан жой олгани, уларга тажрибали, содиқ ҳамда матонатли беклар сардорлик қилганини таъкидлаш лозим. Бобур ёзади: *Баронгорнинг учида Вали Қизил ва Малик Қосимни, Бобо Қашқани мўғуллари билан тўлғамага муқаррар қилдук, Жавонгорнинг учида Қоракўзи ва Абул Муҳаммад найзабоз ва Шайх Али ва Шайх Жамол барин ва Маҳди ва Тенгриқули Пишаги мўғулни тўлғамага ясадук («Бобурнома»,* 336).

Бобур сон жиҳатдан катта бўлмаган қўшинини замонавий қурол-яроғ ва аслаҳа-анжом билан қуроллантириш, таъминлаш масаласига фавқулодда эътибор қаратган.

Ўт сочувчи курол *(раъд)*, гарчи, XIV асрнинг 70-йилларида Ўрта Осиёга Сохибқирон томонидан киритилган бўлса-да, лекин *фаранги* (европача кичик тўп), *зарбзан* (замбарак), *қозон* (улкан ҳажмли тўп), *туфанг* ва *милтиқ*нинг қуролланишдан мустаҳкам ўрин олиши, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқда ёйилиши

бевосита Бобур Мирзо фаолияти билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бобурнинг тинимсиз саъй-ҳаракати туфайли Рум (Кичик Осиё)дан тўп қуювчи уста(тўпчи)лар таклиф қилинди, *қозон, зарбзан* сингари тўп турларини қуйиш технологияси эгалланди.

Ҳиндистон ҳарбий-денгиз флотининг шаклланиши, шубҳасиз, Бобур даврига тўғри келади. Зеро, ушбу юртда асосан чукур, кенг ва серсув Ҳинд, Синд. Жамна сингари дарёларни кечиб ўтишга мўлжалланган *заврақ* (қайиқ) ва кичик ҳажмли кемалар қатори, ҳарбий ҳаракат ва амалиётларда бевосита қўлланувчи «Гунжойиш», «Оройиш», «Фармойиш»га ўхшаш йирик ҳажмли кемаларнинг курилиши қўшин янги туринг пайдо бўлишига туртки берган.

Сайфиддин Жалилов,
Андижон давлат университети,
т.ф.д., профессор

БОБУРНИНГ ФАРҒОНА ДАВЛАТИ

Узоқ мозийдан ярақлаган юлдуз каби нур таратиб турган адиб, олим ва саркардаларимиздан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзодир. Бобур Мовароуннаҳрнинг иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланган, сиёсий жиҳатдан эса муҳим ўлкаси бўлмиш Фарғона вилоятининг меросхўри ҳисобланар эди.

Темурий Абу Саид Мирзо Самарқанд тахтини эгаллагач, кенжа ўғли Умаршайх Мирзони (1455–1494) 1462 йили Фарғона мулкига ҳоким этиб тайинлаб, пойтахт – Андижонга юборган эди.

Умаршайх Мирзонинг тасодифий ўлими (1494 йил 7 июнь) Фарғона мулкининг халқига ҳам, 12 ёшида – кутилмаганда, ўлка подшоси бўлиб қолган Заҳириддин Бобурга ҳам не-не кулфатлар келтирди. Чунки ўша 1494 йил баҳору ёз ойларида ўлка ҳарбий-сиёсий жиҳатдан ўта нотинч эди: Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмудхон ўзаро аҳд қилишиб Фарғона мулкига ҳужум бошлашган эдилар. Ахсида юз берган ҳалокат ҳақидаги шум хабар чорбоққа келган. Бу ҳақда Бобур шундай деб ёзади: «*Бу воқеа даст берганда мен Андижонда, чорбоғда эдим. Сешанба куни рамазон ойининг бешида бу хабар Андижонга келди*».

Ана шу кундан бошлаб – шундай мураккаб ва беҳаловат тарихий шароитда ёш Бобур Мирзонинг давлат фаолияти бошланади.

1494 йил июнь, яъни рамазон ойи Бобур тахтга ўтирганидан кейин ўтган 25 кун давомида Фарғона давлати ҳокимиятида содир бўлган воқеалар ўрганилса, марҳум Умаршайх хизматидаги амиру беклар, деярли айрим йирик амалдорлар Умаршайх ҳокимиятига айтарлик даражада фидойи бўлмаганликлари сезилади. Бобурнинг давлат фаолияти ана шундай ўта мураккаб харбий-сиёсий кунларда бошланган эди.

Иккинчи томондан, айнан мана шундай беҳаловат кунлар ойларга, ойлар йилларга туташиб, бу ҳолат Бобур шахсининг тарбиясига ҳам таъсир қилади. Ўсмирлигиданоқ қўлига қилич тутиб ва от чоптириб юриб подшоҳликни бошлаган Бобур жангларда чиниқиб қўркмас ва баҳодир шахс, атоқли қўмондон ва тадбирли подшоҳ бўлиб етишади. Унга мерос бўлиб қолган Фарғона мулки, иқтисодий ривожланган ўлка эди. Бу ерда азалдан суғорма деҳкончилик учун қулай табиий шароит мавжуд эди.

Бобур Фарғона ўлкасида еттита шаҳар борлигини, ундан бештаси Сайҳун (Сир) дарёнинг жанубий қирғоғида ва иккитаси шимолий қирғоғида жойлашганини ёзади ва уларнинг барчасига таъриф берар экан, буни пойтахт ва она шаҳри бўлмиш Андижондан бошлайди.

Сўнгра Бобур Фарғона водийси атрофидаги тоғлар, яйловларни таърифлайди, айрим кимматли дарахтлар, хосиятли гиёҳлар, тоғлардаги турли конлар хакида муҳаббат билан ёзади. Ёш Бобурга ана шундай бой ўлка мерос бўлиб қолган эди. Бироқ сиёсий аҳвол танг, шароит тиғиз эди.

Беклар орасида ёш Бобурга содиқ қолганлар ҳам бор эди. Улар қози калон мавлоно Абдуллохожа, Қосим Қавчин, Али Дўст ва Ширим тағойи, Узун Ҳасан кабилар бўлиб, ёш Бобур ўшалар кўмагида ўз фаолиятини бошлайди ва ҳокимиятни қўлга олади.

Айрим беклар Бобурнинг укаси Жаҳонгир Мирзо пинжига кириб ака-укалар ўртасида ўзаро ғанимлик муносабатлари ўрнатишга ҳам эришдилар. Кечган воқеалар шуни кўрсатадики, Фарғона мулкининг асосий шаҳарлари Бобурга соткинлик қилган беклардан Аҳмад Танбал ва унинг одамларига ўтади.

1502 йили ўзбеклар хони Муҳаммад Шайбонийхон Хўжанддан юриш бошлаб Андижонни эгаллайди. Бобур Афғонистонга чекиниб Кобулни олади ва 1525 йилгача ушбу мамлакатнинг деярли ярмини бирлаштирган Кобул давлатига бошчилик қилади.

Бобур ўн йил хукмронлик қилган Фарғона давлати XV аср охири, XVI аср бошларида, гарчи бутун Мовароуннаҳрда бўлгани каби сиёсий бесарамжонликлар гирдобида қолган бўлса ҳам, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган ўлка эди.

Бошқа темурийзодалардан фарқли ўлароқ, ёш Бобурда улуғ бобосининг буюк Мовароуннаҳр давлатини парчаланиб кетишидан сақлаб қолишдек эзгу ният бор эди. Афсуски, унинг бу нияти амалга ошмади ва у Афғонистонга, сўнгра Ҳиндистонга кетиб қолишга мажбур бўлди. Бобур хукмронлигида қонуний мулки бўлмиш Фарғонада солиқ ва турли ўлпонлар ундириш, «халқ ҳашари» йўли билан суғориш иншоотлари яратиш, ерларни ўзлаштириш, масжид-у мадрасалар, улуғ зотларга ҳашаматли дахмалар, кўприг-у йўллар қуриш тажрибаси давом этади.

Анъанага кўра, ёш Бобур ҳам давлатни идора қилишда йирик ер эгалари бўлмиш амалдор бекларга ва ҳарбий қўмондонларга, шунингдек дин уламоларига суяниб иш кўрар эди. Умуман Шарқда бўлгани каби Фарғона мулкида ҳам мамлакат ижтимоий ҳаётида ислом дини катта мавқега эга бўлган. Асосий ишлаб чиқарувчи куч камбағал деҳқон ва майда ҳунармандлар эди.

Умаршайх даврида ҳам, Бобур даврида ҳам Фарғона давлатининг деярли барча шаҳарларида, хусусан пойтахт Андижонда маданият, адабиёт анча жонлангани кузатилади. Бу даврда «Чустий», «Косоний», «Андижоний», «Ахсикатий», «Марғиноний» исмли бир қанча олим-у адиблар ижод қилиб ўтгани маълум. Буюк фиқҳ олими Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний – Махдуми Аъзамнинг Фарғона мулкида туғилиб ўсгани ҳам бунга яққол мисолдир. Худди шунингдек, Андижонда мавлоно Шайх Ҳусан, Бобо Таваккул Лангарий исмли улуғ зотлар, Сафоий Андижоний, Юсуф Андижоний, Юсуф Бадиий каби шоирлар, мавлоно Муҳаммад Али, Хожа Калонбек, Фозил Андижоний, Муҳаммад Шариф Садр каби олимлар яшаб ўтганлар. Ёш бўлса ҳам Бобурнинг ўзи қулай маданий ва маънавий шароит яратиб бергани шубҳасиздир.

Пойтахт Андижонда турли ҳунармандчиликдан ташқари маданиятнинг бошқа соҳалари ҳам ривожланган. Ўша даврдаёқ шаҳар маҳаллаларини бирлаштириб турувчи гузарлар бизнинг кунларгача сақланган.

Бобурнинг гувоҳлик беришича, Андижоннинг учта дарвозаси бор эди. Шаҳар Ўшдан оқиб келган Оқбўра дарёсидан суғорилган. XVIII асрдан Қорадарёдан бугунги Андижонсой қазилган. XV асрдан бошлаб шаҳар жанубга томонга кенгайиб борган.

Хуллас, Бобур кўплаб харбий-сиёсий тўқнашувларда қатнашган бўлса ҳам фақат битта мақсадни кўзлаб иш кўрган. У ҳам бўлса ватан бирлиги ва унинг мустақиллигини таъминлаш эди.

«Музаккири аҳбоб» номли тазкира муаллифи Ҳасан хожа Нисорий шундай деб ёзади: «Бобур подшоҳ Мовароуннаҳр бирлигини сақлаб қолишда кўп саъй-ҳаракатлар ва жонини аямасдан жаҳду-жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди, аммо тақдир ўқига тадбир қалқони дош бера олмади». Мовароуннаҳр бирлигини таъминлаш Муҳаммад Шайбонийхон томонидан амалга оширилди.

Собир Мансуров,
Тошкент вилояти давлат педагогика институти, ўқитувчи

МАҲДУМИ АЪЗАМНИНГ «РИСОЛАИ БОБУРИЯ» АСАРИ

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти давомида тасаввуф аҳлининг йирик вакиллари билан доимий мулоқот қилишга ҳаракат қиларди. У Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг «Рисолаи волидия» асарини ўзбек тилига таржима килган, Кўли Малик жанги олдидан яссавия тариқатининг машҳур муршиди Шайх Худойдод Вали билан суҳбатлашган. Маҳдуми Аъзам Дахбедийнинг (1464–1542) ижодий мероси орасида ***«Рисолаи Бобурия»*** асари ҳам борлиги маълум. Бу асар ўз даврининг икки буюк шахси ўртасида жиддий алока бўлганидан дарак беради.

Бобур бу буюк шайхга хурмат-эътиборли бўлиб, Деҳли хазинасидан Маҳдуми Аъзамга ёмби олтин ва мактуб йўллаган; яна бир рубоий ҳам ёзган ва уни ушбу мактубга кўшиб юборади. Мутахассислар уни Маҳдуми Аъзамга бағишланган, деб ҳисоблайдилар:

Дар ҳавои нафси худ мо умр зоеъ кардаем,
Пеши аҳлуллоҳ аз афъоли худ шармандаем.
Як назар ба мухлисони хастадил фармо ки, мо
Хожагиро мондаему Хожагиро бандаем.

Мазмуни:

Нафсимиз ҳавасларида умримизни нобуд қилдик,
Энди аҳлуллоҳ (сўфийлар) олдида қилгиликларимиз учун шарманда бўлдик,
Биздай хаста мухлисларингга бир назар ташлаки, биз
Хожаги (Аҳмад)ни ташлаб кетган бўлсак-да, лек биз унинг бандаларимиз.

Махдуми Аъзам «Рисолаи Бобурия»ни Бобурга бўлган эътибори ҳамда эҳтироми туфайли ёзади. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Махдуми Аъзамнинг ўттиздан ортиқ асари 1443, 2352, 501, 6646, 4354, 3386, 2780, 9706, 10626, 11260 рақамлар билан сақланаётган қўлёзмаларда жамланган. Ушбу қўлёзмаларнинг дунёга келиши ва тўпланиши тарихи хам кизикарлидир. Бу ишни дастлаб Шайбоний Убайдуллоҳхон бошлаб беради. У устозига ўзининг ҳурмати ва садоқатини изҳор қилиш мақсадида унинг йигирма еттита асарини моҳир хаттотга кўчиртиради ва уларни битта тўплам (мажмуа) холига келтириб китобат қилдиради. У устозига атаб туркий, форсий ва арабийда шеърлар ёзган. Ижодида *«Қул Убайдий»* тахаллусини қўллаган. Устози унинг шеърларига шарҳлар («Рисолаи шарҳи абёт») битган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзига пир, устоз деб билган бу аллома айни пайтда Мовароуннаҳр Шайбоний ҳукмдорларининг бир қанчасига насиҳатгўй, ҳақ йўлига бошловчи устоз эди. У Убайдуллоҳхон, Жонибекхон, Искандархон, Абдулазизхон, Абдуллахон каби машҳур вакиллари билан яқин ва самимий муносабатда бўлган. Махдуми Аъзам уларга бағишлаб асарлар ёзган, ҳурмат-иззат қилган.

Хуллас, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда яшаб туриб хам ўз юртида қолган яқинларини сира унутмаган, улар билан имкони борича алоқа қилишга уринган.

Мирмахмуд Мирсайдуллаев,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, тиб.ф.д., профессор

БОБУРНИНГ КАСАЛЛИК ТАРИХИ

1. Бобурнинг сўнгги хасталиги. Заҳириддин Муҳаммад Бобур уч кунлик безгак касаллигини 27 ёшида Кобулда юқтириб, бутун умри давомида шу касалликни енгил ва оғир ҳолатларини бошидан ўтказган, вужуди унинг марази билан яшаб юрган. Ора-ора безгак хуруж қилганда иситмаси кўтарилиб, ҳолсизлик рўй берган. Бу касаллик иммун ҳолатларни пасайтириб, камқонликка, сўнгра жигар-талоқни катталашиши ва ҳолсизликка олиб келган. Руҳиятининг сусайиши, тушкунликка тушиш умумий ҳолатни янада оғирлаштириб, хуружни кучайтирган.

Бобур ўзининг хасталикларини «Бобурнома»да баён қилиб берган. Ўша давр табобатининг ҳулосалари ва замонавий тиббиёт ҳулосаларига таяниб келтирган ташхисни баён қиламиз:

Асосий касаллиги: Уч кунлик безгак, сурункали кечуви. Касаллик (паразит) ташувчи.

Асосий касаллик асорати: Кўпомилли иккиламчи камқонликнинг оғир даражаси. Жигар ва талоқ катталашиши.

Қардош касаллик: Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги, бронхитик шакли боскичи, ремиссияси.

Рақобатдош касаллик даражаси: руҳий тушкинлик, оғир.

2. Бобурга берилган заҳар – маргимуш. «Одина куни, кеч намози дигар ош торттилар. Товушқон ошидин хейли едим. Қалия зардакка ҳам майл қилдим. Бу ҳиндустоний заҳрлиқ ошнинг устидин бир-икки тикка майл қилдим, калия олиб едим, ҳеч нохуш маза маълум бўлмади. Қоқ гўшттин бир-икки тикка олдим. Кўнглум барҳам урди, ўтган кун қоқ гўштни еганимда бир нохуш маза анда бор эди кўнглумнинг барҳам урғонин андин хаёл қилдим. Яна бир кўнглум кўзғолиб келди. Дастурхон устида икки-уч марта кўнглум барҳам уруб, кусаёздим. Охир кўрдумким, бўлмас, қўптум...».

Бобур маргимушдан енгил заҳарланган. Заҳар миқдорининг озлиги, ўзи олдиндан овкатда заҳар борлигини сезиб қолгани, тановул қилган таомини

тезда қайт қилиб ташлаши, сурги билан ични суриб ташлаш ва сут ичирилиши билан заҳарни танага тарқалишининг олди олинган.

3. Ҳумоюн Мирзо атрофида уч бор айланиб йиқилиши. Безгак касаллиги сурункали кечиб турган ва унинг асоратлари безовта қилиб турган бир пайтда Ҳумоюнининг оғирлашиб қолиши Бобур Мирзонинг кучли депрессив (тушкунлик) ҳолатга тушиб қолишига олиб келади. Бутун вужудидаги кучни тўплаб Ҳумоюн атрофида айланиб бўлгач, синкопал ҳолатга (обморок), яъни вақтинча ҳушсизланиш ҳолатига тушади. Фарзандининг оғирлашиб қолганини кўрган ота Ҳумоюн атрофида уч марта айланиб «дардингни олдим» деб, вақтинча ҳушдан кетади. Табибларни муолажаларидан сўнг ҳушига келади, фарзандини соғайган ҳолатда кўриб шодланади. Тахтни ворисга ўз қўли билан топширади.

4. Бобур Мирзо ўлимининг сабаблари. Бундан ташқари катор шамоллаш, қулоқ оғриғи, заҳарланиш, муҳорабалардан олинган шикастлар, қариндош ва бекларнинг хиёнати ва вафосизлиги безгак касаллигининг узоқ давом этиши ва асоратларининг кучайиб боришига асос бўлган. Асосий касалликнинг асоратларидан ҳаракатда ҳансирашининг сабаблари жигар етишмовчилиги (жигар катталашиши), юрак етишмовчилиги (юрак кенгайиши), ўпка етишмовчилиги (эмфизема, пневмосклероз) умумий ҳолатни кундан-кунга ёмонлаштириб борган. Ана шу касаллик ва ундан келиб чиққан асоратлар Бобур Мирзонинг 47 ёшда оламдан ўтиб кетишига сабаб бўлган.

Каримжон Тойжонов,
ЎзР ФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами
генофонди институти, биол.ф.д.

ҲИНДИСТОН ЎСИМЛИКЛАРИ БОБУР ТАВСИФИДА

Бобур Мирзо буюк шоир, адиб, лашкарбоши ва давлат арбоби бўлибгина қолмай, инсон ва табиат гўзаллигини мадҳ этувчи шахс ҳам эди. Замона зайли билан «ўз юртни қўйиб ўзга юрт»ларга юзланганини «бу қандай бахтиқаролиқ бўлди» деб зорланса ҳам, Кобул ва Ҳиндистонда амалга оширган ободончилик ишлари ҳануз таҳсинга сазовор.

Табиат ошуфтаси бўлган Бобур «Бобурнома»да нафақат Фарғона водийси шаҳарлари, Самарқанд атрофи, балки Кобул ва Ҳиндистоннинг ҳайвонот дунёси ва набототини ҳам ҳўп тасвирлаган.

«Бобурнома»да бир юз эллиқдан ортиқ мева-чевалар, полиз экинлари, ёввойи ва маданий ўсимликлар номи ўзбек, хинд, араб тилларида келтирилган. «Набототким, Ҳиндистон махсусидир» деб ўсимликларни ҳиндча номларини бирин-кетин тавсифлар экан, Бобур гоҳ флорист, гоҳ эса захирашунос ботаник, гоҳ ўсимликларни экиб ўстирувчи мутахассис (интродуктор) сифатида намоён бўлади. Айниқса, хинд меваларини шакл-шамойилини Фарғона водийси ўсимликлари билан солиштириб, мазасини узумга, жийдага, олучага, мирмиҳжон (маймунжон)га ўхшашлиги, хурмо дарахтини (икки жинсли эканлиги) ҳайвонотга нисбат бергани («нар хурмодин шохини келтуруб, тегирмасалар яхши бар бермас») ҳар қандай ботаникни ҳам ҳайратга солади.

Қуйидаги жадвалда Бобур таърифлаган баъзи ўсимликларни ҳиндча, ўзбекча (имкон қадар) ва илмий номларини келтирдик. Ўсимлик номларини аниқлашда «Бобурнома»нинг ўзбекча (2002 й.), инглиз, олмон ва рус тилларидаги нашрлари ҳамда маълумотномалар (Вульф, Малеева, 1969; Тахтаджян, 1987) ва луғатлардан (Сахабиддинов, 1953; Набиев, 1969) фойдаланилди. Айрим ўсимликларнинг ўзбекча номи йўқлиги сабаб систематикада қабул қилинган қоидага (Комаров, 1934) кўра ҳиндча номи келтирилди.

«Бобурнома»да келтирилган Ҳиндистон ўсимликлари

т/р	Ҳиндча номи	Сахифаси	Ўзбекча номи	Илмий номи	Оиласи
1	Амалбед	287а	Лимон, лиму	Citrus medica	Тошбақатолдошлар (Rutaceae)
2	Амрадпал	287а	Мандарин	Citrus aurantium	Тошбақатолдошлар (Rutaceae)
3	Амруд	287а	Нок	Pyrus communis	Раънодошлар (Rosaceae)
4	Анба	282б, 339б	Манго	Mangifera indica	Пистадошлар (Anacardiaceae)
5	Анбилий	283а, 300а, 303а	Хурмойи ҳиндий	Tamarindus indica	Бурчоқдошлар (Fabaceae)
6	Бадҳал	284а	Нон дарахти	Artocarpus lacocha	Тутдошлар (Moraceae)

7	Бейр	233а	Анжир, хинд анжири	Ficus indica	Тутдошлар (Moraceae)
8	Баланг (бажаврий)	286б	Лимон	Citrus utilissimus	Тошбакатолдошлар (Rutaceae)
9	Гулар	284б	Анжир (тури)	Ficus glomerata	Тутдошлар (Moraceae)
10	Галгал лиму	287а	Лимон	Citrus limon var. Gigantea	Тошбакатолдошлар (Rutaceae)
11	Жаасун (гадҳал)	287б	Бўритарок, чой атиргули	Hibiscus rosasinensis	Гулхайридошлар (Malvaceae)
12	Жаъмун	283б, 339б	Қалампир-мунчок, жамболан олхўриси	Syzygium cumini (Eugenia jambolana)	Миртадошлар (Myrtaceae)
13	Жав	351б	Арпа	Hordeum vulgare	Буғдойдошлар (Poaceae)
14	Жавзи бўё	283а	Мускат ёнғоғи	Myristica fragrans	Мускатдошлар (Myristicaceae)
15	Зардак	306а	Ёввойи сабзи	Daucus carota	Зирадошлар (Apiaceae)
16	Кавал какрий	369б	Нилуфар	Nulumbo nucifera	Нилуфардошлар (Nymphaceae)
17	Кадҳал	283б	Нон дарахти	Artocarpus integrifolia	Тутдошлар (Moraceae)
18	Камрак	283а	Камрак	Averrhoa carambola	Қирмизакдошлар (Oxalidaceae)
19	Канейр	241б	Самбитгул	Nerium oleander	Кендардошлар (Apocynaceae)
20	Кевра	288а	«Мушки тар»	Pandanus odoratissimus	Пандандошлар (Pandanaceae)
21	Карунда	284б	Карунда	Carrissa carandas	Кендирдошлар (Apocynaceae)
22	Кейла	283а, 340б	Банан	Musa sapientum	Банандошлар (Musaceae)
23	Кирний	283б	Кирний	Mumisops hexandra	Сапотадошлар (Sapotaceae)
24	Кунар	284а	Ҳинд чилонжийдаси	Ziziphus mauriziana	Пистадошлар (Anacardiaceae)

25	Махва	283аб, 284б	Махва	Madhuca indica (Bassia latifolia)	Сапотадошлар (Sapotaceae)
26	Нағзак	282б	Манго	Mangifera indica	Пистадошлар (Anacardiaceae)
27	Налийар, наргил	285б	Кокос палмаси	Cocus nucifera	Палмадошлар (Palmae)
28	Норанж (норанг)	286б	Апельсин	Citrus aurantium	Тошбақатолдошлар (Rutaceae)
29	Настаран	300а	Настаран	Rosa glandulifera	Раънодошлар (Rosaceae)
30	Панийала	284б	Малгуш олхўриси	Flacourtia calafraeta	Флакурциядошлар (Flacourtiaceae)
31	Таар	285б, 286а	Палмира палмаси	Borassus flabellifer	Палмадошлар (Palmae)
32	Тинду	330б, 344а	Хурмо, оқсафсан (обнус)	Diospyros glutinosa	Хурмодошлар (Elenaceae)
33	Чампа (ёсуман)	288а	Жасмин	Jasminum fruticans	Зайтундошлар (Oleaceae)
34	Чирўнжий	284б	Чирўнжий	Buchanania latifolia	Пистадошлар (Anacardiaceae)

Элмурод Шерназаров,
ЎзР ФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, профессор

БОБУР ФАОЛИЯТИДА БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРДАН БАРҚАРОР ФОЙДАЛАНИШ ҒОЯСИ

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ҳудудлар қаторига киради. Амалиётда унинг ресурсларидан фаол фойдаланиб келинмоқда. Биологик ресурсларни табиий тикланиш хусусиятлари йиллар давомида улардан режали ва баркарор фойдаланиш имконини беради. «Бобурнома»да ёввойи умуртқали ҳайвонларнинг 180 яқин тури қайд этилган. Шулардан республикада сут-эмизувчиларнинг 15 яқин тури, қушларнинг 33 тури, сувда ва қуруқликда

яшовчиларнинг 1 тури, судралиб юрувчиларнинг бир неча тури учрайди. Уларнинг баъзилари ўтроқ ҳаёт кечиради, бошқалари мавсумий миграция даврида ва қишлаб қолиш вақтида кузатилади.

Эволюцион жараёнлар натижасида шаклланган қушларнинг асосий миграция йўлларидан бири Марказий Осиё қушларни учиб ўтиш йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади. Бошқача қилиб айтганда, республика Ғарбий Осиёдан Эрон-Африка ва Ҳинди-Покистон ҳудудларига қишлаш учун учиб ўтиш йўлининг ўртасида жойлашган. Шу нуқтаи назардан ҳайвонлар миграциясини ўрганиш биологик хилма-хилликни сақашда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. «Бобурнома»да қушларнинг миграциясига оид қизиқ маълумотлар баён этилган, жумладан, миграция қиладиган қушларнинг учиб ўтиш йўллари, узоқ масофага учаётганда уларни табиий тўсиқларга дуч келиши, миграциянинг метериологик омиллар билан боғлиқлиги, миграция даврида сув ва суволди қушлари энергетик ресурсларини тиклаш мақсадида жойларда дам олиши, у ерда айрим қуш турларини анъанавий ов қилиниши ихчам ва оддий мисоллар орқали ёритиб берилган.

Инсоният қадимдан иқтисодий ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган умуртқали ҳайвонлар турларидан турли мақсадларда, биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида, саноат учун хомашё материаллари тайёрлашда йирик сутэмизувчилардан фойдаланиб келмоқда. Қушлар ва баликларнинг бир неча турлари ов объекти бўлиб хизмат қилади. Ҳайвонларни овлаш ижтимоий ва эстетик аҳамияти бор. Баъзи бир турларни наслдор чорва моллар зотини етиштириш ва хонакилаштиришдаги роли беқиёсдир. Турли минтақаларда маҳаллий аҳоли орасида анъанавий ов уюштириш шаклланган. Бобурнинг ов қилиш жараёнларини, қўлланилган усулларни, овланган ҳайвонларга нисбатан берилган биоэкологик тавсифларни ёритганлиги унинг ов қилишга катта қизиқиш билан қараганидан далолат беради. Кези келганда шуни айтиш керакки, биологик ресурслардан барқарор фойдаланиш нафақат ҳозирги замоннинг ўта муҳим муаммоларидан ҳисобланади, балки ўтмишда ҳам эътиборли йўналиш ҳисобланган ва шу ғоя «Бобурнома»да ўз ифодасини топган.

Ёқубжон Исҳоқов,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт музейи, ф.ф.н.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ДУНЁҚАРАШИГА ДОИР

Бобурнинг сиёсий, ижтимоий фаолияти, адабий ва илмий мероси таърифу тавсифга мухтож эмас. Лекин унинг шахси билан алоқадор масалалар ҳам борки, уларни изоҳламай туриб, бу улуғ зот ва унинг маънавий олами, дунёқараши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас.

Бобурнинг ижтимоий, ахлоқий ва фалсафий концепцияси масаласини ана шундай муаммолар доирасида энг муҳимлари деб ҳисоблаш мумкин.

Бобур шахси ҳақида энг ёркин тасаввур ҳосил қиладиган манба – бу унинг «Бобурнома»си. Унда муаллифнинг шахс сифатидаги қиёфаси, илмий салоҳияти, диний, фасафий, ижтимоий ва ахлоқий эътиқоди, руҳий кечинмалари барча жиҳатлари билан мукаммал намоён бўлади. Бу қомусий асарда ҳақиқий жавонмард учун хос бўлган бир катор муҳим сифатлар ҳам яққол кўзга ташланади. Шу жиҳатдан «Бобурнома» фақат тарихий — мемуар асар эмас, балки муаллифнинг фалсафий, сиёсий-ижтимоий ва ахлоқий дастури сифатида баҳоланиши мумкин.

Бобурнинг асарида кўзга ташланиб турган муҳим сифатларини футувват (жавонмардлик) аҳлининг шартлари ва сифатлари билан қиёслагудек бўлсак, бу буюк зотнинг шахси ҳақида аниқ хулосага келишимиз муқаррар.

Футувват аҳлининг 71 та шартидан 48 таси вужудий бўлиб (ҳар бир жавонмард уларни касб этиши лозим), уларнинг асосийлари қуйидагилар: ислом, имон, акл, илм, ҳилм (мулойимлик), зуҳд (ношаръий ишлардан эҳтиёт бўлиш), сидқ, карам, мурувват, шафқат, эҳсон, вафо, ҳаё, таваккул, шижоат ғайрат, сабр, нафсдан покланиш, олийҳимматлилик, раҳм, устозга хизмат, ота-онанинг ҳурматини сақламоқ, мазлумларга ёрдам, инсоф ва ҳ.к.

Футувват аҳли учун халққа нисбатан инсоф, ўз нафсига қаҳру ғазаб, улуғларга хизмату кичикларга шафқат, мағлуб душманларга кечиримли бўлиш сингари ўнта сифат ҳам зарурий ҳисобланади.

Бобур асарларида футувватга алоқадор кўп масалалар тилга олинади. Лекин у ҳақиқий жавонмардликни амалда намойиш қилди. Бинобарин, унинг туриш-турмуши кўп жиҳатдан футувват талабларига мувофиқ бўлиб, унинг

ўзи жавонмард ҳукмдорнинг ҳаётий тимсоли эди деб ҳукм чиқаришимиз, адолатдан бўлади.

Бобур нақшбандия тариқатига мансуб оилада туғилиб, тарбия топган. Унинг биринчи расмий пири Хожа Мавлоно қози, лекин маънавий муршиди Хожа Аҳрори Валий бўлган. Шу жиҳатдан у, Баҳоуддин Нақшбанд сингари, увайсий эди.

Хуллас, сийратида жавонмардлик сифатлари билан туғилган Бобур нақшбандия сулукининг ҳақиқий солики бўлди ва ниҳоят, маломатия кулоҳини бошга қўйиб, тожу тахт ва умуман, оламнинг ҳою ҳаваслари бандидан озод бўлди. Лекин бу йўл узоқ ва машаққатли эди. Бинобарин, унинг тасаввуф талабларига тўлиқ амал қила бошлаган даврини шаробхўрликни бутунлай ташлаб, Хожа Ахрорнинг «Волидия» асари таржимасига киришганлигидан ҳисоблаш мумкин. Тожу тахт (ҳою ҳавас)дан воз кечиш эса сўнгги нуқта бўлди. Лекин у ҳамма вақт расман шоҳу қалбан дарвиш эди. Бинобарин, мана бу рубоийда унинг шахси тўлиқ намоён бўлган дейиш мумкин:

Дарвешонро агар на аз хешонем,
Лек аз дилу жон муътақиди эшонем.
Дураст магўй шоҳий аз дарвеши,
Шоҳем вале бандаи дарвешонем.

Мазмуни: Биз гарчи дарвешларга ўхшамасак ҳам, дилу жондан уларга эътиқодимиз бор. Шоҳлик дарвишликдан узоқ дема; Биз гарчи шоҳ бўлсак ҳам, дарвишларнинг қулимиз.

Ғофуржон Сатимов,
Андижон давлат университети, доцент

ҲИНД ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР

Буюк давлат арбоби ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг дастлаб Марказий Осиё ва Афғонистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиши ва 1526 йилда Ҳиндистонда «Буюк бобурийлар салтанати»га асос солиши бу мамлакатларда ўрта асрнинг хотимаси ва янги даврнинг бошланишини белгиловчи омил бўлгани билан аҳамиятлидир.

Бобурийлар салтанатининг ўрнатилиши ҳақиқатан ҳам Ҳиндистон тарихида кескин бурилиш ва янги даврнинг бошланиши бўлганини барча тарихий манбаларда алоҳида таъкидланади.

Қирқ саккиз ёшида ҳаёт билан видолашган Бобур умрининг ўттиз олти йилини тахтда ўтказди. Йигирма йил давомида уриниб қўлга киритган Самарқанд тахтини бой бергандан кейин у Ҳиндистонда улкан империя яратди. Бу империянинг маҳобатини афсуски, у кўра олмади. Айниқса 1556 йилда ёш шаҳзода Акбар мирзонинг тахтга чиқиши билан Ҳиндистон Бобур очиб берган йўлдан бориб, ривожланди. Бу бошқарув усули ўз вақтидан анча илгарилаб кетган усулда амалга оширилган эди. Шу боис ҳам «Буюк бобурийлар салтанати» афсонавий гўзаллик, фаровонлик ва маҳобатни ўзида мужассам этган мавкега кўтарилди.

Бобур Ҳиндистон харитасидаги қадимий тоғ довонлари оша Кобул ва Кашмирни Панжоб дарёларига ва Ганг воҳасига қўшиб, улкан империя хосил килди. Шу билан бирга Иброҳим Лўдийнинг афғон султонлари ва ражпут шаҳзодаларининг бу ҳудудлардаги феодал ҳукмронлигига чек қўйди ва мамлакатда диний бағрикенгликка катта йўл очиб берди. Ҳиндистон тарихида анчадан буён қўлланилмаган мамлакатни бир марказдан туриб бошкариш тамойилини йўлга қўйди. Унинг кўл остидаги ўлкалар энди ўтмишга эмас, балки келажакка умид билан кўз тикадиган бўлди. Маҳаллий анъана ва удумлар, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш усуллари ва муносабатлари сақланиб колди. Мамлакат бошқаруви подшоҳ кўл остидаги вазирлар ихтиёрига берилди. Подшоҳнинг вазифаси аслида қўл остидаги вазирларнинг ўз вазифасини кандай бажараётганини назорат қилиш ва улар устидан адолат билан ҳукм чикаришдан иборат бўлиб қолди. Қўл остидаги аҳоли вазирлари ва бошка маъмурият вакиллари ишидан норози бўлса, тўғридан-тўғри подшоҳга ариза билан мурожаат килишлари мумкин бўлди. Қаландар подшоҳлик хусусияти Бобурдан унинг подшоҳ невараси Акбаршоҳга ҳам ўтган эди. Бобурнинг ҳукмдорлик фаолиятида жанг пайтида шафқатсизлик ва кейинчалик бағрикенглик тамойиллари намоён бўлади. Қозонхон, Мангухон ва Хубулайхон каби мўғул хонларининг фаолиятида ана шундай элементлар кўзга ташланади. Кўпинча тарихчилар Бобурни Европа тарихи сахнасида каттиккўл, золим ҳукмдорлар пайдо бўлишидан юз йил олдин пайдо бўлган, дея баҳолайдилар. Ҳар холда бу хислатлар унинг ўзигагина хос бўлган фазилатлардир.

Бобур Ҳиндистонга ўзи билан бирга темурий шаҳзодаларга хос удумлар – мусика ва шеъриятга бўлган иштиёқ, шу билан бирга майхўрликни ҳам олиб

келди. Ҳеч бир кутилмаган ва ноқулай жойларда боғ яратиш одати эса унга «Боғбон подшоҳ» деган ном олиб берди. Унинг ортидан Аграга гул ва сарсоя дарахтларга бурканган боғлар ҳам эргашиб келди. Бобурнинг одамлари юрган йўл бўйларида оқ ва қизил тошлардан қурилган саройлар, улкан масжидлар ва мақбаралар қад кўтарди. Бой берилган Самаркандни Ҳиндистонга олиб келдилар. Афсуски, Бобур бу кунларга ета олмади.

Теварак-атрофда яна бошқа ўзига хос хусусиятга эга бўлган империялар юзага чика бошлади. Уларнинг кўплари даштий характердаги ёввойисифат мамлакат шаклида эмас, балки, тамаддун (цивилизация) маркази сифатида шаклландилар. Даштий ўзбак хонлари Самарканд ва унинг атрофидаги ерларда ўн олтинчи аср охиригача ҳукмронлик қилган бўлсалар ҳам, улар ўз табиатига кўра мўғул аждодларидан фарқ қилмас ва ўшаларнинг соясида қолиб кетдилар. Ҳақиқий кўчманчилар чўл ва саҳро томон кўчиб ўтдилар. 1550 йилларда Акбар бағрикенглик тамойиллари асосида янгича муносабатларда иш олиб бораётган бир пайтда эронийлар ва турк султонлари ўртасида тинчлик шартномаси имзоланган эди. Москва ҳукмдори Иван Грознийнинг тўплари ёрдамида Волга бўйидаги Қозондан татар хонлари қувиб чиқарилган эди.

Бобурийлар ҳукмдорлигига қадар Ҳиндистонни бошқарган афғонлар ўзларини «султон» деб атар ва Халифаликнинг ҳукмронлигини тан олардилар. Бобуршоҳдан бошлаб, кейинги бобурий шаҳзодалар халифаликни тан олмадилар ва ўзларини «шоҳ» деб атай бошладилар ҳамда ҳукмдорнинг мавқеини энг юқори мартабага кўтардилар. Акбаршоҳ эса ўзига «шаҳаншоҳ» унвонини олган эди.

Бобуршоҳнинг Ҳиндистонга келишидан аввал мамлакатда қатор диний, ижтимоий ва сиёсий тенгсизликлар мавжуд бўлиб, бу ҳол аҳоли ўртасида ўзаро адоват ва давлат бошқарувида бошбошдокликни келтириб чиқарган эди. Бобуршоҳ бу борада мамлакатга янгича сиёсат олиб келди ва давлатни бошқаришнинг темурий шаҳзодаларга хос услубини ўрнатди. У қўл остидаги афғон султонлари ва ражпут рожаларига ҳам адолат, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида муомала қилар эди. Ўғилларидан иккитасига ҳинд рожаси Медини Раонинг иккита қизини никоҳлаб бериб, ражпутлар билан қуда-андачилик ришталарини боғлади ва уларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Акбаршоҳ ҳукмдорлиги даврида эса бу муносабатлар янада яхши даражага кўтарилди ва ҳукмдорга садоқатли ражпутлар жон-жаҳди билан подшоҳ шаънини сақлаш учун курашдилар.

Бобургача мамлакатда ҳукмрон бўлган тўғлоқлар сулоласи ҳукмронлиги даврида меъморчиликка бироз эътибор берилган бўлса-да, тасвирий санъат диний акидалар асосида мутлақо тақиқланган эди. Бунёдкор бобурийзодалар ҳукмронлиги даврида ҳукмдорларнинг ҳомийлиги ва чексиз саховати натижаси ўлароқ, Ҳиндистонда меъморчилик ва тасвирий санъат мисли кўрилмаган даражада тез ривожланди ва мамлакат узра ёйилди.

Бобурийлар ҳукмдорлиги даврида мусулмонлар билан ҳиндулар ўртасида бир-бирига нисбатан бағрикенглик муносабатлари шакллантирилди ва омма орасида кенг тарғиб қилинди. Улар ҳаётнинг турли жабҳаларида бир-бирини қўллаб-қувватладилар, ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, самимий муносабат ва меҳр-оқибат таомиллари амалда қўлланилди.

Маҳаллий тилларнинг тараққиёти ва ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Мустақилликка эришган маҳаллий сулолалар ўз шевалари ва тилларининг ривожи учун ҳомийлик қилдилар, уларга расмий тил мақоми берилди. Бу ҳол эса дин исломчилари учун ўз ғояларини маҳаллий аҳоли ўртасида кенг ёйиш имконини яратиб берди. Улар ўз китобларини ўз тилларида ёзиш ва ўзлари эътиқод қилган динларига ўз тилларида сиғиниш имконига эга бўлдилар. Бу ҳол эса айрим диннинг якка ҳукмронлигига йўл қўймас эди.

Бу омиллар бобурий подшоҳлар ўзидан аввалги ҳукмрон доиралардан моддий, маънавий ва маъмурий жиҳатдан анча устунликларга эга бўлганлигига, бобурий шоҳларнинг юксак маданият соҳиблари, бағри кенг, адолатпарвар ва саховатпеша ҳукмдорлар бўлганидан далолат беради.

Дилором Ёрматова,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, профессор

«ТАРИХИ РАШИДИЙ»ДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАБИАТИНИНГ ТАВСИФЛАРИ

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо китобидан тарихий ишончли маълумотлар олиш билан бирга шу даврнинг табиатини – боғларини, гулларини излаб кетдим. Кўпгина варақларда ўзим кутганимдан ортиқ гўзал маълумотларга эга бўлдим.

Бугунги глобал исиш ва иқлим ўзгариши Марказий Осиё табиатига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда, шунинг учун биздан 5–6 аср олдин яшаган аждодларимиз давридаги об-ҳаво, ўсимликлар, ҳайвонлар тури, дарёларнинг суви ҳақидаги маълумотлар бугунги кун учун жуда муҳимдир.

Турфонда қурғоқчилик бўлганлиги, қудуқларда сувнинг пастлашиб кетганлиги ва аҳолининг азият чекишлари баён қилинган. Демак, сув ташвишлари Марказий Осиё мамлакатларида доимо муаммо бўлиб келганлигига ишорадир.

Тарихдан маълумки, қадимда узоқни кўра билган улуғ подшоҳлар кўплаб боғлар ташкил қилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқандда яратган ўнлаб боғлари бугунгача сақланиб турибди. Подшо Абобакр Ёркандда пойтахт ташкил қилгандан сўнг, жуда кўп қалъалар қуради ва гўзал боғлар ташкил қилади, йўлларнинг четларига узун бўйли оқ тераклар экиб чиқади. Одамлар ана шу тераклар соясида салқинлаб юришди. Ариқлардан жилдираб тоза тиниқ сувлар оқди. Шоирлар Ёрканд сувларини энг тоза сув деб таърифлашди, чунки бу сув Тибет тоғлари орасидан бир ой давомида оқиб келади. Қашқарга келганида тошларнинг орасида яна етти кун оқади, шунинг учун ҳам Ёрканд суви энг тоза пишган сув ҳисобланган.

Шунингдек китобда, жаннат мисол боғлар, ширин мевалар, ёввойи туялар, қўтослар, кум саҳролари ҳақида жуда кўп хабарлар келтирилган. Тибет ғаройиботларини ўқиган киши ўзини Тибетда бўлгандек ҳис этади. Муҳаммад Мирзо Ҳайдар Кашмир водийсини тўрт бўлакка бўлади, бу борада ишонарли маълумотларни беради. Водийнинг табиатини худди табиатшунос олим каби зарур бўлган ишоралар билан таърифлаган. Ушбу китоб фақатгина тарихчиларга эмас, балки бутун ўзбек халқи, бутун туркий тилида сўзлашувчилар учун ўз тарихини ўрганишда катта манба бўлиб хизмат қилади.

Пэри Бенедек,
Эотвос Лоранд университети,
(Венгрия), профессор

БОБУРНИНГ «ТОПИЛМАС» РАДИФЛИ ҒАЗАЛИ ВА УНИНГ ТУРКИЙ МУМТОЗ ПОЭЗИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

«Яхши маъно» дегани худди танаси гўзал кишига ўхшайди,
У доим ҳар учраганда турлича либосда кўринади,
Янги либос унинг уятчанлигига сабаб бўлади,
Агар у либосни кийган кишининг гўзаллигини бўрттирмаса,
У эски чакмонни ипак либосга алмаштиришга туртки бўлади.

Шиор сифатида Мулла Жомийнинг «Баҳористон» асаридан олинган бу китъа муаллифнинг асар ёзиш ва ёзилган шеърнинг «назираси» борасидаги фикрини ёритиб беришга хизмат қилади. Мисол сифатида келтирилган сатрлар икки нуқтаи назардан муҳимдир: биринчидан, ушбу сатрлар туркий ва форсий мумтоз назмида бошқа шоирларнинг шеърий асарларини бошқа шаклга киритиб (перефраза) талқин қилиш, одатий ҳолга айланиб улгурган эди. Бу дегани мумтоз назмий асарни таҳлил қилиш бу асарнинг бошқа шунга ўхшаш асарлар билан узвий боғлиқлиги борми ёки йўқми эканини аниқлаш ва унинг матнлараро муносабатларини чизгилар билан бериш керак. Шеърнинг бошқа шеърлар билан алоқадорлиги ёхуд унга параллел «назира занжири» бўлган асарларни аниқланмаса, амалга оширилган таҳлил мукаммал бўлмайди.

Жомийнинг шеъридан ташқари унинг Салмон Соважий асарлари моҳиятини очиб берадиган прозаик асарлари матни ҳам бизнинг диққатимизни ўзига жалб қилади. Бошқа шоирларнинг асарларини талқин қилиш барча тан оладиган одатий ҳол бўлибгина қолмай, балки тақлид асари аслий нусхадан яхши чиққан ҳолларда бу ҳол юқори даражадаги назмий муваффақият сифатида ҳам қабул қилинади. Демак, назмий матннинг мукаммал таҳлили унга мос бўлган моделлар (параллеллари)ни қиёсий таҳлил қилмай туриб самарали бўлиши мумкин эмас.

Ана шу икки ҳолатни назарда тутиб ушбу маърузада Бобурнинг «топилмас» радифли ғазалларидаги матнлараро муносабатларни тасвирлаб бериш ва унинг адабий ютуқларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган.

Фоиза Зехра Мирза,
Карачи университети (Покистон),
профессор

«БОБУРНОМА»НИНГ ПОКИСТОНДАГИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ ВА ТАРЖИМАЛАРИ

Бобур (1483–1530) Ҳиндистонга темурийлар бошкаруви тизимини олиб келган ва Осиё тарихидаги кишини ўзига мафтун қиладиган энг дилбар шахсдир. Биз у ҳақда тадқиқотлар олиб бориб бизга қимматли маълумотлар қолдирган мутахассисларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Унинг она тили бўлмиш чиғатойи туркийда ёзилган автобиографик асарини турлича номлар билан атайдилар: «Вақое», «Воқеоти Бобурий» ёки шунчаки «Бобурнома» тарзида номлайдилар. Бу асар ўз даврининг ва муаллиф фаолиятида муҳим аҳамият касб этадиган асардир.

Ушбу маърузада Покистондаги оммавий ва хусусий кутубхоналарда сақланаётган «Бобурнома»нинг нусхалари ва қўлёзмалари, шунингдек, яқинда топилган урду ва синд тилига қилинган таржималари шарҳи берилади.

Азизиддин Ҳусайн,
Рампур Разо кутубхонаси (Ҳиндистон),
профессор

РАМПУР ШАҲРИДАГИ РАЗО КУТУБХОНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН «БОБУР ДЕВОНИ»НИНГ НОЁБ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

Умаршайх Мирзонинг ўғли темурий шаҳзода Бобур Ҳиндистонда «Буюк бобурийлар салтанати»га асос солди. У олим одам эди. У «Тузуки Бобурий» деб номланган кундалик хотираномасини ёзиб қолдирди. Бу асар хотираномагина эмас, балки, Ҳиндистон ва Марказий Осиё тарихини ёритиб берувчи муҳим манбадир.

Бобур бу асарни ўз она тилида ёзган, шу боис туркийни билмаган мутахассислар уни таҳлил эта олмас эдилар. 1589 йилда бобурий шаҳзода Акбаршоҳнинг буйруғи билан асар Абдураҳим хони хонон томонидан форс тилига ўгирилди.

Калкуттада Қироллик Осиё Жамияти таъсис этилиши билан форс тилидаги тарихий матнларни таҳлил қилиш ва таржима қилиш ишлари бошланиб кетди. А.С. Бейвериж хонимга «Бобурнома»ни таржима қилиш иши топширилган эди. Ҳенри Бевериж эса «Акбарнома»нинг қисқача матнини тайёрлади ва кейинроқ уни таржима қилди. «Акбарнома»нинг инглизча таржимаси асар матнининг тўлиқ таржимаси эмас, шу боис унинг форсча нусхасини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Бироқ бу асарни инглиз тилига ўгириш осон иш эмас.

А. Беверижнинг ёзишича, асарни таржима қилишга бир неча йиллик вақт сарфланди, бироқ иш натижасини мукаммал деб бўлмайди, чунки Абул Фазлнинг ёзув услубини тушуниш қийин. Таржима иши Ҳенрининг жуда кўп вақтини олди, чунки у жуда эҳтиёткор таржимон эди. Бу борада Ҳ. Бевериж шундай деб ёзади: «Таржима асарнинг «Библиотека Индика» нашри асосида тайёрланди, лекин таржима жараёнида мен Британия музейидаги, Индиан Оффис кутубхонасидаги ва Ройал Асиатик Сосайети кутубхоналаридаги нусхаларга ҳам кўп мурожаат қилдим». Бу асар 1902 йилда нашр қилинди.

«Бобур девони»нинг қўлёзма нусхасини Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Разо кутубхонаси хазинасидан топиш мумкин. Бобур шунингдек, Қуръони каримнинг бир нусхасини ҳам кўчирган. Бу асар Эроннинг Машҳад шаҳридаги Остонаи Қуддус, Ҳарами Мутаҳҳар кутубхонасида сақланмоқда. Қўлёзмада шундай маълумот бор: «Бобур, ҳижрий 935 йил, рабиул охир ойининг 15-да, душанба куни ёздим». Кўриниб турибдики, Бобур бу асарни Ҳиндистонда ўз империясини ўрнатгандан кейин икки йил ўтгач ёзган. Мен ўз маърузамни ана шу асар асосида тайёрладим.

Билол Южел,
Жумҳурият университети (Туркия), профессор

БОБУРНИНГ МАСНУЪ ШЕЪРЛАРИ ХУСУСИДА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг туркийда ёзилган «Вақое (Бобурнома)»си билан ўзбек адабиёти тарихида, илмий тил билан айтганда чиғатой адабиёти тарихида Алишер Навоий каби улуғ сиймолар қаторида туради. «Вақое» туфайли Бобурнинг прозадаги маҳорати унинг поэзиясидан

юқори туришини бобуршунослар алоҳида таъкидлайдилар. «Рисолаи аруз» деб номланган назарий асари билан Бобур шеърият санъатининг нафислигини тасвирлаб беради, шеъриятда қўлланиладиган стилистик воситалардан худди прозадаги ва оғзаки нутқдаги каби маҳорат билан фойдаланади. Унинг «Девон»идаги каби «Ашъори маснуъ» асарида ҳам стилистик воситаларни маҳорат билан ишлатади.

Ушбу маърузада «Бобур Девони»даги маснавий усулида ёзилган шеърларида қўлланилган стилистик воситаларнинг моҳияти ҳақида мулоҳаза юритилади.

Воҳид Турк,
Истанбул Маданият университети,
профессор (Туркия)

ТУР – НОАНИҚ ФЕЪЛИ ВА БОБУР ДЕВОНИДАГИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Бутун тилларнинг асл унсурларидан бири, ёрдамчи (ноаниқ) феъллардир (copula) ва бутун тиллардаги бу ёрдамчи феълларнинг ўрток томонлари «бўлмоқ» (онтология) маълумотларини ўз ичига олган сўзлардир. Мўғулчада «бўлмақ», арабчада «кона», форсчада «аст», инглизчада «to be», французчада «etre» ва бошқалар, бутун бу феълларнинг муштарак томонларини билдирувчи «бўлмоқ» маъносини ифодалайди.

Ёрдамчи (ноаниқ) феъл (copula), бошқа барча феъллар каби сўз тизимида асл унсур бўлган ҳолда сўзнинг охирида келади ва қарорни ифодалайди. Ёрдамчи (ноаниқ) феъл олдидан келган у хоҳ нарса, хоҳ ҳаракат, жумланинг вужудга келишида бир хил қийматга эгадир. Чунки нарсанинг ва ҳаракатнинг ўрток васфи «бўлмоқ»дир.

Турк тили, ёрдамчи (ноаниқ) феъл вазифаси билан илк ёзилган матнлардан эътиборан «бўлмоқ» маъносини ифодаловчи уч сўзни қўллайдики, улар: бўлмоқ/ўлмоқ, етмоқ ва турмоқдир. Бу уч сўз, ҳам маъно, ҳам грамматик тусланиш орқали турк тилининг барча бўлимларида олдимиздан чиқади. Бобур «Девон»ида ҳам бу сўзларнинг ҳар учаласи ҳам маъно ҳамда грамматик тусланиш орқали кўп қўлланилгандир.

Маърузада турк тилининг ёрдамчи (нопник) феълларидан бири бўлган «турмоқ» феълининг қўлланилиши, унинг байтларда ифодаланиши ва бу феълнинг маъно ва вазифа жиҳатлари ўртага ташланади.

Рахиммаммет Куренов,
Национальный институт
рукописей Академии наук
Туркменистана, д.ф.н.

ТЕКСТОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПАКИСТАНСКОЙ КОПИИ ПРОИЗВЕДЕНИЯ БАБУРА «МУБЕЙЙИН»

В истории развития человеческой цивилизации неизгладимый след оставили много известных личностей, ученых, талантливых писателей и поэтов. Среди них особое место принадлежит Захириддину Мухаммаду Бабуру. Он не только писал прозаические и лирические произведения, но и оставил после себя ценные книги об арузе, художественных вопросах, размерах восточного стиха, слогах и образах, военном искусстве и исламском праве, вопросах экономики и финансовой сферы.

Научной общественности известно несколько копий рукописи произведения мудреца Бабура, которые хранятся в Германии, России, Турции, Узбекистане и Пакистане. В недавно найденной в Пакистане рукописи имеются три произведения Захириддина Мухаммада Бабура. Ныне мы анализируем особенности берлинской и пакистанской копий этого произведения. В своем исследовании опираемся на научные взгляды об этом произведении бабуроведов Т. Орала, С. Хасанова, В. Тихонова и других.

Бабуроведы вели исследования по берлинской копии и ограничивались информацией, данной каталогом Гётзи. В конце берлинской копии имеется информация о том, что собственноручно написанная рукопись падишаха Бабура в эпоху Абдуллабек-хана переписана Муллой Мухамметом Муштаком. Годы правления Абдуллабек-хана – 1539–1540. Эти исторические данные дают возможность определить дату написания рукописи.

Абдулла Аъзамов,
Бобур халқаро жамоат фонди,
ф.-м.ф.д., профессор

БОБУР ЎЗ ДЕВОНИНИ АНЪАНАВИЙ ТАРТИБГА СОЛМАГАНИ ХУСУСИДА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоир сифатида аруз вазнида самарали ижод қилган, адабиётшунос олим сифатида адабиётшунослик тарихида салмокли ўрин эгаллаган мукаммал «Аруз» рисоласини ёзиб қолдирган. Аруз фанидан у қачон ва қай тарзда сабоқ олгани ҳеч бир манбада қайд этилмаган. Шеър машқларини 16–17 ёшида бошлагани эътиборга олинса, ҳали тахтга ўтиришдан аввал, яъни болалигидаёқ арузни ўрганишга киришган, деган хулосага келиш мумкин. 1500 йили Навоийга ёзган мактубига рубоий илова қилгани эса бу ёшда Бобур аруз илмини пухта ўзлаштириб улгурган ва ижод малакасига эга бўлган дейишга асос беради. (Мумтоз рубоий арузнинг қатъий вазнида битилиши шарт бўлган. Бугун у Шарқ адабиёти тарихида энг йирик ва моҳир рубоийнавислардан бири сифатида эътироф этилади).

Бобур ғазал жанридаги ижодини арузнинг энг ўнғай ҳазажи мусаммани солим ва рамали мусаммани маҳзуф вазнларидан бошлагани табиий. Нисбатан қисқа ва ўта алғов-далғовли умри давомида ёзган девонида эса 50 дан зиёд вазнга мансуб шеър намуналарини ўқиймиз. Ижодида вазн ранг-баранглиги бўйича Бобур Хисрав Деҳлавий, Салмон Соважий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби аруз устозлари сафида туради. Айрим ўринларда эса яна ҳам юқорироқ ўринни эгаллайди, дейишга асос бор.

Шу мақсадда Бобур девони билан боғлиқ бир жумбоқни қарайлик. Бобур ўз шеърларини бир неча марта жамлаб, муқовалатгани ва девон деб атагани яхши маълум. Шу билан бирга **Бобур девони анъанавий тартибга келтирилмаган**. **Нима сабабдан?** Ҳолбуки у шоҳ эди, девонини тартибга келтириши, бу ишни ўзи қилмаган тақдирда ҳам қўл остидаги котибларига фармойиш бериши ва шоҳона тарзда мусҳаф қилдириши мумкин эди. Сабабини унинг фурсати етмагани билан ҳам изоҳлаб бўлмайди – «Аруз»дай муфассал ва мураккаб рисола, «Мубаййин»дай йирик достон ёзишнинг каршисида тайёр шеърларни девон тартибига келтириш нима?

Фикримизча, бу жумбоқни фақат бир сабаб билан изоҳлаш мумкин: Бобур аввал аруз назариясини мукаммал даражада ўрганиш, салафларининг

арузни ривожлантиришдаги бой тажрибаси билан пухта танишиш, сўнг янги вазнлар ихтиро қилиб, аруз илмини бойитиш, матбуъ ва номатбуъ вазнларни саралаб чиқиш, арузнинг барча матбуъ вазнларида ижод қилиш, шундан сўнггина девонга тартиб беришни ният қилган.

Бу, албатта, фараз. Биз бу борада фақат Бобур меросидан далиллар излашимиз мумкин, холос.

Аввало, Бобур ўзининг бўлғуси девонида арузий шеър намуналарини салафларининг шундай турдаги шеърларидан ўтказишга ҳаракат қилган. Масалан, кўп вазнларда ўқилиши мумкин бўлган муталаввин шеър турини олайлик. Бобур Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг рисоласидаги қуйидаги иқтибосга эътибор қаратган: «...ул ерда (Маншурий рисоласида) бир байт келтирилиптурким, ани ўттузу неча вазнда ўқуса бўлур эмиш». Бобур аввал 20 га яқин вазнга тушадиган «Қошиға борғали кўнгул ўзига келмади, нетай Юзига тушгали кўзум кўзига илмади ул ой» байтини топган, аммо бу билан қониқмай, кейинроқ 504 (!) вазнга тушадиган «Кўзу қошу сўзу тилиниму дей / Қаду хаду сочу белиниму дей» байтини ихтиро қилган ва буни махсус «Тақтиъ» рисоласида батафсил кўрсатиб берган.

Иккинчи. Шоирлар ўзаро мусобақалашган яна бир шеър тури бу – мутатаввал, яъни ҳар мисраси тўртдан зиёд рукнли шеър. Бобур «Аруз» рисоласида Исмат Бухорий, Аҳмад Тарозий ва исми кўрсатилмаган шоирларнинг 10, 16 ва 20 рукнли байтларини мисол тариқасида келтирган, бундан узунроқ шеър сунъий чиқади деб ўйлаган бўлса керак, бу борада салафлари билан бошқа йўсинда баҳслашган – мутатаввал мужталиба доирасини ясаган, яъни бир йўла ҳазаж, рамал ва ражаз вазнига мисол бўладиган 8 рукнли мисра ихтиро қилган (С.Ҳасанов).

Учинчи. Ўз салафлари, жумладан, Алишер Навоий билан мусажжаъ ғазал борасида баҳсга киришган: Буюк шоирнинг бир мусажжаъ ғазалини ҳазажи мусаммани солим вазнига мисол қилиб келтириб, қўшимча қилган: «Мусажжаъ ғазалларнинг матлаъида сажъ камроқ риоят қилибтурлар. Агар риоят қилинса, яхшироқ бўлғусидур, нечукким:

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,
Юзунгнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор»

– бу матлаъ билан бошланган мусажжаъ ғазал рисолада тўлиқ берилган. Бу билан чекланмай, Бобур мусажжаъ ғазалларнинг деярли барчасини шу тариқа ёзган.

Тўртинчи. Мутақориби мусаммани махбун ва аслам вазнидаги

Эй юзи наср ин, қомати шамшод,
Неча қилурсен жонима бедод

матлаъли мусажжаъ ғазалини келтириб, унга изоҳ берган: «Бу вазнда бу мастур бўлғон ғазалдин ўзга ғазал кўрунмайдур».

Бундай далиллар қаторини яна давом эттириш мумкин. Яна бир психологик далил: Бобур ўзининг Самарқандни олганини Султон Ҳусайннинг Ҳиротни олгани билан қиёслаб, Амир Темур Самарқандда ишлатган сангтарошлар сони билан ўзи Аграда ишлатган сангтарошлар сонини солиштирар экан, ҳар икки ҳолда ҳам Бобур ўзининг буюклар билан баҳслашиш табиатини ошкор қилади. Унинг бу табиати «Б.»нинг деярли хар бир бобида кўриниб туради. Унинг Алишер Навоий асарларида айрим камчиликлар бор, деб ёзиши, Носириддин Тусий, Носир Бухорий, Муҳаммад Солиҳ, Бехзод каби ўз соҳасининг энг атоқли ижодкорларининг асарларига танқидий баҳо бергани ҳам шу билан изоҳланади. Шунинг учун юқоридаги жумбокка шундай жавоб бериш ўринли бўлса керак: Бобур Дехлавий, Жомий, Навоий каби қўшақўша девон яратиш имконига эга бўлмаган ва бу борада улар билан баҳсга кириша олмаслигини яхши англаган. Бунинг ўрнига у вазн ранг-баранглиги бўйича улардан мукаммалроқ девон тартиб беришни ният қилган ва то уни қай даражада бўлса ҳам амалга оширмагунча девон тартиб беришни ўзига муносиб кўрмаган (Валлоҳу аълам).

Биз Бобур девонини «Аруз» рисоласи билан қиёслаб, у дастурни амалга ошириша бошлаганига ҳам гувоҳ бўламиз. Қуйидаги жадвалда биринчи мисраси келтирилган ғазаллар «Аруз» рисоласида неча байт ва «Девон»да неча байт берилгани кўрсатилган:

Баякногаҳ кўзумга учраб ўтру	1	5
Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ	1	6
Чиқса қуёш фалакка сен отқа чиққанингдек	3	5
Сочию қошию кўзидин бошта балодур	2	6
Сендек менга бир ёри жафокор топилмас	1	5
Ғофил ўлма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут	3	4
Яна кўз уйида маъво қилибсен	1	6
Кўнглумни чу пари олибтур	3	5
Қошию қадию оғзин ул мох	$2^{1/3}$	7

Юз кўрсатиб ўлтурурсен, эй ой	5	7
Ичгуча жоми ажал кўнглумда ул соқийдурур	3	6
Не чаманда сарв бор ул қомати раъно киби	3	6
Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму	2	5
Кўрмагай эрдим жамоли оламоро кошки	4	5
...		

Мисолларни яна давом эттириш мумкин. Жадвалдан кўринадики, Бобур «Аруз» рисоласини битиш давомида мисол тариқасида ёзиб кетган бир ёки бир неча байт шеърларни вақт топилиши билан тўлдириб борган ва биринчи ғазалини битганда ўз олдига қўйган мақсад – барча ғазалини камида 6 байт бўлишига интилган.

Афсуски, тақдири азал Бобурнинг бу хайрли ниятини амалга оширишга имкон бермади – умри асосан тафриқа ва ғавғо тўфони ичида ўтиб, 47 ёшида дунёдан этак силкиб кетишга мажбур қилди. Шунга қарамай у Шарқ адабиётида, жаҳон шеъриятида беқиёс ўринга эга адабий-бадиий мерос қолдириб улгурди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Аруз» рисоласи ва ҳозир қўлимиздаги «Девон»и воситасида бошланғич қисми битирилган буюк лойиҳа – арузнинг 250 дан зиёд матбуъ вазнида шеър битилган девон яратиш лойиҳасини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

Суйима Ғаниева,
Тошкент давлат шарқшунослик институти, профессор

БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИГА МАНСУБ ИЖОДКОРЛАР

Фахрий Ҳиротийнинг «Равсат ус-салотин» номли (ношир ва изоҳлар муаллифи Саййид Ҳисомиддин Рашидий, Ҳайдаробод, 1968 й.) етти бобдан иборат тазкирасининг учинчи боби темурийлар, Бобур ва бобурийларга бағишланган.

Фахрий Ҳиротий тазкирасида Комрон Мирзо мадҳ этилади. Унинг «Девон» тартиблагани ҳақида маълумот берилиб, Мавлоно Жомийга татаббуъ ғазалидан бир байт ва форсийдаги икки ғазали келтирилган.

Ҳасан Нисорийнинг «Музаккири асбоб» тазкирасида Ҳумоюннинг табиати, шижоати, саховати, нужум илмида билимдонлиги хакида муфассал лавҳалар ва бир неча форсий байтлари берилади.

Нисорий Ҳиндол Мирзонинг ҳуснихатига ва китоблар жамлашга ихлосманд бўлгани, «ака-укаларнинг низолари боис жангу жадалларнинг бирида ҳалок бўлгани» ҳақида ёзган ва форсийдаги бир рубоийсини келтирган. Унинг қабри тарихий манбаларга кўра отаси Бобур мақбараси ёнидадир.

Мутрибий Самарқандийнинг «Нусхаи зебойи Жаҳонгир» тазкираси (ноширлар Исмоил Бекжонов ва Саййид Али Мавжоний. Эрон, Кум, 1419 ҳ.қ.) муқаддимасида Ироқ подшоҳларидан бири «Нусхаи Ҳумоюний» номли қўлёзмадан нусха кўчириб юборишни сўрабди. Мутрибий шу қўлёзмани Абдуллоҳхон китобхонасида кўрган ва муаллиф хати эканлигига амин бўлган экан.

Ҳумоюн Мирзонинг катта ўғли Акбаршоҳ илм-маърифатга ғоят ташна, тасвирий санъат – рассомчилик, наққошлик корхоналари, китобхоналар ташкил қилган эди. Унинг ўғли Жаҳонгиршоҳ (шаҳзода Салим) «Тузуки Жаҳонгирий» номли асар ёзган. У ҳам олиму шоирлар, мусиқачиларга ҳомийлик қилган. Унинг завжаси Нуржаҳон бегим (Меҳринисо) яхши шоира бўлган. Унинг Жаҳонгир билан мушоиралари шоиралар ҳақидаги тазкираларда келтирилади. Маълум бўлдики, Жаҳонгир ҳам шеърлар ижод қилган. Унинг яна бир завжаси Оромбегим, яна бир завжаси Фано бегим ҳам шеърлар ёзган.

Жаҳонгир ўғли Шоҳжаҳоннинг ўғли Муҳаммад Доро Шукуҳ (онаси Аржуманд бону) илм-маърифатга муҳаббати ёниқ бўлган, адабиётда ўчмас из қолдирган. Унинг «Сафинат ул-авлиё», «Сакинат ул-авлиё», «Ҳақнома», «Ҳасанот ул-орифин» («Шайхиёт» ҳам дейилган), «Мажмаъ ул-баҳрайн», «Сирри Акбар» номли асарлари ва девони маълум. Шунингдек, унинг ирфоний номалари, тариқатга оид «Рисолан маориф», «Савол-жавоб» рисоласи ҳам бор (қаранг: С.Ғаниева. Муҳаммад Доро Шукуҳ. «Шарқ машъали», 2002 й. №1; Акбаршоҳ давридаги шоирлар ҳақидаги замима тазкира нашрдан чиқмоқда).

Гулчеҳрабегимнинг қизи Салима бегим. Диний эътиқоди мустаҳкам бу қиз «хони хонон» лақаби билан машҳур Байрамхонга узатилган. Байрамхон вафотидан кейин уни Акбаршоҳ ўз никоҳига олган. Ёшлигидан шеър ёза бошлаган.

Жаҳоноро бегим – Шоҳжаҳоннинг қизи, онаси Мумтоз Маҳал номи билан машҳур Аржумандбону бегим ғоят гўзал, зарифа, ирфоний эътиқодида изчил, оқила бу малика турмуш қурмаган. Отаси Шоҳ Жаҳонни ўғли Аврангзеб хибс – қамоққа солганда, унинг ёнида бўлган. У 1681 йили вафот этган.

Жаҳоноро бегимнинг «Соҳибия» номли рисоласида тасаввуф ва тарикатлар (чиштия ва қодирия) ҳақида, ўзига муршид ахтариб, азоблар чеккани қаламга олинган. Ана шу рисола сўнгида унинг ўнта байти келтирилган (бу рисола ҳам нашрдан чиқмоқда).

Аврангзебнинг қизи Зебуннисо ҳақида кўп ёзилган (яна қаранг: С.Ғаниева. «Шоҳ қизи эрсам-да...» Т., 2002.). Унинг синглиси Зийнатнисо ҳам гоҳо шеърлар ёзган.

Бобурийлар сулоласига мансуб ижодкорлар – тарихчи, илму ирфон намоёндалари, шоирлар адабиётимиз, маънавиятимиз юлдузларидир. Улар қолдирган излар нурли ва ўчмасдир. Уларнинг асарларини топиш, таржима қилиш, атрофли ўрганиш, истиқболдаги муқаддас ухдалардир.

Неъмат Отажонов,
Бобур халқаро жамоат фонди,
ф.ф.д., профессор

«БОБУРНОМА» ЖАҲОН АДАБИЙ ЖАРАЁНИДА

Ўзбек адабиётининг мумтоз намуналари, неча асрлардирки, хорижий тилларга таржима қилинади. Чунончи, Аҳмад Яссавий (XI аср) ҳикматлари, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (XII аср) асари, Хоразмийнинг «Мухаббатномаси» (XIV аср), Лутфий, Дурбек, Навоий (XV аср), Бобур, Абулғози Баҳодирхон (XVI аср), Машраб (XVII) асарлари, Амир Темур тузуклари, Сохибқироннинг хаёти ва харбий юришларига оид ҳамда бошқа ўнлаб нодир китоблар неча бор инглиз, француз, олмон, рус ва бошқа тилларга ўгирилиб келинади. Дафъатан, булар ҳақида ёзилган кўплаб ғоят қимматли илмий тадқиқот ишлари диққатни ўзига тортади. Шуни алоҳида чукур мамнуният ва шукроналик ила кайд этиш керакки, бир қанча туркиёна кадимий адабий ёдномалар овруполик тадқиқотчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли топилиб нашр этилган, асраб-авайлаб тасниф ва таҳлил қилиниб,

жаҳон илм-маданияти мулкига айлантирилган, бизга – мерос эгаларига қайтарилган. Айниқса, бу борада бугунги кунда жаҳон доирасида фаолият кўрсатаётган З.М. Бобур номидаги халқаро жамғарма илмий экспедицияси ва унинг фидойиси З. Машрабовнинг хизматлари беқиёс. Хорижий олимлар, таржимонлар, матншуносларва шоирларнинг меҳнатию ҳимматини биз, шу адабиёт соҳиблари, муносиб тақдирлашга, қадрлашга тегишмиз.

Ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан З.М. Бобурнинг ижоди дунё бўйлаб кенг тарқалган Қадимий Мовароуннаҳр ва ундаги халклар ҳақида жонли гувоҳ берувчи асарлар орасида «Бобурнома» алоҳида ажралиб туради.

Ўзбек классик адабиётининг Навоийдан кейинги буюк вакили З.М.Бобур томонидан яратилган бу асар ижтимоий-тарихий, илмий-табиий ва адабий-лингвистик маълумотлар хазинасидир.

«Бобурнома» – Афғонистондан Олмониягача, Туркиядан Фарангистонгача, Ҳиндистондан Буюк Британиягача, Испаниядан Япониягача, Қадим Туркистондан Россиягача, Покистондан Хитойгача, дунёнинг деярли барча мамлакатларига етиб борган, 30дан ортиқ хорижий тилларга тўлиқ ва парчалар ҳолида таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилган беш асрлик ноёб адабий-тарихий ёдгорлик.

Европа ва Шарқ олимларининг узвий равишда эътиборини қозониб келаётган «Бобурнома» XV асрнинг иккинчи ярмидаёқ форсчага ўгирилган бўлса, XIX асрга келиб инглиз, француз, олмон тилларига таржима этилиши Европа олимларини жунбушга келтирди. Ғарбий Европада Бобур ижодига у ёки бу тарзда мурожаат этмаган йирик шарқшунос кам қолди.

Навоийдан кейин ўзбек мумтоз шоир ва адибларидан ҳеч бири ўз асарларининг таржималари билан Ғарб ва Шарқда Бобурдек машҳур бўлмаган эди, десак хато қилмаган бўламиз.

Бобуршоҳ ижоди Ғарбий Европа Шарқшунослигида турли мақсад ва даражада тадқиқот объекти бўлиши ҳамда таржима этилиши жиҳатидан буюк немис классиги И.В.Гёте ўзининг «Шарқ Ғарб девонига» ёзган шарҳларида «Етти буюк аллома» деб атаган Ҳофиз, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий, Анварий, Румийлар меросидан ҳам бир қадар устун туражаги бугунги кунда исбот талаб қилмайдиган далилдир.

Машҳур «Бобурнома» тўрт марта форсийда, тўрт марта инглизчада, тўрт марта немис, француз ва турк тилларида, тўрт марта рус тилида, уч марта урду, голланд, итальян, поляк, ҳинд, испан, қозоқ, озарбойжон, араб ва

уйғур, жами ўттиздан ортиқ тилларда чоп қилинди. Биргина инглиз тилидаги нашри саккиз миллиондан ортиқлиги бунинг далилидир.

Бобур Мирзо ҳақида турли тилларда элликдан ортиқ рисола ва монографиялар, беш юздан ортиқ илмий мақолалар, ўттиздан ортиқ роман, эссе, «Ажойиб кишилар ҳаётидан» туркумида китоблар ёзилган, луғатлар тартиб берилган, ҳарбий юришлари ҳақида хариталар тузилган.

Айниқса, ўттиз йил мобайнида тўрт жилддан иборат «Бобурнома»нинг илмий танқидий матнини япон олими Эйжи Мано томонидан нашр этилиши катта воқеа бўлди.

1987 йили эса манбанинг барча таржималар тажрибаси умумлаштирилиб, биринчи марта турк олимлари томонидан танқидий матн яратишга интилиш сезилган. Бунинг натижасида 2000 йилга келиб «Бобурнома» учинчи бор турк тилида 622 саҳифада қайта чоп қилинди.

Европа илм аҳлига «Бобурнома»ни биринчи марта таништирган олим голландиялик Витсен бўлган, у 1705 йилда асардаги Фарғона водийсини жуғрофиясига оид тасвирларни таржима қилиб Амстердамда нашр эттирган, деган фикрларга қўшимчалар киритилди. Тадқиқот ишлари Витсендан сал олдин, 1697 йилда машҳур француз олими Бартоламе Д'Эрбала Моленли «Шарқ кутубхонаси» қомусида Бобур ижоди ва «Бобурнома»даги парча таржима қилганлиги маълум бўлди. Францияда ўрта асрлардан буён Шарқ хусусан, бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимиз илмий-маънавий мероси катта қизиқиш билан ўрганиб келинишини, Президентимиз И.А.Каримовнинг «француз шарқшунослари бу соҳада кашшофлик қилдилар ва ажойиб натижаларга эришдилар» деб таъкидлашлари бежиз эмас.

«Бобурнома»ни француз шарқшуноси Жан Луи Баккю-Граммон томонидан турк чиғатой тилидан таржима қилиниши, 1980 йилда Парижда ЮНЕСКОнинг махсус нашри «Бобур китоби» деб аталиши ва юксак мукофотга сазовор бўлиши бунинг далилидир.

Маърузада:

– қўлёзмалар (68 та), архив маълумотлари, инглизча, французча таржималар, Темур ва Бобур ҳақидаги романлар, хорижий шарқшунослар, ўзбек адабиётшунослари, таржимашуносларининг мавзуга дахлдор ишлари, инглиз олимларининг мазкур манбага бағишланган илмий тадқиқот ишлари, Бобур ижодига, унинг шахсига берган баҳолари, «Бобурнома»ни Оврупо муҳитида идрок этиш, англаш ва қабул қилиш тадрижиёти, таржимавий узвийлик ва

ворисийлик жараёни, овруполик шарқшунослар ва сиёсатдонларининг таржимадан кузатган максадлари, ўзбек адабиётининг оламшумул шухрати юзага келганлиги тайин этилади.

Отабек Жўрабоев,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт музейи, ф.ф.н.

БОБУР ДЕВОНИ МАНБАЛАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИҚИ

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мумтоз лирик жанрлардан иборат шеърий тўплам – девон тузганлиги маълум. Бу ҳақдаги маълумотлар, аввало, «Бобурнома» ва баъзи бошқа адабий манбалар орқали етиб келган.

2. Бу девоннинг мумтоз девон тузиш анъанасига мувофиқ тасниф этилган тўлиқ қўлёзмаси бизгача етиб келмаган. Фақат айрим нотўлиқ зийнатли ва оддий қўлёзмаларгина маълум, холос.

3. Бобур девонининг дунё қўлёзма фондлари ва кутубхоналарида сақланувчи қўлёзма нусхаларининг адади ҳақида турли даврларда бобуршунослар ҳар хил фикр айтганлар. Жумладан, *Д.Росс* (1910) бир, *Ф.Кўпрули* (1915) ва *А.Самойлович* (1917) икки, *С.Ҳасанов* (1979, 1993) тўрт, *Ш.Ёркин* (1983, 2008) ва *Б.Южел* (1995) беш, *А.Абдуғафуров* (1997) олти нусхаси ҳақида маълумот берган.

4. Кейинги йиллардаги изланиш натижасига кўра эса унинг қўлёзма нусхаси тўққизта экан (2011 й.). Улар – Ҳиндистон (3та), Туркия (3та), Франция (1та), Англия (1та) ва Ўзбекистон (1та) қўлёзма фондларида сақланади.

5. Девонларнинг маълум қўлёзма нусхалари анъанавий мумтоз девончилик шаклида эмас. Фақат, Британия музейи кутубхонасида сақланувчи ҳижрий 1190 (милодий 1776) йилда кўчирилган «Девони Бобур подшоҳ» қўлёзмаси (London, The British Library D.P. 1402, Turki Ms 25) маълум маънода девон ҳолидадир. Мазкур қўлёзма ҳануз илмий муомалага киритилиб, шоир асарлари нашрлари учун фойдаланилган эмас.

6. Бобур ижодий меросига қизиқиш туфайли унинг лирик асарларини ҳам мавжуд қўлёзмалар асосида девон ҳолига келтиришга айрим уринишлар бўлган: (*Ф.Кўпрули* (1915), *А.Самойлович* (1917), *С.Азимжонова* ва

А.Каюмов (1965), *С.Хасанов* (1982), *Ш.Ёркин* (1983, 2008), *А.Абдуғафуров* (1994) ва *Б.Южел* (1995).

7. Бобур девонининг матни юзасидан тадқиқотлар қилиш зарурати равшан. Аввало, унинг илмий-танқидий матнини яратиш учун тўла асос ьа манбалар етарли. Келгусидаги нашрлар эса ана шу танқидий мати асосида таёрланиши мақсадга мувофиқ.

8. Бобур саккиз шеърий жанрда ижод қилган. Ҳозир унинг ўзбек ва форс тилларидаги жами шеърлари йиғма-қиёсий девон ҳолига келтирилди. Унга кўра девоннинг миқдори: ғазал – 126 та (3та нотамом); маснуъ – 2 та; маснавий – 12 та; қитъа – 23 та; туюқ – 20 та; фард – 117 та; муаммо – 54 та; рубоий – 230 та.

Зулхумор Холманова,
Ўзбекистон Миллий университети,
ф.ф.д., профессор

«БОБУРНОМА»ДА РУҲИЯТНИ ИФОДАЛАШ МАҲОРАТИ

«Бобурнома» мемуар жанрда ёзилган бўлиб, воқеликнинг ўта синчков, теран акл-идрок, чукур билим, тенгсиз хотира соҳиби бўлган муаллиф шуури орқали баён этилиши асар тилининг ўзига хослигини таъминлаган. Асар бевосита Бобур тилидан баён этилгани боис унда, аввало, муаллиф руҳияти акс этган. Шунинг баробарида Бобур асарда номлари қайд этилган шахсларнинг феъл-атвори, қизиқишлари, хислатлари ҳақида сўз юритар экан, уларнинг руҳиятига доир жиҳатларни ҳам акс эттирган. «Бобурнома» матнининг муваффақиятли ифодаси ҳам бир қадар руҳият чизгиларининг ҳаққоний тасвирланганлиги билан белгиланади. Бобурнинг дунёқараши, нарса-ҳодиса, умуман, воқеликка муносабати, бой тасаввури, руҳий олами асарда ўз ифодасини топган. Шу жиҳатдан, «Бобурнома» шахс сийрати ҳаққоний тасвирларда ёритилган манба сифатида аҳамиятлидир.

Асарда шахс руҳияти икки йўсинда ёритилган: I.Руҳий ҳолат ифодаловчи сўзлар қўлланган. Муаллиф бевосита руҳий ҳолатни ифодаловчи сўзларни келтиради. Руҳият билан боғлиқ тушунчани ифодаловчи сўзлар шахснинг воқеликка муносабати, руҳий ҳолатининг турли қирраларини намоён этишга

хизмат қилган. Жумладан: 1) «майл, хоҳиш» маънолари ифодаланган – *риоят қилмоқ* «хурматламоқ, эътиборга олмоқ»: *Мен даги яхши риоят қилиб эдим* (46,1); 2) нафрат туйғуси акс этган – *мутанаффир бўлмоқ* «нафратланмоқ, ҳазар қилмоқ»: *...ситоҳи ва раият мутанаффир бўлдилар* (46,2); 3) руҳий озор, азият ифодаланган – *озурда бўлмоқ* «озор чекмоқ», *ранжида бўлмоқ* «ранжимоқ»: *...бу навъ зулм ва фисқдин озурда ва ранжида бўлдилар* (47,2); *таъзият тутмоқ* «аза тутмоқ»: *Ул ўлганда мирзо бисёр таъзият тутқандур* (49,1); 4) «шубҳа», «гумон», «қўрқув» туйғулари акс этган: *эҳтиёт қилмоқ* «авайламоқ»: *Пичоқ ва қошиқ ва дастурхонгача эҳтиёт қилур эдим (48,1); парҳез қилмоқ* «тийилмоқ»: *Ушбу йил шубҳалиқ таомдин парҳез қила бошладим* (48,1). Бир ўринда Алишер Навоийнинг Бадиъуззамон Мирзо ёнига элчиликка келгани, Ҳусайн Бойқаро ҳукмига бўйсунишга ундагани, гиналарни унутишга даъват қилгани, мирзонинг бу ҳолатга беписанд, эътиборсиз муносабатидан руҳий азият чеккани ёркин чизгиларда тасвирланган: *мутаасир бўлмоқ* «таъсирланмоқ»: *Алишербек бисёр мутаассир бўлиб кўп йиглади* (57.1).

Руҳий кечинмаларни акс эттиришда иборалардан кенг фойдаланилган. Асар тилидаги ибораларнинг аксарияти руҳий кечинма, психологик ҳолатни акс эттиради. Масалан, *бош олиб итмоқ* иборасида ҳам руҳий ҳолат ифодаланган. Қаллошлик (шухратсизлик, эътиборсизлик)дан озорланган ва хорлик тортган, саргардон кезишдан чарчаган Бобур *бош олиб итмак* (йўқолмоқ)ни истайди: *Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб итсам яхши* (89,1). Бу ўринда кин-адоватга тўла заминни тарк этиш, бу оламдан кетиш истаги ифодаланган (ибора таркибидаги *итмоқ* сўзи туркий *йитмоқ* «йўқолмоқ», «ғойиб бўлмоқ» маъносидаги сўзнинг фонетик ўзгарган шакли (прокопа: ит< йит) бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди, айрим шеваларда нарса– буюмларга нисбатан ишлатилади). Мазкур иборада руҳий толиқиш, бевафолик ва хиёнатдан азобланиш, барча нохушликлардан кўз юмиш туйғулари акс этган. *Бош олиб итиш* (ўлиш) инсон хоҳишига кўра амалга ошмаслигини яхши англаган қаҳрамон дунёнинг нариги бурчига, узоқроққа кетишни истайди: *Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши* (89,2). Ва хоҳишини амалга оширишга қарор қилади, ёшлигидаги орзусидан нажот излайди: *Хитойға бормоқни жазм қилиб, бош олиб кетмакка азм қилдим. Кичикликдин Хитой сариға ҳавасим бор эди.* (90,1). Қайд этилган иборалар муаллиф руҳиятини даражалаб кўрсатишга хизмат қилган: *бош олиб кетмоқ* «бирор юртга

кетмоқ» / *оёғи етганча кетмоқ* «имкон қадар узоқроқ кетмоқ» / *бош олиб итмоқ* «дунёдан кўз юммоқ».

II. Руҳий ҳолат пресуппозиция орқали ифодаланган: асарда қайд этилган бир қатор жумлаларда шахс руҳияти ўз ифодасини топган. Масалан, *Бир олма ниҳоли яхши хазон бўлиб эди* жумласида олма ниҳолининг яхши хазон бўлганини ифодалаш негизида Бобурнинг хазон (куз) фаслини ёқтириши ва кузатиши намоён бўлган. *Ишқ ва муҳаббат туғёнидин, шабоб ва жунун ғалаботидин бош яланг, оёқ яланг кўй ва кўчада ва боғ ва боғчада сайр қилур эдим* (75,2). Ушбу жумладаги *сайр қилмоқ* феъли «телбаларча кезмоқ» маъносини ифодалаган. Шахснинг ишқ-муҳаббат кўйида телбаларча кўринишда (*бош яланг, оёқ яланг*) кўча-кўйда, боғ ва боғчада дарбадар кезиши *сайр қилмоқ* бирлигига юклатилган. *Гоҳи телбалардек ёлғуз пушта ва даштқа борур эдим. Не юрумоқта ихтиёрим бор эди, не ўлтурмоққа, не бормоқта қарорим бор эди, не турмоқта* (75,2) жумласидаги «юришда ихтиёрнинг, ўлтурмоқда ва турмоқда қарорнинг йўқлиги» шахснинг руҳий безовталигини даражалаб акс эттиришга хизмат қилган.

«Бобурнома»нинг аксарият ўринларида муаллиф руҳий кечинмаларини, воқеликка муносабатини, ҳис-туйғуларини матн орқали маҳорат билан акс эттирган. Биргина жумлада ботиний мазмун, теран маъно бера олган. Жумладан, умрининг саргашталигини шундай тасвирлаган: *Ўн бир ёшимдин бери икки рамазон ийдини паёпай бир ерда қилғон эмас эдим (232,I)*. Бу жумлада Бобур умрининг моҳияти акс этган. Шоҳ ва шоир ҳаётининг саргашталиги ва бу саргардонликнинг қисмат эканлиги таъкидланган. Подшоҳлик азимати туфайли тез-тез макон алмашинуви «икки рамазон ийдини паё-пай бир ерда қилмаслик» бирлиги орқали акс эттирилган.

Асар воқелигида Бобур баъзан тушкун кайфиятда намоён бўлади. Бу ҳолат унинг нозиктаъблиги билан боғлиқ. «Ҳумоюннома»нинг бир ўрнида Бобурнинг тушкун руҳияти қуйидагича ифодаланган: «*Кўнглум салтанат ва подшоҳликдан олинди; шу Зарафшон боғида бир бурчакда ўтирсам, менинг хизматим учун Тоҳир офтобачи ҳам етиб ортади*». Ана шундай руҳият, моддиятни, салтанатни маънавият, руҳий камолот олдида қадрсиз билган «сурати шоҳ», «сийрати дарвеш» мутафаккир қарашлари «Бобурнома» матнига сингиб кетган. Ўзига хос руҳият соҳиби бўлган Бобурнинг бошқа шахслар феъл-атворини ёритишдаги тасвирлари аниқ, ишонарли, батафсиллиги билан аҳамиятлидир. «Бобурнома» теран идрок, мислсиз ақл, ғалаёнларга бой руҳият соҳиби қарокларида жонланган воқелик сифатида тенгсиздир.

Асардаги шахс психологияси билан боғлиқ тушунчаларни акс эттирувчи лексик бирликлар, иборалар, матилар тахлили тил ва тафаккур муносабатларини, шахснинг ботиний олами, ички дунёси, маънавиятини, тилнинг психолингвистика объекти сифатидаги хусусиятларини ёритишда ахамиятлидир.

Нусратулло Жумахўжа,
Тошкент вилояти ўкитувчилар
малакасини ошириш институти,
ф.ф.д., профессор

БОБУРНИНГ ҒАЗАЛНАВИСЛИК МАҲОРАТИ

Ўзбек адабиётида Алишер Навоийдан сўнг руҳбоб шеърият (лирика) равнақи ва такомилида Заҳириддин Муҳаммад Бобур алоҳида ўрин тутади. Бобур шеъриятнинг ўзи қалам сурган ҳар бир турида мислсиз бадиий маҳорат намуналарини кўрсатган. Бутун Шарқ шеърияти сингари, Бобур назмида ҳам ғазал етакчи мавқени эгаллайди.

Ғазалшуносликда ғазалнинг энг етук ва нодир навларидан бири воқеабанд ғазал эканлиги эътироф этилади. Воқеабанд ғазалда лирик мазмун бирор воқеа-ҳодиса билан боғлиқ равишда юзага келади. Бундай ғазал икки хил усулда шаклланади: 1. Ғазал бирор воқеа-ҳодиса муносабати билан, унинг таъсирида ёзилади. Бундай ғазалда ўша воқеа таассуроти яққол сезилиб туради. 2. Ғазал мазмуни муайян воқеа-ҳодиса асосига қурилади. Яъни, асарда бевосита бўлиб ўтган воқеа руҳбоб йўсинда тасвирланади. Бундай воқеабанд ғазалларда лирик қаҳрамон кечинмалари билан боғлиқ воқеа-ҳодиса ихчам шаклда, руҳбоб манзараларда эҳтиросли ифодаланади. Бобур воқеабанд ғазални ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кашф этган олим ва ижодкордир. Ўзбек ғазалиётида воқеабанд ғазалнинг кенг ёйилишида Бобурнинг алоҳида хизмати бор. Бобур воқеабанд ғазалнинг ажойиб намуналарини яратди. Воқеабанд ғазал лирик ҳикоят деб ҳам юритиладики, ушбу терминга Бобур таъбири асос бўлган. Аруз рисоласида Бобур Навоийнинг воқеабанд бир ғазалига: «Бошдин-оёқ бир ғазалда бир ҳикоят манзум бўлубтур», – дея таъриф беради ва асарни ўрнак сифатида тўлиқ келтиради:

Ўтган кеча мен эрдимуз ул сиймтан эрди,
Гўшаи тўрида масканимиз бир чаман эрди...

Шубҳасиз, бундай бадиий мазмун ва қурилмали ғазал яратиш маҳоратини Бобур Навоий мактабидан ўзлаштирган. Аруз ҳақидаги рисоласини яратиш чоғида воқеабанд асарлар Бобур ғазалиёти хазинасида бор эдики, кези келганда у: «Мир Алишер Навоий ғазали тарзида бу ғазалда доғи бошдин-оёқ бир ҳикоят манзум бўлубтур», – деб ёзади ва ўз воқеабанд ғазалларидан бирини келтиради:

Тўнғо кун бирла бу тун мажлиси асру хуш эди,
Мажлис аҳли бори дилхоҳу бори дилкаш эди...

Ушбу ғазал бўлиб ўтган воқеа манзарида лирик қаҳрамон кечинмаларини нафис тасвирлаши билан гўзалдир.

Бобурнинг яна бир ғазали дўсту ёр дийдоридан, мунис ва ғанимат даврадан тутилган таассурот асосида ёзилган. Ғазал ёзишга илҳом берган воқеанинг манзили, мавсуми, шароити илк байтдаёқ санъаткорона изҳор этилган:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Анъанавий ғазалнавислик қоидасидан фарқли ўлароқ, ушбу матлада пишиқ, лисоний тугал жумла тузиб, ҳикматомуз бир фикр-ғояни илгари суриш кўзда тутилмаган. Унда фақат шоир хотирасига ўрнашган ҳузурбахш бир манзара чизилган, холос. Лекин шу манзара ғазалнинг мавзуи, мундарижаси ҳамда ғоявий мазмунини белгилашга татигуликдир. Матланинг санъатпардозлиги шундаки, бир-бирига мутаносиб, ҳар мисрада учтадан, олтита тушунча ёхуд ҳолат уйғун акс этган. Уларнинг ўзаро таносибини матладан мактагача бўлган байтлар изоҳлайди.

Шундай қилиб, матлада қўйилган уч нарсанинг уч нарсага мувофиқлиги кейинги уч байтда тўлиғича бадиий шарҳланади. Бу шарҳлар нимага хизмат қилади? Матла моҳиятини майдалаб тушунтиришгами? Йўқ, бадиий мисранинг вазифаси бу эмас. Оралиқ байтлар каттароқ ҳаётий-адабий умумлашма изҳори ва икрорига замин ҳозирлайди. Мақта – тугалланма байт ана шундай узил-кесил, тугал хулоса янглиғ майдонга келади.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортиқ бўлмагай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

Дарвоқе, бу уч ишни уч вақтга мувофиқ келтириш – чоғир ичмаклик билан ёз фаслида лаззатланиш, ишқ дардига ёр васлидан шифо топиш, дўстларнинг даврасида шеър баҳсидан баҳраманд бўлиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлмайдиган саодат. Аммо судманду саодатманд бирор зот ул уч нарсани бу уч нарсага мувофиқ тополса, жаҳоннинг ишратига эришган бўлар экан.

Энди оралиқ байтларни бир лаҳза назардан соқит қилиб, матла билан мақта муносабатларига эътибор беринг. Шу ҳолатда ҳам байтлар орасида чамбарчас мантиқий жипслик, муаммо ва унинг ечими, тугал ва яхлит бадиий мазмун мужассам. Аммо бу ҳолатда қўшбайт фақат умумлашма бадиий фикрдангина иборат бўлиб қоларди, ғазалнинг эмас, балки тўртлик, рубоий ёки қитъанинг масаллиғини ташкил этарди.

Демак, ғазал бадийяти (поэтикаси), жанр қонунияти матлада адабий муаммо изҳори, оралиқ байтларда унинг бадиий таҳлили, мақтада чиройли якун, умумлашма хулоса ўрин олишини тақозо этаркан. Воқеабанд ғазалнинг аҳамияти шундаки, шоир ҳаётий ҳодисалардан олган таассуротлари, шахсий кечинмаларини бадиий ифодалар билан йўғириб, мағзи тўқ хулосалар изҳори орқали умуминсоний қадриятга айлантирган. Мантиқий изчиллик, тимсоллар тизимининг пишиқлиги, фикрий тугаллик Бобурнинг барча турдаги ғазаллари бадиий гўзаллигига хос хусусият. Бобур ғазаллари пухта ишланган занжирга, мустаҳкам ва мунаққаш қурилган меъморий обидалар иморатига ўхшайди. Бу обидаларни махсус мутолаа чоғидагина зиёрат этмайсиз. Яъни, уларни кўрганда эсламайсиз, балки табиат манзаралари, ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари Бобур ғазалларини тез-таз ёдлаб туришга ундайди. Бобур ғазалиётининг мафтункор, кўнгилни шавққа тўлдирувчи, руҳни кўтарувчи, ақлга қувват берувчи сеҳри мана шуларда.

Ботирали Йўлдошев,
Бобур халқаро жамоат фонди, тадқикотчи

«ЖАҲОНГИРНОМА» АСАРИДА БОБУР ТИМСОЛИ

Буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) томонидан ёзилган «Бобурнома» асари ўрта асрларда яратилган тарихий асарлар орасида алоҳида ўрин тутади. «Бобурнома»да ўттиздан

зиёд фанга оид материаллар жамланган. Бу қомусий асар кейинчалик жуда кўплаб тарихий китобларнинг ёзилишига туртки бўлган. «Ҳумоюннома» ва «Акбарнома» каби йирик асарлар ҳам Бобур ва Бобурийлар даври тарихини ёритувчи қўлёзмалардан саналади.

Бобурийлар давлатининг тўртинчи вакили Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир (ҳукмронлик йиллари 1605–1622) тахтга ўтирганидан сўнг бобокалони Бобурга тақлид қилиб худди шу йўналишда «Жаҳонгирнома» номли китоб ёзган. «Жаҳонгирнома» форс тилида содда ва равон услубда ёзилган. Бу китоб икки қисмдан иборат. Биринчи қисми Жаҳонгир даврининг биринчи ўн икки йиллигини, иккинчи қисми эса кейинги ўн йилни ўз ичига олган. Муаллиф асарни ёзишда «Бобурнома»дан унумли фойдаланган. Жаҳонгир ҳам худди Бобур каби услубда ўзининг пойтахт Аграда тахтга ўтириши воқеаларини баён қилиб Агра ва унинг атрофидаги шаҳарлар, маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи ва бошқа жуда кўплаб маълумотларни келтиради. Ундан кейин отаси Акбар замонидаги йирик амалдорлар ва уларнинг давлатни бошқаришда тутган ўрни, мамлакатдаги жорий солиқ тизими, ота-боболари яратган боғ-роғлар, меъморий обидалар ҳақида сўзлайди.

Жаҳонгир мазкур асарда ўзининг темурийлар авлодидан эканини фахр билан тилга олади. «Қаердаки соҳибқирон дейилганда Амир Темур, фирдавс макони деганда Ҳумоюн подшоҳ ва жаннат ошёни дейилганда падари бузрукворим Акбар подшоҳ назарда тутилади», деб ёзади муаллиф. 1606 йили Кобулга ташриф буюрган Жаҳонгир бобокалони Бобур қаламига мансуб «Вақоеъ»нинг Кобулга оид қисмини ўқиётганини зикр қилган. Жаҳонгир тасвирий санъатга алоҳида меҳр қўйган ва китобда ўзининг Кашмир ва бошқа ўлкаларга қилган сафари чоғида ўсимлик ва гуллар, қуш ва ҳайвонларнинг расмини чиздириб, Бобур уларни таърифлаб ўтгани, ўзи эса уларнинг расмини чиздириб ўқувчиларга кенгроқ маълумот бераётгани ҳақида ёзиб ўтган. «Жаҳонгирнома»да Бобурнинг Мовароуннаҳр хонликлари ва Сафавийлар давлати билан олиб борган дипломатик муносабатлари, Бобур саройида шаклланган сарой маданияти ва удумлари, Бобурнинг темурий маликаларга ҳомийлик қилиши ва жогирдорлик тизимини жорий қилиши каби ўта нодир маълумотларни келтириб ўтган.

Исмоил Бекжонов,
Бобур халқаро жамоат фонди, ф.ф.н.

МУТРИБИЙ ТАЗКИРАЛАРИДА БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР

Бобур ва бобурийларнинг шеърият бобидаги фаолияти Марказий Осиё тазкиранавислигида илк бор Ҳасанхожа Нисорий (1512–1596) қаламига мансуб «Музаккири аҳбоб» (1566) асари орқали ёритилган бўлса, унинг шогирди Мутрибий бу анъанани давом эттириб, ўзининг 1605 йил яратган «Тазкират уш-шуаро»нинг шеър ёзган ҳукмдорларга бағишланган Тасмия номли қисмда Муҳаммад Ҳаким Мирзо бин Акбар подшоҳ ва Шайху бин Акбар подшоҳга махсус бўлимлар ажратади. Муаллиф тазкиранинг кўпчилик ўринларида Бобур подшоҳ, Ҳумоюн подшоҳ ва Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳ номини катта ҳурмат билан тилга олади ҳамда марказий осиёликларни улар даврида яшаб, шеърият билан шуғулланган ўнлаб шоирлар ижоди билан таништиради. Айниқса, улар ичида, Акбаршоҳ саройи «Малик уш-шуаро»си Файзий Ҳиндий ва унинг Ҳасанхожа Нисорий билан хат орқали амалга оширган ижодий алоқаси, шунингдек, мовароуннаҳрлик шоирларнинг Ҳиндистон адабий муҳитидаги иштироки ёки Ҳинддан келиб, Самарқанд, Бухорода ватан тутган адабиёт аҳли ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлари жуда мароқлидир.

Ҳасанхожа Нисорий «Музаккири аҳбоб»да Бобур, Ҳумоюн, Комрон, Ҳиндол Мирзолар ҳақида махсус маълумотлар берар экан, ўзининг бир армони – Ҳумоюн вафоти сабабли Ҳиндистонга бора олмагани борасида ўкинч билан ёзган эди. Мутрибий устози етмаган орзуни амалга ошириш учун 1598 йилдан бошлаб Ҳиндга сафар қилиш кўйига тушади. Аммо шу орада Акбар подшоҳ вафот қилиб, Мутрибийнинг бу интилиши 1626 йили Жаҳонгир подшоҳ даврида рўёбга чиқади.

Мутрибий Ҳиндга бўлажак сафар муносабати билан 1619 йили бир тазкира ёзишга киришган эди. Бироқ муаллиф ана шу тазкирасини 1625 йил май ойида Балхга саёҳати пайти тўплам ҳолатига келтириб, унга «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» деб ном қўяди ва келгуси йилда Лоҳўрга етиб бориб, 1626 йил 9 декабрда 240 нафар марказий осиёлик, эронлик, ҳиндистонлик, туркиялик, шарқий туркистонлик, ироқлик ва яманлик шоирлар ҳақида маълумотлар ҳавола этган мазкур тазкирасини Жаҳонгир подшоҳга тақдим қилади. Мутрибий 1627 йил 25 февралда Жаҳонгир билан мулоқотларини

«Вокеот» номи остида қаламга ола бошлайди ва кейинчалик уни ҳам «Нусхайи зебойи Жаҳонгир»нинг бизгача етиб келган иккинчи таҳририга киритади.

Мутрибий «Нусхайи зебойи Жаҳонгир»нинг кириш қисмида асарнинг Жаҳонгир подшоҳга бағишлангани борасида ёзгач, «Биринчи Силсила» деб аталган ва чиғатой, яъни темурий, асосан, бобурийларга бағишланган бобида дастлаб Акбар подшоҳ ҳақида сўз юритади. Сўнг эса «Акбар подшоҳ давлати айёмида борлиқ ва танилиш кийимини кийган ҳамда шеърлари Мовароуннаҳрда қўлма-қўл бўлиб турган шоирлар» ҳақида маълумот беради. Улар ичида Камолиддин Файзий, Урфий, Муҳташам, хожа Ҳусайн Марвий каби ўнлаб ҳиндистонлик шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар жой олган.

Иккинчи Силсила Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим билан Дашти Қипчоқ хоқони Абулхайрхон никоҳидан дунёга келган Кўчкунчихоннинг Самарқандда ҳукм сурган авлодлари ва улар даврида етишиб чиққан шоирлар ҳақида бўлиб, Мутрибий бу чингизий хон ва султонларни темурий саналмиш бобурийлар билан мазкур қариндошлик нисбати сабабли киритган. Чунки Акбар подшоҳ ва Жаҳонгир подшоҳ бу янглиғ қариндошлик ҳурматини сақлаб, Султон Саидхон, Жавонмардалихон билан яхши дўстлик алоқаларини ўрнатган эканлар. Улар ҳам бобурий ҳукмдорларнинг Амир Темур дахмасини таъмирлатиш ва обод сақлаш учун юборган олтин, кумуш маблағларини мазкур Гўри Мир мақбараси учун ана шу мақсадда инсоф билан ишлатган эканлар.

Албатта, Мутрибий «Нусхайи зебойи Жаҳонгир»нинг бошқа бобларида ва шу тазкирага илова қилинган «Воқеот» асарида ҳам бобурийлар даври маданияти, жумладан, адабий муҳити ҳақида нодир маълумотлар ёзиб қолдирган.

Боқижон Тўхлиев,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, ф.ф.д., профессор

ТАЪЛИМДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабиётимиз тарихидаги такрорланмас сиймолардан биридир. У фақат йирик адиб, буюк тарихчи, улкан олимгина эмас, балки моҳир саркарда ва буюк давлат арбоби ҳам эди. Унинг ижоди мана шу соҳаларнинг барчаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келди.

Бобурдан бизга улкан мерос қолди. Бу мерос шоирнинг девони, «Бобурнома»си, қатор илмий, тарихий, диний-фалсафий ва ахлоқий-таълимий руҳдаги асарларидан иборат. У Хожа Убайдуллоҳнинг «Рисолаи волидия»сини ўзбекчалаштирди, мусулмон ахлоқига оид «Мубаййин» маснавийсини яратди, «Хатти Бобурий»ни ихтиро қилди, аруз назарияси ва амалиётига оид улкан тадқиқотни юзага келтирди.

Заҳириддин Муҳммад Бобур асарлари миллий-маънавий қадриятлар талқини билан лиммо-лим бадиий кашфиётлар денгизидир. Уларда уйғоқ қалбнинг келажакка ишонч билан ундовчи, киши қалбини эзгулик ва олижаноблиқка руҳлантирувчи туйғуларнинг такрорланмас жаранглари мужассам. Бобур шеъриятида ватанпарварлик, юртсеварлик ғояларининг ҳеч бир шоир ва ёзувчида учрамайдиган талқинлари ниҳоятда юксак бадиий пардаларда куйланган. Худди шунинг учун ҳам улар ёшларнинг маънавий, ахлоқий, бадиий-эстетик тарбиясида ниҳоятда катта ўрин тутади.

Биз халқоналикнинг, гўзалликнинг, табиий соддаликнинг, туғма самимиятнинг, такрорланмас таъсирчанликнинг гўзал намуналарини Бобур ижоди орқали жуда ёрқин тарзда тасаввур эта оламиз.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам самимият ва ростгўйлик, фақат ҳақиқат олдидагина бўйин эгиш, ватан ва юрт ҳимояси учун, ўзлик учун курашдаги жасорат ва журъат Бобур сиймосидаги асосий фазилатлар сифатида гавдаланади.

Бобур ҳаёти юрт ва Ватанни севишнинг гўзал намуналаридир. Ёшларимиз бу намуналардан ҳамиша ўрнак ва сабоқ олишлари жоиз.

Достоевский ўз замонасида Пушкин ҳақида гапириб туриб, «агар рус кишиси Пушкинни тушунмас экан, демак, у ўзини рус кишиси деб айтишга ҳақли эмас», деган эди. Биз буни сал ўзгачароқ қилиб, «Агар ҳақиқий ўзбек

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурни тушунмас экан, у ўзини ўзбек деб аташга ҳаққи йўқ» деб айтишимиз жоиз.

Зеро, Бобур идрок этган оламни, юрт ва Ватанни идрок этиш, уларни Бобур каби севиш ва ардоқлаш, Бобур тасвирлаган эзгулик ва гўзалликни ҳис этиш ёшларимизнинг маънавий бойликларига айланар экан, бундай ҳолат ҳар қандай жаҳолатнинг, разолатнинг, ёмонлик ва тубанликларнинг олдини олади, уларнинг йўлига ўтиб бўлмас ғов ва тўсиқларни қўяди. Уларнинг кўнглида эзгулик уруғларини сочади, бу уруғларнинг униб чиқишига, гуллаб-яшнашига қулай шароитларни юзага келтиради, ўз юртига, элига, Ватанига муҳаббат туйғуларининг шаклланиши ва такомилига муносиб ҳисса қўшади. Бу эса ёшларга маънавий қадриятларнинг, халқ руҳиятининг ўзакларини, асл илдизларини ҳис этиш, тушуниш, англаш ва улар билан яшаш имконини беради.

Таълимнинг турли босқичларида: мактабгача таълимда, бошланғич синфларда, умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, олий таълимда олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнларининг асосий мақсади битта: бу ҳам бўлса, ўзидаги барча имкон ва воситалар орқали Бобур асарлари моҳиятини уларнинг онги ва шуурига етказишдан, улардаги миллий-маънавий руҳ талқинидаги ўзига хосликлардан баҳраманд этишдан иборат.

Бобур шахсиятида, унинг ижодида жуда катта таъсир кучи борлигини барчамиз эътироф этамиз. Бундан тегишли хулоса чиқаришимиз зарур, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобурдаги ватанпарварлик, юртсеварлик ғояларининг моҳиятини ўқувчи-ёшлар тушунадиган ва ҳис этадиган даражада бор бўй-басти билан очиб беришимиз, уларни тақлид ва намуна мактабига айлантиришимиз бизнинг, олимлар ва методистларнинг, ўқитувчи ва мураббийларнинг муқаддас бурчимиздир.

Адибнинг кўплаб асарлари шундай руҳга эга. Булар қаторига улкан насрий қомус бўлган «Бобурнома»ни, «Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим», «Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ», «Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор» каби ғазаллари, «Беқайдмену хароби сийм эрмасмен», «Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди», «Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз», «Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур» сингари рубоийлари ва яна кўплаб лирик асарларини киритиш мумкин.

Бобурнинг илмий кашфиётлари ҳам ёшларимизнинг кўнглини фахру ифтихор туйғуларига тўлдира олади.

Бобур асарлари тилининг табиийлиги, соддалиги, бойлиги, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. У ўз асарларини она тилида ёзди. Она тилидаги бой имкониятларни муттасил излаш ва такомиллаштириш натижасида унинг ҳам насрий, ҳам шеърий асарлари такрорланмас қудрат ва жарангга эга бўлди. Бир сўз билан айтиладиган бўлса, у туркий (ўзбек) тилини тараққиётнинг яна битта юқори босқичига кўтарилиши учун астойдил ҳаракат қилди ва бунга эриша олди. Бобур кашф этган янги сўзлар, истиора ва ўхшатишлар, муболаға ва сўз такрорлари ҳам адабиётимизнинг ўзига хос кашфиётлари сифатида эътироф этилади. Унинг лирик қаҳрамонлари оддий бир инсон сифатида, бой ички кечинмалар эгаси сифатида инсоний туйғуларнинг ранг-баранг товланишларини мужассам этади. Айниқса, ифода тарзининг такрорланмаслиги улардаги жозибадорликни янада оширади.

Бобурнинг услуби содда ва тушунарли. Аммо бу соддалик маҳоратнинг илк қадамлари туфайли эмас, балки ҳар қандай мураккабликларнинг оғир ҳалқаларини алоҳида-алоҳида қисмларга ажратган табиийлик тарзида намоён бўлади. Уларнинг барчаси мумтоз адабиётимиздаги «саҳли мумтане», яъни осону мумкин эмас дейиладиган шеърий санъатнинг гўзал намуналаридир. У қаҳрамонларидаги ҳис-ҳаяжонларни, оғриқли ва дардчил, ҳузурбахш ва фараҳли лаҳзаларни санъаткорона дид билан муҳрлай олган. Бобур шеъриятида ҳам, «Бобурнома»сида ҳам халқнинг оғзаки нутқидаги кўплаб дурдоналардан жуда ўринли ва маҳорат билан фойдалана олишнинг сержило намуналарини кўрсатган.

Буларнинг барчаси Бобур ҳаёти ва ижодини таълимнинг турли босқичларида, шунингдек, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида, ўқувчиларнинг мустақил тарзда ўқишларида Бобур меросидан ниҳоятда кенг ва унумли фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Ваҳоб Раҳмонов,
Бобур халқаро жамоат фонди, ф.ф.н.

БОБУР ШЕЪРИЯТИ ВА МАТН МУАММОСИ

Матншуносликда Бобур шеърияти матнини саҳиҳ кўчириш муаммоли эмас, деган фикр бор. Аслида шу фикр тўғримикан? Агар шундай бўлса Абдурашид Абдуғафуровдек талабчан олим 50000 нусхадаги Бобур «Девон»ини

«Фан» нашриётида чоп эттирган мўъжаз китобчада юзлаб матн нуқсонларига йўл қўярмидилар?

Ҳолбуки, нашрга тайёрловчи бу девонни Шафиқа Ёркин Кобулда 1983 йили нашр этган «Девони Бобур»дан кўчирган. Демак, ўқилиши қийин қўлёзма ёки шубҳали нусхаларга мурожаат этилмаган.

Менимча, бу нашр матншуносликнинг ўша пайтдаги ҳолати кўзгуси эди. Чунончи, қуйидаги рубоийнинг бирор мисраси саҳиҳ эмас:

Гар руҳ дам этса эрди оҳанг нағам,
Мажлисда не ҳузн қолур эрди, не ғам.
То борғали руҳ дам беринг мажлисдин,
Мажлис элига не руҳ қолдию не дам. (1994,84-бет)

Ушбу матн Бобур «Асарлар»и I жилди (1965) нашрига айнан мувофиқ келади. Демак, ўттиз йил давомида матн саҳиҳлашмаган. Биз Бобур саройида Руҳдам исмли хушовоз ҳофиз бўлганлигини инобатга олиб, қофияларни саҳиҳлаштиришни ўйлаб таҳрир қиламиз:

Гар Руҳдам этса эрди оҳанги нағам,
Мажлисда не ҳузн қолур эрди, на ғам.
То борғали Руҳдам бизинг мажлистин,
Мажлис элига на руҳ қолдию на дам.

Рубоийнинг ушбу ҳолати 1996 йилги ва кейинги нашрларида ҳам бу даражада саҳиҳлашмаган. Бу нуқсонни Туркия олими Билол Южел ҳам ислоҳ қилолмаган. Бошқа бир рубоийга мурожаат этайлик:

Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,
Гар ул сори борсанг будурур дилхоҳим
Ким, арзи дуо ниёз ила қилғайсен,
Гар сўрса мен хастани гулруҳ моҳим. (1994, 84-бет)

Бу рубоийни нашрга тайёрлаган олимлар тўртинчи мисрани таржимаи ҳоллик хусусиятидан маҳрум этганлар. Бу мисрани биз қуйидагича яна уч хил талқин қилишга мойилмиз. Чунки Гулрух ва Моҳим бегимлар Бобур подшоҳнинг завжалари бўлишган:

1. Гар сўрса мен хастани Гулрух моҳим.
2. Гар сўрса мен хастани гулрух Моҳим.
3. Гар сўрса мен хастани Гулрух, Моҳим.

Энди «Хайркулпанда» сингари «жуғрофий» жумбокни ечайлик:

Демиш меники, итим Хайркулпанда кўргумдур,
Неча бу ваъда била, Бобуро, югургаймен! (1994, 50-бет)

Таҳрир этамиз:

Демиш мени ки итим чаргасида кўргумдур,
Неча бу ваъда била, Бобуро, югургаймен.

Демак, Бобур шеърияти матнини саҳиҳлаштириш ишига ҳали нукта қўя олмаймиз.

Жалолиддин Жўраев,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт музейи, ф.ф.н.

БОБУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИДА МУАММО ЖАНРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни қўлга киритгунга қадар ҳам темурийларга хос бўлган анъанани давом эттирган ҳолда ўзи ижод билан шуғулланиш баробарида, ижод аҳлига алоҳида рағбат кўрсатган. «Бобурнома»нинг бир неча ўрнида уюштирилган шеърият баҳслари борасида сўз борган. Бу каби адабий кечалар Ҳиндистон фатҳ этилгандан кейин Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлиги даврида ҳам ўтказиб турилган. Адабий кечалар шоирларнинг турли хил мавзу ва шеърий жанрларда асар ёза олиш маҳоратини намойиш қилишга қаратилган бўлган. Шубҳасиз, ана шундай адабий кечаларда ўша даврда адабий жараёнларда энг кўп қўлланилган муаммо жанрига оид махсус баҳсларнинг ҳам бўлганлиги шубҳасиз. Уларда Шарифий Мунажжим, Жунуний, Мавлоно Ниёзий, Мавлоно Қосим Коҳий Миёнколий, Шиҳобиддин Муаммоий каби муаммо жанрида бир катор асарлар яратган ижодкорлар иштирок этганлар. Бундай кечалар ҳукмдорлар томонидан ташкил этилиши натижасида бобурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон шоирлари ижодида бўлгани каби муаммонавис ижодкорларнинг етишиб чиқишига асос бўлган. Турли хил кўринишдаги муаммо рисолаларининг бунёдга келишига туртки берган. Муаммо жанрининг мавзу кўлами

ва бадиятининг янги кирралари кашф этилган. Мазкур жиҳатларга кўра қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бошқа шеърий жанрларда бўлгани каби муаммо жанрида ҳам ўзига хос маҳоратга эга бўлган. Унинг ҳозирга қадар 52 та туркий ва битта форс тилида ёзган муаммоси маълум. Бобур муаммоларида ғоя ва муаммо жанрига хос имо-ишоралар уйғунлиги жанр талабларига мос тарзда қўлланган.

2. Муаммо жанридаги шеърлар дастлаб араб, форс ва туркий сўзлар ёрдамида тузилган бўлса, XVI асрнинг иккинчи ярми Ҳиндистон шоирлари ижодида хиндий тилида ёзилган муаммо шеърларни ҳам кўриш мумкин. (Алиев Г. Персоязычная литература в Индии. –М.: Наука, 1963. –С. 104.)

3. Муаммо жанрида ёзилган ҳукмдор ва турли даражадаги шахсларни олқишловчи шеърлар Мовароуннаҳр ва Хуросон шоирлари ижодида бўлгани каби, Ҳиндистон шоирлари ижодида ҳам учрай бошлаган. Бундай шеърлардан силсилавий тарзда яширилган исмлар кетма-кетлигини чиқариш мумкин бўлади. (Иномхожаев Р. Тюрко-персидское двуязычие в литературной жизни Индии XVI в. –Т.: Фан, 1993. –С. 21.)

4. Бобур билан бирга унинг фарзандларининг ҳам муаммо жанрига бўлган қизиқиши бўлган. Жумладан, Комрон мирзонинг муаммо жанрига эътибор каратганлигини Шиҳобиддин Муаммоийнинг унга бағишлаб ёзган «Рисолаи Комрон» асаридан билишимиз мумкин. Рисолада муаммо амаллари қоидаларига келтирилган мисоллардан фақат «Комрон», «Мирзо», «Шахзода», «Муҳаммад» номлари чиқади. Рисолада муаммо амалларини баён қилишда соддалик ва ортиқча тафсилотларга берилмасликка ҳаракат қилинган. Жумладан, ҳар бир амалга қисқа-қисқа таъриф берилиб, бир нечтадан мисол кўрсатилган. Ушбу рисоланинг битта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти «Ҳамид Сулаймон» фондида 5647/V ва иккита нусхаси эса мазкур институтнинг асосий фондида 4520/V ва 4787/IV рақамлари остида сақланмоқда.

6. Ҳиндистонлик шоирлар ижодида муаммо жанри XVI–XVII асрларда ҳам етакчи жанрлардан бири бўлганлигини тасдиқловчи далиллар З.Ғафарованинг тадқиқоти хулосаларида ҳам ўз аксини топган. (Гафарова З. Становление и развитие персоязычной литературы Индии (литературный круг Кашмира) в XVI–XVII веках. АДД. –Душанбе, 2003. –С. 28–29.)

Иброхим Худоёр,
Техрон Педагогика университети,
профессор

ЭРОНДА БОБУРШУНОСЛИК

Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ (ҳижрий-қамарий 888–937/милодий 1483–1530 йиллар) – Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган қудратли бобурийлар сулоласининг асосчиси. Бу шоир, адиб, олим бўлган подшоҳнинг давлатни бошқариш бобидаги маҳорати ва тадбиркорлиги самарасида жаҳондаги мусулмон Шарқ мамлакатлари маданияти ва тамаддунининг нурли ривожидаги энг порлоқ ва шонли даврлардан бири кузатилди. Айниқса, эроний қавмлар, туркий (ўзбек)лар маданияти ва тили янада равнақ топди, мусулмон ҳиндлар, урду тили, умуман, Ҳиндистон ярим оролидаги бошқа халклар ҳам гуллаб-яшнади.

Шу боис, жаҳон олимлари, жумладан, Эрон тадқиқотчилари, хоҳ маданият ва исломий мазҳаблар тарихини ўрганувчилар бўлсин, хоҳ ирфоний-тасаввуф тариқатларини ёритувчилар ва ёхуд адабиётшунос-танқидчилар бўлсин, ўз асарларида Бобур подшоҳ ва унинг фарзандларининг Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган 1526–1858 йилларни минтақа тарихининг ёркин саҳифалари, гоҳида ҳатто мислсиз, такрорланмас даври, дея баҳолайдилар.

Тақдим этилажак мақоламизда Эронда бобуршунослик тарихини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун XX–XXI асрларда Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлиги тўғрисида Эронда чоп этилган китоблар, мақолалар ва илмий ишларни тавсифлаш ва тадқиқот этиш орқали лўнда қилиб кўрсатишга интиламиз.

Эронда нашр этилган бобуршуносликка оид ҳар бир асар тўғрисида қисқа тўхталгач, мақола сўнгтида бу тадқиқотларда намоён бўлувчи Бобур даҳосининг умумий тасвири берилади.

Алмаз Ульви,
Институт литературы имени
Низами НАН Азербайджана,
д.ф.н., профессор

ЗАХИРИДДИН МУХАММАД БАБУР В АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ МЫСЛИ

История азербайджано-узбекских литературных связей и направления их развития достаточно исследованы в азербайджанском литературоведении и по сей день продолжают оставаться объектом изучений. В этой научно-теоретической области изучение литературной личности и наследия Бабура, исследование его творчества и издания на азербайджанском языке занимают особое место.

Академик Хамид Араслы, достойный друг узбекского народа, исследователь наследия Низами, касался в своих наблюдениях и проблемы «Низами и Бабур» с точки зрения литературного влияния. Он писал: «… среди узбекской интеллигенции после Навои необходимо упомянуть известного государственного деятеля, ученого, поэта и историка Захириддина Мухаммада Бабура. В своем знаменитом «Бабурнаме», Бабур, повествуя о своем отце Омаре Шейхе Мирзе, говорит о его чтении «Хамсы», что свидетельствует о глубоком уважении к наследию Низами правительственных потомков рода Темуридов. Сам Бабур в своем труде «Мухтасар», посвященном арузу, неоднократно упоминает Низами и названия его произведений. Он, говоря о бахрах аруза, приводит примеры из поэм Низами и произведений, написанных на темы «Хамсы»... » (2,643).

В последние 20 лет личность и наследие Бабура в научно-литературной среде стали исследоваться в наиболее широком масштабе, в частности, самые известные, составляющие основную линию творчества поэта, произведения были переведены на азербайджанский язык, личность и творчество Бабура стали перед литературоведением в качестве научно-теоретической проблемы.

Анар в своем фундаментальном альманахе «1500-летняя поэзия огузов» особо выделяет в их истории страницу «Бабур Шах», говоря о нем, что он «основатель империи Великих Моголов в Индии, а также самая выдающаяся личность тюркской литературы Средней Азии после Навои».

По верному замечанию профессора Фуада Копрулу, подтверждением литературной личности Бабура бесспорно является его Диван. В этом тюркском диване, состоящем из газелей, маснави, рубаи, кытъа, туюков, муамма и муфрад, имеются стихи и на персидском языке (8,93). Таким образом, владение Бабуром в совершенстве как тюркским, так и персидским языками раскрывает нам его совершенную литературную личность.

Почти все труды Бабура переведены на азербайджанский язык. Профессор Рамиз Аскер, издавший «Избранные произведения» Бабура и его знаменитый «Бабурнаме», написал к каждому из них подробное, содержательное вступительное слово – предисловие, раскрывающее и представляющее читателям личность Бабура: «Бабур – основатель династии Бабуридов, правящих в Индии 332 года, с 1526 по 1858 г. Он – выдающийся поэт, писатель, литературовед и переводчик. Автор двух диванов. Один из них носит название «Кабул», другой – «Хинд». В этих двух диванах около 600 газелей, кытъа, маснави, матла, рубаи, туюк и стихотворений других жанров. Ему принадлежит несколько рисале. Наконец, он – автор первого произведения в жанре мемуаров в истории тюркско-исламской литературы «Бабурнаме». Исследователь перевел две книги Бабура. В начале 2011 года была опубликована его книга «Избранные произведения» Бабура, которая состоит из двух диванов поэта, а в мае того же года – «Бабурнаме».

Профессор Рамиз Аскер в «Очерках по литературе тюркских народов», в объемной научной статье «Захириддин Махаммад Бабур», включенной в этот альманах. приводит образцы газелей и туюков поэта.

Другой автор, переведший «Бабурнаме» на азербайджанский язык и издавший в виде книги, – профессор Физули Баят, который закончил в свое время аспирантуру в Узбекистане. Этот переводчик также во вступлении к книге, представляющем крупную исследовательскую статью, «знакомит» читателя с Бабуром. Он пишет: « “Бабурнаме” – первое произведение в жанре мемуаров в тюркской и исламской литературе. Автор изложил в нем свой насыщенной событиями жизненный путь, дал ценные сведения об истории, культуре, этнографии, флоре и фауне Центральной Азии, Афганистана и Индии».

Новые азербайджанские исследователи, особенно молодое поколение, также проявляют глубокий интерес к наследию Бабура, исследуя проблемы узбекской литературы, они непременно касаются творчества Бабура, считая необходимым рассмотрение и этого вопроса. Доктор филологических наук

Наиля Самедова, в книге «Человек, время и истина жизни» пишет: «"Бабурнаме" – ценнейший образец жанра мемуаров мировой литературы. Это произведение – большая книга мемуаров и странствий Бабура, прожившего полную приключений жизнь, написанная простым, доступным и искренним языком. Бабур в своих мемуарах ничего не утаил, ничего не выдумал. «При сравнении мемуаров Бабура с записями историков того же времени, свидетельствующих о тех же событиях, нет ничего, говорящего о том, что Бабур исказил события для того, чтобы приукрасить свои действия, скрыть свой плохой поступок или же преувеличить другой». Он оставался верен исторической действительности, насколько это было возможным. Бабур, являющийся одной из великих личностей своей эпохи, в своих мемуарах словно оживляет перед читателями свои характерные черты. С другой стороны, он воспринял, осмыслил и выразил все, представляющее ценность, со свойственной ему остротой ума.

Бабур – гений не только узбекской классической литературы, но и классической тюркской литературы в целом. Изучая его литературную личность и наследие, мы в то же время прочитываем золотые страницы истории тюркской литературы и становимся свидетелями, насколько близки литературы этих братских народов. Здесь, оставаясь верным литературной традиции, в центре внимания также проблема литературного влияния.

Мунаввар Текжан,
Кожайли университети,
профессор (Туркия)

ТУРКИЯДА БОБУР ШАХСИЯТИ ВА «БОБУРНОМА» АСАРИ УСТИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Осиё тарихининг энг эътиборли сиймоларидан бири бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда унинг ҳис-туйғу ва фикрлар уфқини ўзида мужассам этган, бир ҳукмдорнинг ички дунёсини ўзига хос услубда ёритган «Бобурнома» асари билан боғлиқ тадқиқотлар Туркияда 1925 йилдан бошланган. Доктор Ризо Нурнинг Анкарада чиқарилган «Турк юрти» номли журналда

чоп эттирган «Бобур» номли мақоласи бу мавзуда Туркиядаги илк ишларнинг дебочасидир. Номи зикр этилган бу тадқиқотдан сўнг то 2013 йилга қадар, яъни 88 йил мобайнида Бобурнинг кўп қиррали шахсияти ва «Бобурнома» асари билан биргаликда унинг бошқа асарлари устида ҳам кўплаб тадқиқотлар юзага келди. Бу мақолада ушбу тадқиқотлар «Тезислар», «Китоблар» ва «Мақолалар» номли уч сарлавҳа остида келтирилади, шу билан биргаликда бу тадқиқотларнинг мавзу доирасидаги муҳимлилик аҳамияти акс эттирилади.

Асилбек Алиев,
Ошский Государственный университет,
к.ф.н, доцент;
Бахтиёр Тухтаматов,
директор Ошского узбекского
драматического театра

ВЗАИМООТНОШЕНИЯ МУХАММАДА БАБУРА И СЫНОВЕЙ

Внимательное чтение позволяет извлечь из «Бабурнаме» множество сведений, отражающих отношение Мухаммада Бабура к своим детям, особенно к сыновьям, а также отношение последних к своему отцу.

Бабур был отцом, если исходить из сведений его основного труда, пятерых сыновей и шестерых дочерей. Упоминаний о его дочерях в «Бабурнаме» очень мало, а данных об их взаимоотношениях с родителями практически нет.

Итак, в «Бабурнаме» находим сведения о всех пяти сыновьях Бабура. Вот их имена: Мухаммед Хумаюн мирза, Камран мирза, Абу-Наср Мухаммед Хиндал, Мухаммед Аскари, Фарук.

Старшим из них был Хумаюн. Он родился 6 марта 1508 г. в Кабуле. По случаю его рождения Бабур на радостях устроил большой той, т.е. пир. Довольный Бабур заключает: «Очень хороший вышел той» [«Бабурнаме». – Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1993, с. 220; В дальнейшим при ссылках на «Бабурнаме» будут указывается только стр.].

Самым младшим из сыновей был Фарук. Он упоминается Бабуром лишь один раз. Бабур указывает его дату рождения – 2 августа 1526 года. Почему-то Бабур сообщает о его рождении сухо, без особой радости. Больше о нем нет сведений. По всей вероятности, он умер в младенчестве.

Бабур по-своему был привязан к Хиндалу. Будучи в Индии, Бабур незадолго до своей смерти вызвал его к себе из Кабула. Хиндалу было тогда около десяти лет [с. 349]. Чуть больше сведений, по сравнению с Хиндалом, о другом сыне Бабура – Мухаммеде Аскари. Он родился в 1516 году. Аскари был, на наш взгляд, наиболее близок к отцу. Когда Аскари шел всего 13-й год, его специально вызвал Бабур для участия в обсуждении положения дел в Мультане. Причем, в этот период Аскари жил в личных покоях своего отца, что свидетельствует об их особой родственной близости [с. 333].

Аскари, несмотря на свой юный возраст, был подающим надежды военачальником, пользовавшимся доверием Бабура. Это видно из того, что Бабур, будучи в Индии, принял решение отправить Аскари с большим войском на восток. Бабур отмечает, что «султаны и эмиры, находящиеся по ту сторону реки Ганг, явятся к Аскари со своими войсками и, примкнув к нему, двинутся туда, куда потребует польза государства» [с. 342]. Бабур, учитывая возраст сына, наказывает эмирам «хорошо принять Аскари». Чтобы показать всем свое особое отношение к Аскари, 12 декабря 1528 года устраивает пир, где Аскари «были пожалованы украшенный драгоценными камнями кинжал и пояс, царственная одежда, стяг, знамя, барабан, конюшня породистых лошадей, десять слонов, цепь верблюдов и цепь мулов, а также подобающие царю припасы и снаряжения». Вдобавок ко всему этому, «Аскари получил приказ сидеть на почетном месте в диване» [с. 343].

В книге «Хумаюннаме» дочь Бабура, Гульбадан бегим, отмечает, что Бабур, спасая тяжело заболевшего сына Хумаюна, согласно обряду, три раза обошел вокруг ложа больного, говоря при этом, что берет на себя болезнь Хумаюна. Вскоре Хумаюн стал поправляться, а Бабур, заболев, слег и через три месяца скончался.

Бабур всегда и во всем старался укреплять дружбу и близкие взаимоотношения между сыновьями, пытался воспитывать у них терпеливое отношение к недостаткам друг друга. Бабур советует Хумаюну: «Живи с Камраном в ладах – великие люди должны быть терпеливы. Имею надежду, что ты будешь обращаться с ним хорошо».

Бабур проявлял постоянную заботу и внимание к своим сыновьям. Когда он находился вдали от них, он писал им письма, поражающие нас и сегодня своим многословием и разнообразием содержания. Чего только в них нет – это и указания, советы, укоры, увещания, замечания и т.п.

В свою очередь, сыновья также писали своему отцу. Так, например, Хумаюн направлял отцу довольно откровенные письма, судя по следующим строкам из письма Бабура к сыну: «В своих письмах ты постоянно говоришь об одиночестве. Одиночество для государя зазорно» [с. 341].

Бабур не ограничивается лишь письмами. Он посылает специальных людей к своим сыновьям с поздравлениями и подарками от своего имени.

Бабур был очень щедр, особенно по отношению к своим сыновьям. Он всегда находил повод для вручения им подарков. При дележе казнохранилищ его сыновьям доставалось, как правило, больше, чем его самым приближенным бекам. Причем при дележе казнохранилищ старшим сыновьям доставалось, как правило, больше, чем младшим.

Бабур всегда отмечал должным образом военные победы своих сыновей, особо первую. Когда, например, Хумаюн победил в бою Хамид хана, сразу же последовал подарок Бабура: «Я тотчас же пожаловал Хумаюну платье со своего плеча и коня из своей личной конюшни: обещаны были также [и другие] награды» [с. 264].

Бабур рекомендует своим сыновьям выслушивать советы и во всем советоваться со сведущими людьми. И только затем принимать решения. В одном из своих писем Бабур, обращаясь к Хумаюну, поучает: собираясь на большое дело, «советуйся с опытными, рассудительными беками и поступай так, как они тебе скажут». Более того, Бабур называет имена тех, с кем следует советоваться. И даже поясняет, как с ними вести себя.

Заботливые и трогательные отношения к сыновьям у Бабура сочетались с требованием соблюдения ими дисциплины и исполнительности. Бабур не разрешал никому и даже сыновьям без его ведома и соответствующего оформления вскрывать казнохранилища захваченных даже ими самими городов. Он пишет: «Между тем, пришли сведения, что Хумаюн, прибыв в Дихли, отпер некоторые казнохранилища и незаконно завладел ими». Эти самовольные действия Хумаюна вызвали недовольство и возмущение Бабура. «Я никогда не ожидал этого от Хумаюна, – пишет он, – и у меня стало крайне тяжело на душе. Я написал Хумаюну письмо с очень суровыми увещеваниями» [с. 323].

Следующий факт очень наглядно свидетельствует о требованиях Бабуром соблюдения дисциплины сыновьями. Он пишет: «Так как Хумаюн очень опаздывал к назначенному сроку, я послал ему строгие письма с суровыми словами. В воскресенье семнадцатого сафара (3 декабря 1525 г. – **А.А.**), когда мы совершали утреннюю выпивку, [вдруг] явился Хумаюн, за поздний приезд я высказал ему несколько резких слов» [с. 255].

Для сравнения заметим, в отношении требования дисциплины у рядовых воинов Бабур был даже жесток. Об этом свидетельствуют следующие факты: «Бесчинствующих усмирили, – отмечает Бабур, – и я велел разрубить двоих или троих из них на куски» [с. 259].

Следующие факты свидетельствует о неукоснительном выполнении сыновьями распоряжений отца. В одном из писем, посланном нарочным Хумаюну, имеются такие строки: «Благодарение Богу, враг на востоке бежал; по прибытии этого человека оставь в Джунпуре несколько подходящих беков, а сам веди свое войско и иди поскорее к нам» [с. 300]. Выполнение данного распоряжения описано Бабуром подробно.

Сыновья Бабура очень любили и уважали отца, старались, по возможности, быть с ним рядом. Им это удавалось не всегда, ибо и Бабур, и они сами бывали в постоянном движении.

Сыновья Бабура старались одаривать отца. Хумаюн, например, после захвата г. Агра подарил Бабуру самый большой в мире и уже тогда знаменитый алмаз, оцененный специалистами того времени стоимостью в денежном выражении «в два с половиной дневных расхода всего мира». Он был весом в восемь мискалей [с. 269].

Следует заметить, данный алмаз не был военным трофеем. Хумаюн получил его в качестве подарка от семьи родственников Бикрамажита Ибрагима Раджи за то, что он сохранил им жизнь и, более того, оказал им почет, уважение в соответствии с их социальным положением. Они были потомками древнего именитого и известного индийского рода. Получив алмаз в качестве подарка от сына, Бабур вернул его обратно Хумаюну [с. 270]. Причину этого Бабур не указывает.

Алмаз, в силу обстоятельств оказавшийся в руках Хумаюна, впоследствии получил имя – «Кох-и-нур», что в переводе с персидского означает «сияющая гора». Первоначальный вес алмаза составлял 186 каратов, а после обработки он стал весить 106 каратов, или 22 грамма.

Сыновья Бабура в меру своих сил и возможностей старались оберегать отца от разного рода нагрузок. Так, например, Хумаюн, когда надо было выступить против врагов в окрестностях г. Агра, прилюдно заявил: «Государю выезжать нет надобности, я сослужу ему эту службу». Бабур, довольный этим заявлением, пишет: «Слова его всем понравились, и тюркские, и хиндустанские эмиры одобрили такое решение» [с. 296].

Итак, Бабур, помимо всего прочего, был прекрасным отцом, проявляющим большую заботу и внимание к своим детям.

Таким образом, сведения о взаимоотношениях Бабура и сыновей, имевшие место в первой половине XVI века, и сегодня, в период смены ценностных ориентиров, помогают нам обретать и в своей семье атмосферу взаимного доверия и заботы не исключающих, а предполагающих дисциплину и ответственность за свои поступки.

Ҳасан Қудратуллаев,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт музейи,
ф.ф.д., профессор

БОБУР – БУЮК БУНЁДКОР

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти қаерда яшашидан қатъий назар ўша ерли халқлар турмушининг обод ва кўркам бўлиши, юртда мухташам кошоналарни қуриши қатори, эл дардига ярайдиган иморатлар, ҳаммом ва мадрасалар, кўприк ва йўллар, ирригация иншоотлари, масжиду мадрасалар қуриб, сув чиқариш каби ишларни бажарганки, унинг бу ҳиммати бугунги авлоднинг ҳам ғурурига айланган.

Тақдир тақозоси билан Бобурга ўз ватани Мовароуннаҳрда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиш насиб этмади. Аммо, у Кобул давлати ва кейинроқ Ҳиндистонда бобоси Амир Темур салтанатини тиклашга киришар экан, энг аввало бу жойларда майда феодаллик, таркоқ ҳокимият ўрнида мустаҳкам, давлат тизимини барпо этдики, бобурийлар авлоди бу жойларда 332 йил давомида ҳукмронлик қилдилар, бу бунёдкор шоҳга миннатдор бўлиб келмоқдалар.

Бобур Шарқда фақатгина мустаҳкам давлатчилик ва муносиб дипломатия мактабини яратмади, балки Хуросон ва Ҳиндистонда беҳисоб кошоналар, мадраса, равон йўллар, ирригация иншоотлари каби бунёдкорликни йўлга қўйди. Тарихшунос олим Абдулҳамид Лоҳурийнинг «Подшоҳнома» асарида келтирилишича, Кобулдаги Боғи Шаҳроро, Боғи жиловхона, Боғи сурат, Боғи моҳтоб, Боғи оҳухона, Ўртабоғ, Чорбоғи Кобул, Ҳиндистонда Аградаги Боғи Биҳишт, Хилватхона, Боғи Зарафшон, Оромгоҳ, Секридаги Боғи фотиҳ, Дилпурдаги Боғи Назаргоҳ, Нилуфар, Гвалиёр боғлари бевосита Бобурнинг раҳнамолиги, молиявий таъминоти ва кўпи унинг лойиҳаси асосида бунёд этилган.

Мазкур боғларнинг ободончилиги, юксак симметрия асосида бунёд этилиши, Бобур томонидан танланган дарахтлар, гуллар, умуман ландшафтнинг кишини ҳайратга солувчи эстетик гўзаллиги, айниқса бу боғларга Бобур Мовароуннаҳрдан олиб келтирган анвойи гуллар, олуболу, найшакар, узум, қовун каби мева ва дарахтларни ўстириб, мевасидан тановул этгани бу ўлкаларда Мовароуннаҳр цивилизациясини кенг тарқалишига олиб келган.

Хуллас:

– Заҳириддин Бобур Шарқ цивилизациясини юксалтириб, эл корига ярайдиган 100дан ортиқ иншоотларни Хуросон ва Ҳиндистонда бунёд этиб, бу биноларда Мовароуннаҳр архитектураси ва қиёфасини сингдирди, маҳаллий халқ мушкулини осон этишга интилди.

– Бобур томонидан Ҳиндистоннинг вақт бирликлари мувофиқ бирликлар билан алмаштирилди, халққа осон йўли таклиф қилинди.

– Бобур салтанатини янада мустаҳкамлаш, ҳарбий устунлигини таъминлаш учун тарихда миллий артиллерия асосчиси сифатида ном қозонди.

– Бобур ўша даврда мавжуд ҳарбий атамаларнинг унинг лашкарлари англашлари мураккаб бўлганлиги боис араб, ҳинд ва бошқа тиллардаги амр-фармон атамаларини туркий муродифлари билан ислоҳ этди ва қўшинларида бу ислоҳотни жорий этди.

– Ўша даврда Ҳиндистон, Хуросон ва Мовароуннаҳр орасидаги маълумотларни етказишда, асосан, чопарлар хизматидан фойдаланилган, бу эса хабарларни тез ва аниқ етказишда кўпгина мушкулликларга олиб келарди. Бобур шоҳ ва саркарда сифатида Аградан Мовароуннаҳргача бўлган масофада почта хизматини энг майда деталларигача ишлаб чиқиб, жорий этди.

– Бобур Шарқ каллиграфияси, араб алифбосининг ёзилиши ва ўқилишида мураккабликлар мавжудлиги боис янги алифбо – «Хатти Бобурий»ни ихтиро этди, афсуски бу янгилик ўша даврда қўллаб-қувватланмади.

– Бобурнинг харбий соҳада қилган янгиликлари ва ихтиролари жуда кўп бўлиб, бу алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Хуллас, Заҳириддин Бобур 47 йиллик умри давомида Шарқ тараққиёти, тамаддуни ва цивилизациясини юксалтиришга, Хуросон ва Ҳиндистонда Мовароуннаҳр маданияти, архитектураси, урф-одатини ёйиш ва хаётга татбиқ этишга арзигулик ҳисса қўшди.

Адҳамжон Аширов,
ЎзР ФА Тарих институти, т.ф.д.

«БОБУРНОМА» – МУҲИМ ЭТНОГРАФИК МАНБА

Халқлар ва мамлакатлар тарихини ёритишда археологик, нумизматик, эпиграфик ва бошқа турдаги манбалар билан бирга ёзма манбаларнинг ҳам беқиёс ўрни бор.

Шубҳасиз, бу борада туркий халқлар тарихини ёритишда буюк қомусий асар – «Бобурнома» нафақат муҳим тарихий, балки қимматли этнографик манба ҳам ҳисобланади. Айнан мазкур асарда турли халқлар, уруғ ва қабилаларнинг тарихи, уларнинг этногенези ва этник тарихи ҳамда яшаш тарзи, тили, урф-одатлари ҳақида ишонарли маълумотлар берилган. Шу боис ҳам мазкур асар бугунги кунда ўзининг илмий қимматини йўқотмаган қомусий асар ҳисобланади.

Умуман олганда, «Бобурнома»даги этнографияга оид маълумотларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

– турли қавм ва уруғлар ҳақидаги муҳим маълумотлар. Жумладан, *арлот, арғун, барлос, жалойир, минг, манғит, нукус, турк, қорлуқ* каби туркий қавмлар ҳамда улар билан боғлиқ этноантропонимлар, масалан, Абдулло барлос («Б.»29б»), *Маҳмуд барлос* («Б.»30а), *Сайид Қосим эшик оға жалойир* («Б.»55а»), *Али жалойир* («Б.»174б»), *Ҳусайн Кўрагон дуғлат* («Б.»11а») тарзида учрайди;

– халқларнинг анъанавий моддий маданият (турар жойлари, кийимлари ва таомлари)га оид маълумотлар. Хусусан, айнан «Бобурнома»га бағишлаб чизилган турли минатюралар орқали биз ўша даврдаги халқларнинг кийи-

ниш маданияти, анъанавий турар жойлари ҳамда миллий таомлари борасида кўплаб ноёб маълумотларга эга бўламиз;

– турли халқларнинг анъанавий хўжалик ҳаёти ҳақидаги маълумотлар. Жумладан, китобда Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси ва Кобул ҳамда Ҳиндистонда яшовчи халқлар тасвири бевосита уларнинг хўжалик машғулотлари, касб-корлари ва миллий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар;

– турли туркий ҳукмдорлар ва давлат арбобларининг ташқи қиёфаси тавсифига оид маълумотлар орқали ўрта асрлардаги халқларнинг антропологик қиёфасини тиклаш ва илмий асосда ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади;

– туркий халқларнинг бошқа халқлар (ҳиндлар, афғонлар, пуштунлар, тожиклар, туркманлар) билан ўзаро этномаданий алоқалари тарихига оид маълумотлар:

– турли халқларнинг анъанавий тақвимий ва оилавий маросимлари, хусусан, наврўз байрами, бешик ва никоҳ тўйлари ҳамда мотам маросимлари тарихига оид қимматли материаллар берилган.

Хуллас, мазкур асар турли халқлар тарихини тадқиқ қилишда бугунги кунда ўз қиммати ва қадрини йўқотмаган ноёб тарихий-этнографик манба ҳисобланади.

Назора Бекова,
Бухоро давлат университети,
ф.ф.н., доцент

АНЪАНА АСОСИДАГИ ЯНГИЛИК

Навоий-Фонийнинг форс-тожик адабиёти йирик вакилларига юксак самимияти унинг қатор асарларида ўз аксини топган. Улуғ шоирнинг форсий шеъриятга ружу қилиши «уч била тўрт орасида» (МАТ, 13-жилд, Тошкент, 1997, 11-бет) Шайх Қосими Анвор ғазаллари мутолаасидан бошланиб, йиллар давомида бу майдон кенгая боради. Шундай фикрни Навоий-Фоний адабий тажрибасидаги татаббучилик анъанаси хусусида айтиш мумкин. Унинг «Девони Фоний»сидан ўрин олган форс-тожик адабиёти қиркка якин намо-

яндалари ғазалларига қилинган татаббулар мисолида ҳам бундай фазилатни кўрамиз. Бироқ унинг бу ижодий тажрибалари олиму уламолар томонидан турлича талқин этилган. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида Алишер Навоий маънавий меросига юксак баҳо беради. Аммо унинг «Девони Фоний»га доир қарашларида бундай муносабат назарга ташланмайди. Негадир, Бобур Мирзога ўша тўпламдан ўрин олган «Туҳфат ул-афкор» қасидасидан бошқа шеърлар **«суст ва фуруд»** бўлиб кўринади (Қаранг: З.М. Бобур. Бобурнома. «Фан», Тошкент, 1960, 233-бет). Қирқ етти йиллик умрининг катта қисмини жангу жадаллар билан ўтказган Бобур Мирзо табиатан нозиктаъб ва ўзига хос ижодкор бўлгани учун ҳам унга татаббучилик унча хуш ёқмаган бўлиши мумкин. Аслият ва татаббуъ-ғазални қиёсий ўрганиб, холисона фикр айтиш имконияти эса зукко адибда йўқ эди, эҳтимол. Шунинг учун тарихий вазиятни тушуниш ва «Девони Фоний»га доир мулоҳазаларни танқидий қабул қилиш лозим. Аммо Бобур Мирзонинг юқоридаги қайдларини такрорлаб, проф. Исмоил Ҳикмат Навоий-Фонийни Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ижодиётининг тақлидчисига айлантириб қўяди (Қаранг: Амир Алишер Навоий. Боку, 1926, 5–71-бетлар).

Эслатилган қарашлар XIX асрнинг охирги чораги ва XX асрнинг 40-йилларига қадар Ғарбу Шарқда ёзилган айрим ишларда кўзга ташланиб турди. **Фитрат, Бертельс, Айний** сингари собитқадам олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида улуғ шоирнинг форсий меросига муносабат ўзгарди.

Хусусан, Фитратнинг 1925 йилда ёзган «Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида» мақоласи **«адабиёт ва санъат дунёсида энг теран қараш эгаси» бўлган машҳур Бобур Мирзо**нинг «Навоийнинг аксар форсий абёти суст ва фуруддир» деган кўпчиликка маълум фикрини қабул эткуси келмас»лигига бағишланган (Қаранг: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Тошкент, «Маънавият», 2000. 3–11-бетлар.). Навоийшуносликда унинг форсий адабиётнинг улкан вакили экани ҳали тадқиқ этилмаган бир пайтда нафақат Фонийнинг, балки ушбу тахаллусни қўллаган бошқа шоирларнинг ижодини ёритишда ҳам салмоқли ҳисса қўшган.

XV аср тазкиранавислик тарихидан чуқур хабардор Фитрат Навоийнинг форсий меросига Давлатшоҳ Самарқандий («Тазкират уш-шуаро»), Абдурахмон Жомий («Нафоҳат ул-унс»), Сом Мирзо («Туҳфаи Сомий»), Ризо Қулихон Ҳидоят («Мажма ул-фусаҳо»), Хусайн Воиз Кошифий («Таф-

сири форсий») каби форс тазкиранависларининг фикрига таянган ҳолда баҳо беради ва шоирнинг форсийда ҳам баракали ижод қилиши сабабларини «Муҳокамат ул-луғатайн»даги маълумотлар орқали асослайди. Фитрат бу фикрлар орқали Навоий форс адабиётининг чуқур билимдони ва ижодкори, танқидчи ва тасҳиҳчиси, «энг улуғ форс шоирларининг энг машҳур, энг қийин асарларига форсийча жавоб ёзган уста бир санъаткор» эканлигини асослайди. Ҳатто форс мумтоз адабиётида қасиданавис сифатида танилган Жалолиддин Салмон Соважий (1300–1375)нинг тарсиъда битилган қасидасига нисбатан Навоий «тарсиъ тугал эмас» дея ўринли эътироз билдирганлигини қайд этиш орқали шоир форс адабиётининг нозик билимдони ва мунаққиди бўлганлигига ишора қилади.

Хуллас, Бобур Мирзонинг Навоий форсий шеъриятига берган баҳосини қатъий қонуният тарзида эмас, балки бир мулоҳаза сифатида қабул қилиш панд бермайди.

Нозим Ҳабибуллаев,
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, т.ф.д., профессор

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ САРКАРДАЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Маълумки, Амир Темур ва темурийлар сулоласининг вакиллари Мовароуннаҳр, Ҳуросонда 136 йил, Бобур ва бобурийлар Афғонистон ва Ҳиндистонда 352 йил ҳукмронлик қилганлар. Амир Темур авлодидан бизгача номлари етиб келган шаҳзодалар сони ҳозирча 191 нафарни ташкил этади. Улардан тарих саҳифаларида фақат Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо авлодининг охирги вакилларигина 1858 йилгача яшаганлиги бизга маълум. Бу авлоднинг кўзга кўринган вакилларидан Халил Султон, Султон Абусаид Мирзо, Умаршайх Мирзо ва унинг ўғли Заҳириддин Бобур боболари Амир Темур асос солган буюк салтанатни сақлаб қолишга ҳаракат қилган бўлсалар-да, орзуларини амалга ошира олмадилар. Лекин улардан Бобур гарчи Мовароуннаҳр тахтини эгаллай олмаса-да, тақдир тақозоси билан ўзга

юртларга кетиб, ўз юртида рўёбга чиқара олмаган орзу-умидларга эришиб, ибратли сулоланинг вакили сифатида дунёга танилди.

У қисқа муддатда бир неча марта пойтахт Самарқандни эгаллашга эришган бўлса-да, бироқ охир-оқибат Моваруннаҳрни тарк этишга мажбур бўлади ва Ҳисор тоғлари орқали оз сонли навкари (200–300) билан Афғонистонга ўтиб Кобулни эгаллайди. У ерга ўз юрти каби меҳр қўяди. Бобур Кобулда катта бунёдкорлик ишларини олиб борди ва Афғонистонда бир фотиҳ эмас, балки шу юрт равнақи учун жон куйдирувчи шахс сифатида танилади. Кейинчалик Бобур Ҳиндистонни забт этиш режаларини туза бошлайди.

Бир неча юришлардан кейин Деҳли султони Иброҳим Лўдийни юз минг кишилик қўшинини ўн икки минг аскари билан тор-мор қилади (1526 й.). Бу жанг тарихда Панипат жанги номи билан сақланиб қолган. Бу пайтда Бобур 43 ёшда эди. Тақдир тақозосини қарангки, Амир Темур ҳам шу жойда 1396 йили 62 ёшида Деҳли султони устидан ғалаба қозонган эди.

Бобур навбатдаги жангларда иккинчи йирик ҳинд саркардаси Роно Санго устидан ҳам ғалаба қозониб, Аграни ўзига пойтахт сифатида танлаган.

Бобур қисқа умри давомида жуда мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтиб, темурийлар сулоласининг ёркин вакили ва давомчиси сифатида аждодлари меросини янада янги-янги янгиликлар билан бойитган ҳолда жаҳонга машҳур бўлди.

У Афғонистонда, Ҳиндистонда кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, мамлакат тараққиётига салмоқли таъсир кўрсата олди. Улуғ бобоси каби тарқоқлик, парокандаликка, ички низоларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштирди, марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, бунёдкорликка, илму-ҳунар ва деҳқончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди.

Биз учун энг муҳими – Бобур ҳозиргача яшаган аждодлар орасида ҳам, бундан сўнг ҳам яшайдиган авлодлар орасида ҳам энг буюк ва ибратли шахслардан бири бўлиб қолаётганлигидир.

Бобур Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз юртида ҳақиқий қадрини топди. 1993 йили Бобур таваллудининг 510 йиллиги, 2008 йили 525 йиллиги тантанали нишонланди. Туғилиб ўсган шаҳри Андижонда ва бошқа йирик шаҳарларда бир қатор илмий ва маиший муассасалар унинг номи билан аталди. Андижонда Бобур миллий боғи мажмуасида «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи, шоирнинг рамзий қабр-мақбараси бунёд этилди, ҳайкали ўрнатилди, бадиий-илмий асарлар, фильмлар яратилди ва ҳ.к.

Нажмиддин Низомиддинов,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт музейи, ф.ф.л.

БОБУРИЙЛАРНИНГ РОССИЯ БИЛАН САВДО МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР

Бобурнинг давлат иқтисодий қудратининг бош омили бўлган савдо-сотик масалалари ҳақида жиддий ўйлаганлиги «Бобурнома»да зикр этилган ўша давр бозор иқтисоди хусусидаги маълумотлардан маълум:

«...Кошғор ва Фаргона ва Туркистон ва Самарқанд ва Бухоро ва Балх ва Ҳисор ва Бадахшондан карвон Кобулга келурлар. Бисёр яхши савдохонадир. Савдогарлар Хитой ё Румга борсалар, ушмунча – ўқ савдо қилгайлар... қуйи Ҳиндустондан ўн, ўн беш-йигирма минг уйлук карвон Кобулга келур. Ҳиндустондин оқ рахт ва қанд ва набот ва шакар ва ақоқир келтирурлар. Ҳуросон ва Ироқ ва Рум ва Чин матои Кобулда топилур. Ҳиндустоннинг худ бандаридур».

Шу нуқтаи назардан Бобур ўз давлати келажагига ишониб, авлодларининг маҳаллий ҳукмдор сифатида ҳатто узоқ ўлкалардаги давлатлар билан савдо-дипломатик муносабатларни ўрнатишига умид боғлаган.

Солнома хабарига кўра Бобурнинг «элчиси Москвага 1533 йили етиб келган. У мусулмон савдогари бўлиб, ўзи билан «Буюк мўғуллар» давлати асосчисининг дўстлик ва биродарликни таклиф этувчи ёрлиқини келтирган. Бордию, ҳинд элчиси қаллоб эмас, инсофли инсон бўлган тақдирда ҳам, у ҳар қалай ёрлиқни буюк князь Василий Ивановичга Бобурнинг вафотидан уч йил кейин топширган. Ёрлиқ сақланиб қолмаганлиги сабабли солнома хабарини текширишнинг имкони йўқ».

Башарти Бобур рус подшоҳлиги билан дипломатик алоқа ўрнатиш ниятида бўлган экан, демак, у муқаддам икки минтақа мамлакатлари ўртасидаги мавжуд савдо-иқтисодий муносабатлардан хабардор бўлган бўлиши керак. Нафақат хабардор, балки келгусида бундай муносабатни Ҳиндистон учун фойда келтиришига ҳам у ишонган. Биз бу масалада фақат 1469 йили Москва князи Иван III томонидан берилган расмий рухсат билан Ҳиндистонга келган Афанасий Никитин сафаринигина эмас, балки «IX–X асрларда Волгабўйи – булгарлар мамлакатидаги рус ва ҳинд тожирлари савдо-сотиқ қилган»ликлари омилини ҳам назарда тутдик. Чун-

ки Россия Кавказорти Эрон ва Ўрта Осиё билан асосий сув йўли бўлмиш Волга-Каспий орқали боғланган бўлиб, бу йўлдаги савдо-сотиқ ишларида ҳиндлар ҳам қатнашган. Узоқ даврлардан Ҳиндистонда шуҳрат қозонган рус мўйнаси ва зиғир поядан тўқилган матоси у ердаги бозорларга Ўрта Осиёдан ўтиб борган. Ва рус моллари билан савдо қилган ҳинд савдогарлари катта фойда кўрганлар».

Бобур номидан Ҳусайн Хўжа келтирган ёрлиқнинг кейинги алоқаларга таъсири бўлмаганлиги, бизнингча, ўша вақтда рус подшоҳининг Ҳиндистон ҳақида тегишли маълумотга эга эмаслигидан бўлиши керак. Чунки ёрлиқда Россиядан Ҳиндистонга савдогарларнинг келиб-кетишига розилик билдирилган бўлса-да, лекин рус подшоҳи «Бобур мустақил ҳукмронми ёки бирор подшоҳликка қарамми» каби фикрлардан аниқ қарорга келмаган.

Ҳинд-рус савдо алоқалари узоқ тарихига мурожаат қилганимиз боиси шундаки, «Ҳумоюннома»даги Ҳиндолнинг никоҳ тўйида ҳадя қилинган совға-саломлар тавсифида Ҳиндистондаги русларга тааллуқли маълумот учрайди: ***«Тўй шундай яхши бўлган эдики, бундай тўй отамнинг бошқа фарзандларига муяссар бўлмади. Ҳамма нарсани ҳозирлаб бердилар: эгар ва жабдуқлари ўймакорлик билан зар қадаб ишланган тўққизта тулпор от, тилла ва кумуш асбоблар, турк, черкес, рус ва ҳабаш ғуломларининг ҳар биридан тўққизтадан тақдим қилдилар»***.

Бобур келин-куёвларга тақдим қилган ғуломлар ичидаги русларнинг бир эмас тўққиз нафарлиги, уларнинг ё хорижий қулдорлардан сотиб олинганлиги ёхуд ҳинд ерида қандайдир мусибатга дучор бўлиб, қулга айланиб қолиб кетганлигидан далолатдир.

Бобурийларнинг ташқи дунё билан савдоси хусусида «Жаҳонгир даври»да бошланган Россия билан савдо алоқалари тарихи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, марҳум проф. Илёс Низомиддинов архиви материалларини ўрганиш вақтида қўлимизга тушган унинг «Россия билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар» мавзуидаги мақоласида янги бир маълумотга дуч келдик. Воқеа мазмуни шуки, XVII асрда умумроссия бозори ташкил топгач, рус подшоҳлиги ва йирик маҳаллий савдогарлар Шарқ мамлакатлари, хусусан бевосита Ҳиндистон билан савдо қилишга интилганлар. 1646 йили – Шоҳ Жаҳон даврида подшо Алексей Михайлович фармони билан «Буюк мўғуллар» саройига рус элчилари – қозонлик савдогарлар Никита Сирожин ва астраханлик Василий Тушковлар юборилади. Ҳолбуки, руслар ўша йили тахтда ўтирган Жаҳонгир эмас, балки Шоҳ Жаҳон эканли-

гини билмаганлар. Элчилар Ҳиндистонга «Жаҳонгир» номига ёзилган ёрлиқ билан сафарга чиққанлар.

Ёрлиқда то шу даврга қадар Россия билан Ҳиндистон ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатилмаганлиги сабабли «Буюк мўғул»ни қандай унвон билан улуғлаш рус подшоҳи учун номаълум эканлиги боис тез фурсатда Ҳиндистондан Россияга элчи юбориб, бу ҳақда маълум қилиниши сўралган. Шунингдек, ёрлиқда яна Ҳиндистоннинг Эрон билан дўстона муносабатлари ва бундан рус ҳукумати мамнун эканлиги таъкидланиб, қуйидаги истак билдирилган: «Биз, улуғ подшоҳ – Сизнинг биродарингиз, ўртада ўзаро мустаҳкам дўстлик риштаси боғланишини истаймиз...»

Россия ёрлиқи рус ва татар тилларида битилган бўлиб, улардаги ҳар икки матн остига давлат муҳри босилган. Элчиларга эса, Россиядан то Ҳиндистонгача бўлган савдо йўлларини диққат билан ўрганиб бориш ва Россиядан Ҳиндистонга ҳамда Ҳиндистондан Россияга келтириладиган маҳсулотлар турини аниқлаш вазифаси топширилган. Қолаверса, уларга ёрлиқни фақат «Буюк мўғул» қўлига топшириш, аммо унинг оёғини ўпмаслик ва қабулга кирганда умумий қоидага биноан фақат бўйин эгишлари тайинланган эди.

Лекин Ҳиндистонга юборилган рус элчилари муваффақиятсизликка учрайдилар. Эрон шоҳи Аббос II Ҳиндистон билан Бухоро ўртасидаги Балх учун бўлаётган тўқнашувни баҳона қилиб, рус элчиларига йўл бермайди. Эрон шоҳининг бундай йўл тутишдан кўзлаган мақсади, Россиянинг Ҳиндистон билан яқин муносабатда бўлишини истамасди. Шу сабабдан расмий рус элчилиги ортга қайтишга мажбур бўлади.

Москвадаги йирик савдогарларнинг илтимосига кўра подшо Алексей Михайлович иккинчи маротаба 1651 йили Родион ва Иван Никитинларга Эрон орқали Ҳиндистонга боришларига рухсат бериб, уларга Эрон шоҳи ва Шоҳ Жаҳон номига ёзилган ёрлиқларни топширади. Ёрлиқда Ҳиндистоннинг қандай рус молларини сотиб олиши ва Россияга қандай молларни чиқариши мумкинлиги айтиб ўтилганди. Гарчи иккинчи рус элчилиги ҳам Россия-Эрон муносабатларининг кескинлашуви туфайли натижасиз тугалланган бўлса-да, рус подшоҳлигининг Ҳиндистон билан манфаатли савдога бўлган қизиқиши кейинги даврларда ҳам сўнмади – давом этди.

Бобурийлар сулоласининг сўнгги йирик вакили ички сиёсатдаги каби ташқи дунё билан сиёсатда ҳам ўзига хос дипломатияга амал қиларди. Яъни, Аврангзеб рус тожири Семен Маленькийга ҳинд бозоридаги савдо бораси-

да шоҳона тантилик қилиб уни бож тўлашдан озод этган ва ҳаттоки, унинг даврида ҳиндистонлик савдогарлар Москвага келган бўлсалар ҳам, у негадир давлат мақомида Россия билан иқтисодий ҳамкорликни хуш кўрмаган. Подшоҳнинг нима сабабдан Россия элчилиги олиб келган ёрлиқдаги таклифларга рад жавобини берганлиги илмий манбаларда шундай асосланган:

«1663 йили Москвага «Буюк мўғул»нинг савдогарлари келади. Улар подшоҳ Алексей Михайловичга турли олтин ва қимматбаҳо тошлар қадалган олмос узук, олтин тож ва бошқа совғалар қиладилар. Подшоҳ тортиқларнинг асосийларини ўз эгаларига қайтариб бериб, қолганлари эвазига эса хазинадан 10472 пуллик савсар, сукно ва бошқа моллар берилишига буйруқ беради. Бу билан рус подшоҳи ҳиндистонлик савдогарларнинг Россияга келиб зиён кўрмасликларини хоҳлаган эди.

Ҳиндистон билан иқтисодий алоқаларни ўрнатишга интилган рус подшоҳи яна 1669–1672 йилларда Бухоро ва Хивага юборилган Борис Андреевич ва Семен Иванович Пазухинлар элчилигига Ҳиндистонга олиб борувчи савдо йўллари тўғрисида маълумот йиғишни топширади.

1673 йили Пазухин Москвага қайтиб келгач, Астрахандан Деҳлигача бўлган йўл ҳақида тўла маълумот беради. Пазухин маълумотини текшириб кўриш учун подшоҳ бу борада Москвадаги ҳинд савдогарлари Багарей Леле ва Ченай Макарандавлардан фикрини сўрайди. Улар бевосита Хива орқали ўтадиган йўлни узоқ ва хавфли деб, Астрахандан Ҳиндистонга боришда Караган бандаргоҳидан Урганч томон қайрилиб, сўнг Бухоро ҳудуди орқали боришни маъқул, деб топадилар. Шунда Ҳиндистонга Ўрта Осиё орқали элчилар юборишга қарор қилинади ва астраханлик Момет Исуп – Муҳаммад Юсуф Қосимов элчи қилиб тайинланиб, 1675 йили 23 февралда унга Аврангзеб номига ёзилган ёрлиқ берилади. Элчиликка Ҳиндистондан Россияга бир мингдан то уч минг пудгача кумуш, русларга номаълум бўлган экин уруғлари ва ерлик паррандалар ҳамда қўлигул ҳинд наққошларининг жўнатилиши ва уларнинг Россияда турғун бўлиб қолиши мумкинлигини аниқлаш вазифаси юклатилади.

1676 йилнинг охирларида Қосимов ўз сафдошлари билан Кобулга етиб келиб, бу ерда жорий этилган қонун юзасидан Аврангзеб қабулига рухсат тегишини кутади. Бир неча ойдан сўнг, ниҳоят 1677 йили Кобул ҳокими Бектемирхонга Аврангзебдан хат келади. Хатда «Буюк мўғуллар»нинг Россиядек узоқ мамлакат билан то шу вақтгача расмий муносабатлари бўлмаганлиги учун элчилик вакилларига қабулни кутмаслик хабари берилади».

Хуллас, Россия ва Буюк бобурийлар давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар бўйича мухтасар баён этилган маълумотлар ушбу мавзуга доир тарихий воқеликлардан бир лавҳа, холос. Ўйлаймизки, асрлар оша дунё миқёсида ўрганилиб келинаётган буюк аждодларимиз давлатчилик тарихи келгусида албатта ҳинд ва бошқа қўлёзма фондларидан топилаётган янги манбалар билан бойитилади.

Сайфиддин Рафиддинов,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт
институти, ф.ф.н.

«БОБУРНОМА»ДА ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР СИЙМОСИ

Улуғ шоир ва адиб, беназир шоҳ ва саркарда бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур диний ва тасаввуфий илмларни чуқур билган шахс эди. Шоирнинг «Мубаййин» асари унинг фиқҳ илми билимдони эканига мисол бўлса, «Бобурнома», «Рисолаи волидия» ҳамда шеъриятидаги ишора ва воқеаларга асосланиб айтиш мумкинки, шоир тасаввуф таълимотини, ирфоний шеъриятни пухта билган.

Бобурнинг расман бирор тариқатга киргани ҳақида маълумот йўқ. Лекин унинг асарларидан нақшбандия тариқатига ва тариқат шайхларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатгани билиниб туради. Зотан ўзи форсий бир рубоийсида таъкидлаб ўтган:

Дарвешонро агар на аз хешонем,
Лек аз дилу жон муътақиди эшонем.
Дураст магўй шоҳи аз дарвеши,
Шоҳем, вале бандаи дарвешонем.

(Биз гарчи дарвешлардан бўлмасак ҳам аммо уларга жону дил билан эътиқодимиз бор. Шоҳликни дарвешликдан узоқ дема, биз шоҳ бўлсак ҳам дарвешлар бандасимиз.)

«Бобурнома»да бир қатор тасаввуф арбобларининг номлари ва сифатларига дуч келамиз. Бобур нақшбандиянинг шайхлари, айниқса, Хожа Аҳрори Валий ва унинг хонадон аҳллари номларини ҳурмат билан тилга

олади, тушдаги руҳий мулоқотларини мамнуният билан тасвирлаб беради. Бобур 1502–1503 йил воқеларини тасвирлар экан, Карнон деган кентда лашкардан айрилиб, ёлғизланиб, ҳолсизланиб ётган бир пайтда, душманлари қўлига тушишига бир баҳя қолади. Шунда Бобурнинг тушига Хожа Аҳрори Валийнинг невараси Хожа Яъқуб, навкарларидан Қутлуғ Муҳаммад Барлоснинг тушига Хожа Аҳрори Валийнинг ўзлари кириб, хавфдан огоҳ этишади ва Бобур душман чангалидан халос бўлади. Бу маънавий ҳодисанинг рўй бериши Бобурнинг Хожа Аҳрори Валий хонадонига бўлган ҳурмат ва ихлосининг самараси эди. Аслида Бобурнинг отаси Умаршайх ҳам Хожа Аҳрор Валийга ихлосманд бўлган. Бобур туғилганда отаси уни Хожа Аҳрор ҳузурига олиб боради ва у муборак зот унга Заҳириддин Муҳаммад Бобур деб ном қўяди.

Бобур Шайбонийхон Ҳиротни эгаллаб аҳли фазлларни хор қилганини, Шайх Пурон Валийдек кишиларга азият берганини нафрат билан таъкидлаб ўтади. У ҳақиқий валийларни чин дилдан ҳурмат қилиш баробарида, сохта шайх ва дарвешларга аёвсиз эди. Бобур «Бобурнома»да халқни издан чиқарган Шаҳбоз қаландар деган мулҳид кишининг қабрини нега текислатиб ташлаганини баён қилиб берган.

Бобур 1528 йил воқеларини тасвирлар экан, шу йили унга бетоблик етиб, иситмалаб ётади. Шунда Бобур мисрлик шоир Муҳаммад ибн ал-Бусирийнинг «Қасидаи Бурда»сини ёзиб фалаж касалидан қутулганини эслайди ва бетобликдан халос бўлиш учун ҳазрат Хожа Убайдуллонинг «Волидия» рисоласини назмий таржима қилади ва ҳақиқатан дарддан фориғ бўлади. Бу ҳодиса ҳам қайсидир маънода Хожа Аҳрори Валий билан Бобур подшоҳнинг маънавий иртиботига бир мисолдир.

«Рисолаи Волидия» кичик ҳажмдаги асар бўлса ҳам унда тасаввуфнинг бир қатор назарий ва амалий масалалари баён этилган. Бобур рисолани ҳамд ва наът билан бошлаб, ҳазрат Пайғамбаримизга сўзда, феълда ва ҳолатда мутобаат этиш йўлларини кўрсатади. У нақшбандия қоидаларини шарҳлаб беради. Ботиний маърифат, муҳаббат софлиги, зоҳиран халқ ила, ботинан Ҳақ билан бўлишга даъват этади:

Ошно ич сари, тош бегона,
Бу равишча равиш ўлмас ёна...

Рисолада соликни руҳий камолотга етказадиган қалб, рух ва сир каби латойифалар, нафс тарбияси ва ҳоказолар ҳақида баҳс юритади. Шоир ва

таржимон Мирза Кенжабек «Дунёнинг муршиди» китобида Бобур таржима қилган рисолани байтма-байт шарҳлаб берган.

Айтиш мумкинки, Бобурнинг дилбар ғазаллари, маснавийлари, рубоийлари ва туюқлари ҳам сўфиёна майл ва хоҳишлардан холи эмас. Унинг шеъриятида аҳён-аҳён орифона ишқ, шаҳвату нафснинг душманлиги, зоҳидлик орзуси, тавба ва надомат туйғулари ҳам кўзга ташланади. Маснавийлардан бирида шоир маънавий ҳолатларида қусур борлигини, «дарди дил чораси»ни фақат бир пири муршид ҳал этишини эътироф этиб ёзади:

Чора дардимга магар пир этгай,
Чорасиз ишима тадбир этгай.
Найлайин муршиду, нетай иршод,
Қобилият қанию истеъдод?
Мустаъид бўл-у, қил ўзни қобил,
Файзлар то санга бўлгай восил...

Бундай фикр ва туйғуларнинг Бобур шеъриятидан ўрин олгани, шоир ижодининг бетакрорлиги, мавзулар оламининг ранг-баранглиги ва айни пайтда тасаввуф ғояларидан холи эмаслигини ҳам билдиради.

Дилдора Ҳошимова,
Тошкент вилояти давлат
педагогика институти, ф.ф.н. доцент

«БОБУРНОМА»ДА ҲУКМДОРЛАР ФЕЪЛ-АТВОРИ ТАЛҚИНИ

Бобур ўзининг давлатчилик тартиби ва сиёсатини ўзидан олдин ўтган султонлар ва замондош подшолар билан қиёслайди. «Бобурнома» муаллифининг бу қиёсида Амир Темур салтанатини қайта тиклашдаги интилишининг мақсади қатори бошқа саркардалардан тубдан фарқ қиладиган тарзда давр сиёсатига аниқ баҳо бера олиши, жасурлиги ва жанг санъатини уларга нисбатан юксак эгаллагани, муҳораба пайтида яшин тезлигида бир хулосага келиши, ҳарбий қуролларнинг янги, натижа берувчи жиҳатларига эътибор бериб амалга татбиқ этиши, юксак дипломатиясининг таҳлилий хулосала-

ри, темурий шаҳзодалар ичида якдиллик ва салтанатни асрашда бир мақсад сари интилишга қаратилган мақсадини англаб оламиз. Мисол учун унинг давр султони Ҳусайн Бойқаро билан ўзини қиёслашига назар солайлик. Бунда унинг бу замондош султонидан кўп жиҳатдан устунлиги қайд этилган.

Қуйида у Султон Ҳусайн Бойқаро билан ўзининг Самарқандни Шайбонийхондан тортиб олишини қиёслар экан, ёзади: ««Султон Ҳусайн мирзо хам Ҳирини ушбу йўсунлуқ ғофиллиқта олибтур. Вале иш билур киши олида равшан ва инсофлиқ эл қошида мубайяндурким, бу иш била ул иш орасида тафовутлардур ва ул олиш била, бу олиш орасида кўп фарқ бордур. **Аввал буким,** Султон Ҳусайн мирзо кўп ишлар кўрган, бисёр тажрибалар кечурган улуғ ёшлиқ подшоҳ эди. **Иккинчи буким,** ғаними Ёдгор Муҳаммад Носир мирзо эди, ўн етти, ўн секкиз ёшлиқ бетажриба ўғлон йигит эди. **Учунчи буким,** ғанимнинг ичидин кайфиёт ва ҳолотни билган киши Мир Али мирохўр мирзоға кишилар йибориб, ғофиллиқта ғаним устига келтурди. **Тўртинчи буким,** ғаними қўрғонда эмас эди, Боғи Зоғонда эди. Султон Ҳусайн мирзо олғон маҳалда Ёдгор Муҳаммад мирзо ва тавобии андоқ ичкуликка тушган экандурларким, алар ҳам маст, ўзи ҳам маст. **Бешинчи буким,** ул мартаба ғофиллиқта– ўқ келди ва олди».

«Бобурнома»да муаллиф ўзининг давр султонлари ва ундан олдин ўтган бошқа саркардалар билан салтанатни бошқариш, давр сиёсатига одилона баҳо бериш, жанг майдонида ғалаба учун кураш ва унга эришишнинг таҳлилида ўзининг саркардалик маҳорати ва назариясининг устунлиги, давр султони энг аввало лашкар бирлиги, ҳарбий интизом, албатта уларга подшоҳ томонидан кўрсатилиши лозим бўлган меҳр ва шафқат билан муносабатда бўлиши лозимлиги, салтанатни қўлда тутиб туриш учун эса юксак заковат лозимлиги айнан Бобурнинг ўзи ва давр султонлари билан қиёслашида ёркин ифодаланган.

«Бобурнома»да унинг ўзи ва Шайбонийхон, Иброҳим Лўдий ва бир неча бошқа саркардалар фаолиятини қиёсий, аналитик таҳлиллар билан тасвирлаганини кўрамизки, бу Бобурнинг адиб сифатида юксак даражага кўтаради. Шу қатори уни маҳоратли адиб, моҳир тарихчи сифатидаги хусусиятидан ташқари, шахс хислатларини бадиий талқин қилиш, насрда қиёслаш орқали персонаж ички дунёсини ёркинроқ ифодалашга ҳам эришгани, муҳим. Бобурнинг бу тасвирлари уч минтақа: Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон тарихи ва ўша давр султонлари ҳаёти, фаолияти, воқеаларига бўлган муносабатини аниқ тасаввур этишга ҳам ёрдам беради.

Максуд Асадов,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, таянчи

БОБУР ИЖОДИДА МАЙ ВА СОҚИЙ ТИМСОЛИ

Шарқ адабиётида май қадимги даврлардан бошлаб, ҳаёт мазмуни, тириклик таянчи, қувончу шодлик манбаи, ишқ-муҳаббат рамзи саналган. Туркий адабиётда май мавзусига оид шеърларнинг илк намуналари комусий олим ва аллома Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган бўлиб, улар ўтмишда яшаган аждодларимизнинг анъана ҳамда маросимлари, кундалик турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ. Ёзма адабиётда бу мавзу (яъни май мавзуси – *М.А.*) Алишер Навоий шеърияти орқали ўзининг ҳадди аълосига кўтарилган эди.

Мумтоз адабиётда май мавзусини чуқурлаштирган таълимот бу – тасаввуфдир. Маърифий-ирфоний атама сифатида май Ҳақ жамолига ташналик, маънавий-руҳий эҳтиёж тимсоли бўлиб келади. Шунингдек, инсоннинг пайдо бўлиши ва руҳан юксалиши ҳам май тимсоли билан боғланади.

Соқий деганда эса май сузувчи, шароб қуйиб тарқатувчи, давранн бошқарувчи киши, яъни косагул тушунилган. Май ҳақидаг шеърларда у хурсандчилик ва кўтаринки кайфият бағишловчи бир қаҳрамон қиёфасида тасвирланган. Маърифий атама сифатида соқий – илоҳий файз улашувчи, тариқат пири, шайх, камолотга етакловчи шахс маъноларини ифодалайди. Шунингдек, Аллоҳ, Муҳаммад алайҳиссалом, муршид ёки комил инсон ҳам назарда тутилади.

Ўзига хос ифода ва тасвир усуллари, образ ва тимсоллар олами, мавзу кўламига эга бўлган З.М.Бобурнинг ранг-баранг ижодий меросида ҳам май мавзуси юксак мавқе эгаллайди.

Бобур шахсияти, руҳий ва фикрий дунёси, замон ва замон аҳлига муносабати, шунингдек, теран фалсафий мушоҳадалари ва ҳаётий хулосаларини билишда унинг ижодидаги май билан боғлиқ тушунча-тимсоллар муҳим манба ҳамдир. Зеро, ҳар қандай образ, истилоҳ ёки тушунчанинг ҳаётий асоси, реал ҳақиқати мавжуд.Чунончи, «Бобурнома»да бўза, хурмо майи, узум шароби, қизил шароб, оқ тусли май, сариқ рангли май, гул шароби, арақ, турли гиёҳ, доривор ўсимликлар ва гулоб қўшиб тайёрланадиган жуллоби майлар ҳақидаги қайдлар ҳам учрайди.Чунончи, қадимда бўза, асосан, гуруч ва арпа(ёки бугдой)нинг сувини аралаштириб, уни ачитиш йўли билан

тайёрланган [1,17]. «Бобурнома»дан бўзанинг бошқача усуллар билан тайёрланганлигини ҳам билиб оламиз: «Бажур ва Савод ва гирди ул навоҳийда бир бўза қилурлар, бир «ким» деган нима бор, ўтлар илдизидин ва баъзи адвиядин қилибтурлар. Нондек гирд-гирд ясаб қурутуб, соқлабтурлар. Бу бўза мояси бу «ким» бўладур, баъзи бўзалари ғариб пуркайфият бўладур. Вале ғариб талх ва бемаза бўладур» [2,229]. Шунингдек, «Бобурнома» муаллифи хурмо майи (яна бир номи набиз – *М.А.*) ва унинг тайёрланишига доир ўзига хос маълумотларни ҳам келтирган. Унинг ёзишича, хурмонинг шох ва барг чиқадиган ери панир деб номланган. Хурмонинг панири оқ рангда бўлар экан. Уни ёриб чиққан барг катталашиб, кўк тусга киргач, баргнинг ўрни «заҳм» қилинган, яъни тилинган. Ва ўша жойга хурмо барги тескари қилиб қўйилиб, хурмонинг тилинган еридан чиқаётган сув мана шу баргнинг устидан оқар экан. Баргни кўзанинг оғзига тўғрилаб, кўзанинг ўзи дарахтга боғлаб қўйилар экан. Ундан оқаётган барча сув мана шу кўзага йиғилган. Агар кўзадаги сув уч-тўрт кундан сўнг ичилса, кишини сархуш қилиш хусусиятига эга бўлар экан [2,262]. Кўринадики, Бобур асарда хурмо шаробининг қандай усул билан тайёрланишини батафсил ёритаркан, унинг хусусияти, таъми, ичувчига таъсири, ичиш вақти ва тартиби тўғрисида ҳам кўрсатмалар берган.

Шоир шеъриятида эса май воситасида инсонга инъом этилган ҳаётнинг барча гўзалликлари, ҳаётий лаззатлари ўз ифодасини топган. Бироқ бу шеърларда зулмаънайнлик ҳодисаси – зоҳирий ва ботиний маъноларнинг ўзаро уйғунлашуви бўлиб, матн таҳлилига кўра, май билан боғлиқ образлар илоҳий ишқ рамзи, маънавий ҳузур-ҳаловат тимсоли, руҳий қувват мояси сифатида талқин этилган.

Май мавзусидаги шеърларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, шоир ўз фикрлари, ҳис-туйғулари, ҳаётий кечинмаларини шунчаки баён қилмасдан бирор бадиий санъат ёки тасвирий восита орқали жонли тасвирлайди. Бу эса ўқувчида кучли иштиёқ, қизиқиш пайдо қилади, эстетик завқ уйғотади:

Баҳор айёмидур доғи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким ишрат замонидур. [3,100]

Мазкур байтда *«баҳор айёми»-«йигитлик авони»-«ишрат замони»* ҳамда *«соқий»-«шароб»-«ишрат»* каби тушунчалар ўзаро мутаносибликни ҳосил қилган бўлса, лирик қаҳрамонинг *«Кетур, соқий»* дея май қуювчига юзлани-

ши орқали нидо санъати юзага чиққан. Шунингдек, байтда баҳорнинг гўзал дамлари йигитликнинг дилбар даврига ташбеҳ қилинган.

«Шароби ноб» – тоза, тиниқ, соф май. Бу ўринда мазкур поэтик бирикманинг келтириши ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки мумтоз адабиётда шароби ноб маънавий етуклик, инсоний камолотга элтувчи илоҳий неъмат рамзидир. Бу ҳақда «Қуръони карим»да шундай дейилади: «Албатта, яхши(солиҳ киши)лар (жаннатда) мизожи кофур (ўсимлигидек хушбўй) бўлмиш қадаҳдан (май) ичурлар. ...Уларга кумуш идишларда (таомлар) ва (ўзи кумушдан ясалган бўлса-да, шаффофликда) шиша бўлиб кетган қадаҳларда (шароблар) айлантирилур... Шиша бўлганда ҳам кумушдан, (уларни соқийлар) ўлчаб қўйганлар» [4,578]. Байтда соқий маърифат ва ҳақиқат бодасини тарқатувчи, барча мавжудотга илоҳий файз ва завқу шавқ улашувчи илоҳий қудрат маъносида ҳам талқин қилинган.

Мумтоз адабиётда кўпинча соқий бетакрор гўзаллик соҳибаси, илтифотли, ширинсухан маҳбуба сифатида тасвирланади. Шу сабабли, шеъриятда соқийнинг гулчеҳра, озода, гулруҳ, дилбар, сиймтан каби бир қатор сифатлашлари жуда кўп учрайди. Шуниси диққатга сазоворки, Бобур ғазалларида соқий ёш, навқирон ўсмир йигит қиёфасида ҳам намоён бўлган. Шоир бу орқали умрни ғанимат билишга, ёшлик онларини қадрлашга ундайди. Бу фикрни юқоридаги байт мисолида ҳам айтиш мумкин.

Шунингдек, Бобур шеъриятида саркаш нафс қутқуларини енгиб, юксак ахлоқли одам бўлиш машаққатлари, кўнгилни ўткинчи дунёнинг турли-туман қинғирликларидан поклаб, ҳамиша Ҳақ ёди билан яшаш матлаби, ҳақиқат бодасини ичиб, чинакам комиллик саодатига эришиш истаги ринд тимсолида ҳам ўз аксини топган. Ғазалларда келтирилган майпараст, маст, бодапараст, сармаст, боданўш, майхора, махмур, хумор, бехуд, лабташна, бодаошом, дурдкаш, дурднўш, журъакаш, қатранўш каби тушунча-тимсоллар эса ринд, унинг кайфияти, ижодкор руҳияти ва турли-туман ҳолатларини ифода этади.

Хуллас, Бобур ижодида келтирилган май ва соқий тимсоллари ҳаётий воқеликлар, маиший турмуш манзаралари билан бевосита боғлиқ. Уларни ҳар томонлама кенг ва пухта ўрганиш нафақат ижодкор асарлари қатида яширин қолаётган маъноларни, балки шахсиятининг юксак қирраларини, шунингдек, у яшаган тарихий даврнинг маданий ҳаёти, маиший турмуш тарзи, қолаверса, Бобур замондошларининг ўй-хаёллари, фикр-кечинмалари ва дунёқарашини билишга ҳам кенг имкон очади.

Асрор Қаюмов,
ЎзР ФА Тарих институти, т.ф.н.

«БОБУРНОМА» – ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЎРГАНИШ МАНБАИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврда олимларининг комплекс илмий тадқиқотлари натижасида қадимги туркий, сўғдий, хитой, араб ва форсий тилида битилган тарихий манбалардаги этногенез ва этник тарих борасида янги муҳим маълумотлар илмий истеъмолга олиб кирилди. Шу каби XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларидаги этник жараёнларни тадқиқ этишда «Бобурнома» ҳам манба сифатида катта аҳамиятга эгадир. Асар нафақат тарихий воқеликлар, балки муҳим этнографик материалларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради.

«Бобурнома»да келтирилган уч юзга яқин этнонимларни таҳлил этиш натижасида бевосита бу даврда кечган этник жараёнларни тасаввур этиш мумкин. Маълумки, XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларида сиёсий ҳокимият шайбонийлар сулоласи қўлига ўтиши билан Дашти қипчоқ этник гуруҳларининг Мовароуннаҳр ҳудудларида ўтроқлашув жараёни кучаяди. Бу ҳолат албатта шаклланган ўзбек халқи таркибида қипчоқ компонентининг ўзига хос ўринга эга бўлишини таъминлаб берган. Аммо «Бобурнома»да тилга олинган этнонимларнинг аксарияти қарлуқ компонентли (турк, қарлуқ, арлот, арғун, барлос, қавчин каби), ўғуз компонентли (туркман, ҳазора, оққўйлуқ каби), этник гуруҳлар ва, шунингдек, ҳудудий-локал этнографик гуруҳлар (чиғатой, сорт, андижонлиғ, минглиғ эли, балх эли, афғон ҳазораси, хуросон эли, чағониёний каби) ташкил этади.

Маълумки, тадқиқотчилар ўзбек халқининг этник таркибини уч йирик субэтнос ташкил қилишини кўрсатиб ўтадилар. Уларнинг биринчисини шаҳар ва қишлоқларда қадимдан яшаб келган ўтроқ аҳоли ташкил этиб, кўпинча сартлар, чиғатойлар ҳамда тошканлик, андижонлик, фарғоналик бухоролик, самарқандлик каби ҳудудий-этнографик гуруҳлардан иборат бўлиб, бу гуруҳ уруғ-қабилаларга бўлиниш тизимига эга бўлмаган. Иккинчи субэтнос «турк»лар бўлиб, улар турк ва турк-мўғул қабилавий уюшмаларидан ташкил топган ва Ўрта Осиё ҳудудига Муҳаммад Шайбонийхон юришларидан олдин келиб жойлашганлар. Булар – қарлуқ, чигил, яғмо, турукшар, чўғрок, қавчин, жалойир, барлос, найман, хитой, минг, мўғул, қирқ, чурас, қанғли, баҳрин, норин, тоғай, дуғлот, ўтарчи, арғин, биликчи ва бошқалар.

Асрор Қаюмов,
ЎзР ФА Тарих институти, т.ф.н.

«БОБУРНОМА» – ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЎРГАНИШ МАНБАИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврда олимларининг комплекс илмий тадқиқотлари натижасида қадимги туркий, сўғдий, хитой, араб ва форсий тилида битилган тарихий манбалардаги этногенез ва этник тарих борасида янги муҳим маълумотлар илмий истеъмолга олиб кирилди. Шу каби XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларидаги этник жараёнларни тадқиқ этишда «Бобурнома» ҳам манба сифатида катта аҳамиятга эгадир. Асар нафақат тарихий воқеликлар, балки муҳим этнографик материалларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради.

«Бобурнома»да келтирилган уч юзга яқин этнонимларни таҳлил этиш натижасида бевосита бу даврда кечган этник жараёнларни тасаввур этиш мумкин. Маълумки, XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларида сиёсий ҳокимият шайбонийлар сулоласи қўлига ўтиши билан Дашти қипчоқ этник гуруҳларининг Мовароуннаҳр ҳудудларида ўтроқлашув жараёни кучаяди. Бу ҳолат албатта шаклланган ўзбек халқи таркибида қипчоқ компонентининг ўзига хос ўринга эга бўлишини таъминлаб берган. Аммо «Бобурнома»да тилга олинган этнонимларнинг аксарияти қарлуқ компонентли (турк, қарлуқ, арлот, арғун, барлос, қавчин каби), ўғуз компонентли (туркман, ҳазора, оққўйлуқ каби), этник гуруҳлар ва, шунингдек, ҳудудий-локал этнографик гуруҳлар (чиғатой, сорт, андижонлиғ, минглиғ эли, балх эли, афғон ҳазораси, хуросон эли, чағониёний каби) ташкил этади.

Маълумки, тадқиқотчилар ўзбек халқининг этник таркибини уч йирик субэтнос ташкил қилишини кўрсатиб ўтадилар. Уларнинг биринчисини шаҳар ва қишлоқларда қадимдан яшаб келган ўтроқ аҳоли ташкил этиб, кўпинча сартлар, чиғатойлар ҳамда тошканлик, андижонлик, фарғоналик бухоролик, самарқандлик каби ҳудудий-этнографик гуруҳлардан иборат бўлиб, бу гуруҳ уруғ-қабилаларга бўлиниш тизимига эга бўлмаган. Иккинчи субэтнос «турк»лар бўлиб, улар турк ва турк-мўғул қабилавий уюшмаларидан ташкил топган ва Ўрта Осиё ҳудудига Муҳаммад Шайбонийхон юришларидан олдин келиб жойлашганлар. Булар – қарлуқ, чигил, яғмо, турукшар, чўғрок, қавчин, жалойир, барлос, найман, хитой, минг, мўғул, қирқ, чурас, қанғли, баҳрин, норин, тоғай, дуғлот, ўтарчи, арғин, биликчи ва бошқалар.

«Бобурнома»да бу этник компонентлар ҳақида анчагина маълумотлар берилган. Масалан, Бобурнинг Андижон аҳолиси ҳақида «эли туркдур. Шаҳар ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур» деб маълумот бериши ушбу этник компонентларнинг қандай нуфузда эканлигини белгилаб беради.

Аммо «Бобурнома»да қипчоқ компонентли этник гуруҳлар ҳақида кам маълумотлар берилган. Айниқса, ўзбек халқи таркибидаги кўп сонли этник гуруҳлардан қўнғиротлар, қатағонлар, дўрмонлар ҳақидаги маълумотлар учрамайди. Ваҳоланки, бу этник гуруҳлар Ўзбекистоннинг Бобур босиб ўтган йўли – Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида ҳамда Шимолий Афғонистон ва Жанубий Тожикистон ҳудудларида кенг таркалган эди. Аммо бу этник гуруҳларнинг ушбу ҳудудларга тарқалиши шайбонийлар ва ундан кейинги даврларда рўй берганлиги тарихий-этнографик тадқиқотларда ўз исботини топган ва «Бобурнома»да тилга олинмаганлиги табиийдир.

«Бобурнома» да келтирилган этнонимларнинг аксарият қисми «92 бовли ўзбек эли» рўйхатида учраса-да, аммо Бобур ўз даврида уни қандай маънода қўллаганлиги ҳамда унинг этимологик талқини борасида тадқиқотлар олиб борилиши XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларидаги этник жараёнларни тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Иброҳим Ҳаққул,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, ф.ф.д.

БОБУР ШЕЪРИЯТИДА ШАХСИЯТ ВА ҲОЛ УЙҒУНЛИГИ

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк давлат арбоби – қудратли подшоҳ, ҳассос шоир, беназир адиб ва теран фикрловчи олимдир. Бошқача айтганда, Бобур мирзо шоҳларнинг шоири, олими, шоирларнинг орифи ва алломаси эди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бобурнинг такрорланмас шахсияти ҳукмдорлик, шоирлик ва олимликдан-да теранроқда туради. Шу боис унинг латиф ва маҳзун кўнгли унча-мунча ҳодиса ё воқеаларни назарга илмайди, аниқроғи ҳеч нимага арзитмайди. Чинакам Дард ва Изтироб одамига хос қанақа табиий хислат ва мусаффо ҳис-туйғу бўлса, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам Бобур, асосан, ана шуларга таянган. Шеърда фақат ва фақат кўнгил билан фикрлаб, руҳ сўзини айтиш Бобур талантига хос бош хусусият

ҳисобланади. Шунинг учун унинг ғам ва изтироби шоирлик санъатидан кучли, бадиий маҳорати эса дарду азобидан юксакдир.

Дарвоқе, инсон ҳаётидаги энг давомли ҳодиса изтиробдир. Бир маънода одамнинг барча ҳаракатлари ғам ва изтироблардан халос бўлиш учун қилинган уринишдир. Ваҳоланки, изтироб инсонда қалб борлиғининг илк аломати бўлиб, уни дўст каби кутиб олиш эса қалбнинг шодлигидир. Юрак ҳар гал нимани йўқотса, ундан зўри ва қийматлироғини ахтаради ва шу зайлда муродига етишувни кўзлайди. Лекин Бобурда нисбатан бошқача: у айнан ажралгани ва йўқотганини излайдики, бундан унинг шахсияти нурланиб, руҳи кўкларга юксалади.

Бобур ўзининг ички дунёсига соҳиб буюк шахс эди. Шу маънода уни ҳеч кимга қиёслаб бўлмаганидек, фикр-туйғу, ҳолат ва кечинмалари ҳам такрорланмас бир дунё эди.

Қуръони каримнинг «Тавба» сураси (108-оят)да «... Оллоҳ покланувчиларни яхши кўради», дейилган. Бобурда руҳан покланиш иштиёқи шу қадар баланд бўлганки, у ҳатто руҳнинг азалий софлиги учун қайғурган:

Руҳим яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла
Руҳимни чу тан уйига келтурдунг пок,
Мундан бори элтма касофат бирла.

Руҳ ва руҳий ҳаётнинг бундай олий талаби Бобур шахсининг бошқача шаклланиб, камол топиши ва бири иккинчисига ўхшамайдиган ҳол қучоғида яшашга кенг йўл очилган.

Бобурнинг кўп ғазал, рубоий ва айрим маснавийлари ҳол соҳиби ҳол ичида юксала боришини тасдиқловчи гўзал далиллар бўлиши билан бир қаторда, Оллоҳ томонидан ҳадя этилажак ҳол гўзалликларининг манбаси шахсият эканлигини ҳам тўла тасдиқлайди. Хуллас, Бобур руҳий-илоҳий ҳол ва ҳолатлар заминида шеърни ҳаётий таассуротлар кўзгусига айлантиришда янги ютуқларни қўлга киритган санъаткор эди.

Ҳамидулла Болтабоев,
Ўзбекистон Миллий университети,
ф.ф.д., профессор

БОБУР АСАРЛАРИДА АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Адабиёт назариясининг асосий муаммоси ҳар доим поэтика масалалари бўлиб келган. Замонавий эстетика поэтика масалаларини икки аспектда, назарий ва тарихий поэтика аспектида ўрганади. Шарқ мумтоз поэтикаси, айниқса, араб-форс-турк поэтикаси *илми адаб* деб юритилган ва у илми аруз, илми қофия ва илми бадеъ... каби соҳаларни ўз ичига олган. Бобурнинг адабий-назарий қарашлари бевосита илмий асарларида, жумладан, «Аруз рисоласи»да акс этгани бобуршуносликка маълум. Бироқ Бобурдай Шарқ адабиётини мукаммал билган, унинг назарий асосларини тугал эгаллаган алломанинг назарий қарашларини биргина рисола орқали ўрганиш камлик қилади. Улуғ шоир ва адибнинг «Девон»и таркибига кирган шеърларида, «Мубаййин» асарида ва «Рисолаи волидия»нинг шеърий таржимаси қатида қатор назарий масалаларга доир қарашлар акс этганки, уларни алоҳида тадқиқ этиш адабиётшунослик илмининг вазифасидир. Айниқса, «Бобурнома»дек қомусий асар таркибидаги адабиётшуносликка доир фикрлар ҳозирга қадар жаҳон бобуршунослигининг эътибор марказида бўлиб келган.

Бобур шеърий меросида бадиий матн контекстида тушунилган улуғ ғоя ва поэтик тафаккур дурдоналари орасида шоир ижодкор шахсига, унинг ўзига хос истеъдоди табиатига алоҳида эътибор қаратади. Истеъдод инсонга Аллоҳ иноят қилган улуғ неъмат, уни асраш, эл хизматига сафарбар қилиш ўша истеъдод эгасининг жамият ва унга истеъдодни берган буюк Яратувчи олдидаги вазифаси. Бу вазифани адиблар сўз санъати воситасида амалга оширадилар. Шундай экан, муаллиф сўзи унинг ўзлигини англатувчи ҳужжатдир. Бундай улуғ ҳақиқатни Бобур биргина шоҳбайтида соддагина қилиб айтган:

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни.

Сўз талқинида Бобур унга Аллоҳ каломи (яъни Қуръони карим), дунёнинг яралишига сабаб бўлган улуғ калима «Кун! – Ярал!», кишилар ўртасидаги алоқа воситаси (робита), шунингдек, инсонни жамики махлуқотлардан фаркловчи улуғ сифат, инсон истеъдодини юзага чиқарувчи имконият деб

қараган. Бу қарашларнинг ҳар бири алоҳида бир тимсол (шеърий асарларда) ёки айрим шахсларга муносабат («Бобурнома»да) тарзида намоён бўлади.

Ҳазрат Навоий ҳақидаги талқинлардан аввал шундай фикр беради: «Алишербекнинг мизожи нозуклук била машҳурдур... бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мизож экандур» *(170 б)*. Биринчи жумлада, «мизожи» табиати, характери маъносидагина эмас, балки бадиий диди, шавқи, таъби, шуури маъноларида келган. Бу сифатни талқин этаркан, Бобур уни «жибиллий», яъни азалий туғма хусусият эканини таъкидлайди. Зеро, шуур, истеъдод табиатан туғма бўлмаса, Навоийдек даҳо ижодкор шахсининг асосий сифатларидан бири бўлолмас эди. Маълумки, Ҳазрат Навоий Самарқанддалик пайти унинг таҳсил даври, шабоб (йигитлик) пайтига тўғри келади. Айнан кейинги жумлани қўшиш орқали Ҳазрат Навоийнинг даҳолик сифатлари эрта куртак ёзганини, таҳсил пайтидаёк улуғлик касб этганини таъкидлайди.

Бобур Самарқанд фатҳи воқеаси муносабати билан ёзади: «Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эрдим. Вале ғазал тугатмайдур эрдим. Биргина туркий рубоий айтиб йибордим...» (87 *б*). Айни рубоий улуғ шоирнинг илк ижоди намуналаридан экани жумла мантиқидан сезилиб турса ҳам, бу ўринда бизни «рубоийнинг сўнғги мисрасининг қофиясини радиф қилиб, ўзга қофия била бир рубоий айтган Мулло Биноий» ва унинг шеърига Бобурнинг муносабати муҳим: «ўшал радиф ва қофияда айтмоқ керак эди. Бу рубоийни Хожа Абулбарака айтди». Сезишимизча, Бобурга татаббуъ тарзида жавоб Биноийдан кутилган, бироқ унинг рубоийси мазмунан Бобур рубоийсига яқин келса ҳам, поэтика талабларига кўра унга муносиб жавоб берган Хожа Абулбаракадир. Назирагўйликда радиф ва қофиянинг сақланиши шеър назариясининг муҳим талабларидан эдики, бу вазифани етарли айтолмаган шоир Биноийга муносабат орқали Бобурнинг шеър техникаси талаблари ва унинг назарий муаммоларини яхши билганлиги кўринади.

Шу каби Бобурнинг бадиий асарларида сўз санъати ва унинг сеҳри, фикрнинг бадиий ифодаси, истеъдод табиати ва унинг даҳолик қуввати (Навоийга нисбатан), рубоийнинг техник талаблари ва бадиий имкониятларига муносабат, қофия ва радиф масалалари каби ўнлаб назарий муаммолар акс этганки, уларга муносабатда Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабиёт назариясининг улуғ билимдони, закий аллома сифатида адабиётшунослик илми тарихида ўз ўрнига эга.

Мунисжон Ҳакимов,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт
институти, тадқиқотчи

БОБУР ҒАЗАЛИЁТИ ВА МУХАММАСНАВИСЛИК

Шарқ мумтоз шеъриятида мухаммас жанрида қалам тебратиш ҳам бир ижодий анъана сифатида шаклланган. Яъни шоир у ёки бу санъаткорнинг ўзига мақбул ғазалига уч мисра қўшиб, ғазал муаллифи билан ўзича шеърий мусобақага киришади. Бунда, албатта, биринчи навбатда, шоирлар орасидаги маънавий ва руҳий яқинлик муҳим аҳамият касб этади.

Биз бу ўринда миллатнинг буюк фарзанди, беназир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларига боғланган мухаммаслар ҳақида фикр юритдик. Бобур шеърияти кенг жамоатчиликка XX асрдагина маълум бўлганлиги боис бу даврга қадар унинг ғазалларига боғланган мухаммасларга дуч келинмайди. Шоир ғазалларига мухаммаслар XX асрнинг охирларида, асосан, юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг юзага чиққан. Масалан, шундай мухаммаснавислардан Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Самандар Воҳидов, Сирожиддин Саййид каби ўндан зиёд шоирнинг номи ва тажрибаларини эслатиш мумкин. Бу шоирларнинг аксарияти Бобурнинг бир неча ғазалларига мухаммас боғлашган. Улар орасида 3та, 5та, ҳатто 9та мухаммас боғлаган шоирлар ҳам бор. Бобурнинг «Не хуш бўлғайки, бир кун...», «Хазон яфроғи янглиғ...», «Ўзни кўнгил айш ила...», «Жамолинг васфини, эй ой...», «Қачон бўлғай мушарраф...», «Ким кўрибдур, эй кўнгул...», «Ўлим уйқусига бориб...», «Гул жамолин ёпғон...» сингари ғазалларига муқобил равишда бир неча шоирлар мухаммас битишган. Аммо уларнинг ҳаммасининг ҳам ифода тарзи ва савияси юксак эмас, албатта. Бунга сабаб қилиб шоирнинг табиати ва дунёқарашини кўрсатиш мумкин.

Ўзга шоирнинг ғазалига мухаммас боғлаш катта ашула айтишувидек ижодий мусобақага киришишни талаб этади. Яъни, катта ашулани давом эттирувчи иккинчи ҳофиз авжни аввалгисидан янада баландроқ олгани каби, ғазалга мухаммас боғлаган шоир ғазал муаллифи билан маъно, шакл ва услубда беллашиши лозим. Бироқ Бобурнинг «панжасига панжа» уриш ҳазилакам иш эмас. Шунинг учун мухаммасларнинг айримларида фикрий саёзлик, маҳоратсизлик шундоқ кўзга ташланиб туришини ҳам таъкидлаш лозим. Хусусан, лирик қаҳрамон ҳолатини чуқур идрок этолмаслик сўз ва

ифодадаги оҳангдорликни мувофиқлаштиришда оқсаш ўнлаб мухаммаслардаги умумий камчиликдир.

Хуллас, Бобур ғазалларига боғланган мухаммасларни ўрганиш шоир шахси ва ижодиётига қизиқишнинг кучайиб борганлигидан далолат беради.

Қодиржон Эргашев,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, ф.ф.н.

НАВОИЙ НАСРИ ВА «БОБУРНОМА»

1. «Бобурнома» фақат ўзбек насрида эмас, жаҳон адабиётида ҳам нодир ҳодиса бўлиб, ўзига хослиги, такрорланмас бадиияти, тили ва услуби билан ажралиб туради. Шу билан бирга ҳар қандай оригинал, фавқулодда янги бир ҳодиса сифатида қаралиши мумкин бўлган асар ҳам ўз-ўзича пайдо бўлмаслиги, балки муайян бир адабиётнинг тараққиёти натижаси ўлароқ, унинг ютуқлари заминида юзага келиши ҳам ҳақиқатдир. Шу маънода Бобур ижодига, унинг шоҳ асари «Бобурнома»га салафларининг асарлари, хусусан, Навоий насри муайян таъсир кўрсатгани шубҳасиз.

2. Кузатишлардан маълум бўладики, Алишер Навоий насрий мероси орасида «Мажолис ун-нафоис» «Бобурнома»га сезиларли таъсир кўрсатган. Маълумки, Бобур ўз асарида кўплаб замондошлари ҳақида маълумот берган. Улар орасида ҳукмдорлар, олимлар, шоирлар бор. Уларнинг аксарияти Навоий асарларида, хусусан, «Мажолис ун-нафоис»да тилга олинган. Ҳар икки асарнинг ана шу қисмларини қиёслаш бу маълумотлар баён этилиш шакли ва мазмунига кўра бир-бирига яқинлигини кўрсатади. Бир қатор ҳолларда «Бобурнома»да Навоий тазкирасидан фойдалангани ва тазкира Бобур учун ўзига хос манба бўлиб хизмат қилганлигидан далолат беради.

3. Навоий тазкирасининг таъсири «Бобурнома»нинг тили ва услубида ҳам сезилади. Бир қатор ҳолларда муаллиф айнан Навоий қўллаган сўз ва иборалардан фойдаланди. Масалан, тазкирада Навоий Абдуллатиф Мирзо зикрида шундай ёзади: «Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасин ўлтурди». «Бобурнома»да бу ҳақда шундай ёзилади: «Бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қори отасини шаҳид қилди» ёки Хожа Абдулла Марворий зикрида: «Мажолис ун-нафоис»да: «Ва қонунки, маълум

эмаским киши андоқ чолмиш бўлғай», «Бобурнома»да: «Қонунни онча киши чолмайдур». Муҳаммад Солиҳ зикрида «Мажолис ун-нафоис»да: «Табъида хейли диққат била чошни бор». «Бобурнома»да: «Чошнилиқ ғазаллари бор».

4. Ҳар икки муаллифнинг ўз асарларида зикр этилган шахслар ва воқеаларга, адибларнинг ижодига бўлган муносабатлари ва баҳоларида ҳам яқинлик кўзга ташланадики, бу ҳол уларнинг ижтимоий, адабий-эстетик қарашларида муштараклик мавжудлигини кўрсатади.

Абдулла Улуғов,
Ўзбекистон Миллий университети, ф.ф.н., доцент

МУМТОЗ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА БОБУР ТИМСОЛИ

Мақолада Бобур мавзусида яратилган бадиий асарлар тўғрисида сўз юритилади. Унда Бобур образи дастлаб «Бобурнома»да ва шоирнинг турли жанрдаги шеърларида акс этгани, «Шайбонийнома» достонида ҳам Бобур образи гавдалантирилгани, XX асрдан эса улуғ шоир сиймоси адабиётда кенг акс эттирила бошлагани, бунинг учун барча ижодкорлар Бобурнинг адабий меросига таянишганини, шўро даврида Бобур тўғрисидаги асарларда тарихий ҳақиқатни гавдалантириш мушкул бўлгани, истиқлолдан кейин адолат қарор топиб, миллий тарихга муносабат тубдан ўзгаргани, жумладан, Бобурнинг ҳукмдор ва ижодкор сифатидаги мураккаб дунёси акс эттирила бошлагани, аксарият асарларда улуғ тарихий сиймонинг ватан соғинчида яшагани диққат марказига қўйилгани тўғрисида мулоҳаза билдирилиб, Ойбек, П.Қодиров, Х.Султонов, Х.Даврон каби ижодкорларнинг Бобур тўғрисидаги асарлари ҳақида фикр юритилади.

Ҳалим Ёркин,
Бобур халқаро фонди,
тадқиқотчи

БОБУРИЙ ХАТ ҲАҚИДА

Бобур хатининг ихтироси жаҳон маданиятининг улкан ютуғи саналади. Шумерлар биринчи бўлиб хат ижод қилганларидан сўнг, дунёнинг турли минтақаларида турли халқлар юзларча хилма-хил хат ихтиро қилиб, башарият маданиятини бойитдилар.

Бу оқимга туркий халқлар ҳам ўрхун (руник), уйғур, бобурий каби ёзувларни ижод этиб, жаҳон маданиятини бойитишда муносиб улуш қўшдилар.

Буюк саркарда, шоир ва тарихчи Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ҳам ушбу оқимга қўшилиб, Кобулда «Бобурий хат» деб аталмиш бир хат ихтиро қилди. Ҳарчанд Бобурнинг ўзи бу ихтиродан мақсадини, айниқса «Бобурнома» асарида айтмаган бўлса-да, бироқ бизнингча, унинг ушбу хатни тарғибот қилиш ва тарқатиш мақсадида қилган саъй-ҳаракатлари, унда чиндан ҳам туркий тилнинг барча товуш хусусиятларини ифода қила оладиган муносиб ва қулай бир ёзув ижод этиш нияти бўлган.

«Бобурий хат» билан қизиқиш ҳатто Бобурнинг ўз замонидан бошланган, десак муболаға бўлмайди. Демак, узоқ йиллардан буён Ўзбекистон, Афғонистон, Россия, Англия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон ва Покистон каби ўлкаларнинг олимлари, айниқса бобуршунослар ушбу ёзув ҳақида изланишлар ва тадқиқотлар олиб борганлар. Бугунга келиб, айнан шу изланишлар туфайли, биз «Бобурий хат»га мансуб, икки айри манба орқали, икки ёзувга эгамиз.

Бири, ҳижрий 1055 (милодий 1651) йили Балхда аштархонийлар ҳукмдорлиги замонида Муҳаммад Тоҳир ибни Қосим «Ажойиб ут-табақот» асарида «Бобурий хат» белгиларини кўрсатган. Муаллиф асарининг тўққизинчи фаслида тўққиз хил хат қатори, тўққизинчисини «Бобурий хат ин аст» (Бобурий хат шудир) деб, ёзувнинг 29 та белгисини берган. Улар орасида туркий ва форсийга хос (п, ч, ж, г) ҳарфлар йўқ.

Иккинчи, Эрон ўлкаси, Машҳад шаҳридаги «Остони қудси разавий» кутубхонасида 50-рақам остида сақланаётган бир Мусҳаф (Қуръон) бор. Бу Мусҳаф нотаниш ва қийин бўлган бир ёзувда китобат қилинган. Эронлик таниқли олим Аҳмад Гулчини Маоний мазкур Мусҳафни кўриб, унинг ки-

тобат замони, кашмирий қоғози ва тазҳиби, хатининг чигал ва қийинлигини эътиборга олиб, Мусҳаф бевосита Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ихтиро килган «Бобурий хат» билан ёзилган, деб айтди. Айнан шу тарихдан бошлаб, мазкур Мусҳаф («Қуръон») фанда «Мусҳафи Бобурий» деб атала бошланди.

А. Гулчини Маоний Мусҳаф хатининг бир тадод белгиларини ва кейинчалик бошқа бир эронлик хатшунос олим Фозил Нишопурий ёзувнинг барча белгилари ҳамда ёзиш қоидасини кўрсатиб бердилар.

Шундай қилиб, бугунга келиб биз «Бобурий хат»га мансуб икки айри белгиларга эгамиз: «Ажойиб ут-табақот»даги белгилар ва «Мусҳафи Бобурий» матнидан истихрож қилинган белгилар. Ҳар иккала белгилар сони 29 тадир.

Бу ўринда қизиғи шуки, ҳар иккала манбанинг белгилари бир-бири билан солиштирилиб, муқояса қилиб кўрилганда, уларнинг бирорта белгиси хам бир-бирига ўхшамаслиги маълум бўлди! (Жадвалга қаранг.)

Айнан шу асосда, «Бобурий хат»га мансуб белгиларга нисбатан олимлар икки гуруҳга ажралади: Бир гуруҳ олимлар «Ажойиб ут-табақот»даги белгиларни «Бобурий хат»ники деб, «Мусҳафи Бобурий» ёзувининг белгиларини қабул қилмайдилар. Булардан айримлари (афғонистонлик олимлар А. Ҳабибий, Др. М. Й. Воҳидий ва Р. Мойил Ҳиравийлар) иккала ёзувдан хабарлари бўлса-да, С. Азимжонова каби «Мусҳафи Бобурий»дан хабари бўлмаган иккинчи гуруҳ олимлар эронлик А. Гулчини Маоний ва Ф. Нишопурий, туркиялик олим А.Алп Арслон, қолаверса, ўзбекистонлик айрим олимлар «Мусҳафи Бобурий»дан истихрож қилинган белгиларни «Бобурий хат»ники, деб эътироф этганлар.

Шуни эслаш ўринлики, булар, айниқса А.Гулчини Маоний ва А.Алп Арслонлар «Ажойиб ут-табақот»даги белгилардан хабари бўлмаган. Хусусан, туркиялик олим Али Алп Арслон Ўзбекистон олимлари тадқиқотлари, айниқса «Ажойиб ут-табақот»даги маълумотни интиқиб кутса ҳам, бирок илгариги шароитга кўра муваффақ бўлмай, дунёдан кўз юмган.

Таъкидлаш жоизки, «Бобурий хат»га мансуб бир-бирига ўхшаш бўлмаган икки айри белги қўлимизда бўла туриб, ҳозирча ушбу белгилар орқали тилимизнинг унлилари ва товуш хусусияти масалалари тўғрисида аниқ бир фикр айтиш қийин. Чунки:

– бу иккала белгилардан қай бири «Бобурий хат»ники эканлиги аниқланмаган;

جدول مقایسی حروف الفبای عربی با مفردات
«خط بابری» در «عجایب الطبقات» و «مصحف بابری»

عربی	عجایب الطبقات	مصحف بابری	عربی	عجایب الطبقات	مصحف بابری	عربی	عجایب الطبقات	مصحف بابری
ا	ا	ا	ز	ز	ز	ق	ق	ق
ب	ب	ب	س	س	س	ک	ک	ک
ت	ت	ت	ش	ش	ش	ل	ل	ل
ث	ث	ث	ص	ص	ص	م	م	م
ج	ج	ج	ض	ض	ض	ن	ن	ن
ح	ح	ح	ط	ط	ط	و	و	و
خ	خ	خ	ظ	ظ	ظ	ه	ه	ه
د	د	د	ع	ع	ع	لا	لا	لا
ذ	ذ	ذ	غ	غ	غ	ی	ی	ی
ر	ر	ر	ف	ف	ف			

«Ажойиб ут-табақот» ва «Мусҳафи Бобурий»даги «Бобурий хат» муфрадотининг араб ёзуви ҳарфлари билан муқояса жадвали.

– бу иккала белгиларнинг ўзи ноқис, чунки иккаласи 29 та ҳарфдан иборат бўлиб, уларда тўртта ҳарф (п, ч, ж, г) йўқ;

– иккала белги билан ёзилган бирор туркча (ўзбекча) матн қўлимизда мавжуд эмас. Шу боис, Бобур подшоҳ унлилар масаласини қай йўсинда ечгани бизга қоронғу.

Сўнгги гап шуки, илм аҳли олдида дунёдаги қайсидир кутубхона, музей ёки архивдан «Бобурий хат»га мансуб бирорта туркча (ўзбекча) матн топишдир. Ана ўшандагина «Бобурий хат»га тегишли икки асосий ва муҳим масала ўз ечимини топиши мумкин:

1. Қўлимиздаги икки айри белгилардан қай бири «Бобурий хат»ники? Ёки иккаласи ҳам «Бобурий хат»га тегишли эмасми?!

2. «Бобурий хат»да унлилар масаласида қандай белгилар ва қай йўрик тахланган?

Бобур халқаро фондига менинг таклифим, дунё кутубхона ва музейлари, айниқса Ҳиндистон ва Англиядан «Бобурий хат» билан ёзилган бирор матнни излаш, қидириш ва уни топиб, тадқиқотга тортиб, «Бобурий хат» жумбокларини тўла-тўкис ечишдир. (Иншооллоҳ.)

Каромат Муллахўжаева,
Тошкент Давлат педагогика университети,
ф.ф.н., доцент

БОБУР ҒАЗАЛЛАРИДА ИРФОНИЙ МАЗМУН

Шоҳ-шоир Бобур кўпинча ўз шеърларида *фақир, гадо, дарвеш* киёфаларида намоён бўлади. Бир ғазалида у ёрнинг саволига жавоб бериш усулини қўллаб, ўзини фақир, мақсадига етолмаган, маҳрум, бечора ва фақат дуодан бошқасига кучи етмайдиган кимса, деб тасвирлайди:

Эшиттим, илтифот айлаб демишсен: «Кимдурур Бобур?»
Фақире, номуроде, бесарупое, дуогўе.

Бу ўхшатишлар ошиқнинг ёр олдида ўзини хоксор тутишдек анъанавий ифодани эслатади. Бироқ шоирнинг бундай кайфияти, ўзини фақиру дарвешлардек тасвирлаши бошқа ғазалларида ҳам намоён бўлган ва бу ҳол шоир лирик каҳрамони, у орқали шоир шахси ҳақида муайян тасаввурни шакллантирган.

Бошда гар йўқтур жалолат гавҳаридин афсаре,
Ёнима басдур мазаллат туфроғидин бистаре.

«Агар бошимда улуғлик гавҳаридан тож бўлмаса ҳам, менга хорлик тупроғидан тўшак бўлса, бас», – деган мазмун англашилган байтда Бобур айнан шоҳлик ва дарвешлик масаласига, уларнинг моҳиятан тенглигига ишора қилади.

Айни дамда, шоир фикрича, бу дунё машаққатларидан халос бўлишнинг йўли – унга боғланмаслик. Ошиқона ғазалларга мансуб тимсоллар маъно кўламининг кенгайишидан фойдаланган шоир шундай ёзади:

Зулфига вобастамен, васлига йўқтур дастрас,
Эй хуш ул озодаким, беқайду форигболдур.

Зулф орифона мазмундаги адабиётда дунё ва унинг яхши-ёмон ташвишлари маъносини ифодалайди. Рамзий-мажозий талқинда бу дунёга, унинг ҳой-ҳавасларига боғланмаган одам эркин, озод ва хотиржам, деган мазмун англашилади. Чунки бу дунёнинг ишлари бошқа бир ғазалда таъкидлаганидек, «мунқалиб»дир:

Бобур, неча кун кўнгулни хуш тут,
Бу олам иши чун мунқалибтур.

Ирфоний қарашлар, айниқса, дунёнинг яралиши – инсон ва яратувчи ўртасидаги боғлиқликлар ҳақидаги бадиий тасаввурларни лирик кайфиятда изоҳлаган шоир, жумладан, «Баҳор айёмида...» деб бошланувчи ғазалида баҳор чоғини йигитлик билан қиёслаб тасвирлар экан, бу гўзалликнинг маншаъси – яратувчисига эътиборни тортади:

Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш ранга гуллардин,
Магарким сунънинг наққошига ранг имтиҳонидур.

Дунёнинг яралишини тажалли назариясига уйғун идрок этган шоир поэтик талқин орқали ирфоний қарашларига ишора қилади. Дунё, унинг яратилиши ҳақидаги қарашларида Бобурнинг ўз замонаси фалсафий-бадиий тафаккурига уйғунлик, ҳамоҳанглик мавжуд.

Ҳақиқий ёрга етишиш учун тўсиқлардан – нафсоний истаклардан қутулиш кераклигини таъкидлайди шоир. Жумладан, ёрга етишиш орзусида-

ги ошиқ моддийлик тўсиғидан халос бўлишни ҳам истайдики, бу – Бобур ғазалларида куйланган *ёр* тимсолининг конкретликдан абстрактлик томон, аниқроғи, дунёвийликдан илоҳийлик томон кўтарилиб борганини ҳам кўрсатади. Масалан:

Тан ҳижобин рафъ қил, гар ёр васлин истасанг,
Эй кўнгул билким, арода ҳойил ушбу пардадур.

Узлатнишинликка интилиш, кўпроқ дунё ҳой-ҳавасларидан воз кечиш, ўз-ўзини тафтиш қилиш имконини излаш кабилар Бобур ҳаётида бўлгани каби, табиийки, шеърларига ҳам кўчган:

Фароғат истар эсанг, бўл жарида, эй Бобур
Ки, жону танга ғаму ғусса хонумон келди.

Хуллас, шоирнинг ирфоний мазмун касб этган ғазал ва байтлари Бобур шахси, унинг тафаккури ва дунёқарашини тадқиқ этишда муҳим манбалардан биридир.

Эргаш Очилов,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, ф.ф.н.

БОБУР ҚЎЛЛАГАН АДАБИЙ ИСТИЛОҲЛАР ҲАҚИДА

Маълумки, Шарқда адабиётшуносликка оид дастлабки асарлар VII–IX асрларда араб тилида яратилган. Шунга мувофиқ, адабий терминлар ҳам арабча бўлган. X асрдан форс тилида ҳам бундай асарлар ёзила бошлаганига қарамай, терминлар деярли айнан сақланган. Бу мавзудаги туркий тилда XV асрда ёзилган бизга ҳозиргача маълум бўлган ягона манба Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий қаламига мансуб «Фунун ул-балоға» («Адабиётшунослик илмлари») бўлиб, у ўтган асрнинг охирларида илмий муомалага киритилди. Лекин илмий, тарихий, бадиий асарларда муаллифлар, асарлар, жанрлар, адабий ҳодисалар, бадиий санъатлар, маҳорат масалаларига оид кўплаб фикру мушоҳадаларга дуч келамиз.

Бобур нуктадон ва нозиктабъ адабиётшунос ҳам бўлган. «Мухтасар» рисоласида аруз тизимини теран ва нозик тадқиқ этган. Албатта, Шарқ ба-

диият илмида шаклланган қоида ва анъаналар доирасида ёзилган мазкур асар соф илмий услубда. Лекин «Бобурнома»да у ўзининг адабий фикр ва кузатишларини анча эркин баён этади. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Шайхим Сухайлий, Сайфий Бухорий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Атоуллоҳ Ҳусайний каби адиб ва олимлар, Султон Маҳмуд, Бойсунқур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Аҳмад Ҳожибек, Ҳасан Яъқуб, Абдулло Марворий каби ҳукмдор ва амалдорларнинг ижод маҳсули ва бадиий маҳорати хусусида фикру мулоҳаза юритиб, уларга баҳо берар экан, ***табъ, ранг, маъни, ҳол, мазмун, рангин, устухонбандлиг, чошни, чошнилиг, ҳамвор, ҳамворлиг, тавр, хуштабъ, сару сомонлиг, таворуд*** каби салафлари томонидан ҳам қўлланиб келган, лекин илмий термин сифатида қатъийлашмаган қатор адабий истилоҳларни ишлатади. Айтайлик, Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳ ва дарвеш» достони ҳақида: «Агарчи баъзи байтлари тавре воқеъ бўлубтур, вале бу маснавийнинг мазмун ва устухонбандлиғи бисёр ковок ва харобтур», деб ёзади. Мазмуннинг «бемаънилиги» маълум: Шоир мавжуд анъананинг акси ўлароқ ошиқни ҳам, маъшуқни ҳам бир жинсдан танлаган: дарвешни – ошиқ, шоҳни – маъшуқ қилиб тасвирлаган. Гарчи асар тасаввуфий мавзуда бўлиб, мажоз йўсинида назм силкига киритилган бўлса-да, Бобур шоҳ бўлганлиги учун унга айни шу жиҳати ёқмаган. *Устухонбандлиг* форсча сўз бўлиб, бирор нарсани таркиб топтириш, тартиб бериш, муайян шаклга солиш, тартибинтизомга бўйсундириш, яхши ва гўзал даражага келтириш маъноларини билдиради. Бинобарин, бадиий асарга нисбатан қўлланганда бу истилоҳ унинг қурилиши, яъни композицияси маъносида келади. Демак, достоннинг таркибий тузилиши ҳам Бобурни қониқтирмаган.

Ҳилолийнинг ғазалларини эса ҳамвор ва рангин дейди. *Ҳамвор* – тенг, текис; соф, пардоз берилган; тарбия кўрган маъноларини билдиради. *Рангин*–рангли, ранг-баранг, маҳорат билан назм силкига терилган ва бадиий санъатлар билан безалган. Бундан маълум бўладики, Ҳилолий ғазаллари маҳорат билан яратилган, бадиий санъатларга бой, таъсирчан ва завқбахш, нозик хаёл ва инжа фикрлар маҳсули.

Муҳаммад Солиҳ ҳақида «чошнилиқ ғазаллари бор, агарчи ҳамворлиғи чошнисича йўқтур», деб ёзади. *Чошни* – маза, таъм, лаззат, баҳра, ҳаловат; яхшилик, мақбуллик маъноларига эга. Кўринадики, шоирнинг бадиий жиҳатдан юксак бўлмаса ҳам дилга яқин, маъқул ғазаллари бор.

Бобурнинг адабий фикрлари тизимида тавр сўзи ҳам кўп қўлланади: *Тавр* – тартиб, йўл, равиш; усул, одат; ҳол, тарз, сурат маъноларини беради. Масалан, Саййид Ҳасан ўғлоқчи ҳақида ёзади: «Шеърни агарчи кам айтиб эди, вале тавре айтиб эди». Бундан шоирнинг шеърни ўзига хос тарзу услубда айтиши ва табъ аҳли олдида мақбуллиги англашилади.

Шайхим Суҳайлий ҳақида ҳам «Бир тавр шеър айтур эди. Қўрккудек алфоз ва маоний дарж қилур эди», дейди. Маълум бўладики, тавр деганда услуб кўзда тутилган. Жумладан, муболаға санъатини ҳадди аълосига етказиб, «даҳшатли, қўрқинчли» шеър битиш Суҳайлий ижодига хос хусусият бўлган. У Абдурахмон Жомий ҳузурида «Ғам тунида оҳим гирдбоди фалакни ўрнидан қўзғатти, кўз ёшим аждаҳоси ер юзини ютуб юборди» маъносидаги:

Шаби ғам гирдбоди оҳам аз жо бурд гардунро,
Фурў бурд аждаҳои сели ашкам рубъи маскунро, –

байтини ўқиганида, у: «Мирзо, сиз шеър айтасизми ё одам қўрқутасизми?» – деб лутф этган экан.

Маълум бўладики, Бобурнинг қисқа сатрларда шоирларга берган баҳолари адабиёт тарихи, у қўллаган адабий истилоҳлар адабиёт назарияси, уларнинг барчаси бир бутун ҳолда адабий тафаккур тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Иқболой Адизова,
Ўзбекистон Миллий университети,
ф.ф.н., доцент

БОБУР РУБОИЙЛАРИДА БАДИИЙ МАҲОРАТ

Бобур шеърияти чуқур тафаккур уммонидан терилган маъно дурларидир. Унга юзаки қарасак, оддий кундалик ташвишлардан туғилган кечинмалар изҳорига ўхшайди. Аммо, теранроқ назар солсак, ҳар бир асар заминида инсониятнинг умумбашарий қисматига дахлдор хулосалар ўз ифодасини топганини кўрамиз. Сокин оқаётган дарё тубидаги қудратли ғалаённи ҳис этамиз.

Маълумки, рубоий тўрт мисрадан иборат шеър. Аммо, Бобур маҳорати туфайли уларда инсоннинг бутун бошли тақдири, қисмати ифодалаб берилади. Ўзига хос тимсоллар ва характерлар тизими яратилади:

Эйким, қуёш ул юзунг, ҳилол ул қоштур,
Пўлоддур кўнглунгу бағринг тоштур.
Номамга агар яхши жавобинг йўқтур,
Сўкмак била ёд айласанг ҳам хуштур.

Ушбу рубоийда икки асосий – ошиқ ва маҳбуба тимсоли мавжуд. Аммо, уларнинг номи бирор жойда тилга олинмаган. Шунга қарамасдан, тимсолларнинг ташқи қиёфаси, феъл-атвори ва руҳий ҳолати манзаралари мукаммал тасвирланган. Биринчи мисрадаги «юзунг қуёш», «қошинг ҳилол» деган ўхшатишларданоқ, гап маҳбуба ҳақидалиги ва унинг гўзаллиги англашилади. Ташқи қиёфаси тасаввур этилади. Иккинчи мисрада эса унинг ички олами очиб берилади: «Кўнгли пўлат , бағри тош». Демак, у номеҳрибон, кўнгли қаттиқ. Учинчи ва тўртинчи мисраларда лирик тимсолларнинг руҳий ҳолати, муомала-муносабати ойдинлашади. Ошиқнинг ёзган мактубига бағритош маҳбуба жавоб қайтармайди. Ошиқ нома кутади. Яхши хабар бўлмаса ҳам майли, ҳеч бўлмаса урушиб бўлса-да ёдлашини, эслашини ундан илтижо қилади. Кўринадики, Бобур инсоннинг ички дунёсини, қалб оламини атиги тўрт мисрада ҳам мукаммал ёритиб бера олган. Албатта, шоир бунга сўздаги сиқиқлик, унга масъулият билан қараш орқали эришган.

Шуҳрат Ҳайитов,
Ўзбекистон Миллий университети,
тадқиқотчи

БОБУР АСАРЛАРИНИНГ ТУРКЧА ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг Туркияда сақланадиган қўлёзма нусхалари асосида турк олимлари томонидан бир қатор илмий-танқидий нашрлар тайёрланган бўлиб, «Бобурнома» (1943–1946), «Бобур девони» (1995), «Мубаййин» (2004), «Рисолаи волидия» (1995), (2001) нашрлари шулар жумласидандир. Бироқ бу кўламдаги ишлар бобуршунослик ил-

мида ҳали киёсий ўрганилмаган. Назаримизда, ушбу манбаларнинг мукаммал тадқиқ этилмагани бобуршунослик соҳаси олдига бир қатор вазифаларни қўяди. Бинобарин, ушбу жиҳат Бобур ижодининг очилмаган қирраларини ёритишда эътиборли саналади. Биз Бобур ижодининг турк олимлари томонидан тадқиқ этилиши юзасидан олиб борган изланишларимиз натижасида юқорида айтиб ўтилган масалалар юзасидан муайян хулоса яратишга ҳаракат қилдик.

1. «Бобурнома»нинг ўрганилиши хусусида: Турк олими Р.Р.Арат томонидан тайёрланган «Бобурнома» (1943–1946) таржимасининг диққатга сазовор бўлган жиҳатларидан бири киши исмлари, жуғрофий номлар кўрсаткичи А.С.Бевериж нашрига кўра яхшиланганлигида кўринади. Бирок асар таржима матнида бир қатор камчиликлар кўзга ташланади. Масалан, Бобур Мирзонинг фармонлари тўлалигича келтирилмаган. Матнда кўплаб узилишлар бор. Ушбу нашрни «Бобурнома»нинг (2002) С.Ҳасанов томонидан тайёрланган илмий-танқидий матни билан солиштирганимизда яна кўплаб хатоликлар кўринади. Таржиманинг кейинги (1970, 1985, 1986, 1987, 1989, 2000, 2006) нашрлари ўртасида фарклар бор. Эътиборлиси, дастлабки нашрда йўл қўйилган камчиликлар кейинги нашрларда тузатилиб борилган. Турк адабиётида, айниқса, кейинги йилларда асарни илмий тадқиқ этиш масаласига катта эътибор қаратилган. Кўплаб илмий мақолалар, йирик монографик асарлар, диссертациялар ёзилган. Жумладан, «Бобурнома»нинг фольклоршунослик, тилшунослик, табобат, зоология фанлари ривожида тутган ўрни чуқур таҳлил этилганлиги бобуршунослик учун кўп маълумот беради.

2. «Бобур девони»нинг тадқиқ этилиши. Бизнингча, шоир шеърлари тўпламининг мукаммал илмий нашрини яратишда туркча илмий нашр (1995) ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. «Бобур девони» нашрида (119 –326 б.) шоирнинг 119 ғазал, 18 маснавий, 210 рубоий, 57 муаммо, 19 қитъа, 15 туюқ, 79 матлаъ, 7 та маснуъ шеър, 16 та тугалланмаган ғазал, 3 назм, 16 мусарраъ байт, 5 муфрад, булардан ташқари яна форсча 2 та ғазал, 12 рубоий, 8 китъа, 17 матлаъ ва 1 та мансур парча ўрин олган. (Ушбу тавсиф турк олими Неъмат Жейлан тадқиқотида бироз бошқача кўрсатилган.) Ю.Билол томонидан тайёрланган «Бобур девони» матнида шеърлар сони кўплиги билан А.Абдуғафуров (1994), Ш.Ёркин (2004), Э.Очилов (2007), В.Раҳмонов (2008) нашрларидан фарқ қилгани ҳолда, ўзбекча нашрларда мавжуд айрим шеърлар унда ҳам учрамайди.

3. Турк адабиётида Бобурнинг фалсафий-тасаввуфий асарлари тадқиқига ҳам катта аҳамият қаратилган. Хусусан, «Мубаййин», «Рисолаи волидия» асари илмий нашрининг тайёрлангани шундан далолатдир.

Бобуршунослик соҳасида, дастлаб, «Рисолаи волидия» ҳақида фикр юритган олим Ф.Кўпрулу ҳисобланади. Олим бу ҳақда «Risâle-i Vâlidiyye Tercümesi» номли мақоласида сўз юритади. Бироқ, «Рисолаи волидия»ни илк бор туркчага таржима қилган олим Ю.Билолдир. У асарни оддий уч рукнли рамал (фоилотун – фоилотун – фоилун) да ёзилганлигини эътироф этади. Олим рисола ҳақидаги фикрларини Истанбул ва Рампур қўлёзма нусхаларига таянган ҳолда изоҳлайди. Ҳар икки нусхадаги фарқларни таржимада бирма-бир изоҳини келтиради. Унинг фикрича, ушбу нусхалардаги фарқлар кўпроқ товушлар тизими билан боғлиқ. Масалан, R/4б-туткай, Ü/6а-тутгай, ёки бир сўзнинг турли хилда ёзилиши: Ü/10а-тутмаклик, Ü/10а-тутмаглик каби. Олим рисолани ўрганиш жараёнида Бобур девонининг Истанбул қўлёзма нусхасининг 7/б, яъни «Рисолаи волидия» таржимасида келган *«Хатти сунбул қадди сарв у юзи гул»* дея бошланувчи фарди қўлёзманинг 92/б саҳифасида ҳам, яъни «Девон»ида ҳам такрор келганлигини, шунингдек, «Рисолаи волидия» R (Рампур) қўлёзмасининг 2б, 6а саҳифасида келган шеърларнинг вазни бузилганлигини кўрсатади.

Турк адабиётида «Рисолаи волидия» асарининг иккинчи таржимаси А.Ф.Билкан томонидан амалга оширилади. Олим 2001 йилда асарни Ю.Билол нашридан фарқли равишда туркчага таржима қилади. Биз «Рисолаи волидия»нинг А.Ф.Билкан томонидан амалга оширилган таржимасини кўриш имконига эга бўлмаганимиз боис, нашр ҳақида бирор фикр айта олмаймиз.

Бобуршунослик тарихида бугунга қадар «Мубаййин» асарини тадқиқот объекти сифатида ўрганган ва асарнинг илмий матнини яратган олимлар С.Ҳасанов, Ҳ.Ҳасанов ва турк олимаси Т.Сейҳандир. «Мубаййин»нинг (2004) туркча нашрига Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейидаги 103-инвентарь рақамли нусха асосий, Берлин нусхаси иккинчи манба бўлиб хизмат қилади.

Т. Сейҳан таржимасининг афзаллик жиҳати ҳар иккала нусхадаги камчиликлар бир-биридан олиб тўлдирилиб нашр этилганлигида кўринади. Таржима матнидан ўрин олган ўнлаб байтлар Алишер Навоий музейида 103-рақами остида сақланаётган қўлёзма нусхасида ва унинг асосида тайёрланган 2000 йилдаги нашрда учрамайди. Бу унинг мукаммаллигидан далолат

берса, айрим сўзларнинг имловий хатоларда қайд этилгани унинг камчилигини кўрсатади. Буни профессор С.Ҳасанов масъул муҳаррирлигида нашр этилган «Мубаййин»нинг 2011 йилги (тўлдирилган) танқидий матни билан солиштириш жараёнида яққол кўриш мумкин.

Бизнингча, Бобур Мирзо ижоди юзасидан қилинган бу каби ишларни бир тизимга солиб таҳлил ва тавсиф этиш келгусида Бобур асарларининг мукаммал илмий-танқидий матнини яратишдек хайрли ишда қўл келади.

Босим Тўйчибоев,
Гулистон Давлат университети, ф.ф.н., доцент

«БОБУРНОМА»ДА – ТИЛШУНОСЛИК

Заҳириддин Муҳаммад Бобур етук тилшунос олим бўлган. Бу унинг товушлар таҳлили, грамматик воситалар, лаҳжа ва адабий тил муносабати, услубият, сўз маънолари тўғрисидаги фикрларида ўз ифодасини топган. Жумладан, ўша пайтда Кобулда истеъмолда бўлган тиллар ҳақида олим шундай ёзади: «Ўн бир-ўн икки лафз била Кобул вилоятида талаффуз қилурлар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашойи, пароний, габрий, баракий, ламғоний. Мунча мухталиф ақвом ва муғойир алфоз маълум эмаским, ҳеч бир вилоятта бўлғай».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да уч оилага кирувчи бир неча тилни солиштириб-чоғиштириб ўрганишнинг ажойиб намунасини кўрсатиб, дунё тилшунослигида янги назариянинг асосчиси сифатида майдонга келди. Чунончи, Ҳинд-Европа тиллари оиласига мансуб бўлган икки гуруҳ – ҳиндустони тиллари гуруҳига кирувчи ҳинди, эрон тиллари гуруҳига кирувчи форс ва афғон; Хом-Сом тиллари оиласига мансуб сом гуруҳига кирувчи араб тилларини Олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига мансуб бўлган ўзбек тили билан солиштиради-чоғиштиради.

Бобур бошқа тилдаги сўз ёки атамани тўғридан-тўғри ишлатиб кетавермайди. Олимдаги мантиқ кучи ва ёзувчи услубидаги беназирлик сабаб, ўзи фойдаланмоқчи бўлган сўз, атама, иборага ёки шу сўз билан боғлиқ воқеага, албатта изоҳ беради: «Ушбу тариқ била қор тепиб, йўл қилиб, Инжукон ердин уч-тўрт кунда кўтали Зарриннинг тубига ҳаволи Қутий деган ҳаволға

келдук. Ушбу кун ғариб чопқун била қор ёғар эди. Андокким, барчаға ўлум ваҳми бўлди. **Ул эл тоғдағи ғор** ва **кавакларни ҳавол дерлар**; бу ҳаволға етгач, чопқун беҳад тез бўлди» («Бобурнома», 257-бет, таъкид бизники Б.Т.).

Бобур тиллардаги товуш хусусияти, уларда юз берадиган энг кичик жараёнгача жиддий этибор берган. Шунинг учун **«норгил»** дарахти ҳақида гапирар экан, араб тилида унинг **«норжил»** тарзида талаффуз қилинишини ёзади. Дарҳақиқат, араб тилида адабий «Г» товуши йўқ. Шунга кўра араб тилида бу товуш «Ж»га ўтади: «Яна **норгилдур**, араб муарраб қилиб **«норжил»** дер, Ҳиндустон эли **нолир** дейдур... Норгилнинг бириси жавзи ҳиндийдурким, қора қошуқларни андин қилурлар. Улуғроғини ғижжакнинг косаси қилурлар. **Дарахти** биайниҳи **хурмо дарахтидур,** ғояташ, норгилнинг шохи пурбарктур» («Бобурнома», 355-бет). Олим «Ҳаст» сўзининг шаклланиш жараёнини шундай шарҳлайди: «Суҳон суйининг навоҳисидағи эл ва улуснинг ҳокимининг оти малик **Хаст** эди, асли оти **Асаддур,** Ҳиндистонийлар мундоқ ҳаракатларни гоҳи сокин ўқурлар, нечукким, **«хабар»**ни **«хабр»** дерлар, **«асад»**ни **«асд»** дептурлар, бора-бора **«ҳаст»** бўлубтур» («Бобурнома», 289-бет).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек ва ҳинд тилида йирик сонларнинг санаш усулидаги мавжуд фарқларни, уларнинг номланишини қиёслаб тушунтиради: «Яна ҳинд эли ададни ҳам хўб тайин қилибтурлар: **юз мингни лак дерлар, юз лакни курур дерлар. Юз курурни арб дерлар. Юз арбни карб, юз карбни нил, юз нилни падам, юз падамни сонг**. Бу ададларнинг тайини Ҳиндустон молининг кўплугининг далилидур». («Бобурнома», 359–360-бетлар).

Умуман олганда, «Бобурнома»ни синчиклаб кузатиш асосида Заҳириддин Муҳаммад Бобур тилшуносликда янги назарияни – уч оилага кирувчи бир нечта тилларни солиштириб ўрганиш назариясини яратганига гувоҳ бўламиз.

Нодира Афоқова,
Бухоро Давлат университети, ф.ф.д., профессор

НАВОИЙ, БОБУР ВА ФИТРАТ РУБОИЙ ВАЗНИ ҲАҚИДА

Алишер Навоий «Мезон ул-авзон»да биринчилардан бўлиб ўзбек мумтоз шеърияти тажрибаларини умумлаштириш замирида туркий аруз назариясини ишлаб чиқди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг шеърий тажри-

баларини умумлаштириш, улуғ Алишер Навоийнинг илми аруз борасидаги ишини давом эттириш, ривожлантириш заруратини сезди ва «Мухтасар» асарини яратди. Ҳар иккала асарда ҳам рубоий вазнлари масаласига алоҳида тўхталинган.

Бобурнинг «Мезон ул-авзон» ва ундаги рубоий вазнлари ҳақидаги мулоҳазалари умумийроқ тарзда «Бобурнома»да баён қилинган: «Яна «Мезон ул-авзон» номлик аруз битибдур, бисёр мадхулдур. Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат қилибтур». Бобур аруз ҳақидаги «Мухтасар»дек мукаммал китобида ўзининг юқоридаги танқидий фикрига ҳеч қандай изоҳ бермайди. Бу ҳолатни захматкаш бобуршунос олим С.Ҳасанов шундай изоҳлайдилар: «Аруз рисоласи»да бу ҳақда ҳеч нима дейилмаган. Фикримизча, Бобур «Мезон ул-авзон»нинг хаттот томонидан янглиш кўчирилган нусхасидан фойдаланган бўлиши керак, кейинчалик эса рубоий вазнларида нуқсонлар йўқлигини аниқлагач, бу ҳақда гапирмайди».

Бобурнинг ёзишича, «ражаз, рамал, мунсариҳ, музориъ, муқтазаб, мужтасс баҳрларида ҳам рубоий вазни ҳосил бўлур». Бобурнинг бу қараши шунчаки қурук назария бўлмай, шоирнинг ўз поэтик тажрибалари билан исбот этилган. «Мухтасар»нинг кейинги саҳифаларида юқорида эслатилган вазнларга ёзилган рубоийларни ҳам келтирган. Бу, бир томондан, Алишер Навоийнинг рубоий вазнлари ҳақидаги қарашлари Бобур тарафидан ривожлантирилганлигини кўрсатса, иккинчидан, Бобур ҳам устоз йўлидан бориб, назарий фикрларини ижод билан исботлаб, мустаҳкамлаб борган демакдир.

Ислом Жеменей,
Сулаймон Демирел университети (Қозоғистон),
профессор

ТУРК ОЛАМИДАГИ БУЮК ШАХС

Туркий халқлар адабиёти Юсуф Болосоғуний, Хожа Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Кошғарий ва кейинчалик Алишер Навоий ва Муҳаммад Бобур сингари буюк вакилларининг адабий мероси билан бехад бойитилди. Уларнинг асарлари дунёнинг турли тилларига таржима қилинган.

Захириддин Муҳаммад Бобур ким эди? Унинг туркий адабиётга қандай алокаси бор? Бу масалалар ҳар бир ёш тадқиқотчининг диққатини ўзига

жалб қиладиган масалалардандир. Бунинг устига биз «Бобурнома»ни қай даражада ўрганганмиз? Бизнинг маърузамизда ана шу долзарб масалаларни қамраб олган Бобурнинг сиёсий ва ижтимоий фаолиятига холисона жавоб топишга уриниб кўрамиз.

Илҳом Ғаниев,
Бухоро Давлат университети, ф.ф.д.,
профессор

ШОҲ – ШОИР

1. XV асрда бир вақтда икки буюк туркий мутафаккир шоир ва жамоат арбоби майдонга чиқди. Бири миллий тилнинг беҳад кўп имкониятларини очиб, ўзигача ривожланишлар босқичида бўлган давр адабиётини қатъий канонлар ҳолига келтирган бўлса, яна бири туркий насрнинг то шу пайтгача мисли кўрилмаган намунасини яратди. Бу мутафаккирларнинг бири Алишер Навоий, иккинчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бу икки буюк мутафаккир ижодида умумийликдан ташқари, ҳаёт йўлларида ҳам айрим ўхшашликлар, сезилмас боғлиқликлар бор.

2. Бобур ижодида Ватан ғурбати мотиви етакчи ўрин тутади. Алишер Навоий эса, агар Астробод ҳокимлиги даврида Ҳиротдан йироқлашганини ҳисобга олмасак, бутун ҳаётини ўз ватани бўлмиш Хуросон ҳудудида яшаб ўтказган. Аммо шоирнинг энг машҳур рубоийларидан бири («Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш») Бобур оҳангларининг лирик ифодасидай.

3. Бобур қўрқмас, ўз аскарлари сафида туриб ёв билан баб-баравар олишган диловар шахс, шижоатли саркарда бўлгани «Бобурнома» саҳифаларида ҳам, замондошлари хотира ва ёзувларида ҳам сақланиб қолган. Алишер Навоий «мижози нозик бирла машҳур» бўлса-да, унинг жасоратли киши бўлганлигини тасдиқловчи бир воқеа «Бадое ул-вақоеъ»да битиб қолдирилган.

4. Бобур Алишер Навоий шахси ва ижодига жуда катта эҳтиром билан қараган. 1506 йили Султон Ҳусайн ўғилларининг таклифи билан Шайбонийхонга қарши урушда бирлашиш учун Ҳиротга келган Бобур Мирзо Алишер Навоий уйида туради. Бобур Ҳиротда турган пайтида шаҳардаги Наво-

ий қурдирган биноларни бориб кўради. Айтиш мумкинки, «Бобурнома»да бўлиб ўтган вокеаларга алоқадор бўлмаса-да, такрор-такрор эсга олинган шахслардан бири Алишер Навоийдир.

5. Бобур «Мухтасар»ни яратишда «Мезон ул-авзон»дан илҳомланган. Китобда Алишер Навоийга оид фикрларининг мавжудлиги Бобурнинг «Мезон ул-авзон»ни синчковлик билан ўқиб чиққанлигидан далолат беради. Алишер Навоий ўз тадкикотларида форс-араб шеършунослиги анъаналаридан келиб чикиб, арузнинг 19 та баҳрини кўрсатиб ўтган бўлса, Бобур туркий шеърият тажрибаларини умумлаштириб, «ғайри машҳур» бўлган ариз ва амийқ ҳисобига баҳрларнинг сонини 21 тага етказади.

6. Алишер Навоий ислом рукнлари билан танишув характеридаги «Сирож ул-муслимин»ни яратган бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур худди шундай руҳдаги «Мубаййин» асарини ёзган.

7. Бобурнинг «Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир», «Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деб бошланувчи рубоийлари синтактик колипига кўра Навоийнинг «Жондин сени кўп севарман, эй умри азиз» рубоийсига мувофиқ келади. Навоийнинг «Ҳажр аро орому қарорим йўқтур», «Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур», Бобурнинг «Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур» рубоийларида радиф бир хил, қофия ўхшаш, «Андин бериким», «Кўпдин бериким» тарзидаги бошланма ҳам ана шу таъсирдан дарак беради. Бу таъсир бошқа шаклларда ҳам кўринади.

8. Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида ўзигача яратилган ғазаллар структурасидаги парокандаликни танқид қилади. Ўзи эса ғазалнависликда «маънан, фикран ва суратан» (М.Шайхзода) яхлитликка эришга олди. Бу усул Заҳириддин Бобур услубида ҳам сақланиб қолди.

9. Бобур адабиётни ўз кучини синаш ёхуд шуҳрат майдони эмас, кўнгил ифодаси, ўзи билан сирлашиш қабилида тушунгани «Бобурнома» саҳифаларидан аён. Сўз санъатини мана шу тарзда тушунишда ҳам Алишер Навоий фаолияти ва ижоди Бобур учун буюк ибрат бўлиб хизмат қилган.

Тўлкин Сайдалиев,
Ўзбекистон ИИВ Академияси, ф.ф.н.,
доцент

БОБУР ЛИРИКАСИНИНГ РУСЧА ТАРЖИМАЛАРИ

1. Бобур лирик меросининг рус тилидаги таржималарини даврлаштириш шартли равишда учга бўлинади: *Биринчи давр* – Иккинчи жаҳон уруши даври. Унда Бобур шеърлари таржималари даврининг ижтимоий-сиёсий талаблари асосида майдонга келган ва ўша замоннинг бадиий маҳсули бўлиб хизмат қилган. *Иккинчи давр* – 50-йиллар даври. Бу даврда Бобур лирикасининг катта қисми рус тилига ўгирилиб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилди. Ва ниҳоят, *учинчи давр* – ўтган асрнинг 80-йилларида Бобурнинг лирик мероси тўлалигича янги таржималар билан тўлдирилган ҳолда рус ўқувчиларига тақдим этила бошланди.

2. Таржималарнинг асосий қисми (С.Н.Ивановдан ташқари) таглама (подстрочник)лар асосида амалга оширилган бўлишига қарамай, аслият мазмуни ва шоир бадиий маҳорати талаб даражасида қайта яратилган дейишга асос бор. Таржимонлар аслиятни рус ўқувчисига тақдим этишда давр руҳияти, шоирнинг фалсафий-эстетик қарашлари, бадиий маҳорати каби нуқталарга алоҳида эътибор қаратишлари таржималарнинг сифати ва муваффақиятини белгиловчи асосий омиллардан бўлиб хизмат қилган.

3. Таржималарда йўл қўйилган айрим нуқсонлар аксарият ҳолларда тагламалардаги ноаниқликлар ҳамда нашрларда йўл қўйилган камчиликлар заминида юзага келган, деган хулоса ясашга асос бўла олади. Бинобарин, Бобур асарлари матнларининг энг ишончли ва муаллиф қаламига яқин бўлган матнлари устида тинимсиз ишлаш, шеърларнинг изоҳли тагламаларини илмий талаблар савиясида амалга ошириш ва шундан сўнггина уларни моҳир бадиий сўз усталарига таржима учун тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

4. Шеърларни эркин таржима қилишда ҳал қилувчи асос – асар даври руҳи ҳамда унинг тарихийлик талабларига жавоб бера олиши ва, айни пайтда, аслиятнинг ғоявий мазмунини бирмунча аниқ етказиб берувчи муқобил таржима имкониятлари мавжудлиги деб хулоса чиқаришга асос бўла олади.

5. Аслият ва таржималарни қиёсий ўрганиш натижасида таржималарнинг савиясига салбий таъсир кўрсатадиган энг муҳим жиҳатлар қуйидагиларда кўзга ташланади:

а) аслият матнини яхши билмаслик натижасида йўл қўйилган камчиликлар. Барча таржимонлар ҳам аслият тилини билавермайди. Шу боис, у қисман бўлса-да шу тил сўз бойлигига ва жуда аниқ тагламага эга бўлиши лозим. Акс ҳолда *«кимки ондин яхши йўқ»* сўз бирикмаси ўрнига *«кто сам не добр»* (М.Салье, С.Азимжонова) ёки *«қон ютмоқ» (азобланмоқ)* ўрнига *«кровь пить» (эзмоқ, жабр қилмоқ)* (Р.Д.Моран) деб талқин қилингач нотўғри таржима ҳосил бўлади. Бундай ноаниқликлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳар қандай адабий манба қадрига путур етказади, муайян халқ адабиёти қимматини туширади;

б) аслиятдаги мазмундан четлашиш, сўз ва иборалар таржималарида эркинликка йўл қўйилганлиги оқибатида рўй берган нуқсонлар. Таржимон ҳамиша асл нусхани англаши, уни сўзма-сўз тушуниб етиши, таржиманинг талқин нуқтаи назарини аниқлаб олиши ва шеърнинг туб моҳиятини талқин қилиши ушбу нуқсонларни бартараф этиш имкониятини яратади;

в) мазмуний ва мантиқий ноаниқликлар ва аслият нашрларидаги гализликлар оқибатида йўл қўйилган камчиликлар. Буларни бартараф этиш учун сўнгги йилларда амалга оширилган янги нашрлар ва шеър композицияси, вазни, байтлар сони, аслиятдаги қофия, шунингдек, шеърий унсурлар ва фразеологик бирикмалар, ҳикматли сўзлар қўлланилганлиги қайд этилган илмий шарҳлар ва изоҳлар билан амалга оширилган янги тагламаларга асосланиб иш кўриш бадиий таржиманинг муносиб таржима қилинишига ўзининг самарали таъсирини кўрсатади.

6. Мутаржим мумтоз адабиётимизда кўплаб учрайдиган шеърий санъатларнинг барча нозикликларини мукаммал билмаса-да, уларнинг қўлланиш ўрни ва усулларидан бохабар бўлса, ҳар қандай асар мазмунини таржимада китобхонга бутун жозибаси ва гўзаллиги билан етказа олади. Акс ҳолда эса, асар мазмунига ҳам, унинг мукаммаллигига ҳам путур етади. Бу шеърий санъатларни таржимада қўллашнинг имкониятлари чекланганлигидан келиб чиқади.

7. Жой номлари ва ўтмишдаги воқеалар билан боғлиқ асарларни таржима килиш йиллар ўтган сайин мураккаблашиб боради. Бу ҳолни Бобур шеъриятида қўлланилган талмеҳ санъати ва топонимик атамаларга нисбатан таржимонлар муносабатида ҳам кўриш мумкин.

Бобур шеърларининг рус тилига қилинган таржималаридаги айрим чекинишлар рус тили қонуниятлари асосида поэтик яхлитликни, унинг асл мазмунинигина эмас, балки услубини, образлар силсиласини ва эмоционал

руҳини ишончли тарзда қайта тиклашга имкон берган. Умуман олганда, таржимонларнинг бадиий-ижодий ёндашуви туфайли, Бобур шеърлари рус китобхонларига шоирнинг бутун руҳини сингдирган ҳолда ўзига хос бадиий асар сифатида тақдим этилган.

Баҳриддин Умурзоқов,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти,
илмий ходим

«БОБУРНОМА»ДА ХОЖА АҲРОР АВЛОДЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) ўзининг «Бобурнома» асари билан жаҳон тарихи хазинасига муносиб ҳисса қўшган, уни бойитаолган «дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам» (Неру Джавахарлал./ «Открытие Индии») улуғ ватандошимиздир.

«Бобурнома» кўп асрлардан бери Шарқ ва Ғарб тарихчилари ҳамда турли фан соҳалари вакилларининг, мутахассис олимларнинг диққат-эътиборини тортиб келмоқда. Туркий тилда битилган мазкур ёзма манба Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи, жуғрофияси, этнографияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, халқлари, одамларининг касб-корлари, ҳаёт тарзлари ва бошқа хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотларни ўзида мужассам этгани билан бебаҳо, бетакрор қомусий асар ҳисобланади.

Ўз даврида «Пири офоқ» (Навоий), «Хожалар хожаси, Худованд сирридан огоҳ зот, васфи ва таърифига тил ожиз бўлган зот» (Бобур) Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор шахсияти Бобур ҳаёти ва эътиқодининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган ва унинг тасаввурида бу улуғ киши доимо муқаддас, нажоткор шахс сифатида гавдаланган. Шу боисдан ҳам «Бобурнома» асарининг ўн беш жойида у бу муҳтарам зотни «*Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ*», «*Ҳазрат Хожа*» дея чуқур эҳтиром билан тилга олган.

Ҳазрат Хожа Аҳрорнинг «Волидия» асарини назмда таржима қилгани ҳам бу муҳтарам зотга Бобурнинг нақадар ҳурмат-эҳтиром ила ихлосманд бўлганига очиқ далолат қилади.

Бобур ўз отаси Умаршайх Мирзо ва Хожа Аҳрор муносабатлари ҳақида бундай ёзган: «Чун **Умаршайх Мирзо** баланд ҳиммatлик ва улуғ доиялик

подшоҳ эрди... **Ахлоқ ва атвори**: ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлиқ киши эди, беш вақт намозини тарк қилмас эди, умрий қазоларини тамом қилиб эди, аксар тиловат қилур эрди. **Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ**ға иродати бор эди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлуб эди, **Ҳазрат Хожа** ҳам фарзанд деб эдилар». (Бобур. «Бобурнома». Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002 й. 36–37-саҳифалар.)

Бобур Хожа Аҳрорнинг «**Хожаи Калон**» номи билан машҳур бўлган катта ўғли **Хожа Муҳаммад Абдуллоҳни** «Ҳазрат Хожаго Хожа», «Хожа-и Калон» номлари билан зикр этган: «**Ҳазрат Хожаго Хожа** Самарқадтин чиқиб келиб, Фаркатта ўлтируб эдилар. Фаркатқа бориб, **Хожа**ни кўрдим...» («Бобурнома», 87-саҳифа.)

Шу ўринда бир хусусга аниқлик киритмоқчимиз. Баъзи тарихчилар ва манбашунослар авом халқ орасида кенг тарқалган «Кох Ота Хожа Аҳрорнинг катта ўғли Хожаи Калондир» деган сўзларга таяниб, Тошкентнинг Себзор даҳасидаги Кох Ота мақбарасини Хожа Муҳаммад Абдуллоҳга нисбат беришади. Бу хатодир. Чунки, «Рашаҳот»да бу ҳақда аниқ маълумот баён қилинган: «Ул зот (яъни, Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ) Шоҳбахтхон (Шайбонийхон)нинг зуҳур этиб, ўзбекни Самарқандға истило топғон замонларида қочиб, Андижон тарафиға бордилар ва ул ерда дору-л-қарорға рихлат этдилар. Қабри муборакларі ул жойда турур». (Фахруддин Алий Сафий. «Рашаҳоти айн ал-ҳаёт». Т., 2004. «Абу Али Ибн Сино» нашриёти, 417-саҳифа.)

«Рашаҳот»нинг Лакҳнав нашрлари ҳошиясида эса қуйидаги илова бор: «Вафотидан сўнг Хожа-и Калоннинг жасадини Тошкандга олиб келдилар ва ул зот Ҳазрат Абу Бакр Қаффол Шошийнинг қабрлари ёнига, ўз волидаларининг пойларига дафн этилди». Бошқа тошбосма нашр ҳошиясида эса: «Ул зот (яъни, Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ) Ҳазрат Абу Бакр Қаффол Шоший қабри ёнида, Мавлоно Низомиддин Хомуш қабри пойига қўйилган», деб ёзилган.

Мазкур маълумотлардан маълум бўлмоқдаки, «Кох Ота» Ҳазрат Хожа Аҳрорнинг фарзанди Хожа-и Калон – Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ бўлмай, балки Яссавиййа тариқатига мансуб бошқа солиҳ зотдир.

Бобур Хожа Аҳрорнинг иккинчи ўғли **Хожа Муҳаммад Яҳъё** номини «Бобурнома»нинг етти жойида самимий эҳтиром ила зикр қилиб ўтган. У, айниқса, Шайбонийхоннинг Хожа Муҳаммад Яҳъё ва ул зотнинг икки норасида ўғилларининг қатл қилинишидаги пинҳона иштирокини: «Унинг узр сўрамоғи қилган гунохидан кўра ёмонроқдир», дея бобурона услуб билан

қоралайди: «Хожа Яҳъёдин чун Шайбонийхон мутаваҳҳим эди, икки ўғли Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Бокий била Хуросон сари рухсат берди. Кейнидан бир неча ўзбак бориб, Ҳазрат Хожани икки йигит ўғли била Хожа Кордзан навоҳисида шаҳид килдилар. Шайбонийхоннинг сўзи бу экандурким: «Хожанинг иши мендин эмас эди, Қамбарбий ва Кўпакбий қилдилар». Бу андин ёмонроқ. Масал борким: «Узраш бадтар аз гуноҳ». Мундоқ ишларни беклар ўз боши била хонидин ва подшоҳидин бевуқуф кила бошласа, бас, хонлиғиға ва подшоҳлиғиға не эътибор?» («Бобурнома», 78-саҳифа.)

Айни чоғда Бобур ушбу сўзлари билан Шайбонийхоннинг шахсида яширин бўлган мунофиқлик ва ёлғончилик хислатига ишора қилган.

«Бобурнома»нинг ўн уч жойида «**Хожа Мавлонойи Қози**», «**Хожа Қози**» дея Бобур алоҳида меҳр, зўр ҳурмат-эҳтиром билан тилга олган зотлардан яна бири Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг куёви **Мавлоно Муҳаммад Қозидир**. Бобур бу муҳтарам зотнинг шахсиятини юксак эътироф этган ва «Хожа Мавлонойи Қозининг валилиғиға менинг ҳеч шакким йўқтур», деб ёзган.

«Рашаҳот» асарида Алий Сафий мазкур зотни «Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Қози раҳимаҳуллоҳу таъоло Ҳазрат Эшон (Ҳазрат Хожа Аҳрор) нинг асҳоблари ва мақбулларининг ажиллаларидин турур», деб таърифлаган. Алий Сафий ўз асарида бу зотнинг Ҳазрат Эшонга мурид тушгач, икки йилдан зиёд хусусий таълим-тарбия олгани ва сайру сулукка доир ҳаётига тегишли маълумотларни баён қилиш билан кифояланган.

«Бобурнома»да эса биз **Мавлоно Муҳаммад Қозининг** ҳаётининг охирги йилларида **Бобур Мирзонинг пири ва устоди** бўлганлиги, валийлиги кундай ошкор бўлган бир зоти муҳтарам сифатида халқнинг каттаю кичиги, авому олими томонидан эътироф этилгани, аммо бадбахт, қотил кимсалар томонидан ул зот жонига қасд этилгани ва ул зотни Аркка осиб шаҳид айлашганига доир муҳим маълумотларни билиб оламиз. Бу вақтда Бобур Андижонда бўлмаганлигини, у Самарқандни олти ойдан кўпроқ муддат муҳосара (қамал) айлаб, натижада бу шаҳарни қўлга киритгани ва у ерда юз кун (яъни, салкам уч ойга яқин бир муддат) қолган бир даврда содир бўлганлиги «Бобурнома»да қайд қилинган.

Бобур «Мавлоно Қозининг икки хислати ул зотнинг валийлигига очик далолат қилади», деб ёзган.

Биринчиси, Мавлоно Қози ҳеч кимдан қўркмас эдиким, «Бобурнома» муаллифининг назарида бу хислат валий зотнинг энг муҳим аломати хисобланади: «Хожа Мавлонойи Қозининг оти Абдуллоҳдур. Бу от била

машҳур бўлуб эди. Ота тарафидан насаби Шайх Бурҳониддин Қиличқа мунтаҳий бўлур. Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва Кози бўла келгандурлар. Ҳазрат Кози Хожа Убайдуллоҳнинг муриди эди. Алардин тарбият топиб эди. Хожа Козининг валийлиғиға менинг ҳеч шакким йўқтур...Хожа Кози ажаб киши эди. Қўркмоқ анда асло йўқ эди. Онча далер (жасур) киши кўрилган эмасдур. Бу сифат ҳам валоят далилидур» («Бобурнома», 64-саҳифа).

Иккинчиси, Мавлоно Козининг жонига қасд қилганларнинг биронталаридан ҳам тез орада ном-нишон қолмагани (яъни, қотилларнинг барчаси ўз якинлари билан бирга тез фурсатда хору зор бўлиб ўлиб кетганлари) ҳам Мавлоно Козининг валийлигига далолат ва аломатдир: «Хожа Козининг валийлиғиға менинг ҳеч шакким йўқтур. Қайси иш валоятқа мундин яхширок далилдурким, аларға қасд қилғонлардин оз фурсатда осор ва аломат қолмади». («Бобурнома», 64-саҳифа.)

Хулоса қилиб айтганда, «Бобурнома» асари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, ул зотнинг авлодлари ва асҳоблари ҳақида кимматли маълумотлар берувчи бетакрор асардир.

Ёркинжон Одилов,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти,
катта илмий ходим–изланувчи

БОБУР ЛИРИКАСИДА ОКСИМОРОН

Алишер Навоий ижодини теран англаган ва «...ҳеч ким онча кўп ва хўб (шеър) айткон эмас», дея юксак баҳо берган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий асарлари катта шуҳрат қозонган бир шароитда ижодга қўл уриши канчалар масъулиятли эканлигини тўла ҳис этган[1]. Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда, салафлари панжасига панжа урмоқ, васеъ майдон аталмиш ижодда мисли бобур «жанг қилмоқ», ҳеч бўлмаганда, палангдек тура билмоқ нечоғлик залворли эканлигини ҳам яхши тушуниб етган эди. Бобурнинг ўз она тили олдидаги муҳим хизматларидан бири шуки, ўзининг

[1] *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Девон. – Тошкент: «Фан», 1994. 3-бет.

эътирофича, «тили Андижон шеваси била рост бўлган» Навоийдек аллома тилини халқ тилига янада якинлаштириб, ўзига хос туркона руҳ ва оҳанглар билан жилолантирди. Шу маънода, шоир ижодининг лисоний хусусиятларини тадқиқ этиш унинг бадиий хусусиятларини ўрганишдек аҳамиятлидир. Мазкур мақолада шоир лирикасидаги баъзи сўзларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз боради. Тил илмида бир сўзнинг бир пайтнинг ўзида икки қарама-карши маънони билдириши *энантиосемия* номи билан юритилади[1]. Сўзнинг айни жиҳати ўзбек тилининг турли даврлари, шу жумладан, XV – XVI асрлар тили учун ҳам хос. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида араб тилидан ўзлашган *бедил* сўзининг «севиб қолган, ошиқ», «кўнгилсиз бўлган» маънолари қайд этилган. Бобурнинг «Эй юзи насрин...» деб бошланувчи ғазали мақтаси: *Бобури бедил, эй бути қотил, Жаврунгга мойил, зулмунгга муътод* (Бобур, «Девон»)да мазкур сўз «севиб қолган, ошиқ» маъносида намоён бўлади. Бир қарашда бу сўзни «кўнгилсиз бўлган» маъносида ҳам тушуниш мумкиндай кўринади, бироқ бундай тушуниш талқинда мантиқий номувофиқликни келтириб чиқаради. Мазкур сўз ҳозирги ўзбек тилида эса кўп ҳолларда «кўнгилсиз бўлган» маъносида қўлланилади. Кўринадики, эски ўзбек тили ва ҳозирги ўзбек тилида сўз семантикаси қарама-қарши томонга тараққий этган. Бобур лирик меросини кузатиш натижасида шу маълум бўлдики, унда *бедил* сўзи фақат ҳозирги ўзбек тилидаги маъносига қарама-қарши бўлган маънода ишлатилган. XX аср бошларида яратилган Ҳамза ижодида эса бу сўз «кўнгилсиз бўлган» маъноларида ишлатилган: *Дардсиз, бедил била ҳаргиз мусоҳиб бўлмагил* (Ҳамза) Бобурнинг Ҳинд заминида она диёрига бўлган чексиз соғинчу изтиробларини тараннум этувчи «Ғурбатда ул ой ҳажри....» деб бошланувчи ғазалида келтирилган *дилгир* сўзи ҳам энантиосемик маънони ифодалайди. Ушбу сўз Бобурнинг мазкур ғазалида «юракни сиқадиган», «хафаланган, ғамгин» маъноларини англатади[2]: *Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгул олдим, Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур* (Бобур, «Девон»).

Бобурнинг қуйидаги рубоийсида қўлланган *қўпормоқ* сўзида ҳам маънавий қутбланиш кузатилади. Сўзни ҳар икки қарама-қарши маънода тушуниш мисра маъносини бутунлай ўзгартириб юборади. Кузатамиз: *Эй ёр,*

---

[1] *Ҳожиев А.П.* Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. 134-бет.

[2] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, «Фан», 1983. I жилд. 486-бет.

жафо расми чиқармоқ не эди, Ё меҳр гиёҳини қўпормоқ не эди, Бир меҳр, яна лутф, яна жавр недур, Бир бордингу келдинг, яна бормоқ не эди (Бобур, «Девон»). Таъкидлаш жоизки, 1953 йилда нашр этилган «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун кисқача луғат»да ҳам, 1972 йилда нашр этилган «Навоий асарлари луғати»да ҳам *қўпормоқ* сўзининг «турғизмоқ, тикламоқ» ва «олиб ташламоқ» маънолари қайд этилади. Хўш, мазкур рубоийдаги *қўпормоқ* сўзи қандай маъноларни англатади? Тасвирланишича, маъшуқа жафони одат қилиб олган, бу билан ошиқ қалбидаги меҳр гиёҳини юлиб отган. Бунинг боиси нима? Гоҳ меҳр, гоҳ илтифот, гоҳ жабр қилишларинг нега? Энди юқоридаги рубоий шарҳида *қўпормоқ* сўзини «бунёд қилмоқ» маъносида талқин қилсак, қуйидаги ҳолат кўзга ташланади: маъшуқа гоҳ жафокорлик қилади, гоҳида эса ошиқ қалбига меҳр гиёҳларини қадайди (пайдо қилади). Шу боис лирик қаҳрамон ўз маҳбубасининг қилмишларидан лол: баъзан меҳр, илтифот билан муносабатда бўлиши, баъзан эса жабрлар қилишининг сабаби нимада? Сўзни «яратмоқ, пайдо қилмоқ» маъносида тушунишга рубоийнинг учинчи мисрасидаги *бир меҳр, яна лутф, яна жавр* бирикмаси гоҳ маъшуқанинг жафокорлигига, гоҳ ошиқ қалбида меҳр гиёҳларини пайдо қилишига ишора қилиб туради.

Шунингдек, эски ўзбек тилида учрайдиган *ҳариф* сўзи ҳам «рақиб» ва «дўст» маъноларини намоён этади. *Не ёр вафо қилгуси охир, не ҳариф, Не сайфу шито қолгуси боқи, не ҳариф. Юз ҳайфки зоеъ ўтадур умри азиз, Афсуски, ботил борадур умри шариф.* Кўринадики, рубоийда охирда севикли ёрдан ҳам, дўстдан ҳам вафо кўрмай, ёз, куз-у қиш фасллари бир-бир ўтиб бориши, афсуслар бўлсинки, азиз ва шарафли умр ҳам шунинг баробарида зоеъ, беҳуда ўтаётганлиги тасвирланган. Мазкур рубоийдаги *ҳариф* сўзини «ракиб» маъносида талқин этмаслик ва айни пайтда унга хос «дўст» маъносида тушуниш лозимлиги шундаки, вафо амали ё маъшуқадан, ёки дўстдан келиши мумкин, одатда, киши ўз рақибидан вафо расмини кутмайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур байтда *ҳариф* сўзи «дўст» маъносида қўлланган. Эски ўзбек тилида, шу жумладан, Бобурнинг *Мувофиқ ёрлар бирла бу дамни хуш кечур Бобур, На учунким келур дамга бўла олмас киши зомин* байтида қўлланган *зомин* сўзи ҳозирги ўзбек тилидаги «рўй берган кўнгилсиз ишга асосий сабабчи бўлмоқ» маъносига нисбатан зидликни намоён этади. Эски ўзбек тилида эса *зомин* сўзи «кафил бўлмоқ» маъносида қўлланилган. Алишер Навоий асарларида ҳам *зомин* сўзи «кафил бўлмоқ» маъносида қўлланган. Ҳозирги ўзбек тилида *зомин* сўзининг

мазкур маъноси истеъмолдан чикиб кетган. Сўз маънолари ўртасидаги қарама-қаршилик нафақат маънонинг ўзида, шу билан бирга, ижобий ёки салбий баҳоларида ҳам юзага келиши мумкин. Жумладан, эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек тилидаги баъзи сўзлар айни жиҳатига кўра ҳам фаркли бўлиб қолган. Масалан, ўзбек тилининг ҳозирги даврида салбий баҳо билдирадиган *ғараз* сўзи эски ўзбек тилида, шу жумладан, Алишер Навоий ва Бобур асарларида ижобий маънода қўлланилиб келган. Кузатамиз: *Дуо бирла Хоқони дарёназир, Деди: «К-ей, жаҳондори дарёзамир! Бу келмакдин эрди ғараз бу манга Ки, бўлғай жанобингда ёргу манга»* (А.Навоий, «Садди Искандарий»). *Бир замон холи эмон фикрингдин, Бир нафас гофил эмон зикрингдин. Гар десам жисм ила жондин сен-сен, Ғаразим икки жаҳондин сен-сен* (Бобур, «Девон»). Ёки қуйидаги байтда ҳам *ғараз* сўзи ижобий маъно англатиб келган: *Ҳар не андин ғараз тижоратдур, Жавҳару хоҳ рахту, хоҳ отдур* (Бобур, «Девон»). Кўринадики, сўз семантикасининг қарама-қарши томонга ўзгариши нафақат унинг номинатив жиҳатлари, балки эмоционал-экспрессив баҳолари билан ҳам боғлиқ экан. Бундай сўзлар сирасига *галат* сўзини ҳам киритиш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сўзларда юзага келадиган маъновий ўзгаришлар тил тараққиётининг барча даврлари учун хос бўлиб, бу ўзгаришлар сўзнинг маъно тараққиёти билан боғлиқ бўлади. Сўз маъносининг айни тараққиёти шу сўз семантик структурасининг кенгайиши ва бойишига ҳам олиб келади. Ана шу кенгайиш ва бойиш лексема маъно тараққиётида баъзан турли хил, баъзан зид ҳолатларни келтириб чиқаради. Аниқки, ҳар қандай бадиий асарни, айниқса, мумтоз адабий меросни ўрганиш жараёнида мазкур жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш таҳлилнинг тўғрилигига олиб келади. Бу каби хусусиятга эга бўлган сўзлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ҳам талайгина.

Ҳамидбек Ҳасанов,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт музейи, тадқиқотчи

БОБУРНИНГ «МУБАЙЙИН» АСАРИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

Захириддин Муҳаммад Бобур жаҳон маданияти ва фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолардан бири. Унинг ижоди дунёвий ва диний илмларнинг турли соҳаларини камраб олганлиги билан ҳам ўзига хос, алоҳида аҳамият касб этади. Унинг асарлари, хусусан, «*Мубаййин*»да аждодларимиз илмий мероси орқали юксак инсоний фазилатларга эга бўлган инсонни тарбиялаш, ёшларни динимиз асослари орқали соғлом тафаккур ва пок ахлокка тарғиб килиш ғоялари ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан, олимнинг диний мавзуни кандай, кайси манбалар асосида ёритганлиги, эътикодининг асосини, ички дунёсини нима ташкил этганлигини унинг адабий-диний асарлари асосида очиб бериш долзарб масалалардан биридир.

Ҳозирги кунда «*Мубаййин*» асарининг дунё фондларида сақланаётган қуйидаги қўлёзма нусхалари маълум:

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи: Инв. № 103, ҳажми 13х18. 147 варақдан иборат. Қўлёзма Кўкон қоғозида настаълиқ хатида 2 устунда 9 сатрдан ёзилган ва палеографик белгиларга кўра тахминан XVI аср охирида кўчирилган.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти: Инв. № 8433, ҳажми 14х21. Жами 152 варақдан иборат қўлёзма 95б саҳифада узилиб колган. Саҳифа 13 сатрдан ёзилган. Асарнинг бошланиш кисми ҳам йўқ. Хати настаълиқ. XIX аср ўрталарида кўчирилган; Инв. № 12990, ҳажми 16х25,5. 121 варақдан иборат. Саҳифада 11 сатрдан настаълиқ хатида 1303/1889 йили кўчирилган; Ўша институт, Ҳ.Сулаймон номли қўлёзмалар бўлими: Инв. № 805, ҳажми 8,5х15. 117 варақдан иборат. Саҳифа 11 сатрдан иборат. XIX асрда кўчирилган; Инв. № 2031, ҳажми 13х20,5. 152 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифа 13 сатрдан настаълиқ хатида кўчирилган ва 1205/1791 йили кўчирилган. (Давлат адабиёт музейидаги 103-рақамли қўлёзмадан кўчирилган бўлиши эҳтимоли бор.)

РФ ФА Шарқшунослик институти С.Петербург бўлими: Инв. № А-104, ҳажми 11х17,5. 98 варақдан иборат. Қўлёзма настаълиқ хатида 13 сатрдан ёзилган ва тахминан XVII аср охири – XVIII аср бошида кўчирилган.

Туркия нусхаси:

Фуат Кўпрулунинг шахсий кутубхонасидаги нусха. Унинг ёзишича, «937 ҳижрий йили Марғилонда котиб Мусо бин Исо Марғиноний тарафидан кўчирилган». Ҳозирда мазкур нусханинг қаерда сақланаётганлиги ҳақида бирон бир маълумот йўқ.

Берлин нусхаси:

Staatsbibliothek, Инв. № 2212, ҳажми 21,5х13,5. 152 варақдан иборат. Настаълиқ хатида 2 устунда 11 сатрдан ёзилган ва 1539–1540 йилларда кўчирилган.

Сурайё Эшонқулова,
Жиззах Давлат педагогика институти, ф.ф.н.

НОДИРА ШЕЪРИЯТИДА БОБУР СИЙМОСИ

Қўқон тарихнавислигида хон авлодлари шажараси Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бориб уланиши борасидаги қарашлар етакчи ўринда туради. Шунингдек, бу қарашлар ўша давр Қўқон адабий манбаларида ҳам учрайди. Хусусан, Нодира шеъриятида ҳам «Олтин бешик» воқеаси билан боғлиқ қарашларга бир қанча ўринларда дуч келинади. Уларда шоира ўзини Бобур авлодидан деб ҳисоблайди ва бундан фахрланади. Чунончи, шоира қуйидаги байтида:

Сиёдат хонадони, шоҳи Бобур насли покиман,
Худоё, раҳмат айла, барча аждоди изомимни, –

деб ўзининг ҳам Бобур авлодидан эканлигини уқтирилайди.

Нодиранинг «Олтин бешик» воқеаси билан боғлиқ орзу-истаклари 14 банддан иборат «Салтанат баҳрида пайдо бўлди якто гавҳаре» деб бошланувчи мухаммасида ҳам кўринади. Мухаммасда бир шаҳзоданинг туғилганлиги айтилган бўлса-да, унинг кимлиги қайд қилинмаган. Фикримизча, мухам-

мас шоиранинг Умархон билан биргаликдаги турмушининг дастлабки йилларида Муҳаммад Алихоннинг дунёга келиши муносабати билан ёзилган кўринади. Олтинчи бандга кадар туғилган шаҳзода кўпчилик орзу қилган фарзанд эканлиги, бундан ҳамма хурсандлиги айтилиб, унинг умри узоқ бўлиши тиланган. Олтинчи бандда:

Баҳри давлатдин башорат сизга, эй аҳли жаҳон,
Бир ҳумоюн тифл Бобур наслидин бўлди аён,
Навниҳоли бўстони Темури соҳибқирон,
Умрдин бар топқай ул шаҳзодаи олийнишон.
Жилвагар моҳи жамолидин асолат жавҳари. –

дейди ва бу билан шоира янги меҳмоннинг олийнасаб дейилишига асос бор, чунки у Темур авлодидан бўлган Бобур наслидан, буни жаҳон аҳли билиб қўйсинлар, дейди.

Албатта, бу келтирилганларда шоиранинг ҳам турмуш ўртоғига, ҳам ўғлига бўлган чексиз муҳаббати, уларнинг халқ хотирасида яхши ном билан колишини ниҳоятда каттик исташи бадиий талқин этилган. Шу боис бўлса керак, бу истак ва тилаклар унинг «Келди» радифли ғазалига ҳам кўчган. Жумладан, ғазалнинг матлаида юқорида айтиб ўтганимиз каби, янги туғилган чақалоқнинг ота-боболари барчаси тожу тахт эгаси бўлиб, юрт бошкарганлиги «хон ибни хон» сўзлари оркали ифодаланган:

Замона аҳлидин ғам кетти, айши жовидон келди,
Адамдин олами ижод аро хон ибни хон келди.

Нодира ғазалнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи байтларида:

Башорат сизга, эй аҳли жаҳонким, мулки дунёга
Чароғи маҳфили Олтинбешик, Бобурнишон келди,
Зиҳи тифли ҳумоюнфар, муборак рўй, фаррух руҳ,
Жаҳон аҳлига андин муждаи руҳи равон келди,
Асолат баҳрида зоҳир бўлиб мавжи карам андин,
Дури якто тирози домани охирзамон келди.

Мухаммасда бўлгани сингари, ғазалда ҳам чақалоқнинг наслу насаби «Олтин бешик» воқеаси оркали Бобурга бориб тақалиши айтилиб, «асолат баҳри» – «аслзодалик денгизи»дан олинган дур эканлиги таъкидланади.

Умуман, Нодира асарларида «Олтин бешик» билан боғлиқ қарашлар ўзига хос талқин этилган ва унга кўра, Қўқон тарихнавислиги ва адабий манбаларида бўлгани каби хон шажараси Бобурга бориб уланади.

Муҳаммад Абдуллаев,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, ф.ф.н.

БОБУР ВА УБАЙДИЙ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шарқ адабиётидаги забардаст ижодкорлардан бири эканлиги маълум. Унинг шахси ва бетакрор ижоди доимо илму адаб аҳлининг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Шоирнинг бадиий ва маъно жиҳатдан рангдор ва содда услубда битилган шеърлари ва насрда ёзилган «Бобурнома» асари ўзининг тарихийлиги, илмийлиги ва бадиий жиҳатлари билан жаҳон илму фанига қўшилган шоҳ асарлардан биридир.

Бобур билан бир замону маконда яшаб ижод этган яна бир ўзбек адабиётининг сермаҳсул ижодкори Бобур каби шоҳ ва шоир шайбоний султонлардан Убайдуллохон Маҳмуд Султон ўғлидир. У нафақат моҳир саркарда ва етук давлат арбоби, балки фавқулодда қобилиятли ижодкор ҳамдир. Ҳофиз Бухорий, Хожа Ҳасан Нисорий ва бошқа ўша замон тарихчиларининг таъкидлаганларидек: «... ғоятда фазилатли бўлиб, фазли камол безаклари билан зийнатланган. У шеър илмида соҳиби фан...» бўлиб, Убайдий, Убайдуллоҳ, Қул Убайдий тахаллуслари билан ўзбек, форс ва араб тилларида шеърлар битган. Унинг ҳар учала тилда ёзилган шеърлар мажмуаси «Куллиёт» шаклида 8931 рақам остида ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Шоирнинг туркий девонида 310 дан ортиқ ғазал, 445 га яқин рубоий, 25 та қитъа, 11 та туюқ, 18 та маснавий, 7 та муаммо, 2 та ёр-ёр жанридаги шеърлари мавжуд. Шунингдек, диний-тасаввуфий, ахлоқий-дидактик руҳдаги «Омонатнома», «Шавқнома», «Ғайратнома», «Сабрнома» манзумалари ва 235 га яқин ҳикмат жанридаги шеърлари ўрин олган. Форсий девонида эса 160 та ғазал, 418 та рубоий, 7 та қитъа ва 1 та таржеъбанд ва 3 та муаммо бор. Шоирнинг арабча 35 га яқин ғазал, қитъа ва фардлари мавжуд.

Шоир ижоди фақат маъно ва мазмун, адад жиҳатидан эмас, бадиий хусусиятлари томонидан ҳам бир қатор ўзига хослик ва янгиликларга эга. Айниқса бу икки ижодкорнинг айрим ғазаллари ва рубоийдаги диний эътиқод, тасаввуфий қарашлар, дарвешликка мойиллик ва ўткинчи дунёга алданиб қолмаслик билан боғлиқ туйғулари бир-бирига ўхшаб кетади. Хусусан, иккала ижодкор томонидан ёзилган бир хил радифли рубоийларини киёсий текширганимизда матнларда бир қатор ғоявий муштарак маънолар бўлиши билан бирга, ўзига хос мазмунлар ва ички кечинмаларнинг ранг-баранг ифодаларига гувоҳ бўламиз. Айни пайтда ҳар иккала шоирнинг Алишер Навоий рубоийларидан таъсирланган сезилиб туради. Маълумки, XVI аср адабиётида, хусусан, Бобур ва Убайдий шеъриятларида реал ҳаёт тасвири, тил, услуб ва ифода соддалиги, таржимаи ҳол хусусияти ўз аксини топган. Шу билан бирга, адабий анъаналар ва адабий жараён қонуниятлари, ҳукмдорлик ва ижодларидаги ниҳоятда талабчанлик, тиниб-тинчимаслик, ғайрату шижоат сифатлари уларни бир-бирларига яқинлаштириб туради. Бобур ва Убайдий жанг майдонида ракиб бўлсалар-да, маънавият оламида Хожа Аҳрори Валий ва Махдуми Аъзамдек пирларга қалбан боғланган маънавий иртиботли кишилар эдилар. Улар гарчи қисқа умр кечирган бўлсалар ҳам, ўзбек мумтоз адабиёти хазинасига ўз ҳиссаларини қўшишга улгурган бетакрор сиймолардир.

Насиба Бозорова,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, ф.ф.н.

БОБУР ШЕЪРИЯТИДА КЎНГИЛ ОБРАЗИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қисқа умр кечирганига қарамай адабиёт осмонида сўнмас юлдузга айланган буюк шахслардан бири. Унинг шеърияти бошқалардан тилининг равон ва ўйноқилиги, туйғулар ифодасининг самимий ва ҳаққонийлиги, бадиий тасвирнинг бетакрор ва жозибадорлиги билан фарқланиб туради.

Бобур нозиктабъ шоир. Унда гўзалликнинг кўз илғамас нуқталарини кўриш, англаш салоҳияти бениҳоя юксак. Унинг шеърлари кишини табиат ва инсон руҳиятининг рангин манзаралари, ишқ ва ошиқлик қисмати,

олам ва одам муносабатининг нозик асроридан хабардор этади. Бу шеърлар кўнгилдан мудроқ ҳисларни қувиб, ёлқин туйғуларни уйғотади. Умр қиймати, инсонийлик шарафи, бурч ва масъулиятдан сабоқ беради.

Бобур шеърияти – чархнинг жавру жафоларида тобланган, ғам ва аламлар ичра яшаш моҳиятига етган кўнгил икрорлари. Улар – шоир англаган ҳақиқатлар, қалбидаги туйғу, соғинч, изтироб ва армонлар суврати. Бобур шеърларида баъзан ошиқ бўлиб ўз қисматидан, баъзан дарвеш сифатида ўз ҳолидан, баъзида эса ориф бўлиб ўз камолидан сўз юритади. Чунончи улуғ шоир бир қатор шеърларида:

Зулфига кўнгул қўюб, паришон бўлдум,
Кўз олдурубон юзига ҳайрон бўлдум,–

дея телба кўнгул можаролари, ошуфтаи ҳайрон, васлга муштоқ ошиқ ҳолатларини қаламга олса, бошқа бир неча шеърларида ҳеч ким ва ҳеч нарсага тобе бўлмай, барча нарсадан узоқлашмоқ ниятини устун қўйиб:

Хуш улким, ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса,
Жаҳон кезмак ила беқайдлиғни ихтиёр этса...
Жафодур жонга бўлмоғлиғ муқайяд олам аҳлига,
Хуш ул озодаким, элнинг аросидин канор этса! (131) –

деб ҳукм чиқаради. Баъзида эса гўшанишинлик ихтиёр этиб, «Боридин қатъ этиб, ул бирга қотилмас хаёл»ларга берилади:

Гўшае тутсам, жаҳоннинг элидин ғам кўрмасам,
Истарам эл кўрмаса мению мен ҳам кўрмасам. (274)

Шоир ғазалларида мана шу каби ошиқона, дарвешона майллар нечоғли соф ва самимий ифодаланган бўлса, орифона ўгитлар ҳам бениҳоя оқиллик билан баён этилган. Бобурнинг ирфоний қарашлари, айниқса, маснавий ва рубоийларида жуда ёркин ифодаланган. Шоирнинг мазкур шеърларида илгари сурган умр, ёр-дўстларнинг ғаниматлиги, бу дунёнинг «ғам емакка арзимас»лиги, хотирдан дунё ёдини чиқариш лозимлиги ҳақидаги қарашлари зукко китобхонда чуқур мулоҳаза уйғотиши табиий. Унинг ҳикмат даражасига кўтарилган:

Давлат учун кўнгулни зор этма!
Иззат учун ўзунгни хор этма! (244) –

каби мисралари эса ҳеч вақт ўзининг қимматини йўқотмаслиги тайин.

Бобур ишқий ғазалларида ҳам, маърифий шеърларида ҳам КЎНГИЛни асос қилиб олади. «Унинг шеъриятида ифодасини топган илоҳий ҳис ва самовий туйғуларнинг бош манбаи кўнгулдир. Бобур том маъноси ила кўнгул шоири ва кўнгулга таслим ошиқ эди». У ўз шеърларида кўнгулнинг девона, телба, шайдо, расво, маҳзун, зору ҳайрон, «гулнинг ғунчасидек таҳбатаҳкон» ҳолатларини жуда гўзал тасвирлаган. Бу «маҳрами асрор»нинг ҳол ва ҳақиқатларидан сабоқ бериб, уни англашга даъват этган. Бобур ҳар қандай ҳолатда ҳам доимо кўнгилга таянган, кўнгилдан куч олиб, кўнгил ҳукми ила иш тутган. Қувонч сурурини ҳам, қайғу юкини ҳам у билан бўлишган. Ҳеч ким шоирга кўнгли қадар маҳрам бўлолмаган. Бу даъвони ҳассос шоирнинг:

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилгаймү
Санингдек дардпаймою менингдек дардпаймуда? (120)

Ёки:

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тошига ёзгасиз,
Токи бирдек бўлгай ул ой ишқида ичу тошим, (84) –

каби шеърлари тўла маънода тасдиқлайди.

Кўнгил ҳақида гап кетганда сўз ўз-ўзидан нафс, руҳ, сир билан боғланиб кетади. Булар инсонийлик қийматини белгиловчи, бири-бирига боғлиқ бўлган латиф борликлар. Тасаввуфда бу хусусда кўп фикр билдирилган. Чунончи, Хожа Аҳрори Валий «Рисолаи волидия» асарида инсон ботинида нафс, калб, сир каби мартабалар борлиги ва Ҳақ таоло уларнинг ҳар бирига ўзига хос фарқ ва камолга муяссар этганини айтиб, шундай ёзади:

Ботинига кўп анинг мартаба бор,
Мислу нафс-у дил-у сир ғайри бўлор.
Ҳар бирига анга Ҳақ жалла жалол,
Нисбате бирла ато қилди камол.

Мирзо Бобур ҳам буни яхши англаган. Шу боис у ўз шеърларида кўнгил қоми, кўнгил мақсуди хусусида фикр билдирдими, унда, албатта, латофат билан яратилган руҳ камолидан ва касифлик сабабчиси бўлган «нафснинг касби»дан ҳам сўз юритган. Шоир ғазалларида кўнгилнинг ишқу маърифат туфайли мусаффо ва нурли ҳислар масканига айланиши билан бир қаторда,

ҳою ҳавас ортидан нафс комига тушиб қолиши моҳирона тасвирланган. Шоир эътирофича, нафс одамдан бир лаҳза айри бўлмас душмандир. Нафснинг ризоси билан қилинган иш разолатдан ўзга нарса эмас. Шунинг учун шоир:

Нафс тавсанини рам қил ўзунгга,
Қодир ўл ҳар на сўз деса сўзунгга (245), –

дея одам нафс отини жиловлаши, уни ўз измига бўйсундириши жоизлигини уқтиради. Шоир нафснинг ҳар қандай касбини рух олдида «ярамас» деб топади.

Умуман, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай кўнгил ва рух ҳимматидан баҳра олиб, тақдирнинг барча синовларини мардонавор енгган, ўз сўзи, ўз ўрнини топа олган буюк ва бетакрор шахсият эгаси. Унинг шеърияти ҳам ўқувчида худди шундай эгилмас ва букилмас ирода, шижоат ва мардлик туйғуларини тарбиялаши шубҳасиз.

Шоира Аҳмедова,
Бухоро Давлат университети, ф.ф.д.

БУХОРОДА БОБУРШУНОСЛИК

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоир ва адиб, саркарда ва йирик маданият арбоби, шеършунос ва адабиётшунос, тилшунос, табиатшунос, умуман олганда, серқирра ижодкор эди. Санъат ва адабиётни севган бу «дилбар шахс» ҳаёти ва ижоди ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилди. Бу борада М.Шайхзода, В.Зоҳидов, П.Шамсиев, В.Абдуллаев, Ҳ.Ёқубов, Н.Маллаев, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, С.Азимжонова, Б.Ҳасанов, И.Ҳаққулов ва бошқаларнинг тадқиқотлари ўзбек бобуршунослигини бойитишга хизмат қилиб келмоқда.

Бобур ижодини тадқиқ этишдек хайрли ишга бухоролик олимлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келдилар. Айниқса, профессор С.Алиевнинг бу соҳадаги хизматлари айрича. XX асрнинг 40-йилларида Бобур ижодини ўрганишда Ҳ.Ёқубовдан (1941) кейин С.Алиевнинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг

поэтик ижоди» (1948) мавзуидаги номзодлик диссертацияси мухим ўрин тутади, чунки олим биринчи манбалар асосида Бобурнинг лирик меросини батафсил тахлил килган эди. Тадкикотда Бобур ғазал, рубоий, туюк жанрларида маҳорат билан калам тебратган ижодкор сифатида ўрганилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин, издан чиккан мамлакат ҳаётининг кўп жабҳаларида ишни кайтадан бошлаш, янгилаш, камчиликларни тўлдириш, шу билан бирга мактаблар учун янги дастур ва дарсликлар яратиш зарурияти пайдо бўлади. Шунга асосан, 1949 йилда таникли олим М. Юнусов, С. Алиев ва яна бир қанча ўқитувчилар «Ўрта мактаблар учун ўзбек адабиёти тарихи» дастури ва дарслиги устида ишлай бошладилар. Ниҳоят урушдан кейинги биринчи дарслик профессор Ғулом Каримов таҳрири остида 1950 йилда «Ўзбек адабиёти тарихи» (8–9-синфлар учун) номи билан босилиб чикди. Унинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур», «Муҳаммад Солиҳ» бобларини С.Алиев ёзган эди.

Бундан ташкари, С. Алиевнинг Бобур ҳакидаги мақолаларида, жумладан, «Бобурнома» – бебаҳо маданий меросимиз» мақоласида мемуар асар тўғрисида фикр юритилади. «Бобурнома» бошқа манбаларга қараганда тарихий вокеалар, ўз муаллифининг ҳаёти, дунёкараши даври ва замондошларига муносабати хакида кенгрок ва чукуррок маълумот берувчи асар сифатида таърифланади.

Адабиётшунос олим Р. Воҳидовнинг «Биз билган ва билмаган Бобур» рисоласи (1999, тўлдирилган иккинчи нашри 2008) ҳам бобуршуносликка навбатдаги хисса бўлиб қўшилди. Муаллиф таъкидлаганидек, «миллий истиклол шарофати» бўлган рисолада «нотакрор шахс, довюрак саркарда, шижоатли давлат арбоби, нозиктабъ шоир, салоҳиятли адиб» Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳакидаги тасаввуру кузатишлар илмий-бадиий йўсинда умумлаштирилган.

Рисоланинг «Мен билган мирзо Бобур» деб номланган дастлабки қисми ўзига хос: кўп йиллар талабаларга ўзбек мумтоз адабиётидан сабоқ берган муаллимнинг толибу илмлар саволларига жавоб тарзида битилган.

Бобурнинг маснуъ шеърлари, «Бобурнома», шоирнинг илоҳиётга муносабати ҳакида фикр юритилади. Айниқса, олимлар назаридан четда қолган, «Мубаййин» таркибида яшаб келаётган «Китоб ул-ҳаж» асари ҳақидаги мулоҳазалар ўзининг илмий қиммати билан аҳамиятини йўқотмайди.

Истеъдодли адабиётшунос М.Олимов ҳам Бобур ҳаёти ва ижоди билан жиддий шуғуллана бошлаб, бир неча мақола ва бир рисола нашр этиб улгур-

ган эди. Умуман олганда, бухоролик олимларнинг шоҳ ва шоир, миллатимизнинг фахри Бобур ҳақидаги тадқиқотлари бобуршунослик саҳифаларини тўлдириб, бойитиб келаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳусниддин Эшонқулов,
Бухоро Давлат университети, ф.ф.н., доцент

БОБУР ҒАЗАЛИЁТИДА ИШҚ ВА ОШИҚЛИК ТАЛҚИНИ

Маълумки, Бобур Мирзонинг кичик ҳаёти давомида оби ҳаёт деб излагани доимо сароб бўлиб чиққан дамлари анча кўп бўлган. Тақдирнинг қалтис «ҳазил»лари олдида метин иродаси букилмаган бўлса-да, гулдан-да нозик қалби ортиқчаси билан насиб этган «чархнинг жабру жафоси»дан озор кўриб, «оламнинг сафоси» ҳам мавжудлигига ишонқирамай қўйгани ҳам ҳақиқат. Назаримизда, юрагининг қайсидир гўшасида бир оз яшириниб турган қуёш мисол тафтли ишқу ошиклик шоҳу шоир кўнглини қуюқ туман янглиғ қоплагувчи хираликдан доимо мосуво этиб турган. Бу ошиклик – ҳаётга, севикли ёрга, амалга оширилиши кўзда тутилган улуғвор ишларга бўлган муҳаббат. Йўқса, машҳур ғазалларидан бирининг матласида кўнглидаги ғашлик ифодаси бобурона топқирлик билан бадиийлаштирилгандан сўнг, севикли ёрга бўлган меҳру вафоси, садоқати кейинги сатрлардаёқ инъикосини топармиди?!

Менинг кўнглимки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи не имкондур.
Агар ул қоши ёсиз боғ ғаштин орзу қилсам,
Кўзумга ўқдурур сарв-у, кўнгулга ғунча пайкондур.

Соҳибқирон Амир Темурга хос мардлик ва шижоат, ҳаётига хавф солиши яққол кўриниб турган қирғинлар олдида Аллоҳга таваккул қилиш ҳисси қонига сингганидан ифтихор туювчи Бобур Мирзо душманларини назарига илмайди, бироқ маҳбубасидан айро тушишни ҳақиқий фожиа деб билади:

Манга осондурур бўлса агар юз минг туман душман,
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр мушкулдур.

Висолингким тиларсен нозини хуш тортқил, Бобур
Ки, олам боғида топмоқ гули бехор мушкулдур. (27-бет)

Бобур Мирзо – Тангрининг лутфу марҳаматини ҳам, суюкли бандасига берган синовларини ҳам хуш кабул қилувчи мўминдир. Айни чоғда унинг ота-боболари сингари нақшбандия тариқатига эътиқод қилганлиги, Хожа Мавлонойи Қозини «устоз ва пирим» дея эслаши, Хожа Аҳрори Валийдан рухий мадад олиб турганлиги, бу улуғ пирнинг «Волидия» номли асарларини таржима қилганлиги, шунингдек, жавонмардлик тариқатининг инсоннинг маънавий камолотга бошловчи шартларига ҳаёти давомида қатъий амал қилганлиги эътикодига ниҳоятда собитлигидан далолат беради. Шу боис улуғ шоир ғазалларида дийдорталаблик хисси билан битилган байтлар учрайди. Бу ноёб назм намуналарида Маҳбуби азалга бўлган улуғ ижодкор ишқи ёркин намоён бўлиб туради:

Неча расво бўлгамен, ишқ ичра шайдолиғ била,
Ҳар киши кўрмайдурур ошиқ бу расволиғ била.
Ҳар нечакким туттим ўзни порсолиғ таврида,
Бўлдум охир шуҳраи офоқ шайдолиғ била.
Менки ҳижронингда қон ютмоқ била мўътодмен.
Манга йўқдур ҳеч нисбат айшу саҳболиғ била.
Шайх шеърим манъ этар етмай балоғат лутфига,
Найлагай, ё Раб, киши бу пири ноболиғ била.
Бобури бедилни ишқ телбаратса не ажаб,
Чунки ҳаргиз рост келмас ишқ доноли била. (40-бет)

Бобур Мирзо кўнглида пинҳон сақланган туйғулар тасвиридан таркиб топган юкоридаги назм намунасида улуғ шоирнинг ирфоний қарашлари ўз ифодасини топган. Шеър қаҳрамони «ишқ ичра шайдолиғ била» бирор бир ошиқда кузатилмаган ҳолга тушганини баён қилади. Ошиқнинг бу «расволиги» ўқувчига ғайритабиий ҳолат бўлиб туюлади. Бироқ кейинги байтларда ўша «расволиғ» ошиқнинг чинакам фазилати эканлиги силсилавий равишда далиллаб борилади. Аввало, шеър қаҳрамони ўзида содир бўлган бу шайдолик оқибатидан халос бўлиши учун «порсолик таври» – ёмон ишлардан ўзини сақлаш одатига риоя қила бошлайди. Лекин у яна ўша шайдолик билан оламга машҳур бўлади. Бу билан шоир ҳақиқий ишқни

маълум меъёрлар билан чеклаб бўлмаслиги ғоясини байт бағрига сингдиради. Зеро, учинчи байтдаги «Менки ҳижронингда қон ютмоқ ила мўътодмен» мисраси фикримизни қувватлантиради. Унда ошиқнинг маъшуқа ҳажрида риёзат чекиш – «қон ютмоқ»ни одат қилганлиги ўз ифодасини топган. Шу боис ошиқнинг айш қилувчилару «саҳболиғ» – қип-қизил май ичувчилар таври билан ўхшашлиги йўқ. Ундаги шайдолик ҳолининг асоси – ҳижрон изтиробларининг шиддатидир.

Тўртинчи байтда шайх образига мурожаат этилади. Сатрлардаги ишоралардан маълум бўладики, ошиқ бадиий жиҳатдан баркамол гўзал иборалар билан шеърлар айта бошлайди. Афсуски, шайх уларнинг «балоғати»ни тушуниб етмайди. Аслида, у теран тафаккур эгаси бўлиб, бу шеърларда ифодаланган рамзларни чуқур идрок эта олиши лозим. «Пири ноболиғ» – комиллик рутбасини қозонмаган бу «шайх» эса ошиқнинг ҳолини англашдан мосуво. Ҳолбуки, чинакам шайх ошиқни жунундан фориғ қилишни, унга маҳбуб томон элтувчи йўлни кўрсата олишни мукаммал билиши лозим. Акс ҳолда мақтаъда ифодаланганидек: «Бобури бедилни ишқи телбара»тади, ундаги жунунворлик авжланади. Улуғ шоир ўқувчи завқу шавқини ана шундай фикрларни ниҳоятда гўзал бадиий ифодалаш билан ошириб: «Чунки ҳаргиз рост келмас ишқ доноли била», деган умумлашма хулосани унга етказади.

Кузатишлардан аёнлашадики, Бобур Мирзо шеъриятида чинакам ишқ ва ошиқлик юксак санъаткорлик билан бадиий ифодасини топган. Ундаги мулоҳазага ундовчи ирфоний ғоялар шоирнинг эътиқодий қарашлари самараси бўлиб, инсонни маънавий камолотга даъват этиши билан аҳамиятлидир.

Йўлдош Раҳматов,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, ф.ф.н.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА БОБУР СИЙМОСИ

Бетакрор ижодкор ва кучли шахсият эгаси бўлгани боис, «шу пайтгача ўтган маданиятли ва жозибадор инсонлар орасида энг етукларидан бири» сифатида Ғарбу Шарқда бирдек юксак эътирофга сазовор бўлиб келаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймоси ҳам ёзма, ҳам эпик ижодда маҳорат

билан тасвирланган. Ёзма адабиётда тарихий шахснинг бадиий образга айлантирилишининг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд бўлганидек, оғзаки ижодда ҳам бу ҳодиса ўзига хос эпик анъана ва эпик қонуниятлар асосида амалга оширилади. Чунончи Қодир бахши куйлаган «Ойчинор» достонига диққат қилсак, унда тарихий шахс Бобурнинг поэтик мушоҳада, фольклор эстетикаси ва анъаналари талабидан келиб чиққан ҳолда яратилган сиймосини кўрамиз.

Мазкур достонда асосий диққат Бобур шахсига эмас, балки тарихни ҳаракатга келтирувчи буюк куч – халққа қаратилган. Бобур тўғрисидаги ҳақиқатлар эса достоннинг бош қаҳрамони – Ойчинор қисмати билан боғлиқ ҳолда ёритилган. Асарда Бобур бошдан-охир иштирок этмай, фақат беш ўринда кўриниш беради:

1. Назарбой билан мулоқотда.
2. Шайбонийнинг элчиси билан суҳбатда.
3. Қайсарнинг ҳийла-найранги орқали ташкил этилган «ноғора устига ошиқ ташлаш» шартини бажариш жараёнида.
4. Шайбоний билан баҳсда.
5. Ойчинор билан мулоқотда.

Қолган ўринларда эса унинг иштироки сезилмайди. Шундай бўлса-да, достонда Бобур образига алоҳида аҳамият берилган. Бахши ўзининг бор эпик билими ва маҳоратини тўла намоён этиб, достонда шоҳ Бобурнинг ҳаёт ҳақиқати, аниқ тарихийлик асосидаги эпик сиймосини яратган. «Ойчинор»да тарихийлик ва эпикликнинг ўзаро уйғунлиги асосида Бобур шахсининг уч эътиборли жиҳатига алоҳида урғу берилади.

Биринчи босқичда шоҳ Бобур ҳақида хабар берилади. Бу маълумот достон қаҳрамонларидан бири Оқамоннинг «Сонсиз аскар; бари қуролланган полвон йигитлар» деган сўзи ва «Сизлар қаердан, қандай бекликка карайсизлар?» деган саволга аскарларнинг: «Биз бекликка эмас, подшоликка караймиз. Жойимиз – Андижон, Самарқанддур, подшомиз Бобир», дея жавоб қайтариши орқали ифодаланади. Бу тасвирда Бобур салтанати, қолаверса, темурийлар шукуҳига ишора мавжуд. Оқамоннинг сўзи ва аскарларнинг хабаридан Бобурнинг қандай мавқега эга эканлиги, куч-қудрати ва давлати ҳақида билиб олиш мумкин. Достоннинг воқеалар ривожи силсиласида Бобур ҳақидаги тасаввурлар бойитиб борилаверади. Шундан сўнг унинг аскар йигитлари кўриниши тасвирланади: «... Мурти шопдай, урутлари қопдай, туриши бургутдай, кўзи ёнган ўтдай бир киши тикилиб: – Қани гапир, деятир» (37).

Бу тасвирлар достон композицион қурилишида, аввало, иккинчи босқичга ўтишга замин хозирлаган бўлса, иккиламчи, халқнинг Бобур образини эпиклаштириб, айни замонда бу образнинг яна бир поғона кўтарилишига пиллапоя воситасини ўтаган. Яъни, тасаввурдаги халқ Бобури бу тасвирлардан сўнг янада ойдинлашиб тингловчида, демак, унинг оддий навкари шундай паҳлавон бўлса, ўзи қандай экан, деган қизиқиш уйғотади. Шундан сўнг достондаги кейинги тасвир босқичига кўчилади.

Иккинчи босқичда шоҳ Бобурнинг ташқи кўриниши тасвирланади. Достонда Бобур образининг талқинида ҳам, унинг портретини яратишда ҳам тарихий Бобурга хос хусусиятларнинг энг кичик чизгиларигача эътиборга олинган. Бунда халқ Бобурнинг тарихан буюк дид эгаси, бадиий ижод оламида Навоийдан кейинги энг йирик шоир эканлигини унутмайди. Шунинг учун унинг бир хислатига яна ўн хислат қўшиб, Гўрўғли, Алпомиш, Авазхон, Равшан каби халқ қаҳрамонлари қаторига қўшади. Бахши Бобурни тингловчиларга таништирар экан, унинг кўринишини айни шу қаҳрамонларга монанд рухда тасвирлайди: «...Бир ёш йигит тўрда чордона қуриб ўтирибди. Бошида тилла тож қўндирилган салла, устида зарбоф тўнлар, мурти лаб устида ўзига ярашиб турибди. Ўзи полвон сиёқли, бургут қабоқли, ҳар эгни кирдай, қараши тўқайдаги шердай...» (40).

Достонда Бобурнинг ташқи қиёфаси ҳақида маълумотлар бериб бўлингач, *учинчи босқичда* унинг рухий-маънавий олами очиб берилади. Бунда унинг хулқ-атвори, инсоний фазилатлари намоён этилиб, ақл-заковатига баҳо берилади. Бобурнинг ақл-заковатини таъриф-тавсифлаш учун достонда оддий баёнчилик йўлидан бормай, анъанавий эпик мотивлардан самарали фойдаланилган.

Қари одамнинг ўз жисмоний ва рухий аҳволини ҳисобга олмай, ёш қизга совчи юбориб, қизнинг ғурурини, орзу-ҳавасини оёқ ости қилиши, қиз эса бунга жавобан «тўй қалинининг шарти» ниқобида ушбу нотенг никоҳни фош этувчи чалдирмоқ-топишмоқ айтиши, кекса киши эса бу чалдирмоққа ечим тополмай, ноилож подшо ҳузурига мурожаат қилиб бориши, лекин бунда у ўзининг асл ниятини яшириб, қизни айбдор қилиб кўрсатишга уриниши, бироқ подшо чалдирмоқ мазмунидан ким айбдорлигини англаб етиши ва қизнинг доно ва фаросатли эканлигини сезиши ҳамда шу тарзда чалдирмоқ жавобини уятсиз «ошиқ»қа айтиб бериши ва унинг кирдикорини фош этиши эртаклар сюжетида учрайдиган анъанавий мотивлардан биридир. Бу мотивдан фойдаланиш орқали, биринчидан, Бобурнинг зукколиги,

донишмандлиги, топқирлиги кўрсатиб берилса, иккинчидан, унинг фольклор анъаналаридан, халқона урф-одатлардан яхшигина хабардор эканлигига ишора қилинади. Қолаверса, қизнинг бенихоя донолигига ҳавас қилган подшоҳнинг: «Агар шундай бўлса эди вазирим, Сарсон бўлиб кечмас эдим тахтимдан», – деган сўзларидан Бобурнинг ички армонларини, содиқ, доно бек ва маслаҳатчиларга мухтож бўлганини билиш мумкин. Шунингдек, яна ушбу чалдирмоқ орқали Назарбойнинг пасткашлиги, ёлғончилиги ва гўллиги. Бобурнинг эса одоблилиги, ақл-заковати, катталарга нисбатан ҳурмат-эҳтиромни сақлаши, ҳушёрлиги, зийраклиги, топқирлиги очиб берилиб, улар ўзаро зид қўйилади.

Хуллас, «Ойчинор» достонидаги Бобур образи ўз ҳаёти давомида аввал турли тотемлар, мифологик худолар, кейинчалик эпик баҳодирларга сиғиниб, ҳамиша адолатли подшоларни орзу қилиб келган аждодларимизнинг хоҳиш-иродасига кўра яратилган. Шунга кўра достонда Бобур адолатли, меҳр-мурувватли, доно ва топқир, халқпарвар шоҳ сифатида фольклор анъаналарига хос тарзда тасвирланган. Халқ Бобурга меҳр кўзи билан қараган, унинг феъл-атворида энг юксак инсоний фазилатларни мужассамлаштириб, эпик қаҳрамонлардек талқин этган. Бу тасвирлар орқали халқ ўзининг садоқат, вафодорлик, ҳудбинлик, қўрқоқлик, ёлғончилик, хиёнаткорлик, сотқинлик хусусидаги азалий қарашларидан сабоқ берган.

Сунита Двиведи,
Буюк Ипак йўли саёҳатчиси,
тадқиқотчи (Ҳиндистон)

«БОБУРНОМА» БИЛАН ФАРҒОНА БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Мен Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё ҳудудидан ўтадиган қисми бўйлаб воҳадаги Фарғона давлати ва тоғлар тарихини ўрганиш жараёнида «Тузуки Бобурий» («Бобурнома»)га дуч келиб қолдим. Қадимги карвон йўллари ҳамда Кобул ва Деҳлига олиб борадиган йўллар шу ҳудуддан ўтган. Саёҳатчи ва саёҳатномалар муаллифи бўлганим боис мен кўпинча маълумот олиш учун «Бобурнома»га мурожаат қиламан. Чунки бу асардан Фарғона водийсининг Фарғона, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Кобул каби

қадимги шаҳарлари ҳақида аниқ маълумот олиш мумкин. Бу шаҳарлардан Ўзбекистонни Афғонистон ва Ҳиндистон билан боғлайдиган йўллар ўтади. Бобурнинг она ватани бўлмиш Андижон Фарғона водийсида бўлиб, у тоғли Ўш шаҳри билан яқиндан боғланган. Мен у ердан туриб Андижон гўзаллигига мафтун бўлдим. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Афғонистон бўйлаб қилган саёҳатим давомида Марказий Осиёнинг «Бобурнома»да тилга олинган шаҳарларида бўлдим. Марказий Осиё ерлари ва айниқса, Фарғона водийси гўзаллиги Бобурни мафтун этган ва қалами кучини дастлаб шу ерда синаб кўрган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) тарихчи олимлар томонидан кишини ўзига тортадиган жозибадор ҳукмдор сифатида, йўқ-йўқ, боскинчи сифатида эмас, балки шоҳлар шоҳи – шаҳаншоҳ сифатида тан олинган ҳукмдор сифатида таърифланади. Ҳиндистоннинг жазирама иссик ва чанг ҳавосига бардош қилиб у ерда тож кийиб подшоҳлик қилиш, қиска вақт бўлса ҳам ҳукмдорлик қилиш ўз-ўзидан бўлаверадиган иш эмас. Тўрт йиллик ҳукмдорлик даврида Бобур «Буюк бобурийлар сулоласи»га ва фаровон турмуш ва мамлакат гуллаб-яшнаши учун пойдевор яратди, илм-фан ва санъатнинг ривожланиши ҳукмдор томонидан қўллаб-қувватланадиган салтанатга асос солди.

Олимлар Бобурни Умаршайх Мирзонинг меросхўри ва Буюк Амир Темурнинг чевараси бўлган шаҳзодагина эмас, балки, саргузаштталаб сайёҳларнинг энг улуғи сифатида қадрлайдилар. У нафақат жасур саркарда, балки ажойиб шоир ҳамдир. Унинг дунё маданияти хазинасига қўшган ҳиссасини унинг мўъжазгина Фарғона давлати тахтидан улкан ва қудратли Ҳиндистон империяси тахтигача босиб ўтган шахсий ҳаёт йўлини тасвирлаб берувчи «Тузуки Бобурий» ёхуд «Бобурнома» деб аталган хотираномасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бобур шахсияти Марказий Осиё билан Ҳиндистонни маънан боғлаб турувчи риштадир. У шахсан ўзи қўлига қалам олиб ўз ҳаёт йўлини ўз тилида баён қилиб берган XV аср ҳукмдоридир. Бу пайтларда ўз ҳукмдорлик фаолиятини муфассал тасвирлаб ёзиб, уни тарих саҳифаларига мухрлаб қолдирган ҳукмдорлар камдан-кам топилади. Бундай ишлар одатда сарой шоирларига топширилади. Ушбу хотираноманинг диққатга сазовор жойи шундаки, унда улуғ ҳукмдорнинг ўз ватанидан жудо бўлиши, мусофир юртларда ватан соғинчи, ҳукмдорнинг ҳеч бир гердаймасдан оддий фуқаро қаторида турмуш ташвишларига дуч келиши, унинг ўз мавқеини тиклаш ва уни сақлаб қолиш учун интилишлари,

бу йўлдаги омадсизликлари ва омад кулиб боққан онлардаги тантанаси каби ажиб манзаралар мароқ билан тасвирланган.

Бобурни кўпинча тарихчилар Ҳиндистон тахтини қўлга киритиш ва янги сулолага асос солиши билан тарихда номи қолган шахс, деб хато фикр юритадилар. Лекин унинг қаламига мансуб бўлган хотираномаси унинг ғолибона юришлари саҳифаларидан ёркин нур сочиб туради ва дунё маданияти тарихидан муносиб ўрин олган. Унинг муаллиф сифатидаги ҳар соҳадан мукаммал билимга эга бўлган таржимаи ҳоли, сайёҳ ва саргузаштталаб ёзувчи ва шоир сифатидаги қобилияти уни адабиёт соҳасида нозик дидли, тугал билимли ҳикоянавис сифатида кўз олдимизда гавдалантиради.

Боқижон Матбобоев,
ЎзР ФА Археология институти, т.ф.д.,
Зоҳиджон Машрабов,
Бобур халқаро жамоат фонди

ТЕМУРИЙЛАР ВА БОБУРИЙЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МОДДИЙ МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

Мустакиллик йилларида Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кўплаб тарихий шаҳарларимиз ва улуғ аждодларимизнинг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Бу борада Бобур халкаро жамоат фонди хам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмокда. Фонд кошидаги Бобур номли илмий экспедиция Амир Темур ва унинг ворислари сулоласининг тарихий меросини ўрганиш борасида, заминимиздан етишиб чиққан ва илмий кашфиётлари билан дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз хотираси билан боғлиқ осори атикаларни аниклаб топиш ва ўрганиш борасида ҳам маълум натижаларга эришди.

Темурийлар ва бобурийлар даврида яратилган моддий ва маданий мерос намуналари нафакат улар барпо этган салтанатлар ҳудудида, балки дунё-

нинг яна кўплаб шаҳарларига тарқалиб кетган. Бобур халқаро жамоат фонди уларни излаб топиш ва ўрганиш борасида ҳам эътиборли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг она шаҳри Андижонда 2000 йилдан бошлаб мунтазам археологик ишлар олиб борилди. Шаҳарнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари масалалари ишлаб чиқилди ҳамда унинг Эски шаҳар қисмидаги археологик қазишмалар натижасидаги топилмалар асосида Андижоннинг 2500 йиллик ёши масаласи бўйича хулосалар илмий муомалага киритилди. Ўзимизда ва хорижда бу хулоса қўллаб-қувватланди. Андижоннинг Бобур даврига оид осори атиқаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, шаҳристонда жойлашган илк Намозгоҳ ва Бобур даври Намозгоҳининг ўринлари аниқланди (Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З., 2012). Ҳозирда вақф ҳужжатларида тилга олинган «Бобур девори» («Девори Бобур») ўрнини аниқлаш борасида ишлар кетмоқда. Амир Темур ва унинг ворислари даври Андижон шаҳри топографияси (шаҳар таркибий қисмлари, дарвозалари, масжид ва мадрасалар ва б.) план-схемаси ишлаб чиқилди.

Фонднинг яна муҳим изланишларидан бири хорижда сақланаётган ва мамлакатимиз тарихига оид бўлган моддий маданият ёдгорликларини археологик ўрганишдан иборат. Хусусан, 2012 йилда Амир Темур излари бўйлаб уюштирилган иккита илмий экспедиция таркибида мутахассис археолог қатнашди. Дастлаб 1391 йилдаги Кондурча жангтоҳи, иккинчи сафар чоғида эса 1395 йилги Терек жангтоҳи қаерда жойлашгани ўрганилди. Биринчи илмий сафар чоғида Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида бўлиб ўтган машҳур Кондурча жанги майдони археологик-этнографик жиҳатдан маҳаллий мутахассислар билан ўрганилди (Матбобоев Б.Х., Машрабов З. З., 2012).

Майдон топографияси ҳарбий ҳаракатлар учун қулайлиги билан ажралиб туради. Ушбу майдон Амир Темур тузукларида ишлаб чиқилган талабларни деярли барчасига жавоб беради, деган фикрдамиз. Энг муҳими, мазкур майдондан айрим археологик ашёвий далиллар: 1) Амир Темур ҳарбий қароргоҳи (лагери) қолдиқлари ва бошқа осори атиқалар (темирдан ясалган қурол-яроғ намуналари) топилди. Мудофаланган вақтинчалик қароргоҳлар ҳарбий юришлардаги тактик усуллардан фойдаланишда муҳим стратегик пунктлар ҳисобланади. Амир Темур ўз юришлари пайтида мазкур истеҳкомлардан бир нечтасини бунёд этгани ва фойдалангани манбаларда, хусусан, «Зафарнома»да зикр этилади. Бу ҳақда тарихчи олимлар Б.Д. Гре-

ков ва Ю.А. Якубовскийлар «*рўбарў келаётган душман якин жойидан олд қисмида хандақлар қазилган қароргоҳлар бунёд этилгани ва хандақлар олдига тўқилган қалқон (чопар) ва мудофаа қуроллари (турлар) қўйилганини ҳамда қароргоҳларда олов ёқиш ва ҳатто қаттиқ гапириш хам тақиқланганини*» эслатиб ўтадилар. Бундай ҳарбий қароргоҳларнинг бир нечтаси маълум. Масалан, буларга мисол қилиб Эльбрус тоғи якинида Самир дарёси бўйидаги ва 1391 йил 4 июнда Ийк дарёсидан кечиб ўтиб қурилган лагерларни келтириш мумкин. Демак, Кондурча жанги учун махсус ҳарбий истеҳком-лагерь бунёд этилгани тарихий ҳақиқат. Бу истеҳком ўрнини самаралик ўлкашунослар Ю.В. Бриков ва А.А. Опарин аниклашга жиддий ҳаракат килганлар. Улар аниқлаган истеҳком космик суратларда хам кўринганига ўзимиз гувоҳ бўлдик. Самараликлар фикрича, лагернинг жануб ва жануби-ғарб томонларини икки дарё: Кондурча ва Сок дарёлари табиий равишда ҳимоя этади. Шимоли-ғарб ва шимоли-шарқ томонларининг олд томонида хандак қазилган, кўтарма ёки тупроқ девор кўринишдаги сунъий ғов билан мудофаа этилган. Хандақ эни ҳозирда 4 метрга, кўтарма эни эса 8 метрларга боради, ҳар икки ҳолда ҳам улар чуқурлигини аниқлаш қийин, чунки 600 йилдан зиёдроқ вақт ўтган. Мудофаа иншоотининг Сок дарёсининг қуриган ўзанидан бошланиб, Малая Каменка кишлоғигача (9600 метр) давом этган ва шу ердан бурчак остида кайрилиб Кондурча дарёси кирғоғи билан туташган (3900 метр). Ҳар 535 метрда (ёки 750 қадамда) махсус кириш дарвозалари ясалган кўринади, улар сони 19 та. Шу тарика 40–45 кв.км ҳудудда юқоридан қараганда тўртбурчак кўринишда вақтинчалик қароргоҳ-лагерь қурилгани пайқалади. Лагернинг табиий ҳимояланмаган икки томонини сунъий ўраб олишда деярли барча аскарлар қатнашгани учун бир неча кун кифоя бўлган. Мудофаа истеҳкомларини тиклашда тупроқдан ташқари бошқа қурилиш материалларидан фойдаланилмаган.

Демак, Бобур фонди мамлакатимиздан ташқаридаги сақланган археологик объектларни ўрганиш ишларини бошлади ва, айтиш мумкинки, ўз фаолиятида янги йўналиш саҳифасини очди. Сўзсиз мазкур илмий изланиш жараёнини давом эттириш ўтмиш тарихимизни янги маълумотлар билан бойитади.

Юрий Брыков,
директор Музея истории
Красноярского района Самарской области

ИЗ ИСТОРИИ ПРОВЕДЕНИЯ ВОЕННО-ИСТОРИЧЕСКИХ И ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ ФЕСТИВАЛЕЙ «БИТВА ТЕМУРА И ТОХТАМЫША» В САМАРСКОЙ ОБЛАСТИ

На территории Российской Федерации много исторических мест, связанных с именем Великого Темура и его предков. Мы бережно храним и пропагандируем их среди населения и особенно среди молодежи.

18 июля 1391 года на реке Кондурче, реке Бобров (как ее именуют местные жители), между войском хана Золотой Орды Тохтамыша и армией Эмира Темура состоялась грандиозная битва. Всего в ней участвовало до 400 тысяч человек на площади свыше 100 квадратных километров. В грандиозном сражении великий полководец Темур одержал трудную победу и отпраздновал ее на знаменитом Царевом Кургане (Красноярский район Самарской области). Так гласит легенда. После битвы Золотая Орда окончательно утратила свое единство. Судьбы народов обширной территории Евразии изменились. Именно этот исторический факт и был избран для проведения военно-исторического фестиваля «Битва Темура и Тохтамыша» в Самарской области.

I-й фестиваль состоялся около села Старый Буян Красноярского района Самарской области с 17 по 20 июля 2003 г. Рядом протекает река Кондурча, проходит автомагистраль № 5 «Урал», расположен международный аэропорт «Курумоч», железная дорога «Москва – Самара – Ташкент».

Цели фестиваля: использование историко-культурного наследия Самарской области, применение его для молодежной среды; развитие отечественного культурного туризма; развитие уважения к национальным культурам народов Евразии; поиск новых форм спортивной и военно-патриотической работы среди населения. Участниками I-го фестиваля стали 20 военно-исторических клубов из 14 городов России и Украины. Отрадным событием для бойцов был также интерес со стороны публики и зрителей не только к самому турниру, но и к этнографическим площадкам и деятельности самих клубов. **Организаторы I-го фестиваля:** Самарский областной историко-краеведческий музей им. П.В. Алабина, при участии Национального му-

зея Республики Татарстан, Государственного музея-заповедника «Куликово Поле», Музея истории Красноярского района Самарской области, военно-исторических и ролевых клубов России, при поддержке Департамента культуры Администрации Самарской области, Управления по делам туризма Департамента промышленности торговли Администрации Самарской области, Администрации Красноярского района Самарской области. ***Фестивали «Битва Темура и Тохтамыша» проходили в 2005, 2006, 2008 гг.*** Сравнительно небольшая поляна у моста через реку Буян (вблизи автотрассы Самара – Ульяновск) на сутки заполнилась шатрами и палатками. Обычная грунтовая дорога превратилась в фестивальную улицу, украшенную флажками и плакатами. Пологий склон холма на несколько часов стал зрительным залом, способным вместить до 10 тысяч человек. В шатрах и под открытым небом гости фестиваля увидели много интересного. На поляне были и уже традиционные, и новые площадки. «Восточный базар» – одно из наиболее популярных мест на фестивале. Экзотические товары прекрасно сочетались с песнями, танцами и этнической кухней. Мастера-реконструкторы с гордостью демонстрировали свои изделия – шлемы, кольчуги, мечи, арбалеты, украшения костюма. В восточном базаре («Этнографическая деревня») приняли участие около 100 ремесленников из 13 районов Самарской области. В фестивале приняли участие профессиональные певцы и танцоры – фольклорные коллективы Красноярского и других районов области. Узнать больше об исторических событиях, связанных с битвой, помогла археологическая выставка. В 2003 г. к первому фестивалю сотрудниками отдела археологии СОИКМ им. П. Алабина в Музее истории Красноярского района была открыта выставка «Темур, Тохтамыш и Золотая Орда». В 2005 г. выставка «Битва 1391 г. на реке Кондурче» сумела принять за 4 часа более 2,5 тысячи посетителей.

На фестивале прошли мероприятия: 1) Семинар по исторической реконструкции, на котором были сделаны доклады: «Реконструкция хода сражения и проблемы определения конкретного места битвы», «Реконструкция мужского костюма Средневековья», «Средневековые луки Востока и Запада», «Военно-полевая медицина в Средние века». 2) Конкурсы исторического костюма и исторических доспехов и оружия. 3) Турниры: фехтовальный турнир, турнир стрелков из лука, турнир метателей ножей. 4) Конкурс этнографических площадок. Первые четыре фестиваля на подлинном месте события всемирно-исторической важности способствовали развитию куль-

турного туризма и укреплению межэтнической толерантности в Самарской области. «Развитие проекта в дальнейшем будет также включать в себя обогащение фестиваля достижениями традиционной художественной культуры народов Поволжья и Средней Азии, для чего будут развиваться контакты с учреждениями культуры областей Поволжья, Узбекистана и других стран». Такой вывод сделали организаторы первых самарских фестивалей. Фестиваль должен стать традиционным, ежегодным культурным событием, привлекающим растущее число туристов.

МУНДАРИЖА

Анжуманнинг мақсад ва вазифалари ҳамда илмий-амалий аҳамияти..... 3
Зокиржон Машрабов. Бобур халқаро жамоат фонди ва бобуршунослик (Бугуни ва истиқболи)..... 7
Эйжи Мано. XV–XVI асрларда Марказий Осиё ҳукмдорларининг раият билан учрашиш маросимлари..... 11
Азиз Қаюмов. Ўзбекистондаги Бобур ижодий меросининг илк тадқикотчилари (1930–1958)..... 12
Клаус Шониг. «Бобурнома» – бетакрор асар..... 13
Магда Махлуф. Бобуршоҳ араблар ҳаётида..... 14
Хумера Наз. Ҳиндистон Бобур назарида: Бобур хотираларига танкидий назар..... 15
А.Аъзамов, О.Бўриев, О.Жўрабоев, Б.Йўлдошев, В.Раҳмонов, Қ.Эргашев. «Бобур энциклопедияси»: муаммолар ва ечимлар..... 16
Александр Опарин. Новые данные о военной ставке Амира Темура в Поволжье..... 20
Абдулла Аскарий. Бобур жаҳон маданияти тарихида..... 23
Дилором Юсупова. Хондамирнинг Бобур ва бобурийлар билан муносабатлари..... 24
Шониёз Мусоев. «Лата' иф ал-ахбар» Рашидхана Туни – важный источник по истории государства бабуридов..... 25
Ашраф Аҳмедов. Бобурнинг географик тасаввурлари..... 27
Омонулло Бўриев. «Бобурнома» да Марказий Осиё топонимияси..... 28
Абдумажид Мадраимов. Бобур ва бобурийларнинг китобат ва расм санъати тараққиётига қўшган ҳиссаси..... 29
Ҳамидулла Дадабоев. Бобурнинг жаҳон ҳарбий санъатидаги ўрни..... 31

Сайфиддин Жалилов. Бобурнинг Фарғона давлати 33
Собир Мансуров. Махдуми Аъзамининг «Рисолаи Бобурия» асари 36
Мирмаҳмуд Мирсайдуллаев. Бобурнинг касаллик тарихи 38
Каримжон Тойжонов. Ҳиндистон ўсимликлари Бобур тавсифида 39
Элмурод Шерназаров. Бобур фаолиятида биологик ресурслардан барқарор фойдаланиш ғояси 42
Ёқубжон Исҳоқов. Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёқарашига доир 44
Ғофуржон Сатимов. Ҳинд тарихида янги давр 45
Дилором Ёрматова. «Тарихи Рашидий»да Марказий Осиё табиатининг тавсифлари 48
Пэри Бенедек. Бобурнинг «Топилмас» радифли ғазали ва унинг туркий мумтоз поэзиясида тутган ўрни 50
Фоиза Зеҳра Мирза. «Бобурнома»нинг Покистондаги қўлёзма нусхалари ва таржималари 51
Азизиддин Ҳусайн. Рампур шаҳридаги Разо кутубхонасида сақланаётган «Бобур Девони»нинг ноёб қўлёзма нусхалари 51
Билол Южел. Бобурнинг маснуъ шеърлари хусусида 52
Воҳид Турк. ТУР – ноаниқ феъли ва Бобур девонидаги қўлланилиши 53
Рахиммаммет Куренов. Текстологические особенности пакистанской копии произведения Бабура «Мубеййин» 54
Абдулла Аъзамов. Бобур ўз девонини анъанавий тартибга солмагани хусусида 55
Суйима Ғаниева. Бобурийлар сулоласига мансуб ижодкорлар 58
Неъмат Отажонов. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида 60
Отабек Жўрабоев. Бобур девони манбаларининг матний тадқиқи 63
Зулхумор Холманова. «Бобурнома»да руҳиятни ифодалаш маҳорати 64
Нусратулло Жумахўжа. Бобурнинг ғазалнавислик маҳорати 67
Ботирали Йўлдошев. «Жаҳонгирнома» асарида Бобур тимсоли 69
Исмоил Бекжонов. Мутрибий тазкираларида Бобур ва бобурийлар 71
Боқижон Тўхлиев. Таълимда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш 73

Баҳоб Раҳмонов. Бобур шеърияти ва матн муаммоси 75
Жаҳонгиддин Жўраев. Бобурийлар даври адабиётида муаммо жанри 77
Иброҳим Ҳидоёр. Эронда Бобуршунослик..... 79
Алмаз Ульви. Захириддин Мухаммад Бабур в Азербайджанской научно-теоретической мысли 80
Мунаввар Тожжан. Туркияда Бобур шахсияти ва «Бобурнома» асари устидаги тадкикотлар..... 82
Асилбек Алиев, Бахтиер Тухтаматов. Взаимоотношения Мухаммада Бабура и сыновей 83
Ҳасан Қудратуллаев. Бобур – буюк бунёдкор 87
Адҳамжон Аширов. «Бобурнома» – муҳим этнографик манба 89
Назора Бекова. Анъана асосидаги янгилик..... 90
Нозим Хабибуллаев. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг саркардалик фаолияти тўғрисида 92
Нажмиддин Низамиддинов. Бобурийларнинг Россия билан савдо муносабатлари тарихига доир 94
Сайфиддин Рафиддинов. «Бобурнома»да Хожа Убайдуллох Ахрор сиймоси 98
Дилдора Хошимова. «Бобурнома»да ҳукмдорлар феъл-атвори талкини 100
Мақсуд Асадов. Бобур ижодида май ва соқий тимсоли 102
Асрор Қаюмов. «Бобурнома» – этник жараёнларни ўрганиш манбаи 105
Иброҳим Ҳаққул. Бобур шеъриятида шахсият ва ҳол уйғунлиги 106
Ҳамидулла Болтабоев. Бобур асарларида адабиёт назарияси масалалари..... 108
Мунисжон Ҳакимов. Бобур ғазалиёти ва мухаммаснавислик..... 110
Қодиржон Эргашев. Навоий насри ва «Бобурнома» 111
Абдулла Улугов. Мумтоз ва ҳозирги замон ўзбек адабиётида Бобур тимсоли. 112
Ҳалим Ёркин. Бобурий хат ҳакида 113
Карамат Муллахўжаева. Бобур ғазалларида ирфоний мазмун 116

Эргаш Очилов. Бобур қўллаган адабий истилохлар хақида 118
Иқболой Адизова. Бобур рубоийларида бадиий маҳорат 120
Шуҳрат Ҳайитов. Бобур асарларининг туркча таржималари хақида 121
Босим Тўйчибоев. «Бобурнома»да – тилшунослик 124
Нодира Афоқова. Навоий, Бобур ва Фитрат рубоий вазни хақида 125
Ислом Жеменей. Турк оламидаги буюк шахс 126
Илҳом Ғаниев. Шоҳ – шоир 127
Тўлқин Сайдалиев. Бобур лирикасининг русча таржималари 129
Баҳриддин Умурзоқов. «Бобурнома»да Хожа Аҳрор авлодларининг зикри 131
Ёркинжон Одилов. Бобур лирикасида оксиморон 134
Ҳамидбек Ҳасанов. Бобурнинг «Мубаййин» асари қўлёзма нусхалари 138
Сурайё Эшонқулова. Нодира шеъриятида Бобур сиймоси 139
Муҳаммад Абдуллаев. Бобур ва Убайдий 141
Насиба Бозорова. Бобур шеъриятида кўнгил образи 142
Шоира Аҳмедова. Бухорода бобуршунослик 145
Хусниддин Эшонқулов. Бобур ғазалиётида ишқ ва ошиқлик талқини 147
Йўлдош Раҳматов. Халқ достонларида Бобур сиймоси 149
Сунита Двиведи. «Бобурнома» билан Фарғона бўйлаб саёҳат 152
Боқижон Матбобоев, Зоҳиджон Машрабов. Темурийлар ва Бобурийлар билан боғлиқ моддий маданият ёдгорликларини ўрганиш муаммолари ҳақида 154
Юрий Брыков. Из истории проведения военно-исторических и этнокультурных фестивалей «Битва Темура и Тохтамыша» в Самарской области 157

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Халқаро илмий анжуман материаллари

„O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент –2013

Муҳаррир *С. Ҳўжааҳмедов*
Бадиий муҳаррир *Ш. Ҳўжаев*
Техник муҳаррир *Т. Грешникова*
Компьютерда саҳифаловчи *Ф. Хасанова*
Мусаххих *М. Ибрагимова*

Нашриёт лицензияси AI №161. 14.08.2009. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 3.06.2013. Бичими 70 x90$^{1}/_{16}$. Кегли 10 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Шартли б.т. 12,28. Ҳисоб-нашриёт т. 10,15.
Адади 300 нусха. Буюртма №125-13.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 129. Навоий кўчаси, 30-уй.
//Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.
Шартнома № 07-112-13.

63. 3(5Ў)4
3-12

„Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни“: халқаро илмий анжуман материаллари/ таҳрир ҳайъати: А. Аъзамов, Б. Абдуҳалимов, З. Машрабов ва бошқ.; масъул муҳаррир: В. Раҳмонов; таржимон Ғ. Сатимов. – Тошкент: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2013. 168 б.

ISBN 978-9943-02-666-7

УЎК : 94(575)
КБК 63. 3(5Ў)4

ҚАЙДЛАР УЧУН

© „O'qituvchi" NMIU
100206, Toshkent sh., Yangishahar ko'chasi, 1.
Tel.: (+99871) 224-04-12
E-mail: info@oqituvchi.uz
Web-site: www. oqituvchi.uz

